

**РАДИЙ ФИШ**

**ЖАЛОЛИДДИН  
РУМИЙ**

*Тарихий-биографик роман*

*Иккинчи нашр*

**Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент-2005**

83. 3 (0) 4

Ф 74

Русчадан  
Ўзбекистон халқ шоири  
**ЖАМОЛ КАМОЛ**  
таржимаси

*Масъул муҳаррир:*  
филология фанлари номзоди  
**Абдумурод ТИЛАВОВ**

Ф 74 **Фиш, Радий.**  
Жалолиддин Румий: Тарихий-биографик роман. – 2-нашр /Радий Фиш; Масъул муҳаррир: Абдумурод Тилавов; Русчадан Жамол Камол таржимаси. – Т.: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005.-248 б.

Бу китоб улкан шеърӣй мерос қолдирган буюк сиймо Жалолиддин Румий ҳақидадир. Мана неча асрлардан бери шоирнинг ғазал ва рубоӣй, қасида ва маснавийлари жаҳон китобхонлари қўлидан тушмай келади.

Жалолиддин Румийни Саъдий Шерозий, Ҳофиздан тортиб то Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоӣй ва Бобурлар ҳам ўзларига устоз санаганлар. Унинг асарларини чанқоқлик билан мутолаа қилганлар.

ББК 83.3 (0) 4+86.38

Ф 4702010201 – 12 2005  
М 352 (04) – 2005

© Жамол Камол, Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005. (Тарж).

ISBN№5=635=02320=7



---

**Биринчи боб**

**НАЖОТ**

---

## ТОМДАГИ БОЛА

Қишнинг қирмиз қуёши ботиб борар, унга қарама-қарши ёқдан – Балх шаҳрининг атроф-теварақларига таралиб, шафаққа чулганган дашту саҳроларни тўлдириб, шамол эсар эди.

Товонига қадар узун тўн кийиб, кенг елкаларига қўлларини суқиб, тирсақларини тутамлаб олган Жалолиддин шу пайт лой-шувоқ уйнинг ясси томида турар, кўз узмай пастга, чумоли уясидек ғужғон ўйнаётган одамлар оқимига қарар эди. Донишмандларга бовар этиладиган бўлса, улар икки минг йилдирки шу ерда уймалашиб ётишибди. Босқинчилар неча бор бу жойни ер билан теп-текис қилиб ташлашди, лекин ҳамон ўша-ўша – турфа, ола-қуроқ тилли, шовқин-суронли, тақводор уя ҳамон фивирлагани-фивирлаган.

Амир кўрғони Ҳиндувон бир-бирига айқашиб, чорсу билан кесишган қумсувоқ томлар, ҳаммомлар, мадрасаю хонақоларнинг қаторлашган гумбазлари оша юксалиб турар, аммо масжиди жоменинг миноралари ундан ҳам узаниб, нақ суйи ҳавога бўй чўзган эди.

Балхобнинг бўтана сувига тўлган каналлар қуюқ япроқли, туташ боғлар оралаб жимиллаб оқар, ер ости қувурларига кириб, кўздан ғойиб бўлар, яна қалъа деворидан нарида пайдо бўлиб, ариқларда шилдирар, теварак-атрофдаги қишлоқларнинг қизғиш тупроқли далаларига обиҳаёт элтарди.

Қўш бозор-гузар узаниб, то қалъа деворига туташ еригача, кафтдек кўриниб турибди. Дўконлар бекила бошлаган, Муҳтасиб шотирларини эргаштириб, савдо-тижоратни пайғамбар русумидек жорий этишларини кузатиб, растама-раста айланиб юрибди. Аслаҳасозлар кўрасидаги олов милтираб-милтираб сўнди, мисгарлик, заргарлик, бешиксозлик, аравасозлик расталаридаги қулоқларни батанг қилувчи тараққо-туруқлар тинди, пичоқ чархловчи дастгоҳининг илондек вишиллаган овози ўчди. Олис, бўм-бўш кўча бўйлаб бир гуруҳ турк сарбозлари от ўйнатиб боришарди, улар шаҳарнинг етти дарвозасида қоровулик набатини бошқаларга топширишган эди.

Томдаги бола жунжикиб, шамолга орқа ўтирди. Шаҳарнинг кулранг хом ғиштидан қурилган шарқий Навбахор дарвозаси гумбазлари ботаётган кўёш ялғуғида, нақ ёнаётгандек, ловуллаб кўринарди: бугун отаси масжиди жомеда башорат қилиб айтган даҳшатли зарбага биринчи бўлиб ана шу дарвоза дучор бўлади.

Бугун кейинги ҳафта ичи, то ота қўрғони пулланиб, ойисининг маҳрига тушган боғлар, узумзорлар сотилар экан, уйларида одам аримеди. Ичкари ҳовлида отасининг кекса энагаси Насиба-хотун ун чиқазмай, кўз ёшларини юта-юта – отаси кўз ёши тўкишни ман этган – иш юритар, гиламлару бўйралар, кўрпа-ёстиқлару жойнамозлар йиғиштирилиб, бирин-бирин тутун қилинар, мис баркашлар, жомлар, кўзалар, лаган ва манқаллар саранжом-саришта этиларди. Отасининг шогирд ва муридлари эса савдогарлар билан савдолашиб, карвонбошилар билан битишишга интиларди. Ана шу ташвиш, югур-югур ичида пайғамбар авлоди саидлар ўрайдиган кўк салланинг печи денгиз ортидан келган ғаройиб қўшнинг қанотидек тинимсиз ҳилпираб турарди. Отасининг халфаси – Саид Бурҳониддин чўзинчоқ юзи, узун, қотма гавдаси билан чиндан ҳам йиртқич бир қушни эслатар, у қай бир ишга уннамасин, муқаддас китобларни қироат қилишми, тиловат этишми, устозининг панднасихатларини тинглашми ёки унинг болаларига сабоқ беришми, хуллас, ҳаммасини чин жазму жазава билан адо этарди.

Китобларни отасининг ўзи саралаяпти: жилд-жилд ҳадислар – пайғамбарнинг ҳаёти ва панду ҳикматлари ҳақида ривоятлар, ҳуқуқи ислом-шариат билимдонларининг ишлари, Мутаннабий, Санойй, Агтор каби шоирларнинг девонлари, Ғаззолий, Ал-Хоразмий каби алимларнинг шикаста хатти насталиқ ила битилган асарлари. Бу ер, яъни Хуросоннинг онабош шаҳри Балхда, Ҳиротда, Хоразму Самарқандда, Нишопуру Табризда, Дамашқда, Нажафу Басрада, хуллас, маърифатли ислом оламининг барча гўшаларида хаттотлар томонидан кўчирилган китоблар. Чарм ёки ёғоч, сахтиён ёки заррин муқоваларга жо этилган, Балх воизлари ва уламоларининг неча-неча насл-насаби томонидан йиғилган, авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтган мусаннафот<sup>1</sup> унинг қорача, кенг кафтлари орасидан мунтазам оқарди.

Саид Бурҳониддин танланган китобларни икки қўллаб, таъзим-тавозе ила олар, кейин ҳовузли ҳовлига ташиб, эҳтиёт билан намаз устига тизарди. Саккиз қиррали ҳовуз бўйидаги мажнунтол тагида китоблар аввал намаз, кейин хомчарм билан ўра-

---

<sup>1</sup> Бу ерда «асарлар» маъносида.

лар, энди уларга на кечиб ўтилажак тоғ дарёлари тўлқинию, на босиб ўтилажак жазирама саҳролар ёлқини асар эта оларди. Ҳар бири нақ пахта тойидек келадиган, аммо ундан уч карра оғир-роқ китоб бойламлари ўн туяга етиб ортарди, лекин ота ҳамон китоб саралагани-саралаган...

Жалолиддин акаси билан Саидга эргашиб, кутубхона эшигига келиб кўрдик, отаси лавҳа қўйилган бир китоб олдида тиз чўкиб ўлтирибди. Уни Қуръоннинг қутлуғ саҳифаларини варақлагандек, оҳиста варақлайди, бармоқлари билан силаб-сийпайди, вужуди енгил чайқалиб, лаблари унсиз шивирлайди, нигоҳи деворга қадалган.

Саид Бурҳониддин устозини сўзсиз англади эди. Зеро, айтилажак сўзлар аллақачон айтиб бўлинган, кейин ижоза, яъни шогирд устозига аён бўлган ҳамма нарсани идрок айлади, энди Ҳақ сўзини мустақил талқин этишга ҳақлидир, деган муҳрли шаҳодатнома неча йилдирким унинг ҳужрасида ётибди. У узоқдан туриб, тимқора сиёҳ билан битилган хатти насталиқнинг живир-живир маржонию айрим бир сўзларнинг олий маъносига ҳурмат ишора этувчи қирмиз нуқталарига қараб китобни таниди. Бу «Шайхи Валитарош» деб ном қозонган<sup>2</sup> Аҳмад ибн Умар Абул Жониб Нажмиддин Кубро қаламига мансуб тафсири Қуръон эди.

Бир замонлар ҳозир лавҳ олдида тиз чўкиб ўтирган бу девқомат, улугвор қария Хоразмга бориб, Шайх Нажмиддин Кубро остонасига бош урган, унга мурид тушиб, ўзи кейин Саидга берган шаҳодатномадек муҳрли ижоза олишга мушарраф бўлган эди. Ҳозир у пири муридидин юзларча фарсаҳ берида, унинг сўзи олдида тиз чўкиб тураркан, шайхга ғойибона видо айтар, гўё ундан узри-маъзур сўрар эди, зеро, у она шаҳрини тарк этишга шайланар, Шайх Нажмиддин Кубро эса ҳеч қачон бундоқ қилмаган бўлурди.

Устози, кекса Баҳоуддин Валадга қараб, Саиднинг юраги ачишиб кетди.

Лекин Оллоҳдан бўлак ҳеч кимсанинг олдида тиз чўкмайдиган отасининг тиз чўкиб туриши Жалолиддинга таъсир этмади. Шу кунларда у олис сафар гаштини сураб, ўзи ҳали кўрмаган ўлкаю мамлакатлар, шаҳру салтанатлар томошаси завқини тотиб, шодиёна бир ҳаяжон қўйнида яшарди.

Ўн икки яшар бола ҳали ҳижрон нималигини билмасди.

Фақат ҳозир, қадрдон уйи — ота макони томида сўнгги бор туриб, шафақ алангасига чулганган шаҳарга боқаркан, томоғи-

<sup>2</sup> Шайхи Валитарош — Валийларга сайқал берувчи шайх.

га бир нима келиб тиқилгандек бўлди. Яна қулоқлари остида отасининг масжиди жоме гумбази остида гулдираган ғазабли овози эшитилди:

– Эй Вахш қозиси, эй Фахриддин Розийга эргашиб, ҳақ йўлидан адашган осийлар! Эй хоразмшоҳ Муҳаммад! Маълумингиз бўлмайким, фоний дунё жаҳолати кўзингизни кўр қилмиш! Худбинлик сизни бепарволик ва беписандлик домига солмиш! Беписандлик муқаррарким қора кирдикорларга элтур. Мана, жаҳолат – қаёқдан, ақлларнинг сафолати – қаёқдан, пучак рўёлар, ифлос ҳою ҳаваслар, куфри-иштибоҳлар – қаёқдан! Сизга идрок бегона, инчунин, ўз салтанатида қойим худбинлик ҳавоси онқадар баланд. Аммо дейилмишким: «Худбинлик ҳукмрон салтанат – салтанати лайъиндир!»

Намозжумада отаси шундоқ деб нидо солди. Халойиқ шаҳарнинг уламоий кироми сўзини кўрқув ичра, ердан бош кўтармай, тинглади. Шариат исмидан сўз айтиб, шариат исмидан ҳукм юритган, шоҳ ҳурматиини қозонган қозилол қуззот, муқаррибус султон Розийни бедиёнат дейиш! Бу ҳам етмагандай, мусулмон дунёсининг энг қудратли ҳукмдорларидан бири – Хоразмшоҳни ҳам қўшиб, маломат тифига тортиш! Йўқ, бунақаси ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермасди.

## ХОРАЗМШОҲ, УЛАМОЛАР ВА СЎФИЙЛАР

Воиз Баҳоуддин Валад «худбинлик руҳи» деб нимага шама этаётгани ҳаммага аён эди. Бегийиқлик ва худписандликда хоразмшоҳ Муҳаммад ном қозонган эди. Ўзини жумла мўминларнинг пушти-паноҳи ва нажоткори деб атаган бу подшо Балх шаҳрига шу қадар кўп бож-хирож солган эдики, бундан олдинги олиқ-солиқлар унинг олдида сариқ чақа бўлиб қолган эди. Бунинг устига, у тўхтовсиз уруш-юриш қилар, салтанат кетидан салтанат забт этар, бироқ ўз мамлакати ичидаги ҳар турли тафриқаю исёнлар, қароқчилигу талон-тарожларга барҳам беролмасди.

Балх дунё йўллари устида жойлашган эди. Чин-Мочиндан – Дамашққа, Маккага Муқаррамага, Мисрга, Ҳиндистон ва Тибетдан – русларнинг совуқ ўлкаларига, Бухорою Самарқанддан – Византиянинг кофири лайъин императори, эпчил фаранглар диёрига элтувчи йўллар шу ердан ўтарди. Жангу жадаллар, йўллардаги талончиликлар, шоҳ саройидаги куфрони неъмат Балх маъмурлигининг икки дарахти – ҳунар ва тижорат илди-зига болта урарди. Кўндандир ҳунармандлар жамоаси – ахийларнинг яширин мажлисларида, савдогарларнинг қарвонсаройларида ҳукмдор шаънига таъна-дашномлар айтиларди.

Дин пешволари ҳам норози эдилар. Ҳар куни растаю гузарлар, масжиду работларни садақа сўраб айланган минглаб қаландарларнинг кашкуллари камдан-кам танга жиригини туярдди. Мадрасаларда илми илоҳиёт ва ақоиди шариатдан дарс берувчи уламоларнинг ҳам ризқи кесилган, хайри худойилар камайиб қолган эди. Бой-бадавлат шаҳарликларнинг саховати эвасига кун кечирувчи хонақоҳ аҳли-шайху дарвешларнинг ҳам аҳволи танг эди.

Дарвоқе, уламолар учун биргина йўл – шоҳ хизматига бел боғлаш, сердаромад қозилик мансабини эгаллаш, сарой уламосига айланиб, ҳукмдорларнинг ҳар турли ишларига фатволар бериш йўли мавжуд эди. Бироқ ҳамма ҳам ўз жонини шайтонга сотишга, Вахш қозиси каби ақча эвасига мусулмонлар устидан ҳукм чиқазишга ёки яқинда вафот этган Фаҳриддин Розийга ўхшаб, подшонинг анвойи кирдикорларини фатво билан устивор этишга рози бўлавермас эди. Уламолар салтанатлари кўз очиб юмгунча тупроқ бўладиган фоний ҳукмдорларга эмас, балки воҳид ва абадий Аллоҳга хизмат қилишлари лозим, зеро, Аллоҳ ҳақиқат зикрини уламолар сўзи ила изҳор этади. Бунини Баҳоуддин Валад ўз тажрибасидан билади, зотан, унга ғойибдан ишорат бўлган эди.

Моҳи муҳаррам-рамазонда кундузги рўза машаққатлари, тунги бедорлик ниҳоясида уни уйқу элитгандай бўлди. Ана шунда у туш кўрди. Тушида гўё Муҳаммад алайҳиссалом уни, Баҳоуддин Валадни минбаъд Султонул Уламо деб аташни амру маъруф айламишди.

Баҳоуддин Валад ажиб бир титроқ ичра, кўзларидан дувдув ёш куйиб, уйғонди. Ўша кундан эътиборан фатволари остига «Султонул Уламо» деб имзо чекадиган бўлди. Бутун умрининг маҳсули бўлмиш «Маориф» китобига ҳам шундоқ деб имзо қўйди.

Бунга на Вахш қозиси, на қози Зайниддин Фарозий рози бўлишди. Гарчи ўз тақводорлиги билан машҳур бўлган кекса Марвозий унга ҳам ғойибдан ишорат бўлганини, тушида мунаввар бир сиймо кўриниб, Баҳоуддин Валадни ўшандоқ унвони олий ила аташга амр этганини айтса-да – рақиблар батар ҳасадга миниб, мазкур унвонни Баҳоуддиннинг фатволари ва китоби саҳифасидан ўчиришни талаб қилишарди. Эмишки, у албатта уламои киром, аммо Хуросонда ўшандоқ уламолар озми? Боз устига унинг ақл назари яғир қирчангининг кўзидек қосир эмиш: ҳақиқатнинг руҳига эмас, ҳарфига ёпишиб олганмиш, эски ақидаларни илму урфон югукларига суяниб, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган замонларга мослаб, талқин қилувчи алломаларни ҳақорат этармиш..



«Ғойибдан бир йўла икки ишорат бўлсаю, булар бовар этиш-маса! Бу не куфр, бу не қабоҳат! Юнон фалсафаси касрига учраган бу янги тариқатчилар фақат илоҳий иқтидорга ошқор бўлгувчи ҳақиқатни ақл-тафаккур кўмагида асосламоқчи бўладилар. Оллоҳ мавжудиятини мантиқ йўли билан далиллашга уринишдан ҳам ортиқроқ иштибоҳ бўлурму! Ҳаммаси – муғомбирлик ила ақл-фалсафа сотиб, хоразмишох Муҳаммад кирдикорларини оқламоқ учун. Негаки, унинг ҳаром нонини ейишган-да!..»

Баҳоуддин Валад ўз ҳақлигига комил ишонч ила шундоқ деб ўйлар эди.

Эҳтимолки, етти аср кейин яшаган китобхон не сабабдан шунчалик тортиш-талаш бўлганига кулиб, қадимий Балх шаҳридан чиққан уламо Баҳоуддин Валадни бор-йўғи авом бир мутаассиб деб ўйлар. Ҳа, албатта, у ўз эътиқоидида мутаассиб эди ва етти юз йилдан сўнг оддий бир мактаб талабаси ҳам чўпчак ҳисобловчи тасавурларни ҳақиқат деб билар эди. Бунга сабаб, ўша замон тафаккурига мансуб ҳамма нарса – илми нуҷум ва кимё, илми ҳандаса ва ҳуқуқ, илми тарих ва сарфу наҳв, Ибн Синонинг «Аль-Қонун»и, Афлотун ғоялари, таркидунёчи сўфийларнинг фалсафий назариялари унга аён эканлигидаю ва унинг, кўплаб замондош олимлар сингари, ақлу идрок яшашнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этишдан ожиздир, деган ақидасида эмасмикин? Зеро, ўша давр тафаккури мазкур муаммоларни ҳал этишга ожиз эди.

Унга рақиб бўлган уламолар эса бир оз бошқачароқ фикр юритишарди. Улар арастучаларнинг тағ-сири остида мантиқий далилларни ишга солишар, шу йўлдан қотиб қолган ақидаларни янги тарихий шароитларга мослашар, эҳтимолки, алалоқибатда тафаккурни ўша ақидалар занжиридан озод этиш йўлида янги бир қадам куйишарди. Ҳа, фақат алалоқибатда. Аммо улар қўлга киритган ўша зигирдек, чекланган озодлик дастлабки пайтларда зулмнинг янада қарор топишига, ақидалардан бўшаган истибоднинг авж олиб кетишига хизмат қиларди.

Омманинг озод бўлиш йўли тафаккурнинг озод бўлиш йўли билан мусовий эмас. Ф.Энгельснинг таъбирича, халқ оммаси кўпинча ўзининг энг муҳим ҳаётий талабларига уवादаси чиққан илоҳий либослар кийгизади.

Эркин фикр маҳсулидан кўп ҳолларда биринчи галда эзувчилар баҳраманд бўлишади.

Ёлғиз юксалиш орзуси, ёлғиз мутаассиблик эмас, шаҳарликлар имдоди, оддий фуқаро билан боғланган руҳонийлар мададини жонли ҳис қилиб туриш Баҳоуддин Валаднинг ўз ҳақлигига эътимодини оширар, ишончига ишонч қўшар эди.

Бу борада такаббурлик билан ўзини «Худонинг ердаги сояси» деб атаб, шу сўзларни подшолик муҳрига ўйдириб ёздирган хоразмшоҳ Муҳаммад шайхларнинг бир таъзирини бериб қўймоқчи бўлди. Шайхлар фуқаро ўртасидаги ўз таъсир – нуфузларидан фойдаланиб, унинг бебошвоқ ҳокимиятини чеклашга интилишарди. Хоразмшоҳнинг қаҳр-ғазабни машхур сўфий ва шоир Шайх Маждиддин Бағдодийнинг бошига ёғилди.

Баҳоуддин ва Бағдодий ўртасидаги равобат туғишган оғанидан ҳам зиёда эди. Улар устози ягона – Шайх Нажмиддин Кубро хонақосига бир пайтда қадам босиб, унга иқтидо этишган эди. Шайх уларнинг иродасини букиб, ўзига бўйсундирди, гўё уларнинг кўнгил дафтарида қайт солган, тушуниксиз битикларни ўчириб-сидириб ташлади. Сўнг Самарқанд қоғозидек мусаффо тортган юракларга ўз ёзувларини солди. Ҳақ йўлдан ҳеч нарса айнитмасин учун иродаларини фидойилик синовлари ва жасоратлар оловида қайта тоблади. Улар аввал ҳеч кўрилмаган қисқа бир муддатда бошқаларга пешвозлик қилиш ҳуқуқи – ижоза олишга мушарраф бўлишди.

Бироқ уларнинг табиатларида тафовут бор эди. Шунга кўра, шайх уларни бошқа-бошқа йўлдан бошлади. Баҳоуддиннинг қизиққонлиги қаттиққўллик билан омукта этилгач, мўътадиллашди. Бу хислатлар кенг билимлар билан қўшилишгач, у ёлғиз сўфий воиз эмас, шариат билимдони, ҳалол-ҳаром масалаларида дадил баҳс юритувчи алломаи замон бўлиб танилди.

Бағдодий эса ўз юрагига кўмилиб, оташин жазаванинг интиҳосига етиб, аниқроғи, интиҳосиз жазавача тушиб, сўфийликда шоирлик йўлини танлади.

Ривоятларга кўра, Хуросонда илк сўфий асли-насли араб, Муҳаммад хоразмшоҳдан тўрт юз йил олдин Балхда ҳоким бўлган шарофатли шоҳ Иброҳим ибн Адҳам экан.

Эмишки, шоҳ бир кунни шикорга чиқиб, қулон изидан тушибди. Камондан ўқ узиб, ўлжаси устига от сурибди. Шунда қулон одамдек тилга кириб: «Эй шоҳ, наҳотки сен ҳимоясиз жониворларни қирғин қилиш учун яралгансан?» – дебди. Шоҳ хижолат чекибди. Саройга қайтиб, тунни тоат-ибодатда ўтказибди. Эрталаб қараса, сарой томида бир бадавий чўпон юрганмиш. Шоҳ соқчиларни чорлабди. Чўпонни тутиб келтиришибди. Шоҳ Иброҳим ундан: «Менинг саройим томида не қилиб юрибсан?» – деб сўрабди. Бадавий: «Туямни йўқотиб қўйдим, шуни излаб юрибмен», – деб жавоб берибди. Кечаги синоатни эсга олган шоҳ газабини босиб, яна сўрабди: «Саҳрода йўқолган туяни сарой томида излаш ҳамоқат эмасму?» Шунда чўпон: «Тахтда ўлгириб, тантри излаш ундан ҳам ҳамоқатроқ», – деб жавоб берибди.

Мутаассир бўлган шоҳ жанда кийиб, иккинчи куниеҳ са-

ройни яширинча тарк этибди. Қаландар бўлиб, тақво-тариқат йўлини тутиб, кунларни тоат-ибодат билан ўтказибди. У ҳар кун чўлда тикан чоғиб, уни бозорга элтиб сотар, шу йўсинда тирикчилик қиларкан. Шу-шу, шоҳ Иброҳим шайхул аъзам Иброҳим Балхийга айланиб, кейинчалик тасаввуф деб ном олган тариқатга асос солган экан.

Биз аниқ билмаймиз: Балхда чиндан ҳам Иброҳим ибн Адҳам деган шоҳ ўтганмикин. Ҳатто шундоқ бир одам дунёда яшаб, умргузаронлик қилгани ҳам жилла маълум эмас. Илм-фанга маълум бўлгани шуки, исломда пайдо бўлган таркидунёчилик ҳаракати шаҳар меҳнаткашларининг мавжуд турмуш тарзидан норозилиги, шахс ҳаётини руҳонийлар, табақалар ва давлат фойдасига ем қилувчи феодал-биқик тузумнинг зулми истибдодидан норозилиги заминидан ривож топди. Бу норозилик бутун мусулмонларни оға-ини деб эълон этган ислом фармойишлари билан ва яна худди шу дин номидан иш кўрадиган, манфаатпараст руҳонийлар фатвосига суянувчи ҳукмдорлар зўравонлиги ўртасидаги зиддиятлар туфайли чуқурлашиб борарди. Бу нарса Иброҳим Балхий ҳақидаги ривоятдан ҳам кўриниб туради: жониворларнинг одамга ўхшаб гапирishi, тансиз-жисмсиз рўёлар суҳбати инсон руҳининг саргашта акс-садоларидир.

Ўз атрофидаги воқеликни адолат қонунлари асосида ўзгартиришга қодир кучларни кўра билмаган мусулмон тариқатчилари араблар «суф» деб атаган, дағал матодан жубба кийиб, дашту саҳроларга бош олиб кетишар ёки ҳужраларда чилла ўтириб, инсон табиати ва тангри моҳияти устида фикр юритишарди. Қаландар-сўфийлар, уларни кийимларига қараб шундоқ деб аташарди, Куръондаги ҳалол ва ҳаром тушунчаларидан келиб чиқиб, махсус ахлоқий таълимот яратишди улар. Ҳукмдорларга мансуб ҳар нечук моддий неъматлар, шак-шубҳасиз, ҳаром саналар, негаки, у зўравонлик воситасида қўлга киритиларди. Тақводор бир зот ҳаттоки подшога қоровул бўлиб хизмат қилувчи қўшнисининг томига чиқиб, дон чўқигани учун ўз товуғини ҳам ҳаром санаган. Ашаддий тақводорлар ўзгалар меҳнати сингани учун ҳайр-садақадан ҳам ҳазар этишган. Фақат чўлдаги тикан билан булоқдаги сув – бундан мустасно. Негаки, улар ҳеч кимсага мансуб эмас, токи йиғиб ёки ташиб келтирилмас экан, бирор қиймат ҳам касб этмайди. Бунда зўравонлик ва ҳақсизлик аралашмайди.

«Ўзни билган худони ҳам билур» деган ҳадисни эркин талқин этган сўфийлар ички, маънавий ҳаётни уюштириш, шу йўл билан «саодат»га етишишнинг бутун бошли тартиботини ишлаб чиқишди. Улар ишқ-муҳаббатни улуғловчи шеърят ҳам яратишдики, у асрлар оша жаҳон адабиётига ўз таъсирини ўтказиб келмоқда.

Султонул Уламо даврига келиб, сўфийлар ҳаракати кўп асрлик йўлни босиб ўтган, мунтазам бир кучга айланган эди. Суфийлар руҳонийларнинг риёкорлигини фош этар, шахснинг маънавий ҳаётини давлат расм-русумининг икир-чикир қоидаларига бўйсундиришга қарши чиқишар, худо билан муносабатни ҳар кимсанинг шахсий иши деб эълон этишарди.

Норозиликнинг диний-мистик қобиғи тасаввуфнинг мусулмон феодализи муҳитида яшаб қолишига ёрдам берди, аммо вақт ўтиши билан шу нарса унинг айнаб, ҳукмрон синфлар манфаати йўлида инсон руҳини бўғовлаш воситасига айланишга ҳам сабаб бўлди.

Илк тарикатчилар ҳукмдорлардан бир бурда нон ҳам олишмасди. Лекин ҳукмдорларга кенгаш — маслаҳат беришни ўзларига фарз деб билишарди. Ушаларга ўхшаб, Муҳаммад хоразмшоҳга маслаҳат беришга уннаши — шайх Маждиддин Бағдодий умрини басар этди.

Хоразмшоҳга қарама-қарши тура оладиган ягона куч унинг сараланган турк кўшини эди. Кўчманчи турк бегининг қизи, хоразмшоҳнинг онаси, ақлли ва қатъиятли Туркон-хотун махсус бир гуруҳга бошчилик қилар, ўша гуруҳ турк ҳарбий зодагонлари фойдаси учун хоразмшоҳ ҳокимиятини чеклашга интиларди. Ўғли уруш-юришда эканида Хоразмда ҳукмфармо бўлиб қоладиган Туркон-хотун Маждиддиннинг авлиёлигини эшитиб, уни саройга таклиф қилади. Маждиддин шеърларидаги ақл ва эҳтирос уни ҳайратта солади, малика шоирни ўзига муршиди муқтадо сайлаб, унинг хонақасидаги йиғинларда иштирок эта бошлайди.

Шу-шу Маждиддин ҳам саройда гоҳ-гоҳ кўриниб қолади. Туркон-хотун ила парвардигор билан бириктириб йўллари хусусида суҳбатлар қуради. Бунинг учун бошқаларга зулм қилмаслик, ҳақ олдида хижолатга солгувчи ишлардан иллик узмоқ, «Неки қилмагил, парвардигор ҳозир нозир» деган ҳикматни хотирда тутмоқ лозимлигини қайта-қайта таъкидлайди. Хулласки, маликани тақводорлик йўлига бошлаб, шу йўсинда унинг ўғлига ҳам жилла таъсир ўтказишга умид боғлайди.

Сарой жосусларга макон эди. Улар ҳудожўйлик қабилида кечган шундоқ суҳбатлардан бири хусусида шоҳга хабар етказиб, шайхнинг шеърларидаги муҳаббат тангрига эмас, эвара-чеварали маликага бағишланган деб бўҳтон қилишарди.

Хоразмшоҳ Муҳаммад шайхни қатл этишга буюради. Маждиддин Бағдодийнинг калласини кесиб, жасадини Жайхунга отишарди.

Руҳонийларга шу йўсинда сабоқ берган шоҳ энди пайғамбар ноиби, жумла мўминларнинг сардори салими халифа ҳокимиятига дахл этишга қарор қилади. У ёлғиз Хуросоннинг Балх, Мавр, Ни-

шопур ва бошқа шахарларидамас, балки халифалик пойтахти Бағдоди шарифнинг барча масжидларида ҳам ўз номига хутба ўқитишни талаб қилиб, элчилар юборади. Бу – халифа Носир хоразмшоҳ фойдасига ўз ҳокимиятидан воз кечсин дегани эди. Ҳолбуки, хоразмшоҳ бошқа мусулмон ҳукмдорлари каби халифанинг вассали саналарди. Бағдодда ҳалиги талабни қатъий рад этишади. Шунда Муҳаммад ўз мулкининг машҳур уламоларини йиғиб, бутун умрини дини ислом йўлида жангу-жадалда ўтказётган подшо унга монелик қилаётган фитначи халифани шариат номидан зеру забар этишга ҳақлидир, деган фатво беришларини талаб қилади. Уламолар Бағдодий қисмагини эслаб, тишни-тишга кўйиб бўлса ҳам, шундоқ бир фатво беришга мажбур бўладилар. Энди шоҳ халифага қарши юриш бошламоқ мумкин деб ҳисоблайди.

1217 йилнинг киши Олдинги Осиёда бағоят совуқ келди. Бағдод устига юборилган хоразмшоҳ кўшини Курдистон тоғларида қор бўронларда қолди. Юпун кийинган минглар аскарлар муз қотиб ҳалок бўлди, қаҳратондан омон қолганларни жангари курдлар қилчдан ўтказишди. Шоҳ томонидан жанг майдонига жўнатилган бутун бошли кўшиндан бор-йўғи қирқ-эллик нафари қайтиб келди, холос.

Шоҳ обрўсига қаттиқ путур етди, лекин у бари бир эсини ўнгламади.

Келгуси йил ёзида хоразмшоҳ мулкининг шарқий чегарасида жойлашган Ўтрор шаҳрига Чингизхондан савдо қарвони келди. Қарвонга тўрт савдогар бошлиқ, жами тўрт юз эллик киши, бари мусулмонлар эди. Беш юзга яқин туяга мушк, кундуз ва олмахон мўйналари, садаф ва нефрит тошлари, шунингдек, яқинда Чингизхон забт этган Хитойдан ўлжа олинган олтин, қумуш ва ипак моллар ортилган эди. Чингизхон номидан хоразмшоҳга сулҳу тижорат таклифи билан келган элчилар кетидан кўп ўтмай савдогарлар қарвонининг келиши икки давлат ўртасида яхши кўшничилик муносабатларини бошлаб бериши мумкин эди.

Лекин улугворлик ҳою ҳавасига тушган Муҳаммад савдогарларни жосуслар сифатида қўлга олишга амр этди. Кечаси тўрт юз эллик киши қилчдан ўтказилиб, уларнинг мол-бисоти Ўтрор ҳокими томонидан шоҳга жўнатилди, шоҳ эса уларни Бухоро ва Самарқанд савдогарларига ошириб, пулини ўзи олди. Бутун бошли қарвондан атиги бир киши – ёлғиз бир туякашгина қочиб қутилди. Даҳшатли хабарни Чингизхонга ўша етказди.

Мўғуллар ҳукмдори, жаҳлига ҳоким – ҳаммага ҳоким, деган ақидага амал қилиб, хоразмшоҳга яна элчилар юборди. Қилган кирдикори учун унга таъна-дашном айтиб, қирғин-қабоҳат сабабчиси – Ўтрор ҳокимини тутиб беришни талаб қилди.

Лекин шоҳ элчибошини ўлимга буюриб, қолган иккитасини соқолини кесиб, ҳайдаб юборди.

Устма-уст уч карра куфр — шайхнинг ўлдирилиши, шоҳнинг халифа устига қўшин тортилиши ва ниҳоят, мусулмон савдогарларини қатли ом этилиши мамлакатдаги барча табақалар — руҳонийлар, сипоҳийлар, савдогар ва ҳунармандларнинг тоқатини тоқ қилди. Шайх Мажиддин қатли-ю халифага қарши мажбурий фатво аламидан ҳали чиқмаган уламо ва шайхлар қоим бўлажак муқаррар илоҳий жазо ҳақида каромат қила бошладилар.

Хоразмшоҳ ҳаммаёқни ўз жосусларига тўлдириб ташлаган, хуфиялар, воқеанавислар, чопарлар ҳар қадамда унинг хизматига ҳозир у нозир эди. Лекин воқеалардан воқиф бўлишда машойиҳлар ундан қолишмас, ҳаттоки баъзан устун туришарди: илму ирфон ва тирикчилик кўйида тентираб, дунё кезган мингларча қаландарларга хонақолар эшиги ҳаммиша очик эди.

Алоҳида даҳаларга уюшган ҳунарманд усталар, савдогарлар кўрган-билганларини аввало ўз пири муршидларига етказишни фарзи айн деб билишарди.

Ўтрордаги жиноят, элчининг қатл этилиши оқибати битта — уруш эканлиги аён эди. Чингизхонинг темир иродаси ила мисли кўрилмаган куч-қудрат бўлиб уюшган, Хитойни сарнигун этган, беҳад-беҳисоб кўчманчи галалар билан бўладиган урушда хоразмшоҳ ва унинг давлати ҳалокатга юз тутиши муқаррар эди.

## БАШПОРАТ

Ўша 1219 йилнинг қиш оқшоми шамолда жунжикиб, қадрдон уйи томидан шафақ алангасига ботган Навбаҳор дарвозаси томон тикилиб турган бола, эҳтимолки, бу гаплардан беҳабар эди. Аммо унинг қулоқлари остида отаси, воиз ва уламо Баҳоддин Валаднинг масжиди жоме гумбазларида қудрати илоҳийнинг нидосидек гумбураб акс-садо берган овози янгради:

— Мен кетамен. Лекин маълумингиз бўлмайким, менинг ортимдан мўғулларнинг еру кўкни мўр-малаҳдек босган беҳад-беҳисоб қўшини дохил бўлур. Ҳадиси муборакда Худойим: «Мен уларни ўз қаҳру ғазабимдан яратдим» демиш... Тангри таолонинг қаҳру ғазабидан яралмиш қўшин мулки Хуросонни забт этур, минглаб офату фалокатлар ёғдириб, Балх аҳлига ажал шарбатини ичкизур. Шоҳ мулкидин ҳайдалиб, умрини ғурбатда, танҳолик ва забунликда басар айлар”...

Ўн икки яшар Жалолиддиннинг ориқ гавдасини қалтироқ босди. «Мен уларни ўз қаҳру ғазабимдан яратдим! .. Ажал шарбатини ичкизур!»

У отасининг сўзи билан фарёд солиб йиғлаган аёллар нола-сини яна эшитгандай, Султонул Уламонинг даҳшатли башоратидан хўнграб, оппоқ соқолларига юм-юм кўз ёши оқизган чолларни, йиқилиб хушдан айрилган дарвешларни яна бир бор кўргандай бўлди.

Гарчанд унинг ёш ақли туғилганидан ошно, дунёдек устивор, тошдек мустаҳкам шу пахса деворлар, масжидлар, расталар, кўрғонлар энагаси Насиба-хотун, болаликда бирга ўйнаган ўртоқлари, ўз тирикчилиги билан овора бўлиб, ҳозир уйқуга шайланаётган минглаб, ўн минглаб таниш ва нотаниш одамларнинг бир уюм суяк ва тупроққа айланганини тан олишни истамаса-да, бир дақиқа бўлсаям отаси айтган сўзларнинг чинлигига шубҳа қилмасди. Шунда отаси унинг кўзига шу чоққача ҳеч кўринмаган бир қиёфада, худди пайғамбарга ўхшаб, улуғ ва қудратли, жасур ва даҳшатли бўлиб кўринди.

Лекин отасига бўлган меҳр ва ихлос билан бирга унинг кўксидан алланарса илонга ўхшаб гимирлаб, бош кўтаргандек бўлди. Ўшанда у ҳозиргидек таниб бўлмасни таниш, кўриб бўлмасни кўриш иқтидорига эга бўлсайди, эҳтимолки, уни алам илони, деб атаган бўларди. Бироқ бола илонга йўл бермади, уни нари ҳайдади.

Ўшанда, у юракда инсонларга муҳаббат бўлмас экан, ҳар қанча буюк илму дониш бефойда, ҳаттоки жирканч эканини қаёқдан ҳам биларди, дейсиз. Дарвоқе, бундай пайтда илму дониш нақадар улуғ бўлса, шу қадар даҳшатли бўлади.

Одамлар ҳамма даврда бирдек ғайб пардаси оша истиқболни кўришни, ҳозирга қараб, келажакка кўз ташлашни орзу қилишадди. Дунёни нақадар кам билишса, уларни зеҳнини ёритувчи обрў-эътиборли сиймоларга шу қадар кўп эътиқод қўйишади.

Баҳоуддин Валаднинг башорати сал кам бир йил деганда юзага чиқаркан, буни илоҳий бир кароматга йўйган одамлар ҳайрати нечоғлик буюк бўлганини тасаввур этиш мумкин. Лекин Султонул Уламо, кўплаб замондош алломаларга ўхшаб, ўзини авлиё деб билмасди. У ўз даврининг одами эди ва ўша давр мезони билан фикр юритарди. Ўша давр ақидаларига кўра эса жиноят изидан жазо келиши муқаррар эди... маърифатли ҳамда воқеалардан яхши хабардор бўлган Баҳоуддин Валаддек бир киши учун ал-қасосул минал-ҳақ қай тарафдан етишини айтиб бериши қийин эмас эди.

1219 йилнинг жумодул охири, Султонул Уламо масжиди жоменинг минбарига туриб, сўнги бор ваъз айтаётган ўша дақиқаларда ўн мингларча мўғил суворийлари бахтиқаро Ўтронни ўраб келишарди. Улар қўй терисидан тикилиб, шиширилган

мешлар, буқа терисидан тикилган енгил совутларда дарёдан сузиб ўтиб, Чингизхоннинг ўғли Жўжи бошчилигида Сайхуннинг қуйи оқимиغا қараб от солишди. Чингизхоннинг ўзи эса асосий кучлари билан қаҳратон қум саҳросини кесиб ўтиб, йўл-йўлакай шаҳарларни талаб-топталаб, Бухорога томон юрди. Даҳшатли босқин ҳақидаги хабарлардан қўрқувга тушган одамлар йўлларда тўда-тўда бўлиб, мусулмон дунёсининг фарбий тарафига қараб кетишарди. Султонул Уламо ҳали инсон руҳининг ўлмаслиги тўғрисидаги диний ақидалардан йироқ, фақат ўз саркардасининг буйруғию бутпарастликнинг маълум расм-русмларига буйсунувчи Чингизхон галалари забт этилган мусулмон шаҳарларини нечук ғорат қилишларини аниқ билмаса-да, лекин муғуллар босқинидан сўнг Хитойга бориб келган савдогарлар ҳикоясидан буни тасаввур эта оларди. Бу ҳикояларнинг бир учи Султонул Уламо ўғилларининг ҳам қўлоғига чатилган эди.

Мўғиллар одатда шаҳарни эгаллаб, аҳолини қалъадан ташқарига, далага чиқишга амр этишарди. Кейин шаҳарни талашар, қаршилик кўрсатилган бўлса, уни ер билан теп-текис қилиб ташлашарди. Хунармандлар, ёш хотунларни ажратиб, қул қилиб ҳайдашар, қолганларни қатор турғизиб, қиррали оғир чўқморлар билан бошларига уриб, ўлдиришарди.

Мусулмон савдогарларининг ҳикоясича, Чингиз бало-қазодай елиб ўтган ўша Хитой мамлакати худди дашти-биёбонга ўхшаб қолган эди. Тупроқ жасақлардан суйилиб – кўлчиб кетган, мурдаларнинг қўланса ҳиди димоқни ёрарди, Пекин дарвозалари ёнида тоғ-тоғ суяқлар қалашиб ётарди. Айтишларича, мўғиллар шаҳарни босганда, олтмиш минг хитой қизи душман қўлига тушмаслик учун ўзини қалъа деворидан пастига отган экан.

Наҳотки, Балх хотин-қизларини ҳам шундоқ бир қисмат қутарди? Нечун, қайси гуноҳлари учун? Наҳотки, улар башарасини бир бор ҳам кўрмаган шоҳ ва унинг уламолари жинояти эвазига шу қадар даҳшатли жазога мустаҳиқ бўлишса? Агар ҳар кимга нияти-ю қилмишига яраша бериладиган бўлса, унда меҳрибон ва ҳалол-покиза опаси яқинда узатилиб, ҳозир оғироёқ бўлиб қолган Фотима-хотуннинг гуноҳи нима? Шўрлик кетолмай, энди шу ерда қолади. Ёки отасига мурид бўлмиш қўшнисининг қизи, юзи ойдек дум-думалоқ ўн яшар Гавҳарнинг айби нима экан?

Бу саволларга жавоб тополмаган ўн икки яшар Жалолиддин умрида илк дафъа қаҳр-ғазаб туйди. Лекин кимга қарши? Шоҳга, тақдирга қаршими ёки беғуноҳ жонларнинг ҳалокатидан башорат этган отасига қаршими?

У қўрқувга тушиб, юзини қиблага, Макка томонга ўтирди, тиз чўкиб қафлларини бетига босиб, тавба-газарру айтиб, уч рақат намоз ўқиди. Устози Саид Бурҳониддин юракда Аллоҳ-



нинг лутфи-карамига шубҳа уйғонаркан, шундоқ қилиш керак деб ўргатган эди. Бироқ енгил тортмади. Кўнглини кемирган даҳшатли хаёллар уни тарк этмади.

Ўша хаёллар ичра яна Гавҳарнинг дум-думалоқ юзи пайдо бўлди. Шунда у эслади: қизнинг отаси, шайх Султонул Уламони деб Самарқанддан Балхта кўчиб келган савдогар Шарафиддин Лоло яқинда, пиримнинг этакларини кўйиб юбормагаймен, пиримга эргашиб, дунёнинг нариги чеккасига ҳам боришга ҳозирмен деб айтган эди. Демак Гавҳар ҳам улар билан бирга кетади. Шу хаёл уни бироз овутиди, ушалиб, тупроққа айлангудек бўлса, кейин дунёга ҳеч қачон келмайдиган бебаҳо гавҳарни ўз қўллари билан қутқариб қолаётгандек туюлди.

У оёққа турди.

У Гавҳарни бор-йўғи бир-икки бор кўриб, бир икки сўз қотган эди, холос. Нега шу даҳшатли хаёл дақиқаларида унинг назаридан қизнинг ойдек юзи, юракка тикка боқувчи дум-думалоқ кўзлари шу қадар тиниқ намоён бўлди? Бу кўзлар унинг хотирасига қачон ўрнашди экан?

Шуни эсладию шолғомдек қип-қизариб кетди.

## САКРАШ

Бу воқеа бундан икки йил олдин ўша хайрли жума куни рўй берган эди. Ҳа, у чиндан ҳам хайрли эди. Чунки Саид Бурҳониддин акаси билан унга тинмай ёд олдирадиган сарфу наҳв, тафсири Куръон ва ўзга машаққатлардан озод эди. Жалолиддин дарсларни қийналмай, осон ўзлаштирар, лекин барибир бирор-та шеърый девонни варақлаб, болохона айвонида ўзи якка-ёлғиз ўтиришни афзал кўрарди.

Ўша куни кечга яқин уларнинг томига, одатдагидек, тенгдош жўралари, отасига мурид тушган кўшнисининг ўғиллари, маҳалла болалари чиқишди. Ака-ука келганларни мезбонларга хос сиполик билан қаршилаб, кўрпачаларга ўтқазишди. Жалолиддин эса бўзчининг ўғли Синон билан шатранж ўйнамоқ учун айвонга ўтди, бошқалар кўчадан ўтган-қайтганларни мазах-майна қилиш, ошиқ-нард ўйнаш, талашиб, куч синашмоққа машғул бўлдилар.

Жалолиддин жўраси билан шатранж доналарини тахтага тегиб, энди ўйнамоқчи экан, кўчада ногора тарақлаб қолди. Болалар ғуж бўлиб том бошига келишди.

Бир саф ола-қуроқ сарбозлар турна-қатор бўлиб, шаҳарнинг гарбий дарвозаси томон кетиб боришарди. Олдинда чавқар отларда турк суворийлар, уларнинг ортидан чопон этакларини белларига бар уриб, камарларига пичоқ ослан, дағал-қўпол най-

921028

залар кўтарган пиёда жангчилар — ёшлар, қарилар, қипчоқлар, тожиклар, ҳиравийлар, хоразмийлар. Зотли жийрон айғир минган, баланд салласининг печи ўнг қулоғигача осилиб тушган соқоли шамолда қилпираб, қимматбаҳо тўни ёқасини сийпалаб бораётган юзбоши уларга сардор эди.

Болалар шаҳар сарбозларининг хоразмшоҳ бошлаган касофат урушга боришини оталаридан эшитишган, лекин ҳар қалай, найзаларнинг офтобда товланиши, юзбоши таққан ятагон қилич сопининг ярқираши, отларнинг гижинглаши уларни беихтиёр маҳлиё қилиб қўйди.

Ногора садоси қалъа деворларидан нарига ўтиб тинди. Сарбозларга йўл бўшатиб, бурчак-бурчакка қапишган халойиқ яна одатдаги ғала-ғовур билан иш ташвишига тушди. Шунда фақиҳ-хуқуқшуноснинг ўғли Маъсуд хоразмшоҳнинг шайхул аъзам Сухравардий билан учрашуви ҳақида ҳикоя қила бошлади. Сухравардий Бағдод халифасидан элчи бўлиб келган экан, унинг шоҳ билан учрашувидан уруш чиқибди.

Шоҳ аввалида шайхни эшикда роса кутдирибди, кейин қабул қилибди. Қабул қилибдию лекин ўтиришга таклиф этмабди. Бу ёлғиз элчилик унвонига эмас, балки шайхлик шаънига ҳам беписандлик ва ҳақорат экан. Шайх Сухравардий пайғамбар ҳадисини зикр этишга изн сўрабди. Хоразмшоҳ изн бериб, одатга кўра тиз чўкиб эшитибди. Ҳадисда пайғамбар мусулмонларга Аббос хонадонига зиён етказмагайсиз, деб васият этган. Халифа Носир ўша аббосийлардан эди.

Хоразмшоҳ оёққа қалқибди, лекин ғазабини ичига ютибди. «Мен туркдирмен, — дебди у, — арабча сўзларни жилла тушунмаймен. Лекин бу ҳадиснинг маъносини англадим. Аббос авлодига зиён етказиш ўйимда ҳам, хаёлимда ҳам йўқ. Аммо, менга аниқ, маълум бўлишича, халифаи рўйи замин ўшаларнинг кўпини зиндонларда сақламоқдаки, улар ўша ерда туғилиб, кўпайиб ётишибди.

Инчунин, ушбу ҳадисни сени бу ёққа жўнатган зотнинг ўзига ўқиб берганингда кўп фойдали иш бўлур эди». Жавоб чакки бўлмабди, зеро халифа Носир хоразмшоҳ Муҳаммаддан қолишмасди, у ҳам йўл, восита танлаб ўтирмас, тож-тахт даъвогарларини зиндонда тутишни афзал кўрарди.

Болакайлар мўйсафид уламоларга ўхшаб, баҳс-мунозарага тушиб кетишди. Халифаи рўйи замин бутун жамоатнинг фойдасини деб бир мўминини-мусулмонни, боз устига Аббос хонадонидан чиққан кимсани банди зиндон этиши жоизми, ахир ўша хонадонни пайғамбарнинг ўзи ярлақаб, хайробод этмиш-ку. Баҳс-муноқаша чўзилиб кетди, ҳамма далил қилиб, катталардан эшитганини айтарди, ўзининг айтгудек сўзи йўқ эди.

Жалолиддин баҳса аралашмади, у мустақилликни севар, лекин уни худа-беҳудага кўз-кўз қилишни ёқтирмасди.

– Кўп гап – эшакка юк! – деб тортишувга чек қўйди бўзчининг ўғли Синон. – Эй фақихбачча, кел, беллашамиз, мард бўлсанг, анави томга сакра...

У самарқандлик савдогар Шарафуддин Лоло уйининг томига ишора этди ва ени ичидан бухорча кашта тикилган рўмолча олиб, силкиди: – Манавини гаровга қўяман!

Болалар том лабига келиб, пастга қарашди: ўртада куюк буталар ўсиб ётар, икки уйнинг орасидаги масофа, чамаси, беш газдан кам эмасди.

Фақихнинг ўғли билан бўзчининг ўғли худди савдогарларга ўхшаб қўл ташлашди.

Синон томнинг бериги бетигача тисарилиб борди-да, этагини белига қистириб, дўпписини қўлига олди, сўнг отилиб, қушдек учиб, нариги томга сакради. Кейин яна шу йўл билан ортга қайтди. Маъсуд эмас, бошқа болалар ҳам ботириланиб, бирин-кетин сакрашди. Шунда ҳамма Жалолиддинга қаради – сакрамай ҳаммадан орқада қолган ёлғиз ўша эди.

Султонул Уламнинг ўғли ҳаммадан орқада қолсинми? Тугилганидан нимжон, хаёлчан ва таъсирчан бўлган Жалолиддин югур-югурни, бақириб-чақириб ўйнашни хуш кўрмасди. Лекин ойиси Мўмина-хотун халал бермаганда, балки ўша касофат беш газ масофага сакраган бўлармиди. Аксига олиб, худди шу пайт ойиси болаларини чақириб учун томга чиққан эди. У икки уй орасидаги оралиққа томон елдек учиб бораётган боласини кўрдию кўзларини чирт юмиб олди.

– Жалол!

Даҳшатли қичқирикқа ҳамма қайрилиб қаради. Жалолиддин том бошида тўхтамоқчи бўлиб уринди, лекин ўзини тутолмай, қўлларини аланг-саланг силкиб, пастга қулади...

Одатда севгувчи аёллар ва оналар ўз ўғиллари ва маҳбубларининг фоний жисми-жони учун куйиниб, уларни номаълум ёққа сакрашга қўйишмайди, ўшалар руҳининг улғайиб, камол топишига монелик қилишади. Ақл-идрок нури билан ёритилмаган бундоқ меҳр-муҳаббат оламни кучмоққа шайланган ўша норасида руҳларга қўл-қанот бўлиш ўрнига, уларнинг қилтирик бўйинларига тош-занжир бўлиб осилади, худбинлик ва пасткашлик чоҳига судрайди, оқибат-натигада эса улар олам ва одам бирлигининг буюк асроридан бебаҳра қолишади...

Ойисининг жон ҳолатда қичқириви Жалолиддиннинг қулоқларини тешиб юборгудек бўлди. Унга томон ўқдек отилиб келаётган яшил япроқли буталарга юзбошининг шамолда ҳилпираб бораётган соқоли, отларнинг терлаган чови, қалъа дарвозаси

томон бораётган сарбозларнинг найза ва дубулгалари қўшилиб, аралаш-қуралаш бўлиб кетди...

Томдагилар ўтирилганда, Жалолиддин ғойиб бўлган эди. На нариги, на бериги томда кўринмасди. Улар дод-фарёд қўтариб, том бошига югуриб боришганда, икки уй орасидаги буталар қилт этмай турарди.

У кўзини очиб, илк кўрган нарсаси қоп-қора ва дум-думалоқ кўзлари билан унга ҳайратланиб тикилиб турган қизалоқнинг фариштадек юзи бўлди. Ўша, бугун сўнгги бор отаси уйининг томида тураркан, кўз ўнгида намоён бўлган самарқандлик савдогар Лолонинг қизи – кичкина Гавҳар-бонунинг чеҳраси.

Унинг ранги бўздек оқариб кетган, юзи тирналган эди. Урнидан тураётиб, Жалолиддин аввал унга томон югуришиб келаётган болаларни, кейин ойиси билан энагаси Насиба-хотунни кўрди. Жўраларининг кўзларида қулгу-мазах кўрганда ҳам, баҳарнав чидарди. Лекин ўша кўзларда йиқилганга шафқат, ожизга ачиниш маъноларини ҳам илғади. Қалбида отасининг ғурури кўзғалди.

У оёққа турди. Ва беихтиёр, отасининг иборалари билан ўша сўнгги дақиқада кўз ўнгида унгидан ўтган рўёларни тасвирламоққа бошлади:

– Мени яшил либос кийган навкарлар осмонга олиб учирди. Арши-аъло атрофида айлангиришди. Сизнинг дод-фарёдингизни эшитиб, тагин ерга қўндиришди.

У гапирган сайин, болаларнинг кўзларидаги ачиниш ва мазах ҳурмат-эҳтиром билан алмашинди: ҳа, бунақасига ёлғиз Султонул Уламо ўзелигина муяссар бўлмай! Лекин етти яшар Гавҳарнинг кўзларида ҳамон ҳайрат акс этарди. Ўша кўзларга тикилиб туриб, у шундоқ деди:

– Томдан томга мушуклар ҳам, олмахонлар ҳам сакрай олур. Лекин руҳлар диёрига фақат эҳтиросга тўлганлар сайру саёҳат айлар. Ҳа шундоқ! Ҳозир ўн икки ёшида ота уйи билан хайрлашаркан, ўша сўзларини эслаб уялиб кетди. Аниқроғи ўша сўзларни эмас, уларнинг қай тур ва оҳанг билан айтилгани, ўшандоқ сўзларни айтишга ундаган ғурурини эслаб уялди.

Лекин, нафсиламрни айтганда, ўшанда у алдамаган эди. Ўша хатарли сакраши унинг юксак руҳий чўққилар сари чексиз сайру саёҳатида увоқ, аммо биринчи қадами эди.

## КАРВОН

– Жалол! Жалол! – деб чақирди пастдан ойиси. Шу замон унга акс-садо бергандек, Балх шаҳрининг жамики минораларидан мўминларни намозга чорлаб, муаззинлар азон айтиб юборишди.

– Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!

Қуёш ботди. Жалолиддин истар-истамас зинапоятга оёқ кўйди. Қўллари билан деворни пайпаслаб, қоронғулик чўккан ҳовлига тушди.

Уйда шамчироқ ёқишди. Унинг шуъласи липиллаб, шип-шийдом бўлиб қолган деворларни ёритди.

Отаси акаси билан жойнамозда тиз чўкиб ўлтирибди.

Султонул Уламо ўз она шахрида сўнгги бор бағоят берилиб, хуфтон намозини ўқиди. Шу кеча ўн икки яшар Жалолиддин ҳам у ёнбошидан – бу ёнбошига ағдарилиб, акасининг бир меъёрда пишиллаб ухлашга қулоқ солиб, алламаҳалгача кўз юммади.

Кейин ҳовлига чиқди. Ҳовуз бўйидаги чинор тагига бориб турди. Шамол тинган. Кўм-кўк шоҳидек ёйилган самода юлдузлар ғуж-ғуж ёнади. Отхонада отлар пишқириб, туёқларини дукиллагади. Қайдадир шу атрофда югурик туялар уйқусираб, «уф» тортади. Эртага уларни нотаниш йўллардан узоқ-узоқларга ана шу туялар олиб кетади.

У кўкка боқди. Сўнгсиз юлдузлар уммонида унсиз милтираб, элас-элас кўзга чалинган нуқта – ўз юлдузини топди. Яқинда отасининг бир муриди кўмагида уни таниб олган эди. Ўшанда термулиб, абадиятдек чексиз туюлган умр йўлида бир ҳафта, бир йил, ўн йилдан сўнг мени нималар кутаркин, деб ўйларга толди.

Уларни тонг қоронғусида оёққа турғизишди. Ҳовлида туяларга юк ортишарди: ҳар туяга икки бойлам, ҳар бойламда – саккиз пуд, бари китоблар эди. Туяларнинг бўкириши, отларнинг кишнаши юкчиларнинг бақриқ-чақриқлари билан кўшилиб кетган эди. Саид Бурҳониддин гоҳ вазмин туриб, карвонбоши билан бир нималар ҳақида гапиришар, гоҳ ўқдек отилганча юкчилар ёнига бориб, уларга тиришиб-тирмашиб кўмаклашарди. Саид уларни биринчи работгача кузатиб бормоқчи, сўнг ўзи бурилиб, она шахри Термизга қайтмоқчи эди.

Ана шу югур-югур, гала-говур ичида сокин-совуққон турган ёлғиз отаси эди. У катта дастор ўраб, одми қалами тўн кийган эди, то нопармон ёпинчиқли отни кўндаланг қилишмагунча, шу алпозда жим қотиб тура берди. Саид узанги тутаркан, у умр бўйи от миниб юрган одамларга ўхшаб, эпчиллик билан ўзини эгарга олди. Олтмишдан ошган бўлишига қарамай, қоматини адл тутиб, боягича савлат, совуққонлик билан ҳовлидан чиқди.

Кўча тирбанд эди. Юк ортилган туялар турна қатор бўлиб тизилиб турар, бирининг бурундиғидан ўтказилган чилвир бошқасининг қоринбоғига боғланган эди. На юганларда зийнату тақинчоқлар, на ўрқачларда ипак гиламлар, на туялар бошида безак учун тақиладиган уқпар – попилдириқлар. Юк бойламлар

фақат бўз, кандир, чарм билан ўралган. Кўриниб турибдики, карвон соҳиби ўзи билан фоний дунё мол-давлатини эмас, кўнгил бисотидек абадий, зил-замбил ҳақиқатларни олиб кетмоқда. Фақат айрим туялар устида оддий сурпдан тикилган соявонли кажавалар ўрнатилган. Аёллар, болалар ва ногиронлар бегоналар назаридан эмин бўлиб, ана шу туяларда кетишади. Жалолиддин ҳар қанча оёқ тирамасин, ойиси унамади, уни ана шу соявонлардан бирига ўтқизди.

Отасини муридлари ўраб олди. Ўнг томонда Саид Бурҳониддин билан шайх Хўжагий, чап томонда шайх Нажож Ҳажожий билан фақиҳ Аҳмад ва самарқандлик Шарафуддин Лоло.

Карвон оқсоқол – сарбон қўл кўтариб, юзига фотиҳа тортди. Аввал эшак минган карвончилар, кейин от минган отаси ва унинг муридлари йўлга тушишди.

Карвонбоши биринчи туянинг бурундиғига бойлаган арқонни силтади ва унинг бир учини ўзи ўтирган эгарга қистирди. Ана, карвоннинг энг охирида келаётган тева бўйнидаги кўнги-роқ ҳам жиринглаб, акс-садо берди. Ана шу садо остида ҳали кўп йиллар кечади, Балх шаҳридан чиққан шу увоққина бола бир кун келиб башарият ифтихор этадиган шоир ва донишманд Жалолиддин Румий бўлиб танилади. Лекин у ҳеч қачон карвон кўнги-роғининг шу мунтазам жарангини унутмайди, зеро, бу садо унга замон умрининг чексизлиги-ю инсон умрининг ноқислигини ҳамиша эслатиб туради.



---

**И К К И Н Ч И   Б О Б**  
**И Н Т И Х О   В А   И Б Т И Д О**

---

*Кимки комил, бўлмагай ғафлат анга,  
Ғафлати илму хирад подош этар.  
Кимки жоҳил, бўлмагай ҳикмат анга,  
Илми ҳам бир кун жоҳолат фош этар.*

*Жалолиддин Румий*

## ОҚШОМГИ СУҲБАТ

Яна кун эди. Бошқа бир ўлкада, у қадрдон уйи томида туриб, Балх шаҳрига сўнгги бор термулган ўша кундан юзлаб фарсаҳ йироқ, ўнлаб йиллар берида бўлган бир кун. Ўнлаб йиллар нимаси? Умр ўтди.

Ва у ёлғиз бир мисрага жо бўла қолди:

«Ғўр эдим. Пишдим. Қорайдим».

Ҳозир Жалолиддин атрофида ярим доира олиб, чордона куриб, унинг панду насиҳатларини тинглаб ўтирган дўстлари, шогирдлари орасида ўша ўн икки яшар болага таниш бўлганлардан биттаси ҳам йўқ. У аллақачон тупроққа айланган ўша чехралар нурини то ҳануз қалбида асрайди, аммо не фойда?

Ана, навбатдаги кун ҳам дарча ортида аста сўниб боради. Деворлардаги сабзаранг кошинлар кўкиш тортиб қолди. Мусичалар гумбазнинг баланд шифтида ғу-ғулашиб, тунги қўналға излашади.

У таниш-қадрдон чехраларни бир-бир назардан ўтказди. Меҳр тўла нигоҳини Ҳусомитдин Чалабийга тикди. Мана, қарийб ўн йилдирки у Ҳусомитдинда, худди кўзгуда кўргандек, ўзининг тиниқ аксини кўради. Салласию оппоқ соқолини эмас, қирра бурни-ю бодом тусдаги кўзларини эмас, йўқ, булар бари тасодифлар, балки ўз асл моҳиятини – туйғу ва тафаккурининг ҳар бир ҳаракатини кўради.

Ҳусомитдин ҳам қариб қолди. Келганида навқирон эди. Ақли салим, босиқлик, вазминлик, жонкашлик-фидойилик – ҳуллас, ҳамма нарса унда муносиб-мутаносиб эди. Унда ўз қўл кучи билан кун кечирувчи ҳунарманд қиёфаси мужассам эди.

Ҳунарманд – ахийлар туфайли бу шаҳарда бир пайтлар Бағдодда шоир Ҳаллож терисини шилишгандек, унинг терисини шилишмаётган экан, Ҳусомитдин Чалабий туфайли у ўзининг



сўнги китоби – Маснавийни қоғозга туширмоқда. Агар умри кифоя этса, у бир мисрага жо бўлгудек ҳаётини эмас, балки илму маърифатини, ҳақиқат сари босиб ўтган узундан-узоқ йўлини, хуллас, тушунган-англаган, етган-мушарраф бўлган, ўзидан шу ёруғ оламга мерос бўлиб қолгудек неки бор эса, ҳаммасини ҳикоя қилиб бермоқчи эди.

Шу китоб устида бирга ишлашган йиллар давомида Ҳусомитдин бир марта бўлса ҳам толиққанига ишора этиб, нолимади, аксинча, бир пайтлар устозининг оғир кунларида ахийлар шайхи – отасидан қолган мерос билан ўз топган-тутганини қандай сарфлаган бўлса, ўзини ҳам шундай сарфлай берди.

Мана, кўп йиллардан буён Жалолиддин бир вақтнинг ўзида четдан боқиб, ҳукм юритиб, шу дақиқаларда бошқа турлитуман нарсалар ҳақида ҳам ўйлай олади. Бугун панд-насихат айтаётиб, Ҳусомитдиннинг ўз истагини айтиш учун қандай қулай пайт танлаганини эслаб, бир кулиб қўйди. Чунки қулай пайт дегани булутга ўхшайди, кўз очиб юмгунча ўтади-кетади. Оқшом иккиси танҳо қолишаркан, Ҳусомитдин кўзларини ердан узмай секин деган эди: «Ғазалларингиз ўнлаб девонларга жо бўлмиш. Уларнинг нури асрори Мағрибу Машриқни мунаввар этмиш. Эмди дўсти-мухлисларингизга атаб, Санойи ва Атторга ўхшаб бир китоб битсангиз, токи муридларингиз васлингизга ҳамиша мушарраф бўлгайлар».

Унинг ўзида кўпдан етилиб, аммо ўзидан ҳали пинҳон тутиб юрган фикрни Ҳусомитдин айтар эди! Дўсти билан бир жон, бир тан бўлиб кетган кишигина бунга айта оларди!

Ўша оқшом Жалолиддин салласининг печидан тўрт букланган бир қоғоз олди, бу унинг ўз қўли билан битилган дастлабки ўн саккиз мисра шеър эди:

*Тингла, найдин, чун ҳикоят айлагай,  
Айрилиқлардин шикоят айлагай...*

Уни Ҳусомитдинга узатди: «Хўп, Чалабий, мен айтай, сен ёза қол!»

Ундан бери кечган йиллар улар руҳий бирлигининг зоҳирий намоёйиши бўлди. Ўша кундан эътиборан Ҳусомитдин мис қаламдонга солинган савағич қалам билан доводдан айрилмади, белбоғида жазвар, енгиди бир бойлам қоғоз ҳамиша шай эди. Шушу устоз-шогирд юрганда ҳам, турганда ҳам бирга бўлишди. Устозини илҳом қаерда асир этмасин – кўчадами, ҳаммомдами, дўстлар даврасидами, мажлиси самодами, бозордами, масжиддами – Ҳусомитдин туғилган мисраларни ўша заҳоти сўзма-сўз, сатрма-сатр қоғозга туширарди.

Эҳтимолки, яна Жалолиддиннинг (энди уни ҳамма «мавлон» деб атарди) ўз шоғирди ва халифасига шу қадар меҳрли боқишига сабаб Ҳусомитдин — унинг сўнгги севгиси, умид юлдузи эканлиги ҳамдир. Одатда, олис ва машаққатли йўл босган йўловчи тун қўйнида ўша юлдузга боқиб, сўнгги манзилга қараб юради. Уни ҳозирги ҳолатга келтирган, аниқроғи, ҳозирлигича бор этиб турган ҳамма нарса Ҳусомитдинда жамулҷам эди. Зеро, Жалолиддин ишонардиким, инсоннинг қамоли — унинг ўз асл моҳиятига етишишидир. Ҳам ойиси Мўмина-хотуннинг сути, ҳам отаси Султонул Уламанинг матонати, ҳам устоҳи Саид Бурҳониддиннинг жазму жавабаси, ҳам дарвешлар шоҳи Шамс Табризийнинг қуёшдек мунаввар шуъласи, ҳам заргар Салоҳиддиннинг ой ёғдусидек дарду аламларга малҷам бўлғувчи тальати, ҳам икки ўғил туғиб, ҳалигилар қатори аллақачон тупроққа кирган ўша балҳлик қизалоқ Гавҳар-хотуннинг, меҳр-оқибатию ихлоси — бариси бирикиб, унинг наздида энди Ҳусомитдин Чалабийда тажассум топган эди. У одатда, диққат-эътибор тимсоли бўлиб ҳаммадан олдинда ўлтирар, устозининг ҳар бир фикри, калимасини қаламга тортарди... дарвоқе, бир пайтлар Жалолиддиннинг ўзи ҳам устозларига жон қулоғини тутмаганмиди.

«Эй Ҳусомитдин, сен бўйинингга арқон солиб, маснавиётни судрайсен. Сенинг шарофатинг туфайли китоб жилд-жилд бўлиб, олдинга жиладир... Лекин қўзи бойланган отдек, назари ноқис нодонларга натижа бўлса, бас, сен кўринмайсен. Зеро, гуллар, бўёқлардан қўзи қамашганлар куннинг шуъласини пайқашмайди. Қолбуки, кундузнинг шуъласи бўлмаса, на гул кўринадию, на бўёқ. Сен аввали — ибтидо, сен нурил ҳақиқатсен, Ҳусомитдин!»

У қўксида меҳр мавж уриб, бутун борлиғини банд этаётганини ҳис қилди. Кўнглида неки зоҳир эрса, ҳозироқ ҳаммасини шоғирдлари олдида уларга ибрат, маҳбубига мукофот йўсинида изҳор этгиси келди. Лекин ўзини тийди: тилак шаробга ўхшаб, қанча қўп турса, шунча қувват йиғур.

— Сен ҳамма нарсани унутишинг мумкин, — гумбаз остида Жалолиддиннинг маюс овози бир текис оқарди, — фақат бир нарсани унутмасанг, бас: дунёга не учун келдинг: ўзингни арзон-гаров сотмагайсен, илло сенинг баҳойинг баланд...

У назарини чап томонга ўгириб, ундан қўз узмай, маҳлиё бўлиб турган Аълоиддин Сириянуга тикди.

Бир кун эрталаб Жалолиддин дўстлари билан қабристонга отланди, отаси Султонул Уламо қабрини зиёрат қилмоқчи эди. От бозоридан ўтиб, шаҳар дарвозасидан чиқишаркан, тўпланиб турган оломонга дуч келишди. Бир неча йигит оломондан айри-

либ, уларга пешвоз югурди: «Худо ҳақи, Мавлоно, мадад беринг!» – «Нима гап?» – «Юнон болани қатл этишяпти!» – «Гуноҳи не экан?»

Сирянус кул эди. Хўжайини вафот этгач, унинг васияти билан озод бўлди. Кўчада оч қолди. Танг қолган кезларида яна ўзини қулликка солгиси келмай, ўғрилик қилишни афзал кўрди. Дўкондан нон ўғирлаётганда қўлга тушди. Қочишга уриниб, мушти билан уриб, дўкондорни ўлдириб қўйди...

... Жалолоддин хотираларни ҳайдамоқчидек, соқолини сийпади. Лекин ўша кунги лавҳалар кўз ўнгидан қаторлашиб ўта берди...

Ёрдам ҳақидаги илтижоларни эшитган Жалолоддин қатъий қадамлар ила қатл майдони сари юрди. Оломон иккига бўлиниб, шоирга йўл бўшатди. Қўллари орқасига боғланган сариқ кўнғироқ сочли ўспирин соқчилар қуршовида қўй териси устида тиз чўкиб турар, жаллод унинг бошида ҳозир эди.

Жалолоддин тўнини ечиб, йигитчанинг устига ташлади. Ва бир сўз демай, изига, шаҳарга қайтди.

– Сен балки эътироз этарсен: мен олий амаллар ила бандмен... – Жалолоддиннинг овози ҳамон янграшда давом этарди. – Илми ҳуқуқ, илми ҳайъат, илми тиббиёт ўрганмоқдамен... лекин булар бари ёлғиз ўзинг учун, холос. Моҳиятинг учун эмас. Илло, талон-тарож этишмасин, шарманда қилишмасиң, ўлдиришмасин деб илми ҳуқуқ ўрганасен. Юлдузларга боқиб, мол-мулк баҳосини белгилай, зарур хайрли кунни тайин этишга қодир бўлай, деб илми ҳайъатга қўл ургансен. Тиббиётдан муродинг – танингни парваришлаш. Аммо сен танҳо тандан иборат эмассен-ку! Танинг – от, сен суворийсен. Ақлли суворий отни оҳурсиз қўймагай, лекин ўзи ўша оҳурга тушиб ётмагай. От емиши суворийга озиқ бўлмас. Сен отни ўз йўлингга эмас, от сени ўз йўлига солмиш...

Жаллод ва соқчилар шошиб қолишди: султон ва унинг ноиб Муиниддин Парвона ҳам иззат-эҳтиром этадиган донишманд шайхнинг тўнини маҳкум устидан олиш, ёки бўлмасам, бандига қўшиб, уни ҳам чопиб ташлаш лозим эди. Лекин бунга ким журъат эта оларди? Бунинг учун султондан ҳам, худодан ҳам тап тортмаслик керак эди...

– Сен бутун бир дунёга арзигуликсен. Эвоҳки, ўз баҳойингдан ўзинг беҳабарсен!

Султонга хабар қилишганда, у қулни қўйиб юборишни амр этди: «Битга юнон дегани нима бўлти! Мавлоно бизнинг гуноҳларимизни сўраб олмоққа Аллоҳи карим олдида мутаваккил!»

Йигитча дунёга қайта келгандай бўлди. Наҳоткори мусулмон бўлгани учун унинг динига кириб, унга мурид тушди. Мусулмон-

часига Аълоиддин деб аталган Сирянус соддадил кишиларга хос сидқу садоқат билан Жалолиддинга сиғинди. Ана шу иши учун ҳам бошидан ажралишига сал қолди. Шоирни кўролмаган, унинг сарой олдидаги иззат эътиборига ҳасад қилувчи уламолар, жилла бўлмаса, унинг жигита тегиш учун пайт пойлашарди. Ушалар қози Сирожиддинга чақиқ қилишди: аё, янги муриди Жалолиддинни Тангрига тенглаштириб, уни эгам деб агамиш...

Яна Сирянусни банди қилишди. Яна қозихонага судрашди. У ўз топқирлиги туфайли қутилиб қолди, лекин буни ўша хатарли кундан бери устидан қўймаган нопармон тўннинг шарофатига йўйди...

Тўн ҳозир ҳам унинг эғнида: ранги айнаб, увадаси чиққан... неча бир ерига усталлик билан ямоқ ҳам солибди, деб ўйлади ўзича Жалолиддин... Йўқ, на эғнидаги тўн, на устидаги кўйлак, на бармоғидаги узук, на қўлидаги тасбеҳ Ҳусомитдинга бўлган меҳр-муҳаббатига нишона бўлолмагай – замон уларни тузитиб, тупроққа айлантитар. Унга муносиби – сеvimли шоири Алтор ҳақидаги хотираларию устози Саид Бурҳониддинга бўлган миннатдорчилиги ила унинг сўзини ҳам ўз ичига олувчи юрак армуғонидир. Жалолиддин бир нафас жим қолди. Сўнг аввалгидек майин, аммо маънос эмас, эҳтиросли бир овоз билан устози Саид ва илми ромни ўрганмоқчи бўлган шаҳзода ҳақида ҳикоя қила кетди. Бу сеvimли шогирди Ҳусомитдинга бутунги совғаси эди.

– Биров Саид Бурҳониддинга: «Ўз қулоғим билан эшитдим, фалончи сени мақтади», – дебди. Шунда Бурҳониддин унга: «Унинг ўзи ким эмишки, мени мақтамиш? Мени қаёқдан билур? Сўзимга қараб билса, янглишур, зеро сўз ва товущ, оғиз ва лаб – фақат аломатлардир. Магар ишимга қараб билса, иш дегани ҳам иккиламчи ва фоний. Бордию менинг моҳиятимга етган, моҳиятимни англаган бўлса, иқрорменки, мени мақтагай ва ўша мақтови менинг сўзимга ёхуд ишимга эмас, ўзимга тааллуқлидир» – деган экан.

Бурҳониддин моҳият ва унинг аломатлари ўртасидаги тафовут деганда нимани назарда тутмиш? Бунинг тасавури учун ушбу ривоятта ҳам қулоқ тутинг.

Бир шоҳ бўлган экан. Бисотида ёлғиз бир ўғли бор экан. Лекин шаҳзода шу қадар нодон эканки, унга наинки шоҳлик, салтанат, ҳаттоки, оддий бир ишни ҳам топшириш маҳол экан. Шоҳ ўғлимни не ҳунарга ўргатсам, деб узоқ бош қотирибди. Ўйлай-ўйлай, охири фолбинликни маъкул кўрибди. Устоз фолбинлар бу мушкул вазифани чор-ночор зиммаларига олишибди...

Орадан йиллар ўтиб, улар шаҳзодани саройга бошлаб келишибди, шоҳ олдида тиз чўкиб: «Олампаноҳ, ўғлингиз фолбинликнинг ҳамма сирру асроридан воқиф бўлди, бизга неки аён

бўлса – унга маълум. Бошқа ўргатгудек нарсамиз қолмади», – дейишибди.

Шоҳ узугини кафтига яшириб: «Айтчи, қўлимдаги не?» – деб ўғлини синов қилибди. Шаҳзода кумга чизиб ром очибди. Ниҳоят: «Кўлингиздаги – ўзи юмалоқ, ўртаси тешик», – деб жавоб берибди. Шоҳ мамнун бўлиб: «Баракалла сен аломатларини айтдинг, энди отини ҳам айт», – деб қистабди. Шаҳзода ўйга ботибди. Охири «Тегирмон тоши», – деб жавоб қилибди. Шоҳ фарёд чекибди: «Билим кучи билан барча аломатларини айтдинг! Лекин киши кафтига тегирмон тоши сиғмаслигига фаросатинг етмади!»

Бу ривоятни Жалолиддин тўқимаганди. Уни Фаридиддин Атторнинг «Мангикут-тайр» китобида ўқиган эди. Аттор уни эса тиббиёт ва доришunosликка доир сабоқ олиб юрган кезлари устози Мажидиддин Бағдодийдан эшитган эди, ўша Султонул Уламо билан бирга ўқиган, кейин бадбахт хоразмшоҳ томонидан боши кесилган шайх Мажидиддиндан.

Одатда ҳикоя эшитганда, унинг не мақсадда айтилаётганини унутиб, бу ёғи нима бўларкин, деб кутилади. Аммо Жалолиддин учун санъат ҳамиша восита эди.

– Шунга ўхшаб, – деб дарсга яқун ясади у, бизнинг шу кундаги олимларимиз ўз илмларида қилни қирқ ёришга қодирдирлар. Ўзларига молик бўлмаган нарсаларнинг икир-чикирларигача аларга аён. Аммо, ҳайҳотки, ўзларига ҳаммадан муҳим, яқин ва маълум бўлган нарсани – ўз моҳиятларини билмаслар. Фақиҳ ва уламолар дунёда неки бор, ҳалолу-ҳаромга, пуқунопокка ажратишган, аммо ўзлари нечук–покми, нопокми, беҳабардирлар, ўзларининг нима эканликларини ҳам билмаслар...

Шогирдлар тарқалишди. Ҳаммадан кейин қоғоздаги сиёҳни кум билан қуритиб, устози инъом этган бутунги сабоқдан қалбини тўлдирган қувончини чайқатишдан чўчигандай, жимгина таъзим адо этиб, Ҳусомитдин чиқди. Совуқ ташди. Дарчадан кимнингдир сояси «лип» этиб кўзга чалиниб, яна ғойиб бўлди. Ҳойнаҳой ўғли Валад бўлса керак, фақат у отасининг хаёлини бўлмаслик учун бу ёққа киришга журъат этмаяпти. У ҳамон совуққотган қўлларини пахталик тўни енглари ичига суқиб ўлтирар, бармоқлари орасидан тўхтовсиз сирғалиб ўтаётган тасбеҳ доналари гиштин заминга урилиб, майин шилдирарди. Унинг фикри хаёли оламдаги бошқа барча қариялар каби, дунёни шу ҳолича бор ва боқий этган, аммо ўзи аллақачон оламини тарк этиб кетган кимсага қаратилган эди.

Ўшанда у, ўн икки яшар бола отасининг увадаси чиққан, эски тўнли, пахмоқ, ўсиқ соқолли, кўзлари ҳеч нарса кўрмай,

телбаларча олазарак боққан ўша қария билан суҳбатидан нима ҳам тушунарди. Султонул уламнинг мағрур ўғли Куръонни ёд этган, ҳадис ва шариат қонунларини чуқур ўзлаштирган, араб тили сарфу наҳфию шеър тузилишини билар, улуғ шоирларнинг асарларини мутолаа этар, аммо ўзи тўғрисида нима англлар, нима ҳам биларди? У билардики, отаси уни эргаштириб, қошига борган киши – буюк шоир Фаридиддин Аттор эди. Жалолиддин унинг шеърларини ёд айтар, лекин ўша шеърлар замиридаги руҳий поён, чексиз теранликларни у қаёқдан билсин? У қаёқдан билсинки, шундоқ маърифатли шаҳар исмидан ҳатто Бағдод ҳам ифтихор этадиган шундоқ донишмандни не сабабдан қувгин қилиб, оворай дашти-биёбон этмиш?

Чол эса уни худди кафтдагидек кўриб турарди. Ўзи чол бўлган Жалолиддин энди буни яхши биларди...

## АСРОРНОМА

... Улар кўп ўтмай, бошлари узра юлдузларнинг сокин чайқалиши, туяларнинг бир текис, вазмин лапанглаши, туякашларнинг узундан-узоқ бўғиқ ноласи, дарё ва дараларни кечиб ўтишлар, изғирин шамол учирган қум доналарининг кўйлак ёқасидан кириб, тиш остида ғичирлашига кўникиб қолишди. Сахро йўлларида атрофи паҳса деворлар билан ўралган, дағал қиёфали, жаллод башарали навкарлар кўриқлаган работларга кўнишлар, карвонсаройларда тунаб, милтираган шам ёруғида хас-хашак устида тўшалган, бургалар ғужғон ўйнаган шолчаю наमतларга ёғиб, отхонада отларнинг пишқириб, ер тепинишларига қулоқ тутиб, тин олишларига ҳам ўрганиб қолишди. Йўлларида учраган шаҳарлардаги гавжум, ғала-ғовур учрашувлар ҳам одат тусига кирди. Султонул Уламнинг хабарини эшитган шайхлар, уламолар, воизлар, дарवेशлар йиғилишиб, оломон бўлиб унга пешвоз чиқишарди. Манзиллар, манзаралар, турли-туман қиёфалар, чеҳралар уларнинг кўз ўнгида бир лаҳза намоён бўлар, лекин йўл аталмиш дарёйи азим уларни дарҳол орқага оқизиб кетарди. Шу рўйи заминда карвон бўлиб икки ой эмас, умр бўйи кетиб боришаётгандек туюларди. Бир куни кечга яқин туташ боғ-роғлар, яланғоч шудгорлар оша, шуҳрати мусулмон дунёсида Балхдан қолишмайдиган яна бир шаҳар қалъаси кўзга чалинганда, болалиги ва ўсмирлиги кечган қадрдон уйи ҳам, Балх шаҳри ҳам гўё олис бир туш бўлиб қолган эди.

Хуросон пайтахти Нишопур, яқинда шаррос сел қуйиб ўтгани сабабли, уларни кўчалар тўла шилта лой билан қарши олди. Таъзим-тавозе ва югур-югур билан Балх уламиси ва унинг одамларини шаҳарнинг Собуний мадрасасига бошлашди. Хизматкор-

лар юкларни тушириб, отларнинг терлаган човуни жун чочиқлар билан артишиб, катгалар эшиги кенг ичкари ҳовлига қараган ҳужраларга жойлашишаркан, адил ва хомуш отаси мадраса мутаваллийси билан суҳбатлашди, мутаваллий шу қадар қари эдики, кафтдек соқоли фил суягидек сап-сарик эди. Болакайлар нари-бери ювиниб, машҳур Куръон тафсирини кўришга ошиқдилар. У бундан икки юз йил муқаддам дунёнинг ҳамма бурчидан Нишопурга чақирилган ўнлаб олимлар томонидан битилган энг улуг тафсир эди. Тарихчи Аль-Утбийнинг айтишича, ўша замон подшоси бу ишнинг адоси учун ниҳоятда катта пул, йигирма минг динар сарфлаган экан.

Кутубхонада китоблар кўп, аммо улар солномаларда айтилганидек, ердан шифтгача қалашган эмасди, кейин улар орасида Тафсири аъзам ҳам кўринмасди. Дастёр-софта болаларга бундан етмиш йил муқаддам кўчманчи ўғизлар шаҳарни талашганда, тафсир нобуд бўлган, деб тушунтирди.

Мадраса ҳужраларининг қалин деворлари намчил ва сип-силлиқ, замонлар ҳам бўгин-бўгин толиби илмларнинг сайқали туфайли ойнадек сирғанчиқ бўлиб қолган эди. Фақат унда бунда ажин каби дарз тушган чизиқлар бундан ўн йилгача олдин бу ерда юз берган даҳшатли зилзилани эслатиб турарди.

Улар Нишопурга ҳавас ва ҳаяжон билан кириб боришди. Не-не афсонаю ривоятлар, не-не буюкларнинг ҳаёт саргузашти Нишопур билан боғлиқ эди. Бу шаҳар асрлар оша жанговар шухратлари, даҳшатли фотиҳ ва ҳукмдорларининг қонли уруш-юришлари билан эмас, балки руҳий жасоратлари ила донг тартан эди.

Бир пайтлар зоҳидларнинг риёкорликларига қарши «маломатийлар» номи билан кўтарилган ҳаракат шу ерда бошланган эди. Мусулмон дунёси ҳукмдорлари ўз мавқеларини мустаҳкамлаш учун тақводорлик ила ном қозонган зотларни саройларга таклиф этишар, уларни инъом-эҳсонларга кўмишарди. Йиллар ўтиб, тақводорлик самовий шарофатлар ўрнига дунёвий неъматлар келтирадиган ҳунарга айланди. Шунда «маломатийлар» ўз таълимотларини олға суришди. Бу таълимотга кўра, гуноҳу куфри-иштибоҳдан халос бўлиш ҳар кимнинг шахсий иши бўлиб, унга бошқаларнинг аралашуви жоиз эмас эди. Аксинча, сизни қанчалар осий гуноҳдор деб билишса, таҳқиру ҳақоратларга кўмишса, ҳазар қилишса, шунча яхши, демак сиз ҳақ йўлида турибсиз, илло, пайғамбару авлиёларни ҳам ҳаминша таҳқиру ҳақорат этишган.

«Маломатийлар» зоҳиран бошқалардан ажралиб турмасликларни лозим эди. Улар ҳирқа ҳам, жанда ҳам ёпинишмас, сипоҳийлардек кийинишар, зеро, сипоҳийлар табақасига мансубликнинг

ўзйеқ ҳалол нон топиш имконини чеклаб кўярди. Агар «маломатий» хайри-садақа сўрамоқчи бўлса, ўзгалардан раҳм-шафқат уйғотмаслик, ўзи танлаган ихтиёрий гадоликни хунарга айлантirmаслик учун, агайлаб дағал, ҳаттоки ҳақоратли бир йўсинда сўраши шарт эди. Кейинчалик «маломатийлар» таълимоти Хуросон сўфийлари томонидан янада ривожлантирилди.

Бундан икки юз йил олдин, истибодод билан диний хурофот ўртасидаги узвийликни яхши англаган Султон Маҳмуд Ғазнавий замонасида шаҳарга ҳоким-раис қилиб ашаддий хурофотпараст Абу Бакр Карромий деган кимса тайинланди. Карромий ва унинг шериклари ақл-идроққа суянувчи диний-ахлоқий тариқатларга тиш-тирноқлари билан қарши туришарди. Улар султоннинг энг яқин кишиларига айланиб олиб, «йўлдан озганлар»ни оммавий жазога тортишар, уларнинг мол-мулкларини мусодара этиб, ўзларига олишар, осийликда айбланганлардан рипват-пора ундиришар, хуллас, дин йўлидаги жаҳду жадалларини шахсий бойлик, давлат орттириш манбаига айлантириб олишганди. Лекин нишопурликларнинг ялпи қаҳри-ғазаби туфайли Карромий ҳокимиятдан четлатилди, тақводорлик ва уламолик давлат хизматидаги мансаб-мартаба, дунёвий неъматларга интилиш билан қовушмайди, деган ақида расман эътироф этилди.

Нишопурнинг кўп сонли хонақоларидан машхур сўфий шайх Абу Саид Майхоний халойиқ учун мажлислар тузиб, ишқ-муҳаббатни мадҳ этар, Қуръонни талқин қилиш, пайғамбар ҳикматларини ташвиқ этиш ўрнига халқона, ошиқона кўшиқлар куйлаб, тингловчиларга завқ-шавқ бағишларди. У бой-бадавлат савдогарларнинг беҳисоб инъом-эҳсонлари эвазига сотаронали, ўйин-кулгили базм-зиёфатлар тузар, шубҳасиз бу нарса мутаассиб диндорлар наздида шаккоклик саналарди. Лекин улар халойиқнинг меҳр-муҳаббатидан чўчиб, унга дахл этишолмасди. У жанда киймас, унинг ақидасига кўра «хоҳ зарбоф, хоҳ жудур кийимларда Аллоҳга имон келтириш мумкин», ниътнинг холислиги расм-русумларга риоя этишдан устун эди. Абу Саид улуг ҳаким ва мутафаккир, ўша давр билимларининг қомул аъзми бўлмиш «Китоб-аш-Шифо» ва кўп томлик «Ал-Қонун» асарларининг муаллифи, хурофот ва мутаассибликнинг ашаддий душмани Абу Али ибн Сино билан учрашган эди. Шайх ва олим бир-бирларига тан беришган эди. Ибн Сино ўз шоғирдларига: «Мен англаганни Абу Саид ҳис айлар», – деса, Абу Саид: «Мен ҳис айлаганни Ибн Сино идрок айлар» – деган экан. Хуллас, ҳар икки аллома моддий олам ва инсон маънавий дунёсини билишда ақлий-мантиқий ва ҳиссий-гимсолий йўллариининг барабар, тенг ҳуқуқлигини биринчи бўлиб эътироф этишган эди.



Нишопур хунармандларидан чиқиб, кейин шу шаҳарда мадфун бўлган сиймолардан бири, энг мукамал қуёш календари ижодкори, мунажжим ва риёзиюн Умар Хайём эди. У даҳшатли истибод замонида руҳий эркинликни улугловчи рубойлар тўқиб, шон-шухрат қозонди.

Ниҳоят, Хуросон пойтахти Нишопурда Султонул Ҳақиқатёр деб ном қозонган шайх ва шоир Фаридиддин Аттор яшар эди.

Улар Нишопурнинг тийғончиқ кўчаларидан лойга ботиб боришаркан, хонақо, масжиду мадрасаларга катталардек диққат билан тикилиб, гузарлардаги шовқин-суронга, дарвешларнинг қичқириқларига қулоқ тутиб, Саид Бурҳониддин айтиб берган ўша шон-шухратли сиймолар ва ажиб афсоналарни такрор-такрор эсга олишарди.

Шаҳар мушуклар билан тўла эди. Улар майдонларда гала-гала бўлиб юришар, деворлар остида ястаниб, офтобда исинишар, ичак-човоқ сотувчи баққол дўкони олдида ярим доира олиб, юм-юмалоқ кўзларини тикиб, унинг ҳар бир ҳаракатини таъқиб этишарди.

Акаси тўсатдан Жалолиддиннинг енгидан тортди. Жалолиддин ўтирилиб, қордек оппоқ, лекин ориқ суяклари туртиб чиққан мушукка кўзи тушди. Мушук ўзидек оппоқ мушукчани тишида тишлаб, лойда эҳтиёткорлик билан қадам босиб борарди. Жалолиддин бирдан ўша мушукчани кўлига олгиси келди ва беихтиёр мушукка ташланди, лекин мушук бир сакраб, шундоқ ёнбошдаги боғнинг деворидан нарига ўтиб кетди. Жалолиддин турган ерида қотиб қолди. Йўқ, у қилмишидан хижолат чекмади: паҳса девор оша осилиб тушган олча новдасида оч-яшил аланга тилидек товланиб турган, илк куртакларни кўриб қолди. Ва жанубий Хуросоннинг дала ва боғлари томон келаётган баҳорнинг муаттар нафасини симириб, бирдан шу олам билан, шу бегона, галағавур шаҳардаги ҳар битта одам билан, анави мушук билан, оёғи остидаги қизғиш тупроқ билан, эндигина барг ёзаётган куртак билан, тўнининг этаklarини силкитаётган шамол билан, ўзи ўтиб келган не-не шаҳарлару чексиз-чегарасиз шу борлиқ замин билан бирлик туйғусини туйди, гўё унинг ўз тани ҳам чексиз-чегарасиз, гўё бутун олам унинг давомидек эди. Кейин алламаҳалгача шу туйғу юрагида қуйилиб, оппоқ нур таровчи гавҳарга айланмагунча, бир сўз ҳам демай, ўз-ўзича маст бўлиб, кўчаларда акасининг изидан тентираб юра берди.

Шунда у Гавҳарни эслади. Қизни бир неча ҳафтадан бери кўрмаган эди. У ошиқиб-тошиқиб Собуний мадрасаси томон йўл олди.

Гарчи Султонул Уламо, хоразмшоҳ Муҳаммад тирик экан, Хоразм тупроғида бир нафас ҳам қолмайман, деб онт ичган

эса-да, бир неча кун Нишопурда туришга қарор қилди: отлар ва одамларга бир оз дам бериш, Дашти Кабирдек каттакон саҳрони босиб ўтишга шайланиш лозим эди. Энг муҳими, она юртни абадий тарк этишдан олдин «Мантикут-тайр»нинг муаллифи Фаридиддин Аттор билан кўришмасдан кетолмас эди, Аттор ундан ўн беш ёш катта бўлса ҳам, лекин сўфийликнинг муборак либоси – ҳирқани унинг тутинган оғаси ва Хоразмда мактабдоши бўлмиш, муртад шоҳ Муҳаммад томонидан ўлдирилган ўша шайх Мажидиддин Бағдодий кўлидан олган эди.

Лекин у афсус ва надомат ила эшитдики, шоирни ҳам «йўлдан озган»ликда айблаб, ўлимга ҳукм этишган, кейин ҳукми юмшатиб, мол-мулкани мусодара этиб, ўзини шаҳардан бадарға қилишган экан. Айтишларича, у шаҳардан унча ҳам узоқ бўлмаган бир жойда узлатда яшаркан. Султонул Уламо одатта кўра, Фаридиддин Аттор уни кўриш учун Собуний мадрасасига ташриф буюрмаганига энди тушунди, шоирни унинг масканига бориб кўриш ниятида эканлигини айтди. Мадрасанинг кекса мударриси йўлбошловчи қилиб берган қилтирик, жонсарақ дарвеш эшагини йўртгириб, шаҳардан ташқарига бошлади. Шаҳарга туташ боғлар, узумзорларни оралаб, бир қишлоққа киришди, бу ерда чинорлар ҳали қип-яланғоч, қинғир-қийшиқ новдаларда бултурги яккам-дуккам япроқлар кўзга ташланарди. Чамаси уч соатларча йўл босиб, куёшда қовжираган шипшийдам тоққа яқинлашишди. Отаси отдан тушиб, вазмин қадамлар билан тепалик устида қорайиб турган ғорга қараб юрди. Дарвеш, хурматми ёки эҳтиёт юзасидан, ҳар нечук отлар ёнида қолди, Жалолиддин акаси билан ёнма-ён юриб, отасига эргашди.

Ғор олдидаги кенг майдончада ҳеч ким кўринмас, лекин ҳар қалай уларнинг келишларидан Аттор хабардор эди. Отаси бир чеккада тўкиб қўйилган қум уюмига яқинлашганда – ғор эгаси шу ерда гулхан ёқса керак – устида қорайиб кетган эски тўн, бошига узун қалпоқ кийган, озиб-тўзиб кетган чол тез-тез қадам босиб, уларга пешвоз чиқди. Унинг юришида ташвиш эмас, шиддат кўзга ташланарди, гўё у фавқулодда муҳим бир иш билан банд бўлиб турганда, тўсатдан, азиз меҳмон келди, деб хабар қилишган. У қандоқ шашт ила юриб келган бўлса, гўё кўринмас бир тўсиққа дуч келгандай шундоқ шашт ила таққа тўхтади ва аста букилиб, саломга бош эгди. Уч карра таъзим адо этгач, ўчиб қолган гулханнынг икки томонида, бир-бирига қарама-қарши қўйилган тошларга ўтиришди: бошида мотам рангли, нопармон салла ўраган баланд бўйли, қаҳрли қиёфали уламо ва наमतдан дарвешона учли тақя кийган, қомати букик, қовжироқ шоир. Улар лом-мим демай, бир-бирларига узоқ тикилиб туришди.

Улар нималар ҳақида ўйлашди экан? Тангри таоло ҳақида-ми? Бир-бирлари ҳақидами? Қатл этилган шайх Бағдодий ҳақида-ми? Кечган умр ва қисмати азалнинг қалтис ўйинлари ҳақида-ми? Йўқ, шунчаки бир-бирларига тикилиб туришар – бир-бирларининг моҳиятларига кириб, ягона бир кайфиятга тушиш учун. Бунда сўз нима ҳам қила оларди?

Жимлик узоққа чўзилди. Ҳар қалай Жалолиддинга шундай туюлди, у одоб юзасидан қўлини кўксига қовуштириб акаси билан ёнма-ён, отасининг ортида турарди. Шоирнинг ёши нечада – етмишдами ёки роппа-роса юздами, билиб бўлмасди. Қариялар ёши – уларнинг ёшлардан яширин тутган асрори. Дарвоқе, қаршингда Мисрдан – Ҳиндистонга қадар бутун мусулмон дунёсини кезиб чиққан, бу дунёнинг энг тоза гавҳарларини бағрига жо этган «Мантиқут-тайр»дек асар ёзиб, инсоннинг камолот йўлини чизиб берган, ўнлаб шеърый китоблари ила дунёга донг таратган, лекин ҳеч қачон давлатдор ва сарватдорлар мадҳида қаламини булғамаган бир сиймо тураркан, ёшнинг не аҳамияти бор.

Наҳотки, шуларнинг ҳаммасини мана шу соқоли ўсиқ-тўзиқ, увада тўн кийган, қоқ суяк қария адо этган бўлса? Отасидан қолган атторлик дўконини тебратиб, тўқ ва осойишта ҳаёт кечирса, нима қиларди? Бошқалар шундоқ қилмасмиди? Уни йўлга бошлаган нима?

Ҳали икки дунё – фоний дунё билан ўз дунёси айрилишида турган, улардан бирини бошдан оёқ босиб ўтган чолга ҳайратланиб боқувчи ўн икки яшар бола бу гапларни тагига етармиди.

Холбуки, Аттор ўзининг «Мантиқут-тайр» достонида бу саволга бир ривоят ила жавоб берган эди: бир шоир, Худога ёлбўринлар, Маҳшар куни мени жаҳаннамга отсин, лекин танимни шу қадар баҳайбат этсинким, токи жаҳаннамда бошқаларга ўрин қолмасин, деган экан...

Жалолиддин «Мантиқут-тайр»ни устози билан бирга мутолаа этган эди. У ўқиганлари устида ўйлар, айримларга ўхшаб, мулоҳаза этмаслик учун мутолаа этмасди. Лекин ўйлаш бошқаю англаш – бошқа. Турклар: «Донога ишорат, нодонга калтак», – деб бежиз айтишмайди.

Ўзгаларга оташин меҳр-муҳаббат – Аттор ва ҳақиқатнинг ўзга фидойиларини йўлга бошлаган нарса мана шу эди. Ун икки яшар Жалолиддин буни ақлан англамаса-да, қалбан ҳис этарди. Буни у кўзини ердан узиб, Атторнинг ярим телба назарига дуч келган дақиқадаёқ ҳис этди. Шу дам шоир Султонул Уламонинг унсиз саволига жавоб берган каби, жимликни биринчи бўлиб бузди:

*– Файб оламидин агар ҳаволаб учдим,  
Бу дайри фано ичра етишдим, тушдим.  
Ҳеч кимсага эш бўлмади бу сирри ниҳон,  
Бесайд ва бесамар жаҳондин кечдим...*

Шоирнинг кўзлари тўсатдан бир нуқтага тикилганча қотиб қолди, лабларининг чети осилиб тушди. Жалолиддин унинг қариб, оғзини гўрдек очиб турган ана шу ғор олдидаги қоп-қора тупроқдек куйиб-қавжираб кетганини пайқади...

– Кўнглим кўзи ила сени кўп йиллар изладим, шайх Фариддин, – деди шу орада отаси, – Аллоҳнинг марҳамати ила дийдорингни кўришга мушарраф бўлдим...

Кейин улар нималар ҳақида гапиришди – Жалолиддин эшитмади. Унинг раҳми келиб, юраги ачишиб кетди. Учли тақя кийган мана шу жиккак чолга эмас, балки яқинда ундан жудо бўлажак дунёга ичи ачишди.

Бола Атторнинг кўзларидан шуни аниқ англадики, у ҳаёт билан ҳамма ҳисоб-китобини қилиб бўлган, фақат бир нарсани – ўлимни кутади.

У узоқ кутмади. Бир йилдан сўнг, 1221 йилнинг 10 апрелида мўғул галалари Нишопурга ёпирилди. Нишопуриликларнинг шафқат сўраб қилган илтижолари кескин рад этилди, шаҳар учун бўлган жангларда бир мўғул саркардаси ҳалок бўлган эди. Тўрт юз хунарманддан ташқари ҳамма қиличдан ўтказилди, шаҳар ер билан теп-текис этилиб, ўрни шудгорлаб ташланди. Қолган-қутганлар ҳам омон топмасин учун харобазорда бир даста мўғул аскарлари қоровул этиб қолдирилди.

Мўғуллардан бири асир олинганлар орасида мусулмонлар авлиё деб биладиган бир чол ҳам борлигини эшитган эди, у шоирни асир олган аскарга минг дирҳам таклиф этди.

– Мени арзонга сотма, – деб тўхтади шоир кутилмаган шунча бойликни эшитиб, эсанкираб қолган мўғулни, – сен мени тагин ҳам қимматроқ сотишинг мумкин.

Навқар оёқ тираб олди, харидор қўл силтаб, от бошини бурганича кетиб қолди.

Аттор ўз жонини қутқазиши мумкин эди. Лекин унга энди ҳаётнинг қизиғи қолмаганди.

Қари, заиф чолни бир дирҳамга ҳам олишмади. Бир куни мўғуллардан бири омади кетган ўртоғи устидан кулиб: «Қари маймунинг учун бир қоп сомон бераман», – деб қичқирди. Шоир кўпдан кутган дам келган эди. «Тезроқ сота қол, – деди у сўзга аралашиб, – мен бундан ортиғига арзимаймен!»

Ҳазабланган мўғул қиличчини қинидан суғурди. Шоир кўпдан ўйлаб юрган орзусига етди, у фоний дунёни тарк этди.

Мана, орадан ярим аср ўтибдики, Жалололиддин ҳар гал шуни эслаганда, юраги шу ёруғ оламга ачишиб кетади. Худди ўшанда Фаридиддин Атгор қаршисида туриб, унинг паришон назарига дуч келиб, ачишгандек.

Шоир ўрнидан кўзғалиб, дўстининг ортидан ҳамон типпатик турган болаларга кўз солиб, форга томон юрган ва у ердан бир китоб олиб чиққан эди.

– Ҳа демай уларнинг қалбида дунё қалби ўт олур, – деганди у болаларга ишора этиб, – унинг учқунлари Ҳақиқат ташналари юрагида аланга ёқур...

Китобни отасига узатаркан, ажабки, Фаридиддин Атгор тикка Жалололиддинга боққан эди. Шунда Жалололиддин қалбидаги ачишиш туйғуси майин бир мунг ила алмашинган эди.

Ҳозир қари Жалололиддин биладики, бунинг ажабланарли ери йўқ. Буюк дилшунос, юзларга боқиб, юракларни ўқувчи Атгор учун боланинг ўша дамдаги туйғуларини илғаш, унинг бошда-ноқ дунё билан муносабатларини чигаллаштирган чексиз раҳмдиллигини пайқаш жилла қийин эмасди. Ўзгалар мусибати, Атторга ўхшаб унинг ҳам мусибати эди.

Шаҳарга қандоқ қайтишди, Жалололиддин эслай олмайди. Эсига қолгани: нишопурликларнинг югур-югури – ҳовлиқмалик, ҳурматлари – хушомадўйлик, ташвиш чекишлари – қўрқоқлик бўлиб туюлган эди. Отасининг от жиловини хизматкорга тутқазиб, шайх Хўжагийга айтган сўзларини эшитаркан, у эркин нафас олган эди:

– Эртага тонг билан йўлга тушамиз!..

## **БИРИНЧИ ШАМ**

У оёқ шарпасига ўтрилиб боқмади – мадраса аллақачон қоронғуликка чўмган, ўтирилиб қараган билан қадам эгасини таниб бўлмасди. Аммо у биларди: бундоқ мулойимат, одоб ва эҳтиёт ила қадам босиб келаётган тўнғич ўғли, Валад эди.

Шам ўтини тўсган кўл сояси баҳайбат кўршапалакдек талпиниб, деворларда сирғанарди. Соқол кўланкаси, ҳар қадам босганда, шифтга найзадек санчилиб, яна гурзидек пастга тушарди... Биз ер юзида соялармиз, холос. Ҳа соялармиз, лип этамизу гойиб бўламиз. Фақат бағримизда ёниб, бошқаларга узатиладиган аланга, ҳозир ўғли жимгина эгилиб, унинг қаршисига қўядиган, қайдадир шу деворлар ортида бошқа бир шамдан ёндирилган ана шу шам алангаси янглиғ боқий қолади. Бизни ёндирган аланга қанчалар ёруғ бўлса, у шунча узоқ ёнади ва биз, дарахт новдаларига ёйилган шарбатдек, олам бўйлаб таралган Ҳақиқатга шунчалар яқинлашамиз...

Китобхон, сиз билан биз ўзимиз билиб олган ҳаёт қонунияларини ҳақиқат, деб атаймиз. Жалолиддин уни худо деб атарди. У ўз даврининг фарзанди эди. Аммо донишманднинг бошига кўниб олган қушча ундан кўра узоқроқни кўраркан, сабаб — унинг назари ўткир, ўзи оқил эканида эмас, сабабки, у бир оз баландда ўтирибди.

Инсоннинг ягона ва қудратли, ҳамма жойда ҳозир-нозир Худо ҳақидаги тасавури унинг тафаккури тараққиётида мажусийликка нисбатан олға томон қўйилган улкан қадам эди, зеро, бу ташбеҳда оламнинг бирлиги ҳақидаги тушунча, одамзотнинг сўнгсиз қудрат, ҳамма нарсадан воқифлик ва бирлик ҳақидаги орзуси, бир оз ғойибона бўлса-да, тажассум топган эди. Бизнингча тарих хатоликлар йиғиндиси эмас, уринишлар силсиласидир. Монистик динларнинг пайдо бўлиши ўз даври учун физиологик ва руҳий ҳодисалар, тан ва онг, объект ва субъект ўртасидаги мураккаб зиддиятларни ҳал этишга қаратилган бир интилиш эди.

Мусулмонлар ўшанда Кичик Осиёни Рум деб аташарди, умрининг кўп қисмини Румда яшагани учун Румий тахаллусини олган Жалолиддин ўз асрининг фарзанди, бинобарин, у ўз фикрларини илоҳий пардаларга ўрагувчи эди.

Лекин инсон табиати асрорига дадил ва теран кира олган Жалолиддин (биз энди биламизки, онг борлиқнинг объектив қонуниятлари инъикосидир) шунга ишонч ҳосил қилдиким, дунё зиддиятлар бирлигидаги «зиддиятлар жангидир», дунё қачонлардир бир йўла боқий бўлиб ярагилмаган, балки ҳар лаҳза яралиб туради».

Жалолиддин диалектика системасини яратди, бу ишни унинг салафлари, жумладан, Юнонистон, Рим, Арабистон, Ҳиндистон ва Хитой мутафаккирлари бошлаб берган эдилар.

Гегелнинг эътирофича, Жалолиддин Румий унга диалектик метод яратишга ёрдам берди ва бу метод қайта ишланиб давримизнинг энг илғор дунёқараши таркибий қисмини ташкил этди.

Бироқ Жалолиддин Гегелдан фарқли ўлароқ, ўз даврининг фарзанди сифатида, фикрларини мавҳум мантиқий категорияларда эмас, балки оташин шоирона тимсоллар воситасида талқин этарди.

Шарқдан мўғуллар босқини, Фарбдан салибчилар юришининг ёввойиликлари рўй бериб турган, диний урушлар ва фанатизм ҳукм сурган ўз замонасида у инсонларни сулҳу салоҳ, тинчлик-тотувликка чақирди: унинг наздида барча монотеистик динларнинг моҳияти бир хил эди. Қуллик, истибдод ва зўравонлик ҳукм сурган бир даврда у одамларнинг бойлиги, ирқи, дини, насл-насаби, мансаб-мартабасидан қатъий назар, тенглик, биродарлик ғоясини олға сурди. Унинг наздида одамлар фақат Инсони Комилга нечоғлик яқинликлари билан фарқ

қилишар ва ҳар бир киши ўша Муқаммал Инсонга ўз меҳнати ва қобилиятига кўра яқинлаша оларди...

Ҳақиқат ташналарига атаб ўзининг бир ғазалида у, жумладан, шундоқ деган эди:

*Аё сиз, жон чекиб ҳар лаҳза изларсиз илоҳийни,  
Ани излашга ҳожат йўқ, илоҳий – сиз, илоҳий сиз!*

У ўз шеъриятида «худо» ташбихини реал моҳиятини мана шундоқ очган эди.

Ҳаёт ва ўлим, онг ва борлиқ, башар ва башарият, замон ва макон бу муаммолар тарих давомида турлича қўйилиб келади... Инсоният яшар экан, улар янги-янги сувратларда қайта-қайта қўйилаверади ва уларни ҳал этишга интилиш, илгаригидек, ҳар гал ҳақиқатга яқинлашишдан иборат бўлади.

Келинг, китобхон, яна етти аср орқага, 1268 йилнинг куз туги зулматига чўккан Кичик Осиёнинг Кўнё шаҳрига, Жалолиддин Румий таңҳо шам ёруғида хаёлга чўмиб ўлтирган ўша мадрасага қайтайлик, унга қўшилишиб, унинг умр йўлини кўздан кечирайлик. Эскирган иборалар ва ғайриодағий ифода усуллари-дан тап тортмай, улар замирида яширинган буюк бир тарихий интилишнинг маъносини чақиб кўришга ҳаракат қилайлик. Эҳтимолки, асрлар қатлаמידан ўта олган ўша зотни ёндирган оташнинг тирик алангасини ҳис этармиз.

«Сўз – либос. Маъно унда яширин асрор», – дегувчи эди Жалолиддин Румий.

Валад шамни ерга қўйиб, унга ҳадиксираган, саволчан назар билан боқди. Отасининг кўзларидан ташаккур ўқиб, боягидек юмшоқ, эҳтиёткор қадамлар ила, дилидагини тилига келтирмай, чиқиб кетди. Ўша айтилмаган савол бутун тафаккур оқимига илашиб, алақандай муаммо бир нарсани эсга солаверди. Шунга бас келишга тиришиб, Жалолиддин нега Фаридиддин Аттор унга, ёш болага ўзининг «Асрорнома» китобини тортиқ этгани сабабларидин яна бирини, эҳтимолки, энг муҳимини бирдан англади: бу – умид, юпантирувчи ва хомтамаъ этувчи, ўзинг эшитмоқчи бўлган сўзларни қулоғингга шивирлаб, боқийликдан фонийликка томон етаклаб борувчи умид эди. Оталар этолмаганни фарзандлар этар, улар биздан кўра яхшироқ, биздан кўра комилроқ бўлар, деган умид эди...

Хўш, қаёқдан бўлсин, магар биз боримиздан кўра яхшироқ, комилроқ бўла олдикми? Йўқ то тирик экансан, ўзингдан кўра дурустроқ ва муносиб бир нарса қолдириш учун, умиднинг шивирлашларига учмай, ишлашинг, тинмай заҳмат чекишинг керак. Эҳтимолки, ўшанда фарзандлар биз этолмаганни этишар, биз этолмаганга етишар. Эҳтимолки...

Аттор ўзини аямай, заҳмат чеқди. Лекин у орзиқиб кутган

яккаю ягона ўғил унинг олтмиш ёшида туғилиб, ундан олдин, ўн саккиз ёшида вафот этди. Орадан ярим аср ўтгач, Жалоллиддин қари шоирнинг гўрдек қорайган ёр оғзида туриб, унга ташлаган нигоҳида ана шу қайғуни ўқиди.

У ўз болаларини, ўша ой юзли Гавҳар-хотун туғиб берган ўғилларини эслади. Тўнғичини отасининг шарафига Валад деб атади. Тунларни кўлида аллалаб ўтказди — бўлмаса, эркатой ухлამасди. Бир қарашда Парвардигор Валаддан ҳеч нарса аяманган эди: ақлли, илмли, одоб-назокатли. Ота-ўғил яқдил эдилар: отасининг фикри ҳам унга тушунарли эди. Аммо у отадан ўзиб олға кета олармикин?

Жалоллиддин тараддулда қолди. Валад унинг суюкли ўғли эди: адолат юкини ўтинчи тарозисидамас, заргар тарозисида тортиш жоиз эди.

Эҳтимолки, унга суюкли бўлгани учун ҳам қийиндир: мана, ҳадемай қирққа киради, соқоли мошгуруч, у ҳамон отасига эргашади, отасининг изидан юради. Ҳа Валад отасини тушунарди. Ота меросини унчалик тушуниб-тушунтирадиган ҳам, унчалик асраб-аяйдиган ҳам бўлмаса керак. Лекин, бари бир, Валаднинг ҳамма билганлари — ўзлаштирилган, меросга олинган бўлиб, ўзи излаб топган нарсалар эмас. Меросга олинганнинг баҳоси бошқача бўлади. Ахир у умр бўйи олтин йиғмади, мамлакат истило этмади, ёхуд боғ-роғ ўстирмадики, ўшаларни асраб-авайлаш шу қадар жоиз бўлса?! Бу дунёда бошқа нарсалар каби сўз умрига ҳам бақо йўқ. Улар ҳам ишлатилавериб сийқаси чиқади, тешик кўза сув туголмаганидек, маънони туголмайди. Ҳақиқат эса ҳамиша тирик, ҳар лаҳза қайта туғилади, унинг лоақал бирор ҳовучини тутиб қолиш учун ҳар гал янги идиш керак бўлади. Бағридаги юки ўша-ўша, эски ҳақиқат бўлишига қарамай, янги сўзлар эски сўзларга зид келиб қолиши мумкин. Аммо сен чиндан ҳам ташна экансан, кўзанинг шакли шамойили билан не ишинг бор?

Отаси меросига ворис ва қоровул бўлиш жозибасини енгиш учун Валадда куч ва жасорат етармикин? Аслини олганда ҳақиқатни асраб-авайлаш — уни топиш, кўлга киритиш, деган сўз, акс ҳолда, беҳисоб мазҳаблар ёнига унинг исми билан аталувчи янги бир мазҳаб келиб қўшилади, вассалом... Ҳолбуки, у ҳосил этган ишонч-эътиқод шулким, инсонларнинг мазҳаблар табақалар динларга ажралиши — улуғ қабоҳатдир, одамзод ҳақиқат янглиғ воҳид-ягонадир.

Жалоллиддин бир сесканиб тушди. Шу пайт унинг кўзига Валад собит — устивор туrolмайдиган, жудаям сусткаш ва кўнгилчан бўлиб кўринди. У кулча юзли, ёноқлари ҳамиша қипқизил, буни ҳатто соқоли ҳам яширолмасди. Ҳали марҳум Саид Бурҳониддин тирик экан, муридлардан бири сўраган эди: «Нега



Мавлононинг юзлари опшоғу Валаднинг юзи қип-қизил?» Саид шу ондаёқ жавоб берган эди: «Жалолиддин ҳамиша ошиқ, ошиқларнинг кўзлари ёниқ, ранглари синиқ бўлур. Валад эса ёшлигиданоқ суюкли, махбубдир».

Буни эшитган Жалолиддин бир кулиб кўйган эди. Марҳум устоз ҳақ эди. Ҳақиқат ошиғи ва ҳақиқат маъшуқи – мана, улар орасидаги тафовут... Ўғли неки қилмасин – шеър битади-ми, ваъз айтади-ми, бари тўғри ва оқилона эди. Фақат бир оз чиройлироқ, чучмалроқ. Шеърлари ҳам отасининг шеърларига ўхшаш. Гиламнинг ўнги тескарисига ўхшаганидек – бўёқлар жилваси бошқача, тугунлар кўриниб туради. Йўқ, Жалолиддин бунда ўзи истаган тақдирда ҳам адашмайди.

Валадда қандайдир заифоналик, юмшоқлик, ўз-ўзини эҳтиёт қилишга майл бор эди. Ундаги нур ҳам, ой шуъласидек, ўзга бир нурдан яралган. Ёндириб куйдирмайди, силаб-сийпаб, юпантиради, холос. Гарчи ҳамма вақт отасига ўхшашга ҳаракат қилса ҳам, унда ойиси Гавҳар-хотун яшайди. Эҳтимолки, шунинг учун ҳам отаси бошқа ўғилларидан уни кўпроқ севади.

Фақат у шеър ёзиб, бекорга овора бўлади. Нима кераги бор? Ундан кўра, йўлини изласа, бирор нимада шак-шубҳага борса, исён-туғён кўтарса, ялши эмасми!.. Хўш ўзинг-чи, Жалолиддин, ўзинг то отанг Султонул Уламо тирик экан, шак-шубҳага бориб, исён-туғён кўтарибмидинг? Йўқ, нукул унга эргашардинг, рост гоҳида шубҳалангансен...

Маккада отаси билан зиёратчилар оқимига кўшилиб, мубо-рак Хонаи Каъба атрофида айланишди. Нимовозда айтилган дуою тиловатлар шовқини шовуллаётган денгизни эслатар, қичқир-риқлар осмонга сапчиган учиримларга ўхшарди. Одамлар ҳеч тортинмай, кўз ёшларини юзларига суйкаб йиғлашарди, кимдир ҳушдан кетиб йиқилар-орзиқиб кутилган, ларзакор дамлар, ўз-ўзингни унутиб, дунёнинг тўрт тарафидан келган мингларча халойиқ ила кўшилиб-қоришиб кетадиган дақиқалар. Бу мўъжизадан сўнг ҳамма нарсга ўзгармоғи шарт. Ўзини инсонларнинг биродарлик баҳрида битта қатра деб ҳис айлаганлар яна золимлик, бахиллик ва манманликка нечук ружу қилур?

Лекин шу куниеқ у дарвешларнинг тақводорлик устида тортишиб, ёқа йиртишганини ўз кўзи билан кўрди. Муштлар, учи найзадек ўтқир ҳассалар ҳавога ўқталди, соқоллардан кўз ёши эмас, қонлар томчилади, кўзлар меҳр-муҳаббат нури билан эмас, ғазаб ва нафрат олови билан ёнди, тиллардан зикру сано ўрнига дашном-ҳақоратлар учди...

Маккадан Мадинага боришаркан, уларнинг карвонини қим-матбаҳо арабий отини ўйнатиб, қоп-қора юзли бир суворий қувиб ўтди, устида ярқироқ тўн, бошида ҳожи дастор. У билан

ёнма-ён бошларига ўшандоқ дастор ўраб, яланг оёқларига сандал ковуш кийиб олган, бармоқлари яра-чақадан қонталаш бўлиб кетган мулозимлар югуриб-елиб боришарди. Бадавлат ҳожи араб сиймосида ўн икки яшар Жалолиддин ғолибона бир ғурур кўрди. Шундоқ кибру ҳавони у бошқа ҳожилар сиймосида ҳам уқиди. Шунда унинг хаёлидан, улар мусулмончилик фарзини адо этиш ёки гуноҳлардан қутулиш учун ҳажга келишмаган, деган фикр ўтди. Улар ҳожи номини олиб, шу ном ила ўз юртларида яна қора кирдикорларини бемалол давом эттириш учун келишган.

Йўқ, мўъжиза рўй бермади. Жалолиддин юракдан туйган, унинг назарида бошқа зиёратчилар ҳам баробар ҳис этган сурур одамларда, уларнинг ҳаёти ва хатти-ҳаракатларида ўзгариш ясамади. Унда ҳажга бориб ҳам осийлигингча қолишинг ёки маҳалладан чиқмасдан туриб ҳам тақводор бўлишинг мумкин, деган фикр уйғонди. Аммо бу фикрни у шу ондаёқ нари ҳайдаб, ўз-ўзини изза қилди. Отасининг: «Одамлар – мисоли кўзгу, уларнинг гуноҳида сенинг гуноҳларинг акс этур», – деган сўзлари ёдига тушди.

Ҳаққоний сўзлар эса ўн йиллардан кейин келди:

*Аё завворалар<sup>1</sup>, сизлар қаёнда?  
Келинг, сиз излаган маҳбуб бу ёнда!  
Ани сиз ахтариб, ҳар лаҳза муштоқ,  
У – сизга энг яқин ҳамсоя, ўртоқ.  
Шамолдек чўлда сарсон кезмагайсен,  
Ҳарам ҳам ҳаж ила қуддус – ўзингсен...*

Исён-туғён қилиш қаёқда?! Отаси тирик экан, у гоҳо шубҳага борар, аммо ҳеч қачон шак келтирмаганди. Эркак киши фақат ота вафотидан сўнг ҳақиқий эркак бўлади, деганлари рост шекилли.

Отаси билан унинг орасидаги тафовут қарийб эллик йил эди. Отаси вафот этганида Жалолиддин атиги йигирма уч ёшда эди. Катта ўғли Валад эса ўн тўққиз ёш кичик. Қирққа етай деб қолди.

У аччиқ устида «исён қилиш» иборасини тилга олиши биланок кимнингдир қиёфаси хира пашшадек айланиб, унинг кўз ўнгида пайдо бўлаверди. Ҳайдамоқчи эди, йўқ, кетмади, қаршисида туриб олди!

Қаршисида бундоқ туриб олган, ҳатто исмини хаёлида ҳам тақорлашни истамаган ўша – унинг иккинчи ўғли эди. Ҳа, у исён қилди. Аммо топиш учунмас, айрилиб қолмаслик учун. Ота йўли тор келгани учунмас, ғайриодатий ва хатарли бўлиб туюл-

---

<sup>1</sup> Завворалар – зиёратчилар.

гани учун. У отасини ёлғиз ўзи учун тутиб қолмоқчи эди. Худди чўкаётган одам ўз нажоткорига ёпишиб олиб, уни пастга тортинадек, у ҳам отасини пастга тортқилайди... Йўқ, сен исён этмадинг, ақл ва номусни тарк этдинг, сенда ҳасад ва худбинлик қони хуруж-ғалаён қилди. Сен кимга қўл кўтардинг?! Ҳақ гапни айтишган: «Бир одамни тирилтирган ҳаммани тирилтирганга тенг. Бир одамни ўлдирган ҳаммани ўлдирганга баробар!».

У ўзида уйғониб-қўзғолиб келаётган, қарийб унут бўлаёзган туйғуга ҳайратланиб қулоқ тутди. Афтидан, бу – қаҳри-ғазаб эди. У қаҳри-ғазаб адосига етган, деб ўйларди, негаки бир пайтлар қаҳр уйғотувчи нарсалар энди ачиниш ва надомат уйғотарди.

«Ўз руҳинг дунёсини англаш ва эгаллаш бир замонлар Искандар Зулқарнайн ер юзини эгаллаганга нисбатан мушкулроқ. Лекин ҳаммадан мушқули кейин келур, ҳамма нарсани англарсену аммо дунё телбаликларига боқиб, уни бир зарра бўлса-да, ўзгартириш илкингдан келмагай! Мушкулдан ҳам мушкул савдо бу!»

Жалолиддин ўзининг эски рақиб – қаҳри-ғазабини таниб, уни дарҳол жиловлаб олди. Юзида эти қилт этмади. Тасбиҳ доналари бармоқлари орасидан ҳамон бир меъёрда шилдираб оқарди.

У қаҳри-ғазабнинг қайдан келганини ҳам билади, у ҳам ота-мерос эди. Вазмин табиатли, собит устивор Султонул Уламо қаҳри-ғазабга камдан-кам эрк берар, бироқ эрк бердими, бас, унинг шиддати момақалди роқ янглиғ даҳшатли бўларди. Отаси Балх масжиди жомесида сўнгги бор ваъз айтаётиб, Жалолиддинни шундоқ ҳайратга солган эди. Ундаку жиддий сабаб бор эди, аммо Бағдод олдидаги доводна-чи...

## ДОРУССАЛОМ

Фил оёғидек хурмо танасига суяниб, улар ака-ука юпқа тарик нонга ўраб, пишлоқ ейишарди.

Йўл чарчоғидан баданлар зирқираб оғрир, чексиз дашти Кабир ва Курдистоннинг тоғ давонлари орқада қолган эди. Энг сўнгги, кечалаб довод ошиш ҳаммани ҳатто Нишопурдан бери туяда келаётган отасининг ҳам тинкасини қурипти. Лекин у ошиқар, юкларни бўшатишга рухсат этмасди.

Туякашлар туяларни дарахтларнинг соясига олиш билан машғул, бошқалар ошқат тадориги учун карвонсаройга киришди.

Болалар салқинда мазза қилиб нон чайнаб, бир вақтлар Бобил подшолари юрган қадимий йўлга, эшак устида туриб, ҳалдан зиёд арзонгаров пишлоқ, кулча ва хурмо таклиф этувчи савдогарларга, буғи чиқиб турган қозонларга қизиқсиниб қарашади.

Эрта тонг эди. Аммо йўл гавжум, халофат пойтахтининг яқинлиги кўриниб турарди. Бир чопар кўнғир балужистон туясини

йўрттириб, елдек учиб ўтди, айтишларича, бундоқ югурик туяларда эргалабдан оқшомгача ропша-роса ўтгиз фарсаҳ йўл босиш мумкин эмиш. Баланд ёқали узун кўйлак устидан оқиш авра тўн кийиб олган эркаклар, гулдор либослар кийиб, бошларида сават кўтарган чўрилар, кенг ва катта дарвозали кўрғонлар – бари бегона ва ғалати туюларди.

Акаси савдогарларнинг қичқириқларига кулоқ солиб турдида, Жалолиддинни туртди:

– Бу ерда чайқовчилар ҳам арабчалаб гапиришади, сарфу наҳвни<sup>1</sup> ҳижжашагга ҳам ҳожат йўқ!..

Жалолиддин пиқ этиб кулди-ю, лекин қайрилиб қарамади. Йўлда карвон кўринди. Унда нимадир Жалолиддинга таниш кўринар, аммо нима аниқ билмасди. Фақат карвон яқинлашгач, у сакраб ўрнидан турди-да, карвонбошига қараб югурди. Жалолиддин адашмаган, булар – ҳамшаҳарлари, балхлик савдогарлар эди.

Карвончилар Султонул Уламнинг шу ерга қўнгани, унинг муридлари орасида савдогарлар оқсоқоли Шарафуддин Лоло ҳам борлигини эшитиб, ҳайрон қолишди ва тўхташга қарор қилишди.

Улар уйдан бирор янгилик айтишолмади, зеро, Балхдан анча илгари чиқиб, айланма йўл босиб келишган эди – уларнинг нозик моллари саҳро ялғуғига бардош беролмасди. Ҳамшаҳарларини жилла хурсанд қилиш учун савдогарлар бойламлардан бирини очишди. Унда ёлғиз она шаҳарларида тайёрланатиган қовун қоқи – балхли тугилган эди.

Жалолиддин қоқичиларнинг маҳоратига ҳаминша қойил қоларди, улар пичоқни узлуксиз юритиб, қовун мағзини охиригача олишарди.

У ақиқдек товланган қоқини тўйиб-тўйиб ҳидлади, димоғига она шаҳрининг муаттар ҳиди урилди. Бу унга юртининг сўнги саломи эди.

Аммо ҳамшаҳарлари билан учрашув Султонул Уламони юмшатмади, гўё Балх билан уни ортиқ ҳеч нарса боғламас эди.

Овқатдан сўнг икки туякаш унинг ҳузурига келишди.

– Бутун ҳеч қаёққа жилмаймиз. Туялар толиқди.

– Дам олишнинг вақти эмас!

Отаси уларга бир нималарни узоқ тушунтирди, аммо улар шу икки сўзга ёпишиб олишди: «Туялар толиқди!» Шунда отасининг энги тўсатдан ҳавога кўтарилди ва йирик япалоқ кафти шарақлаб туякашнинг қаншарига тушди. Султонул Уламнинг кўли залворли эди, бир уришда икки туякашни ҳам ерга ағанатди. Ҳамма ҳанг-манг бўлиб қолди.

---

<sup>1</sup> Араб тили грамматикаси ва синтаксиси.

– Туяларни торт, харомилар!

Туялар чиндан ҳам чарчаган эди, лекин ҳаммадан ҳам туя-кашларнинг шу ерда қолиб, элатлари билан тўйиб-тўйиб суҳбатлашгиси бор эди. Отаси ёлғонга тоқат қилолмасди. Лекин шу зиғирдек ёлғонни деб қўл кўтариш жоизмиди? У ошиқиб қаёққа борарди?

Жалолиддин энди тушунади: туякашларнинг ўша кичик ҳийласи отасининг сабр косасини тўлдирган сўнгги томчи бўлган, унинг қалбида кўздан йиғилиб ётган ғазаб-аламларга йўл очган эди. Бағдодда яна бошқа бир нарса: Султонул Уламонинг шу қадар ошиқиб-тошиққани сабаби маълум бўлди. Лекин ўшанда унинг қаҳру ғазаби, ҳаммадан ҳам сўқиниши болаларнинг ўта-касини ёрган эди.

Халифа пойтахтидан икки соатча масофа берида уларни тўхта-тишди. Замон нотинч, ҳамма йўлларга қоровуллар қўйилган эди. Карвонни соқчи араблар ўраб олишди.

– Қаёқдан келяпсиз, қаёққа борасиз?

Кейинги тўхтамадан буён юзини кўрсатмай келаётган отаси саропардани кескин очиб, арабчалаб қатъий жавоб берди:

– Тангридан келурмиз, Тангрига борурмиз. Аллоҳ салтанатидан бўлак салтанат йўқ. Ғойибдин чиқибмиз, ғойибга етгаймиз!

Соқчилар чўчинқираб қолишди. Араблар пайғамбар лисонида айтилган сўз олдида сажда қилишади. Бу ғалати йўловчи айтган сўзларнинг маънисини ҳам, оҳанги ҳам кўрқинч эди. Карвонни қўйишга ҳам, қўймасликка ҳам ҳайрон бўлиб қолишди. Кейин Бағдоднинг шайхул машойихи Суҳравардийга чопар жўнағиб, ўзлари карвон билан шаҳарга йўл олишди.

Чопар Доруссаломга (ўшанда халофат маркази – Бағдодни шундоқ деб аташарди) бир карвон келаётгани, бутун аломатларга кўра, у Хуросондан чиққани, карвонда уламолар ва дарвешлар келишаётганини, уларнинг ғалати сўзларини етказганда, шайх Суҳравардий дарҳол чамалади:

– Ҳойнаҳой, бу Балх уламоси Баҳоуддин Валад бўлса керак, зеро, бу замонда ундан бўлак ҳеч кимса бундоқ тил бирла арзи ҳол этмас...

Бағдоднинг донгдор уламоларидан бири, бир пайтлар хоразмшоҳ Муҳаммадга элчи бўлиб борган ўша Суҳравардий ўз даврининг барча таниқли шайх ва сўфийларини яхши биларди. Баҳоуддин Валад билан шоҳ саройи уламолари ўртасидаги муноқашадан ҳам хабардор эди. Бутун машҳур шайх ва воиз хоразмшоҳ тупроғини тарк этган экан, сабаби қанчоқ бўлишидан қатъий назар, бу аббосийлар хонадони учун яхши дастак эди, илло барча мўмин-мусулмонлар ўша беҳосият хоразмшоҳ таъқиб этган

дину иймон пешвосини халифаи рўйи замин қанчалар ҳурмат-эҳтиром айлашини бир кўриб қўйишсин.

Халифа пойтахтнинг кўрғони кўзга чалиниши билан ўша ёқдан оқ хачир минган Сухравардий бошчилигида бир гуруҳ карвонга пешвоз чиқиб келаверди.

Сухравардий бир неча одим берида, хачирдан тушиб, Султонул уламо ўлтирган саропардага яқинлашди. Меҳмоннинг ижозати билан Бағдоднинг шайхул аъзами унинг этагини ўпиб, кўзига сурди. Бизнинг кўрғонга қадам ранжида этгайсиз, деб лутф-илтифот айлади. Султонул уламо бу таклифни назокат ила, аммо қатъий рад этди. Уламоларга мадрасаларга қўниш муносиб, боз унинг устига, биз Доруссаломда кўпроқ туришни нечоғлик истамайлик, белимизга муборак ҳожилик белбоғини боғлаганмиз, худонинг инояти ила дарҳол Маккайи мукаррамага томон йўл олгаймиз, деб изоҳ берди.

Улар шаҳарга Дажланинг тезоқар, бўтана сувлари узра қурилган Наҳрвон кўприги орқали кириб боришди.

Отаси аввалгича ичимдагини топ, деб ўзига бурканиб олган эди. Фақат кўзлари ёнар, ўша кўзларда ғазабнинг оқ-қизғиш алангаси оша мағрурликнинг қора учқунлари чақнарди.

Аниқроғи, Жалолиддинга ҳозир орадан кўп йиллар ўтгач, шундоқ туюлди, ўшанда бўлса отаси ҳақида бўйла иборалар ила бўйла фикр юритиши маҳол эди. Ўшанда у аланга кўмирдан туғилиб, ўзидан сўнг яна кул-кўмир қолдирганидек, ғазаб ҳам мағрурликдан туғилиб, яна мағрурлик пайдо қилишини қаёқдан билсин. Жалолиддин ўзида ғазаб алангасини ўчиришга ўрганган экан, бунга у ўша отамерос мағрурлигини жиловлаш орқали эришди. Лекин у сира ҳам ювош ва мўмин-қобил бўлиб қолган эмас. Акс ҳолда руҳиятнинг, ҳарам-оғалари уни «осий» деб аташармиди? Начора, эҳтирос бичилган қулларга ҳамиша дағаллик бўлиб туюлади.

Ҳа, у Жалолиддин ҳар нечук Баҳоуддин Валаддан ўзиб кетди, бунга у кўзини мутаассиблик тутуни билан тўсувчи ўша отамерос гурури устидан қозонган ғалабаси туфайли ҳам муяссар бўлди.

Улар Бағдод кўчалари бўйлаб аста кетиб боришарди. Қош қорайган. Унда-мунда панжарали даричалар ортида чироқлар милтирайди. Лекин осмон қасрлар, кўшқу айвонлар, минораю кўрғонлар узра ям-яшил бўлиб юксалган ўша ғаройиб Бағдод осмони ҳамон ёп-ёруғ шўълалар ила товланиб турар, у гўё оқшом ғираширасига чўкиб бораётган шаҳарнинг бутун латофатларини ўзига кўчириб олгандек эди.

Аббосийлар хонадонининг содиқ хизматкори шайх Сухравардий дин пешвосига муносиб иззат-эҳтиром ила Султонул Уламони мадрасагача кузатиб борди, уни энг яхши хужрага

бошлаб кириб, меҳмоннинг чанг-ғубор ила қопланган баланд кўнжли этигини ўз кўли билан тортиб, ечди. Отаси буларнинг ҳаммасини, шундоқ бўлиши лозимдек, сўзсиз қабул қилди.

Бироқ бомдод намозидан сўнг халифа Абдулаббос Аҳмадиддин Носирлидиниллоҳ бақовули бошлиқ қуллар, хизматкорлар қаторлашиб, сарой дастурхонидан патнислар, юмолоқ мис қопқоқлар билан бекитилган идишларда анвойи ноз-неъматлар, сават-сават мевалар, мажнунгол новдасидан ишланган найларда яман шакари ва ниҳоят бир лаган миср олтин динорини кўтариб киришганда, Султонул Уламанинг мағрурлиги яна кўзиб кетди.

– Ҳамма нарсамиз бор, ҳеч нарсага муҳтожлигимиз йўқ. Соғ-саломат ва бадавлат кишиларнинг хайри-эҳсон қабул қилиши – гуноҳ.

У халифа совғасини шу йўсинда рад этиб, ноз-неъматларни хайрихонага, олтин динорларни дарвешларга бўлиб беришни буюрди.

Бундан чиқдики, меҳмон халифа совғасини ҳаром деб биларди, уни қабул қилиб, гуноҳга ботишни истамайди. Буни тўшунган шайх Сухравардий ранжиб, кетиб қолди.

У адашмаган эди. Муридларнинг ҳайрон бўлиб боқишларига жавобан Султонул Уламо изоҳ беришни лозим кўрди, зеро, халифа ёлғиз давлат соҳиби эмас, дин пешвоси ҳам саналарди.

– Агар тортигини қабул қилсам, умматларни ўйламай, айшишратта бутган бу халифа худонинг қаҳри-ғазабидин омон қолур!

Султонул Уламо ўзини озмас-қўпмас, худонинг ердаги ноиб деб биларди.

Унинг ўғиллари Бағдод саройидаги зийнату ҳашамат, халифалик номига номуносиб айшу ишратлар ҳақида эшитишган эди. Халифа ва унинг аъёнлари пайғамбарнинг «Уч ўйинда фаришталар ҳозир бўлур – от чопиш, ўқ узиб мусобақа ўйнаш ва эркакнинг аёл билан муносабат этишида», – деган сўзларига суянишарди. Аммо, биринчидан, ушбу ҳикматдаги маънавий бошланиш, яъни иснод, мутаассиб уламолар наздида етарли эмас эди, иккинчидан, у пойтахтда оммавий тус олган хўроз, бедана жанглари, кўчқор уриштиришлар, сурункали базми жамшидларни оқлашга асос бўлолмасди. Ўша базми жамжидларда майхўрлик қилишар, салом-алик ўрнига бир-бирларига гул отишар, мусиқий тинглаб, гоҳ ошкор, гоҳ ниҳон ўтирувчи канизакларнинг кўшиқларини эшитишарди. Айтишларича, шариат пешвоси бўлмиш қозилар ўртасида мусалласни соқолда сузиб ичиш одат эди.

Ўшанда Жалолиддин халифа Абдул Носир қилмишларини нақадар жирканиб эшитганини ҳамон эслайди.. Кейинчалик ўзи, ўша художўй ўғил мажлисларда най ва рубоб чалиб, ўз ғазалла-

рини куйлашни, ҳаттоки рақсга тушишни, ўлтиришда хотунларнинг ҳам иштирок этиб, уни гулга кўмишларини бир одат тусига киритди. Буни отаси эшитса нима дерди?!

## РУБОБ

Оҳ, мусиқий, оҳ, суюкли рубоб! Эҳтимолки, унинг дунёда энг асл иштиёқи – шу оҳанггоролик эди. Балки унинг шеър тўқиши ҳам шу туфайлидир. Шеърий оҳанглар сўз сиғдирилмаган маъноларни ҳам сиғдиришга қодир. Дунёда ҳеч нарса мусиқий ва рақс янглиғ инсон руҳининг яширин қувватларини ошқор этолмас, мусиқий ва рақсчалик уни майда-чуйда турмуш ташвишларидан халос этиб, ўз руҳий олами сари бошлай олмас эди. «Илмий баҳсу мунозаралар инсонларни кўпинча бир-биридан жудо айлар, – дерди Жалолоддин ўз шоғирдларига, – аммо рақс ва мусиқий уларни якдил этар».

*Ишқ тили – рубоб тилидек сир эмиш  
Турку юнону арабга бир эмиш...*

Ажабки, ўзи сўфий-воиз бўлган Султонул Уламо мусиқийга тиш-тирноғи билан қарши эди. Ахир унганча юз йил муқаддам муҳтарам шайх Абу Саид Нишопурий ва бошқалар «самоъ» лотинчасига айтганда, «аудация беатафика» тузиб, унда Қуръон сураларини эмас, ишқий тароналарни ҳам куйлашмаганмиди.

Тасаввуф илмининг амалиётчи ва назарийчилари «тариқат», яъни ахлоқий тақомилга етишиш, «ваҳдат» билан қовушиш йўллари ҳақида махсус таълимот яратиб, «йўловчи» азим ранжу риёзатлар эвазига муяссар бўладиган бир қатор руҳий ҳолатларни тайин этдилар ва уларни «мақом» деб атадилар. Барқарор руҳий ҳолатлар билан бирга «йўловчи»га гоҳо тўсатдан кўзгалган шамолдек қисқа муддатли кайфиятларнинг ёпирилиши ҳам улар назаридан четда қолмади. Мазкур кайфиятларни улар «ҳол» деб атади, юнонлар «экстаз», биз эса бугун «илҳом» деб атаган бўлурдик. «Мақомлар»дан фарқли ўлароқ, «ҳол» узоқ ва тинимсиз меҳнат ва риёзат эвазига келувчи бир мукофот эсада, унга ёлғиз ирода кучи, интилиш билан эришиб бўлмасди. Илҳом ўз фикри-зикрини ёлғиз бир нуқтага қаратганларга муяссар бўлиши маълум эди, аммо уни ҳамма вақт ҳам муҳайё этиб бўлмасди. Инсон руҳининг нозик билимдонлари бўлмиш таниқли шайхлар мусиқий кишини ўша «кайфияти ҳол»га яқинлаштирувчи ягона восита эканлигини яхши билишарди.

Мусиқий, суюкли рубоб Жалолоддинга фақат ақли билан-



мас, балки бутун жисми билан оламга, одамларга бирикиб, ўзини соҳиб кудрат, Тангрига тенг инсони комил деб ҳис этишга ёрдам берди. Дунёни бўлак-лаб, башарни парчалаб, моҳиятни ҳодисадан айирмоқчи бўлганларнинг унинг қўлидаги ана шу курулға қанчалар қутуриб ҳужум қилишгани бежиз эмас.

Рубобга муҳаббати туфайли у не-не бўҳтонларга учрамади, не-не хатарларга дуч келмади. Охиргиси бундан беш йил олдин бўлган эди.

У Хусомитдин билан китоб устида тунни бедор ўтказди, эртасига уйда ўтиргиси келмай, юраги сиқилиб кетаверди. Уйнинг шифти босиб тушаётгандек туюлар, ошхонада «тақ-туқ» ва қадам шарпалари, ивир-шивир гаплар, хуллас, девор ортида овқатта чиқмасмикин, чақириб қолмасмикин, деб унга ҳамиша кўз тутиб кечадиган кундалик турмуш тарзи уни толиқтирарди.

У орқа эшикдан секин чиқиб, шаҳар четидаги узумзорга томон йўл олди. Осмон мусаффо, ҳавода «ғир» этган шамол йўқ, куннинг дим ва иссиқ бўлиши кўриниб турарди. Қалъа деворига ёндашиб кетган йўлда гоҳ-гоҳ учраган йўловчиларнинг саломларига алик олиб бораркан, бирдан шу яқин орада, Султон арки дарвозасига яқин хандақ олдида хилват жой борлиги эсига тушди.

Кекса чинор тагида, уч томони дукчўп буталари билан ўралиб, қовоғарилар гўнғиллаб учиб юрган овлоқда ўлтириб, Саноний девонини очди. Соқчиларнинг қичқирликлари, отларнинг дуқури, араваларнинг ғичирлаши зарра ҳалал бермас, бу уни четлаб, ўз мароми билан бир меъёрда оқадиган ҳаёт эди.

У мутолаага берилди.

Янги саҳифани ағдариб, паришонхотирлик билан бошини кўтарди. Беш қадамча нарида қўлларини кўксига қовуштириб, жиккак турк-фақиҳ турарди. Бир тутам сийрак соқолчаси қўрқувдан қалтирар, аммо қийиқ кўзларида ялтоқлик аралаш айёрлик акс этарди. «Топиб келганини қаранг! Ҳойнаҳой, яқинлашишгайм, овоз чиқаришгайм ботинолмай, бу ерда анчадан бери турган бўлса керак».

Унинг кўзига кўзи тушиши билан фақиҳ бошини қўйи солди, сўнг, гўё ер ёрилиб, уни ютадигандай, қўрқа-писа яқинлашди. Енги учидан бир варақ қоғоз олиб, узатди.

Кўнённинг энг чаласавод истеъдодсиз уламоларидан бири бўлмиш бу чол ҳамиша омади юришган, амалдор ҳамкасбларига югурдаклик қилар, шу йўсинда қариган чоғимда бирор чекка мадрасага мутаваллий ёки бирор шаҳар қозисига ёрдамчи бўлсам, зора деб умид этарди. Балки шу қадар тиришиб-тир-машмаганида орзусига ноил бўлармиди. Ҳамиша таққир кўзи билан бепасанд боқувчи уламолар ҳар ҳал нохуш бир юмуш чиқиб қоларкан, унга юклашарди. Бутунги топшириқнинг ҳам

нечоғлик нохушлигини унинг ҳадиксираб турганидан билса бўларди. Жалолиддин пайқади — яна гап, ҳойнаҳой, мусиқий устида бўлса керак, уламолар шаҳар қозикалони Сирожиддинга янгидан чақиқ қилишгани қулоғига чалинган эди.

«О дину маърифат пешвоси, илму ҳикмат хазинаси, шариат таянчи, пайғамбар ноиби, жаноби қозикалон ҳазратлари! — деб фиғон чекишганди уламолар. — Нега шундоқ куфр ишларга йўл қўйилур, нега бизнинг еримизда мусиқию тарона масжидларда мўминларнинг Аллоҳ шаънига айтадиган ҳамду саноларини босиб, кўкларга юксалур?! Умид улдурким, бўйла мараз одатга чек қўйилгай, балки у тағ-томири ила даф этилгай!»

Жалолиддин найча қилиб ўралган мактубни оларкан, бирор ранжиш аломати зоҳир этмади. Чолдан сўради:

— Қозиданми?

— Оре-оре, қозиюл куззотдин, жаноби Сирожиддин ҳазратларидин! — бидирлаб жавоб берди фақиҳ, у яна аллақачон авалги жойига бориб олган эди.

Жалолиддин мактубни очди. Унда нозик ҳуснихат ила ҳуқуқ ва мантиқ, фалсафа ва фасоҳат, илми нужум ва кимё, тафсири Қуръон ва тиббиётга доир саволлар битилган эди. Булар бари муаммо масалалар бўлиб, аксарий ҳал этилмаган, Жалолиддин билардики, уларга ўша уламоларнинг ҳам тиши ўтавермасди. Илм нонга ўхшайди. Ун ботмон нонни кўтариш ўнгай, аммо ейиш қийин. Бу ҳаммоллар илм нонини тановул этишни қаёқдан билишсин?!

Қози Сирожиддин эса — айёр! У кўп халойиқ жам бўлиб, мусиқий ва тарона билан кечадиган мажлисларни тақиқлаб фатво беришни жон деб истайди. Аммо, не қилсинки, бу ерда — Кўнёда халойиқ мусиқий ва ашъорни севади! Султоннинг қудратли ноиби Муиниддин Парвона халқ эътиборини қозонмоқ бўлиб, Жалолиддин учун мажлиси самоъ тузар, бундай йиғинларда олий амалдорлар, ҳаттоки султон ойимлар ҳам иштирок этишарди.

Бу калласи пўк уламолар ўз чақиқлари билан бурун суқмай туришса бўларди. Лекин, бас, чақиқ қилишдими, тафтиш лозим. Ҳа, чақиқ қилган, чақиқдан ҳалок бўлур.

— Қўйни ҳам, эчкини ҳам ўз оёғидан осишади, — дейди Сирожиддин уламоларга. — Бовужудки, бу зот қудрати илоҳийдан баҳраманддир, у билан тортишмоқ беҳуда. У ёлғиз зоҳирий билимларда эмас, ботиний илмларда ҳам беназир!

Қози Сирожиддин, ҳар қалай, хўрандаларни ҳаммоллардан ажрата биларди. У Жалолиддиннинг шеърларини неча бор эшитган, инчунин билардики, Мавлоно расмий мансаб-мартабаларга қайрилиб боқмаётган экан, сабаб — илмсизлик эмас, илму ирфон унинг хотирасида қатланиб ётгани, сабабки, у маърифат базмида ўлтириб, тиш ушатувчи қора нон ейишни истамайди.

*...Бир кун бир тилчи олим кемага кўйди қадам,  
Сарфу наҳв билурмисен, дарға? – деб сўрди шу дам.*

*– Йўқ, йўқ, билиш қаёқда, билмам ҳаттоки бир сўз,  
Олим дер: – Ярим умринг зое утибди, афсус.*

*Дарға ранжи-аламин ютиб, жим қолур, ана –  
Денгизда шамол ўйнаб, кўтаришур пўртана.*

*– Сузишни билармисиз ҳазратим? – сўрар дарға,  
– Йўқ-йўқ, сувдан кўрқамен, сувда сузиш қаёқда.*

*Шунда дарға тилига келур муқаррар шу сўз:  
– Унда бутун умрингиз зое ўтибди, афсус....*

Жалолиддин саволларга кўз югуртди: уламолар қозининг сўзи-га ишонмай, уни синов қилишмоқчи.

– Қоғоз ва қалам! – буюрди у фақиҳга, гўё жавоб қандоқ бўлишини ҳозироқ кўрсатиб қўямиз, дегандек.

Ҳар бир саволга шошилмай жавоб битди-да, сўнг тажрибали табиб турли-туман дориворлардан битта «дармон» ясагандек, уларни бир жойга жамлади, зеро, хилма-хил ҳодисалар замирида ягона бир моҳият ётишини у яхши биларди.

Жавобни битказиб, ҳозир бир чеккада жимгина бош эгиб турган анави чол ҳовлиқиб «дармон»ни етказар экан, уни ютган имтиҳон олувчиларнинг башаралари қандоқ қийшайиб кетишини бир зум тасаввур этди. Кейин қоғознинг орқа бетига тобора роҳатланиб, ташқи мулоҳимат – аҳмоқона, аммо эвоҳки, муқаррар бу ўйиннинг қоидалари шуни талаб қиларди – ва ички заҳарханда ила қуйидагиларни битди:

«Шу рўйи заминнинг уламоий киромлари! Маълумингиз бўлғайким, Қуръоннинг учинчи сурасидаги ўн тўртинчи оятида зикр этилмиш «Симу зар уюмлари, дулдул отлар» ва ҳоказоларга ҳирсу ҳавасни камина хонақою мадраса ила тарк этиб, уларни акобир ва бузрукзодалар хизматига ҳавола этганмен. Бирор мансабни даъво қилмагаймен, бирор нимарсага кўз тикмагаймен, илоё, улуғларнинг давлатлари зиёда, роҳатлари пойдор бўлаверсин. Биз алардин қўл узиб, узлатга чекиндик. Шон-шуҳратдин воз кечиб, хонанишин бўлдик. Агар истасалар шу номашруъ ва ҳаром саналмиш рубобни ҳам қўлимиздан қўйиб, аларга тутқаймиз. Биз уни назардан четда хор-абгор ҳолда учратиб, илкимизга олдик, илло, фақиру ҳақирларга шафқат-мурувват ойинида бўлиш – ҳақиқату диёнат эгаларига пайғамбаримиз васиятидур».

Чувварани хом санабсиз, азизлар! Шу чоққача рубобни тортиб ололмаган экансиз, бундан кейин ҳам ололмайсиз. Бу дори қанчалар тахир бўлмасин, уни ютишингизга тўғри келади...

Бир неча кундан кейин ҳамиша ўзгаларнинг ақлига суяниб, ўзга уламоларга тақлид қилиб яшовчи фақиҳ чол Аълоиддин Сириянусни заргарлик дўкониди учратиб, чидаб туролмади, «амри маъруф» қилди:

– Шундоқ, ўғлим, шундоқ. Камина шу қадар кўп мутолаа этмишманки, юкласанг, бир эшакка юк бўлур. Аммо бирор жойда рубобни шаръий деб ўқимадим!

Жалолитдиннинг жуббапўш – сиёҳтўшлар устидан ғалабасини муридлари ичида ҳаммадан кўп Сириянус тантана қилар эди. У устозига ўхшаб фикрини олимона такаллуф пардасига ўраши жоиз эмас эди, шунинг учун гапнинг пўст калласини айтиб қўя қолди:

– Отахон, магар сиз эшакка ўхшаб ўқигансиз, инчунин, ҳеч нарса тушунмагансиз!

...Тинглангиз панду-паёнимни менинг,  
Огоҳ этгувчи каломимни менинг.

Кўр-кўрона кимки тақлид айлағай,  
Ўзни ғам бирла уятга шайлағай.

Бир тунаб ўтмоққа азми хонақо –  
Бўлди бир кун бир йўловчи бенаво.

Эшагин элтиб оғилга, бойлади,  
Ем-хашак, сув берди, андак сийлади...

Хонақода ўлтурур эрди қатор,  
Бир гуруҳ сўфий гадолар оч-наҳор.

Англай олгингму, аё сен, тўқ киши,  
Не ўйинлар кўрсатур очлик иши?

Ул гуруҳ сакраб ҳамона турдилар,  
Бир қарор айлаб, оғилга юрдилар.  
«Ул расули холиқу халлоқ, эгам,»  
Чорасиз қолсанг, ўлакса е, деган!

Сотдилар эшакни, шай айлаб шу чоқ –  
Нон, таом бирла неча бир шамчироқ.

«Оҳ, бугун бир айш этармиз!» — деб чунон,  
Ул гуруҳ солди кейин шовқин-сурон.

«Ғам-машаққат бўлди, фориг ётмадик,  
Роса тўрт кун бўлди, бир туз тотмадик!»

Тобакай бундоқ жасорат? Тобакай  
Бизни маҳкуми маломат англагай?

Биз магар одам эмасми? Бизда ҳам  
Бир ажаб айшу тараб бўлгай бу дам!»

Боракалло, ул базмга етдилар,  
Соҳиби эшшакни таклиф этдилар.

Сўрдилар дил ихтиёрини анинг,  
Исмию юрти — диёрини анинг.

Кўргузиб лутфи-карам, меҳри-ниёз,  
Ул-азиз меҳмон, бўлар меҳмоннавоз.

Сийпалар тўрва-таёғин қай бири,  
Сийпалар эрди оёғин қай бири.

Қай бириси ўтди илкин шу нафас,  
Ул эса оқди эриб, сўз қотди, бас:

«Базм этармиз, базмимиз андоқ бўлур,  
Ғар бугун айш этмасак, қандоқ бўлур!»

Еб-ичиб бўлгач, муродга етдилар,  
Сўнг кўнгилларни яна ҳуш этдилар.

Турдилар рақси-самога саф-қатор,  
Шифтга ўрлаб учди шунда чанг-ғубор.

Рақс тушиб, гоҳ ўзни ҳар ён урдилар,  
Шифт ила деворга соқол сурдилар.  
Боқ аларга, ким алар сўфий эмиш,  
Ким аларни сўфийи — софий демиш!

\* \* \*

Оҳ, қачон мен бир ҳикоят айлагум,  
Бир ҳикоят бир ривоят айлагум?

Куфри-гафлат мухрини бузгайму мен,  
Чин ҳақиқат мадҳини тузгайму мен?

Боқ, кўпик ўйнайди тўлқин устида,  
Бегиним тўлқин яшайди остида.

Ҳар ривоятга ҳақиқат жо бўлур,  
Гоҳи пинҳон эрса, гоҳ пайдо бўлур.

Сизни банд этмиш ривоят охири,  
Не билан битгай ҳикоят охири.

Кўча-кўйда болакайларни магар,  
Қандалотчи бўйла авраб, жазб этар.

Тингла, мен сўйлай, не бўлди оқибат,  
Қайда дон, қайда сомон – кўргил фақат.

\* \* \*

Битгаси андак баландроқ ўлтириб,  
Бир тарона бошлади, қарсак уриб.

Ўртанарди, оҳига йўқ эрди шак,  
Хониши: «Эшак йўқолди! Вой эшак!»

Шунда сўфийлар бари бошлаб чапак,  
Бўлди жўр: «Эшак йўқолди! Вой эшак!»

Йўлчи ҳам жўр бўлди шунга бегумон,  
Солди у: «Эшак йўқолди!» – деб сурон.

Тонгача кўп айши-роҳат сурдилар,  
Сўнгра «Хайр!» деб ҳар томон тарқалдилар.

Қолди йўлчи бенаво сал орқароқ,  
Ҳорган эрди, йўл босиб ғоят узоқ.

Йўлга тушмоқчи бўлиб сўнг турди ул,  
Турдию офил томонга юрди ул.

Лек эшак йўқ «Ҳа, хизматкор, бали,  
Уни элтмишдир магар сув бергали».

Келди хизматкор, ва лекин, бу не ҳол?  
Ҳовлиқиб: «Эшак қани?» – деб сўрди чол.

«Вой, ажаб... Бу не бало ҳолингдadir?  
Эй жаноб, у балки соқолингдadir!»

Шунда меҳмон ҳам тутaqди: «Кўй нари  
Сен ўша айёрлигингни, пуч бари!

Мен эшакни сенга топширдим? Сенга!  
Берганимни қайтариб бергил менга!

Ўз сўзида ул расули ҳақ эгам,  
«Олганингни қайтариб бергил!» – деган

Келмасанг инсофга, билгил бегумон,  
Қозига судраб эгарман шул замон!»

Шунда дер шўрлик мулозим, ул ҳақир:  
Эшагингни дўстларинг сотди ахир!

Мен уларнинг олдида ожиз эдим,  
Ҳа, улар кўп, мен эса ёлғиз эдим.

Ким мушукка бовар этгай гўшти-ёғ?  
Кимки бовар этса аҳволи чатоқ!

Ҳа, уларга эшагингиз бўлди, шай,  
Юзта оч кўппакка бир мушукчадай!»

Сўфий айтди: «Маили шундоқ бўлди гап,  
Ул гуруҳ элти эшакни тортқилаб.

Сен нечун менга ҳамоно етмадинг,  
Кирдикорни менга маълум етмадинг?

Қутқарардим мен эшакни бир йўла,  
Минг тадорик, чораи – тадбир ила!»

«Келдим уч карра. Солардингиз ҳамон:  
«Вой, эшак! Эшак йўқолди!» – деб сурон.

Ўйладимки, сизга иш маълум эрур,  
Балки бахш айлар ажаб шавқу-сурур,

Бўйла қисмат балки бахш айлар зиё,  
Бежиз эрмасдир, ахир сиз-авлиё!»

Сўфий оқ чекди: «Сўқир тақлид ила  
Мен ҳалок этдим ўзимни бир йўла.

Ўзни ўлдирдим, алардек еб-ичиб,  
Еб-ичиш деб ор-номусдин кечиб!..»

## БИРИНЧИ ШАМНИНГ ОХИРИ

... Жалолитдиннинг юзида табассум зоҳир бўлди. Ва бир лаҳза қотиб қолди. Унга шундоқ туюлаяпти шекилли? Аллақайдан рубоб навозиш этарди.

Шам «чарс-чурс» этиб, олови липиллай бошлади. У жудаям теранликда, руҳининг қоронғу гумбазлари остида рубоб садолари акс-садо бериб, илҳом уйғониб келаётганини сездию уза-ниб, микроз ила шамнинг сўхтасини олди.

Яна рубоб торлари ун таратди. Наҳотки, ўғли Валад отасининг хаёлини илғаган бўлса, ёки мусиқий унга қандай таъсир этишини билиб, унинг тафаккурлари оқимини бошқа бир йўлга солмоқчи бўлдимикин: кейинги пайтларда отасининг кечалари якка-ёлғиз ўлтириб, узундан-узоқ ўй-хаёл суришларидан пича чўчиб қолган эди у. Йўқ-йўқ, аниқроғи, ҳақиқат маҳбуби Валад ўлтириб, зериккан: отасидан олдин ухлашга истиҳола этиб, қўлига рубоб олгану мени ҳеч кимса эшитмайди, деб ўзича машқ қилаётган бўлса, ажабмас.

Бу фикр уйғониб келаётган севинч шуълаларини сўндириб, тасаввурини яна эски йўлга, отаси Бағдод мадрасасига ўлтириб, халифанинг номашруъ ишларини мазаммат этган ўша оқшомга бурди.

Мусиқий хотин кишига ўхшайди. Уни чўри деб истифода этаркансан, халифа Носирлидиниллоҳга ўхшаб, ўзингда инсонни ухлатиб, ҳайвонни уйғотасан.

Лекин уни севишинг, унга бирикиб, бир тўлқинда оқишинг, шу йўсинда руҳиятингдаги чин инсоний моҳиятни уйғотиш учун илк қадам қўйишинг ҳам мумкин.

Самовъ – сафобахш анжуман. Ишқ-муҳаббат ила ҳирсу-ҳавас бошқа-бошқа бўлганидек, у ҳам халифанинг эрмакларига ўхшамайди.

Ҳа, ҳозир у отасини тушунади. Султонул Уламо самовъ нелигини биларди. У мусиқийга қарши турган экан бунинг сабаблари бор эди.



Самоъ – уйғониш. Лекин зиндонда ётган маҳбус уйғонишни истамайди, уйғониш уни банди зиндон эканини яна бир карра эсга солади. Боғу-бўстонда ётган киши эса оғир тушлар сўнггида хурсанд бўлиб уйғонади. Мусиқий – тўйлар, байрамларга ярашқ, мотамга муносиб эмас.

«Ҳозиргача Саной ва Аттор каби барча буюк сўфийлар айрилиқ – ҳижрондан сўйламишлар. Бизнинг сўзимиз – висол васфида. Мана моҳият».

Султонул Уламо батамом аввалги, фиғону-фарёдлар даврига мансуб эди. Унинг ўғли Жалолиддин эса ўзга йўл тутди.

Не бахтки, Кўнёда халойиқ мусиқий ва ашъор деса, жонини беради. Жалолиддин ярим асрдан бери шу шаҳарда яшаркан, най ва рубоб наволари, кўшиқ ва тароналар муаззинларнинг йиғлоқи тиловатларидан кам янграмайди. Агар шоғирдларидан бирови қазо қилгудек бўлса, бутут олдида Қуръон тиловат қилган ҳофизлар эмас, мусиқий чалиб, рақсга тушиб, устоз ғазалларини куйлаб муридлар боришади. Негаки бутутда оддий мусулмон эмас, чин ошиқ ётади. Ошиқлар эса ўлмайди. «Васфимиз-васфи висол, ҳижрон эмас...»

Бироқ висол ҳақида сўз юритишдан олдин барча ҳижрон аламларини татиб кўриш лозим, баъзилар барча қовун навларини, барча ҳарф кўринишларини билиб олишади-ку, ана шундоқ.

У илк ҳижрон – ватандан айрилиқ азобини дастлаб Бағдодда чеккан эди.

## ҚОЙИМ БЎЛМАГАН ЖАЗО

Шайх Сухравардийнинг сўрови билан отаси Бағдоднинг масжиди жомеида ваъз айтди. Жалолиддиннинг эсида қолгани: ерда қатма-қат тўшалган чўғдек гиламлар, шифтга осиглиқ ҳайбатли қандиллар, биллур шамдонларда ёнган беҳисоб кофурий шамлар, намозхонларнинг тигиз сафлари, уламоларнинг оплоқ соқоллари. Бироқ битта ҳам сўз-калима эсида қолмаган, афтидан отаси ўшанда Балхда айтганларини қайта такрорлаган эди, холос.

Аммо ҳозир, орадан ярим аср ўтгач, у кўзини юмса, бас, Бағдод мадрасасидаги хужранинг лойшувоқ деворларидаги бодрингни эслатувчи мўъжаз нақшлар, майда-чўйда доғ-дуғларгача, тасавурида шундоқ намоён бўлади. Ўшанда у тун бўйи ухламай, деворга тикилиб ётган, тун бўйи ўша девордаги Балх билан абадий айрилиқнинг даҳшатли манзаралари кўриниб турган эди.

Улар масжиддан чиқишганда, бутун Бағдодда дув-дув хабар тарқалганди: «Чингизхон кўшинлари Хуросоннинг неча бир шаҳарларини топтаб, Балхни ўраб олганмиш...»

Ўшанда Султонул Уламо ўғиллари ва муридлари ила хуфтондан тонгача тоат-ибодатдан бош кўтармади. Отаси нелар деб илтижо этди, Жалолиддин аниқ билмас эди, аммо унинг ун-сиз шивирлаётган лабларидан «Кудратли ва марҳаматли эгам, даргоҳингга шукур!» – деган нидо бир неча бор учганини кўшод эшитди.

Балки отаси ўшанда бедиёнат уламоларни жазога мустаҳиқ этгани учун Аллоҳга шукрона айтгандир? Ёки ғойибдан хабар бериб, Хуросонни тарк этишга ишорат этгани учун шукрона айтдимикин? Ким билади. Жалолиддин эса қуйиб-ўртаниб, кўзларидан юм-юм ёш қуйиб, энагаси Насиба буви, опаси Фотима-хотун, унинг ҳали туғилмаган чақалоғи, бирга-бирга ўйнайдиган жўралари, она шахридаги таниш ва нотаниш барчага яратгандан шафқат-мурувват сўради. Аслида одамлар дуосининг маъноси маълум: «Ё Худо, шу бўладиган ишни бўлдирма!»

Лекин унинг дуоси ижобат бўлмади. Чингизхон шаҳарни олди, шаҳар остонасида ҳалок бўлган суюкли невараси Мутуғаннинг қасоси учун ҳаммани қиличдан ўтказишга буюрди.

Хоразмшоҳ Муҳаммад, Баҳоуддин Валад башорат этганидек, шармандаларча қочди ва Баҳри Ҳазардаги овлоқ, қумлоқ бир оролда умрини охир этди.

Султонул Уламонинг даҳшатли башорати рўёбга чиқди. Аммо у каромат этгани бир жазо қойим бўлмади. Бағдодда у халифа Носирлиддиниллоҳ жазога мустаҳиқ бўлур, деб каромат этган эди. Лекин халифа ҳаромга ботганича ботиб, тўйғунича айшишрат этиб, ўз ажали билан кўз юмди. Мўғуллар ўттиз йилдан сўнг Бағдодни олишганда, унинг ўрнига халифа Аль-Муҳтасим-биллоҳни қопга тикиб, тепкилаб ўлдиришди. Нафсиламрини айтганда, у ҳам ишратбозликда анави халифадан қолишмас, шундоқ бир жазога муносиб эди.

Лекин буни жазо деб аташ тўғримикин? Ахир у яшаганда ҳам, ўлганда ҳам халифа эди. Магар мўғуллар чиндан ҳам «Худонинг қаҳр-ғазаби» эса, у жиноятга яраша жазо олди, ҳақли бир қийноққа дучор бўлди. Мусулмон оламининг юз минглаб кишилари бегуноҳдан-бегуноҳ тупроққа қоришаётган бир пайтда унинг гуноҳига яраша топган заволи ҳақ эди.

Мингларча одамлар отларнинг туғғи остида топталиб, тупроққа қоришаётганда, бошқаларнинг гуноҳи учун шахид бўлиш жазо эмас, Мансур Ҳаллож ҳавас этса арзигулик қисмат эди. Мўғуллардан уч юз йил муқаддам у Бағдод кўчаларида ваъз айтган, «Анал-ҳақ!», яъни «Мен – ҳақман (худоман)!» – деб қичқирган эди. Ана шу иши учун уни калтаклаб, калласини танасидан жудо этиб, мурдасини ўша майдонда ёқишган эди. У онгли равишда ўз-ўзини азобларга дучор этган ва даҳшатли

қийноқларга чидаб бергани учун ҳам «Инсон-ҳақ» деб айтган сўзи келажак авлодлар наздида ҳақиқат сўзи бўлиб обрў-эътибор қозонмадимиз?

Уламолар, китобхонлар, жилд-жилд муқаддас китоблар, масжидлар, уларга қўшилиб, икки юз минг Балх фуқароси ҳалок бўлди. Художўй-осий, оқил-авом, гуноҳкор-гуноҳсиз, ҳаммаси бир текис тупроққа қоришди.

Юз мингларча халойиқ билан жон таллашиб, жами қавму қариндоши, бутун шаҳри, балки жумла халқини ўлим кутаётганини ҳис қилиб турган киши қисмати илоҳийнинг ҳақлигига шак келтириши муқаррар.

Жалолиддин ҳар бир ҳамшаҳарининг ўлимини ўз ўлимидек кечинди. Бағдодда уни домига тортган ватандан айрилиш изтироби сабаб бўлдию у ҳамма нарса қисмати илоҳийга боғлиқ, деган эътиқоддан кечиб, инсон ўзининг азму-иродаси ила кўрки-камол сари ингилиши керак, деган эътиқод йўлида илк қадам қўйди.

Учинчи куни уларнинг қарвони халифа пойтахтининг ғарбий дарвозасидан чиқиб, Куф йўли билан Маккага томон йўл олди.

Кетма-кет келаятган соябонлардан бирининг нимочиқ пардасидан кўз ташлаб, Жалолиддин бирдан ўзида йўқ суюниб кетди: Гавҳарбону улар билан бирга борар эди.



---

**Учинчи боб**

**ГАВҲАР**

---

## ҚҶШИН

Макка, Мадина, Дамашқ, Эрзинжон – қадамжо ва савдо-тижорат шаҳарлари шитоб ила от суриб бораётган чавандоз йўлидаги манзиллар каби «лип» этиб бир кўзга чалиндию орқада қолиб кетди. Султонул Уламо ҳеч қаерда қарор топмай, ўз қарвонини нуқул шимолга, шимолдаги Руми – Салжуқий сарҳадлари сари бошлаб борарди

Дамашқдан Эрзинжонгача бўлган барча йўлларда тўда-тўда бўлиб одамлар оқарди. Еридан, молу-мулкидан жудо бўлган хоразмлик беклар ўзини «Жаҳон ҳукмдори» деб атаган хоразмшоҳнинг пойтахти – Гурганжнинг даҳшатли ҳалокати ҳақида ҳикоя қилишарди. Бир неча ой давом этган қамалдан сўнг мўғуллар шаҳарга бостириб киришган, кейин даҳою гузарларни битта-битталаб қўлга киритиб, ҳалойиқни қатли ом этишган, сўнгра Жайхун сувини Гурганж устига буриб юборишган...

Мўғуллар йўлини ҳеч нарса: на жаҳду жасорат, на ҳийлаю тадбир, малакаю маҳорат тўсолмасди. Муҳаммад хоразмшоҳнинг ўғли жонини жабборга бериб, уларни тўхтатишга уриниб кўрди, бир мўғул сарқардаси қўшинлари устидан ғалаба ҳам қозонди, лекин алалоқибатда мағлуб бўлди. Сайёд дастидан қочган сайд янглиғ чекиниб, Ҳиндистон сарҳадигача борди, ғанимнинг қўлига тушмасин учун онаси, хотини ва чўриларини Ҳинд дарёсига чўкирди, сўнгра ўзи отда кечиб ўтиб, жонини қутқазиб қолди.

Одамлар мўғуллар номини тилга олишаркан, худди балоқазога йўлиққандек, кўзлари даҳшат-ваҳимадан олайиб кетарди. Собиқ амалдорларнинг турқ-таровати ҳам бир аҳволда эди – юлқиланган, кўрқув-қалтироқ босган бу кишилар кўч-кўронини оддий араваларга ортиб, хотинлари, бола-чақалари билан йўлларда судралиб боришарди. Қолган-қутган навкарлари, мулозимлари ҳам – қай бири қилич, қай бири чалғи, қай бири тўқмоқ билан қуролланиб олишганди.

Мўғиллар истило этган Хуросон, Мавр ва Афғонистондан дарвешлар келишарди: бошларида кулоҳ, қўлларида найзадек асо, белларига кашкул осиб олган қаландарлар вазмин қадам босишарди. Суриядан «жавлақий», яъни «яланғоч» деб аталган ғалати бир мазҳабга мансуб кимсалар келишар, дарҳақиқат, улар

соч-соқолларини қирдириб, ярим белларигача яланғоч бўлиб олишганди. Ҳузурни «ғозий» деб атаган дарвеш навкарлар ҳам оз эмасди, улар кўпдандир мусулмон дунёсининг салжўқийлар паноҳидаги ғарбий сарҳарларига йиғилишар, икки юз йилдир-ким, Византиядан тўхтовсиз таҳдид этиб турувчи фаранг кофирларининг ҳужумларини даф этишда иштирок этишарди.

Фаранглар Византияни қўлга киритиб, Исо қабрини қутқазиб баҳонасида Сурия ва Фаластинда ўрнашиб олишган, у ерларда ўзларининг ваҳшиёна тартибларини жорий этишган, эркин деҳқонларни қўлларга, йўқ, иш ҳайвонларига айланттиришган, шўрликлар бўйинларига ҳўжайиннинг тамғаси босилган ҳалқа солиб юришарди.

Фақат Рум салжўқлари гоҳ чекиниб, гоҳ яна устун келиб, маҳкам туришар, Кичик Осиёда ҳали мусулмонлар ҳеч қачон шу қадар собит туришмаган эди.

Ойболта, чўқмор ва эгри қиличлар билан қуролланиб олган дарвеш-ғозийлар белларига осифлиқ дўмбалаklarини чалиб, такбир айтиб боришарди. Улар тўрваларига жанг олдида юзга суркаладиган бўёқлар, душманни қўрқитиш учун тақиладиган бургут қанотларию ҳўкиз шохларини солиб олишганди.

Савдо қарвонлари ошиқиб-тошиқиб салжўқийлар пойтахти Кўнё шаҳрига, ундан шимол тараф – Трапезундга, жануб томон – Анталья ва Алайядаги Генуя ерларига қараб кетишарди. Генуяликлар ва руслар, қора белбоғ боғлаган арманлар, пешоналарига мовий хол қўндирган ҳиндулар, мажусийларга ўхшаб белларига оддий чилвир қантган яҳудийлар қарвонсаройларда елиб-югуришар, от, туя ёки эшак излашар, савдо-сотик қилишар, лекин одатдагидек ўзаро жанжал-низога боришмасди, яқинлашиб келаётган балодан молу жонни тезроқ узокроққа олиб қочиш истаги уларни ҳамдард, ҳамжиҳат қилиб қўйган эди. Бозорлардаги кўплаб дўконлар ёпиқ турарди. Мол-ашё, болачақани кўздан йироқ жойларга, қишлоқлар ва қўрғонларга жўнатган дўкондорлар ҳамиша отларни эгарлаб, қамчиларини этик кўнжида шай тутишарди.

Йўллар хатарли, тоғ доvonларидан ўтиш қўрқинчли эди. Очиққан хоразмлик навкарлар, ҳеч кимга бўйсунмовчи қурдлар савдогарларга ҳужум қилишар, йўловчиларни талашарди. Салжўқ султонларининг таклифи билан чеғара ерларига кўчи келган кўчманчи ўғиз қабилалари ҳам бегошлик қилишарди. Қиш яқинлашиб қолган, ўғизлар ўз подаларини тоғдаги ёзги яйловлардан пастга ҳайдаб тушишган, ўтган-қайтганлардан ёлғиз султон фойдасигамас, ўз фойдаларига ҳам хирож ундиришга ҳамиша ҳозир-нозир туришарди.

Малатьяга нақ икки доvon қолганда ҳўкиз терисидан ти-

қилган енгил чарм совут кийиб, ипак чилвирлар билан чатилган енгил қамиш қалқон тутган, ўқ-ёй билан қуролланган чавандозлар карвонни тўхтатишди. Карвондагилар бошда мўғуллар деб ўйлаб, жон-понлари чиқиб кетди. Лекин ҳалигилар мусулмон турклар эди. Ўқ-ёйчилар карвонга бир фарсаҳ берида тўхтаб, келаётган қўшинга йўл бўшатишни амр этишдию тошларни тараклатиб, қандай пайдо бўлишган бўлса, шундоқ тезлик билан ғойиб бўлишди.

Кўп ўтмай, тоғ йўлининг навбатдаги бурилишидан сўнг карвон қўнғироқларининг мунгли-ҳазин оҳангини босиб, шиддаткор наволар янгради. Карнай-сурнайлар ғат-ғатлаб, дўмбираю ноғоралар гумбирлаб, асосий қўшиннинг яқинлашиб қолганидан дарак берарди. Карвонбоши қичқириб, йўл четига чиқишга буюрди. Туяқашлар туяларини нишаб ёнбағрга ҳайдаб чиқишга тиришдилар. Қисқа арқон билан бурунларидан эгарга боғланган ақлли жониворлар бошларини буриб, хогиржам боқишар, соқчилар, карвончилар ва муридларнинг елиб-югуришларини, отларни йўл четига ёнма-ён тизиб хотин-халаж, бола-чақаларни ҳар эҳтимолга қарши жангчилар дафъидан муҳофаза қилишга шайланишларини гўё томоша қилишарди.

Ғалаги шиддаткор мусиқа яқинлашиб келарди. Султонун Уламога мурид тушишдан олдин Румда кофирларга қарши жанг қилган Шайх Хўжагий бу оҳангни таниди. У буюк Салжукларнинг сўнгги қудратли ҳукмдори бўлмиш султон Санжар номи билан «санжарий» деб аталарди.

Бундан икки юз йил муқаддам Ўрта Осиё чўлларидан чиқиб, ўз шажараларини афсонавий қаҳрамон Санжардан бошловчи кўчманчи туркман қабилалари дини исломни қабул қилиб, Хитойдан – Византиягача, Гуржистондан – Ироққа қадар чўзилган майдонда майдон-салтанат барпо этишган эди. Ҳозир одамлар Самарқанд, Марв ва Табриздан тўда-тўда бўлиб, паноҳ излаб бораётган Кичик Осиёдаги салжукларнинг Рум султонлиги бир пайтлар қудратли бўлган ўша салтанатнинг омон қолган бир парчаси эди.

Йўловчилар эркин нафас олишди. «Санжарий» уларга қарама-қарши ёқдан келаётган куч Кўнёдаги салжук султони Аълоиддин Кайкубуд биринчининг қўшинлари бўлиб, улар Бағдодга, қўрқиб қолган, заиф халифага ёрдамга бораётганидан дарак берарди.

Йўлда биринчи бўлиб йирик жийрон отларда найзабардорлар кўринди. Юксак Торос тоғларини тикка ёриб, довондан тушиб келувчи йўл анча тор бўлиб, уч суворий бир сафга зўрға сиғарди. Оёқости тошлоқ бўлганидан деярли чанг-тўзон кўтарилмасди. Отасининг амри билан чодирга бекинган Жалолоиддин акаси билан баландда туя елкасида туриб, аскарларни бемалол томоша қиларди.

Найзабардорлар ортидан алплар, баҳодирлар келишарди. Улар сараланган паҳлавонлар бўлиб, майдонда яккама-якка жанг қилишар, кўпинча жангнинг оқибати шуларга боғлиқ бўлар эди. Улар остидаги хурморанг, оққушбўйин, серёл, кўкрақдор, елкаси тор, аммо сарғиси кенг арабий тулпорлар ўйноқлаб, олға босишар, йўғон қора тўёқларини дуккиллашиб, қулоқларини чимириб, Балх айғирларига қаҳр ила кўз олайтириб ўтишарди. Айрим отларнинг бўйниларига зар билан зийнатланган кўтос думи тақилган бўлиб, у бирор қўрғоннинг олиниши ёки душман устидан қозонилган ғалаба шарафига султон томонидан берилган мукофот белгиси эди. Жалолиддин бош баҳодирнинг тулпорида шундай нишонлардан тўрттасини санади: бири қирмизранг, иккитаси қора, яна бири сарғиш. Бу девқомат йитит эди, бошдан-оёқ совут-қалқон кийиб, белига эгри доғистон шамширини тақиб олган эди. Унинг баҳайбат чўқморини орқада яроқбардор кўтариб келарди. Дарвоқе, ҳар бир баҳодир ортидан учтадан-тўрттадан бўлиб яроқбардор – човушлар келишарди.

Алплар сафи ортидан ханжар ва енгил қалқонлар билан қуролланган жангчилар қуршовида уч қиррали қора байроқ кўтариб байроқдор кўринди. Қора байроқ халифага садоқат рамзи бўлиб, унинг ўртасидаги қизил лочин-салжуқлар насл-насабининг нишонаси эди.

Кулранг балжустоний теваларда ер-кўкни дўмбира ва ноғора садоларига кўмиб ўтган машшоқлар изидан оддий сипоҳилар – ҳақиқий жангчилар кўринди. Ҳар бир саф ўз байроғи остида, ўз эллиқбошиси билан келар, эллиқбошиларни узанги, жиловлардаги безаклар, туркманий кашталар солинган ёпинчиқлар, хуржинлар, эгар-жабдуқлардаги олтин-кумуш зийнатлардан таниб олиш қийин эмас эди. Оддий сипоҳийларнинг отлари олақуроқ эди: саман, қашқа, тўриқ бедовлар, калта оёқ, эгри дум отлар.

Ҳаммадан ҳам балхликларни ҳайратга солгани обоздан олдин ўтган уч саф аскар бўлди. Оғир отларда, оғир совут, дубулға кийиб, дудама вазмин қиличлар, узун найзалар ёки нинадек ингичка шамширлар тақиб олган жангчилар ўз қиёфалари билан дам форсларга, дам оқ сочли русларга ўхшаб кетарди. Отасининг муридлари уларнинг ёпинчиқлари, қилич ва дубулғаларида православ ёҳуд грегорион бути шаклини кўриб, алланечук бўлиб кетиши: булар ўз эътиқодини яширмаган насорийлар эди. Наҳотки насорийлар мўминлар халифасини ҳимоя этишса?..

Кейинчароқ тушунишди: Кичик Осиёдаги ола-қуроқ аҳоли орасига ўрнашиб олган салжуқлар ғайридинлардан ҳазар қилишмас, аксинча, юнон ва арман васалларининг қўшинларини ўз байроқлари остига бажонидил қабул қилишар, ёлланма аскар-



лар сафига ёлғиз туркларни эмас, гуржиларни ҳам, фарангларни ҳам, ҳаттоки, норманларни ҳам қўшиб олишаверар эди. Бу нарса ўша Зулмат Оламиндан чиқиб келган рицарь-кўппакларнинг кўп асрлик босқинига бардош беришларига уларга жилла ёрдам берган бўлса, ажабмас.

Кийим-кечак, курол-яроғ, озиқ-овқат ортан отлар, хачирлар, туялар турнақатор бўлиб тизилиб ўта берди. Салжуклар қўшини гўё бир йилга етгудек захира билан кимсасиз ва оч-юпун ўлка гомон кетиб борарди. Шунда Жалолиддин эслади: у буюк Салжукларнинг шавкатли вазири Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» китобини акаси билан ўқиган, ўша китобдаги уруш-юриш пайгида ҳар нав олиқ-солиқлар билан деҳқонларни хонавайрон этмаслик учун бир йил олдин тадорик айлаб, қўшинга зарур ҳамма нарсани ғамлаб-ғамлаб қўйиш керак, деган оқилона маслаҳат унинг хотирасига маҳкам ўрнашиб қолган эди. Демак салжук ҳукмдорлари орасида оқиллар маслаҳатига амал қилувчилар, телба хоразмшоҳдан, фарқли ўлароқ халқ меҳри-мададининг қадрига етадиганлар ҳам бор экан.

Бу уларга кўп ойлик сафарлари давомида муяссар бўлган бирдан-бир хурсандчилик эди: оқилона тузилган, мунтазам ва қудратли қўшин. Наҳотки мўғуллар шундай қўшинни ҳам тормор қилиб, қўй подасидек тумтарақай этишса?...

Ўша, Торос довомида уларга дуч келган қўшин мағлубият кўрмай, эсон-омон юртига қайтди. У мўғуллар билан жанг қилмади. Мўғуллар Бағдодга эмас, шимолга, Кавказ орқали, Баҳри Ҳазарни ёқалаб, Волга бўйлари томон – Русга қараб юришди. Аммо бу муваққат бир танаффус эди...

Уларни боя йўлда тўхтатганлар каби эпчил-ёвқур ўқ-ёйчилар дастаси обозга эргашиб, кўздан ғойиб бўлишгач, карвонбоши яна йўлга бошлади.

Карвон тушдан сўнг довомига етиб келди. Уларнинг кўз ўнгида кенг, ям-яшил водий намоён бўлди. Куёш нурлари остида ярқираб, кўз қамаштирадиган оппоқ тоғ чўққиларига боқиб, Фирот дарёсининг тор дарадан ҳайқириб отилган кумуш тўлқинлари узра юксалиб, товланиб турган нилий камалакка термулиб, унда-мунда қўйчивонларнинг кулбалари тиккайган кўмкўк яйловларга, водий ўртасида жойлашган шарофатли Малатъя шаҳрига тикилиб, улар жойнамозларини ёйишди, узоқ йиллар давомида илк бор эркин нафас олиб, намозидигарни ўқишди. Йўл азобидан ҳориб, ўлкалар, шаҳарлар қабилалар оша юра бериб, тинкаси қуриганларга умид манзили насиб бўлгандек эди. Саҳролар, ҳайбатли тоғ тизмалари орқада қолди. Олдинда қудратли салжук султонлари ҳимоясида сокин, баракатли тупроқ ётарди.

Аммо Султонул Уламо Малатьяда тўхтамади. У яна шимолга бошлади. Фақат Эрзинжонга етганда, жануби-ғарбга қараб қайрилди.

## ГУЛХАНЛАР

Улар салжуқ давлатининг ички сарҳадларига хийла кириб боришгач, Султонул Уламо кичик бир шаҳарчада қўним топди. Аксарий аҳолиси юнон ва арманлардан иборат бу шаҳарчани Ларенде деб аташарди. Султонул Уламонинг бунда неча муддат туришини айтиш қийин эди, юзларга қилш нафаси уфурар, инчунун, шу ерда қилшни ўтказишга у қарор қилган эди.

Султон ноиби амир Мусо тўғри, соддадил турк бесавод омиё бўлишига қарамай, содиқ амалдор эди, шаҳарни қонунлардан ҳам кўра, кўпроқ кўчманчи ўғизларнинг тартиб-низомларига суяниб идора этарди. У дини-иймоннинг олимун алломаларига нисбатан чуқур ҳурмат-эҳтиром туяр, инчунун, балхлик донгдор уламони унинг шуҳратига яраша иззат-икром билан қарши олган эди. Султон Уламонинг бу шаҳарда қолиш ҳақидаги қарори унинг иззат-нафсига ёқиб тушган эди.

Ҳар бир ноиб султон Аълоиддин Кай Қубодга тақлид қилиб, ўз саройида олимлар, шайхлар, уламоларни йиғишга, улардан машварат ва маслаҳатлар тинглаб, эвазига лутфи-марҳаматлар кўрсатишга интиларди. Лекин чатоғи шунда эдики, балхлик уламо мадрасадан бошқа жойга кўчишни истамасди.

Шаҳар бундан беш йил бурун арман подшоси Левон иккинчининг қўлидан тортиб олинган, атрофда қадимий, аммо харобага айланган, янги, лекин истилодан сўнг хувиллаб қолган бўм-бўш бутхона ва монастирлар кўп эди. Лекин ҳали битта ҳам мадраса йўқ эди.

Амир қарор қилди: у, қандай бўлмасин, шайхни шаҳарда тутиб қолади. Қилш киргунча мадраса куради. Шундоқ деб сўз берди.

У сўзи устидан чиқди. Бир ойдан сўнг Султонул Уламо янги мадрасага кўчиб ўтди, тўғри у Нишопур, Дамашқ ёхуд Халабда улар кўнган юз ҳужрали мадрасаларга тенглашолмасди, аммо мударрис ўз оиласи, муридлари, ўнлаб шоғирдлари билан жойлашса, арзигулик кенг ва кўркам иморат эди.

Хуллас, султон ноибининг шуҳратпарастлиги ва соддадиллиги орқасида улар бу ерда бир қилш ўрнига етти қилш туриб қолишди.

Султон пойтахтидаги ўн етти фарсаҳ берида жойлашган бу шаҳарчада Жалопиддиннинг бола идроки роса чархланди, у ўша давр маданияти қўлга киритган дунё ҳақидаги муайян билимларни эгаллади. Унинг ёшлиги шу ерда, атрофи вулқонли тоғлар билан ўралган, бир замонлар қадимий насронийлар роҳиблар учун мағора уйиб, бутун бошлиқ шаҳарчалар барпо этган

ям-яшил воҳа қўйнида, юнон ва арман ҳунармандлари, ўғиз жангчилари, Хуросон уламолари орасида кечди. Шу ерда, Ларендеда у илк баҳор гаштини суриб, илк оғир қайғусини туйиб, илк иқбол нашъасини тотди.

Майсазору узумзорлар қўйнида сайр этиб, тоғлар қўйнида яшнаб ётган баланд ўтлоқларда тентираб, муздек булоқларнинг шарқироқ оҳангига қулоқ тутиб, у илк бор масту масрур бўлди, табиатни ҳаракатга келтирувчи қудратлар шаънига ҳамду сано-лар ўқиди. Улар болалик чоғлариданоқ уни ҳайратга солишарди. Лекин фақат бу ерда, Ларендеда у ўн олти баҳорга юз тутганида ўша сурур тошқин бир жазавога айланди, кейин ана шу ҳолат уни, энг мукамал махлуқот бўлмиш инсон қалбида жо бўлиб ётган чексизликлар ҳақида ўйларкан, тез-тез қамраб оладиган бўлди.

Кейинчалик у бутун қайғу ва ҳолатларини жиловлаганидек, ана шу жўшқин илҳомини ҳам жиловлашга ўрганди, аммо кейин чекламади, фақат йўлга солиб турди, шалолодек отилишига қўйиб берди, зеро, унинг кўпириб-тошиб, ўз йўлида ҳамма нарсани оқизиб кетишига жиндак туртки кифоя эди.

Нафсиламрни айтганда, замонлар бағрини ёриб ўтиб, унинг фикр ва туйғуларини етти аср берига етказган ҳам ўша шалола эди.

*... Сочиб найсон, сузар кўкда булутлар карвон-карвон,  
«Кўкаргил, яшнагил, ер!» — деб дамо-дам гуркирар осмон.  
Замин уйғонди, кўз очди,  
Баҳордан мужда, деб ҳар ёнга мушки анбарин сочди,  
Югурди новдаларга қон мисоли ям-яшил шарбат.  
Уруғни тарк этиб, охир гиёҳга кўчди ишқ-талъат.  
Кўнгил асрорини айтиб, оғочлар чайқалур тинмай....*

Бу шеър анча кейин, Кўнёда туғилди. Аммо ўзида шеър туғдирувчи кучни у илк бор шу ерда, Ларендеда ҳис этди. У ғайришуурий равишда шеърлар тўқий бошлади, йўқ, йўқ, унда ўз-ўзича шеърлар тўқила бошланди, улар ҳали ғўр, таъми-то-тими тобига етмаган қовунга ўхшарди. Ғалати пойма-пой нидолар, узуқ-юлуқ манзаралар, лекин гоҳо шундоқ мисралар ҳам учрардики!.. Ёшлиқда битган ўша ғазаллардан айримларини кейин қайта қараб, илк шеърый таҳаллуси – Хомуш номи билан қоғозга туширди. Гоҳо ваъз айтаркан, мисол қилиб ўшалардан айрим сатрларни келтирарди.

Эҳ, ёшлиқ, ёшлиқ. Хомуш эмиш. Ҳали куйиб улгурмасданоқ, у ўзини ҳаёт ва ўлим асрорига етган, ўртаниб, ақли тўлишган деб биларди. Лекин булар бари кейинчалик Кўнёда воқе бўлди.

Ўша ўн олти баҳорида у бир кун сайрдан қалби тўла белги-

сиз бир дард ила қайтаркан, қуёш довонга ёнбошлаган, Қоратоғнинг қорли чўққилари қизғиш шафаққа чулганган эди. Унинг ҳорғин тани гўё эриб, баҳор оқшомининг бинафшаранг сояларига қоришиб кетаётгандай туюларди.

Фақат соқчилар хузурида эмас, бутун, шаҳар атрофида гулханлар ёнарди: қалъа деворлари қурилар, мардикорлар кечани кеча, кундузни кундуз демай, бетиним ишлашарди. Навбатлашиб, шу ернинг ўзида, қалъа деворлари остида тамадди қилишарди, бировларга уйдан тугунда овқат олиб келишар, бировлар амал-тақал қилиб, гулханда бир нима пишириб оларди.

Жалололидин гулханлар олдида туриб ишга узоқ разм солди. Деярли барча усталар армани ёки юнонлар эди. Гўё меҳнат уларни асоратдан, ярим оч тирикчилик азобидан, кеча-кундуз девор бўйлаб кезган, қамчиси баданга илондек чирмашувчи назоратчилар назаридан узоққа олиб кетгандек эди. Бундоқ қотиб қолган чехраларни Жалололидин тоат-ибодат маҳали отаси ва унинг муридларида учратган эди. Ва бу чехралар – яланг бошлар, тўзиб ҳалал бермасин учун чизимча билан тутиб қўйилган сочлар, қора, сариқ, аммо куюқ жингалак соқолиб, ёниб боқувчи кўзлар – унда ҳавас аралаш алақандай жозиба уйғотарди.

Усталар яхши йўнилмаган, ўткир қиррали, дағал тошларни чаққонлик билан теришаркан, гап қотишмасди, афтидан, бир-бирларини сўзсиз тушунишарди.

Қадимий мажусий эҳромларнинг мармар тахталарини ҳам ишлатишар, арраланган устунларнинг юмалоқ ҳалқаларини ёнбошлатиб теришарди. Кейин ҳаммаси устидан хуросон ганжини тўкишар, тошлар ҳадемай, зил-метиндек бирикиб кетарди, Қоратоғ қояларига ўхшаш бундай деворларни буза оладиган куч оламда йўқдек эди. Ҳа, улар ҳақиқий усталар эди!

Анча йиллардан сўнг у ёшликда кўрганларини эслаб:

«Қўрмоқ бўлсанг – юнонни, бузмоқ бўлсанг – туркни чорла!» – дейди. Юнон ва арманлар – қурувчи, турклар – жангчи халқ. Албатта улар ҳам қуришади зеро, дунёда яратмайдиган халқ йўқ. Аммо уларнинг иморатини кўз билан дарров илғаб олиш қийин, улар бино эмас, давлат қуришади.

Ўша йиллар фақат Ларенде атрофида эмас. Салжуқ давлатининг барча шаҳарларида шомдан тонгга қадар гулханлар ёнар, одамлар тупроқ қазир, тош йўнар, уларга нафис нақшлар солишар, масжидлар, саройлар қуришарди. Лекин ҳаммадан аввал қарвонсаройлар, кўприклар, қалъа деворлари қад кўтарарди. Усталарни ер юзининг ҳамма бурчакларидан – Гуржистон ва Эрон, Византия ва Дамашқ, Қоҳира ва Ҳалабдан даъват этишар ва олиб кетишарди. Арман тошкесарларининг диди-малакаси, Хуросон меъморларининг меҳри-маҳорати, туркман гилам-

ларининг нақши-нигори, юнон усталари ва рассомларнинг тажрибаси – ҳаммаси кимёгар товасига тушиб, қовушган маъдан-дек, гулханлар ўтида эриб, бир бутун бўлиб бирикardi.

Шундай ошиқиб-тошиқиб ишлардики, Кўнёдаги салжук султони унинг шаҳарлардаги ноиблари, ҳатто қурувчиларнинг ўзлари ҳам истиқболни гўё кўриб туришар ва аниқ билишардики, яқинда Фарбдан келган ва даф этилган салибчилар босқинидан кейинги танаффус узоққа чўзилмайди, ҳадемай, ундан неча карра даҳшатли бир бало мамлакатга Шарқдан ёпирилади. Унда бошланган ишни охирига ким етказди, эҳтимолки, ўшанда ер юзида улардан ном-нишон қолмас.

Дарҳақиқат, ўттиз-қирқ йил ичида салжук султонлигида шу қадар кўп иморат қурилдики, бундан икки юз йил олдин ҳам, кейин ҳам бунча кўп қурилмаганди. Улардан анча-мунчаси мўғулларни ҳам, усмонларни ҳам кўрди, мана, етти юз эллик йилдирки, ўша гулханлар алангасида ёришган кунлар ва тунлардан хотира бўлиб, ҳамон ер юзида яшаб турибди.

Жалололдин кўнишиб, гулханга яқинроқ келди. Тоғда эриётган қорларнинг салқини уфурар, ердан туман кўтарилар, тун аёзли эди. Мардикорлар учун катта қозонда овқат пишираётган юнон бола муллалардек кийинган Жалололдинни кўриб, ўрндан турди-да, таъзим этгач, жиддий тур билан бир нималар деди. Жалололдин унга жавобан, тушунмадим, деб бош чайқадди, холос.

Гулхан ёнида таёғини белига тираб турган назоратчи бароқ кўзи қалпоқ остидан кўзларини бўридек чақнатиб бокди. Сўнг соқолини тутамлаб, қинғир-қийшиқ тишларини кўрсатиб, хоҳлади:

– Бу кесилмаганларга қўйиб берсанг, бас, валақлашаверади! Уларга ҳазир бўлмасанг – чатоқ. Лекин, ишни дўндиришади занғарлар!

Жалололдин жавоб бермади. Оловга тикилиб, аланганинг товланиб турган тилларини томоша қилди.

Зўравонлик ва жаҳолатдан қочиб, улар озмунча йўл босишмади – қарийб, дунёнинг бериги чеккасига келишди. Лекин ҳамма жойда ақл ва маҳорат, билим ва руҳият устидан жаҳолат калтаги ҳукмрон. У йўл-йўлакай кўрдик, бир жойларда, манфаатларга мувофиқ тушаркан илминг қадрига етишади. Наҳотки, ҳамма ерда ва ҳамиша шундоқ бўлса? Ахир, инсоннинг инсонлиги – унинг ақли ва қалбида эмасми? Бошқа жиҳатлари – тери ва суяклари эътибори билан унинг ҳайвондан нима фарқи бор.

Ўша баҳор Жалололдин Ларенде қурувчилари тилини ўрганишга хазм этди. Бу истак жаҳолатга нафрат туфайлими ёки маҳоратга эҳтиром ваҳидан – ўзи ҳам билмасди.

Ёшлигиданоқ унинг табиатида бир хислат кўзга чалинарди: ўйлаб бир нарсага киришдими, бас, охирига етказди. Бир йилдан сўнг у бемалол юнонча гаплашадиган бўлди. Кейинчалик у Афлотун асарларини аслияда ўқиб чиқди, Кўнё яқинидаги православ монастири мутаваллийси билан узоқдан-узоқ суҳбатлар қуриб, баҳси-мунозара қилди, ҳатто юнон тилида шеърлар ҳам битди.

Акаси Аълоиддин унинг сайри-саёҳатлари, фикри-мулоҳазаларига аралашмасди. Шундоқ ҳам улар бир-бирларига ўхшамас, бунинг устига, Ларендеда кечган биринчи қишда Аълоиддин хасталаниб, ёғиб қолди. Узундан-узоқ йўл босишлар асар этдими ёки бу ернинг об-ҳавоси ёқмадими, ёхуд нимқоронғи ҳужрада етти-саккиз соатлаб тинкани қуриштириб дарс ўқишлар, тунлари ухламай, тоат-ибодат қилишлар толиқтирдими, хуллас саломатлиги ёмонлашди. Унга ҳеч нарса қор қилмасди: на ойисининг қистови билан ютилган ичаткилар, на муқаддас сўзлар битилган тутатқилар. Унинг қирқ-олтмиш муаллиф битган, охири пайғамбар замонасига бориб туташган ҳадисни ёки Қуръон тафсирининг бутун-бутун мураккаб саҳифаларини осонгина ўзлаштирган ажойиб қувваи ҳофизаси ҳам заифлаша борди.

Ўзи дурустгина табиб бўлган отаси Ҳалабдан ҳаким чақирди. Ҳаким ҳар эргалаб хастанинг баданига суркаш учун малҳам, кечкурунлари ичиш учун тез таъсир этувчи дори берди..

Лекин баҳорда Аълоиддиннинг аҳволи тагин оғирлашди. У кўкраги пачоқ, чўндай ориқ, чолларга ўхшаб ғужанак бўлиб, партўшақда ётар, йўтал хуружидан аъзойи бадани қалтирарди. У дарсларга чиқмай, ойиси қарамоғида кўпроқ уйда қолар, кун сайин Жалолиддиндан йироқлашиб, кун сайин қайтадир ўтмишга томон кетиб борарди.

## ГАВҲАР

Шундай баҳор кунларининг бирида Жалолиддин ҳовлида туриб, ҳужрада акасининг қақшаб йўталганини эшитдию юраги алланечук ачишиб кетди. Ачиниш аралаш хижолат чекиб ўйлади: мана, у болаликдан заиф, хаёлкаш, таъсирчан бўлишига қарамай, соппа-соғ, оёқлари билан тошсупанинг ҳароратини сезиб, баҳор ҳавосидан, гуллаган олчаларнинг муаттар ҳидидан тўйиб-тўйиб нафас олаяптию ҳамиша югуриб-елиб ўсган, шовқун-суронни хуш кўрадиган, дали-ғули бўлиб кўринган акаси не аҳволда ётибди.. Ногоҳ орқадан қиз боланинг майин овози эшитилди:

– Дадам акангизга олча шарбати бериб юбордилар. Илоё, шифо берсин!

Жалолиддин ўтирилди. Қаршисида Шарафуддин Лолонинг қизи кўзачани чўзиб турарди.

Қанчалар ўсиб-ўзгарибди! Лекин юзлари ҳамон ойкулчадек, яноқларидаги кулгучлари ҳам ўша-ўша. Фақат катталарга ўхшаб, оғзини рўмол учи билан жиндак бекитиб турибди. Ипак лозими остидан каптали ковушларининг қайрилма, ингичка учлари кўринарди. Юм-юмалоқ кўзлари аввалгидек тикка боқмайди, ана, улар бир чарақлаб, яна ерга қадалдилар.

Жалолиддин қиз кўлидан кўзани олишни ҳам унутаёзган эди.  
– Марҳамат, олинг!

У кўзани олдию лекин бирор нима деёлмади. Турган ерида қотиб тура берди. Қиз яна бир бор чарақлаб боқдию тагин кўзларини ерга олди. Сунг таъзим адо этиб, енгил қадамлар билан дарвоза томон юрди. Жалолиддин дарвоза ёпилгандан кейингина ўзига келди.

Унинг дарди ўша баҳор Гавҳар деб аталди. Ўт-ўланларнинг шарпаси, япроқларнинг шивири, от туёқларининг дукури, арава ғилдирақларининг гижирлаши шу номни такрор этарди. Кушларнинг талпиниб, қанот қоқишларига қараб, қизариб кетарди, гўё Гавҳарбону яна унга чарақлаб боққандай. Бу ном чашмаларнинг сувида акс этар, унинг хаёлини илми илоҳиётдан олиб қочар, зеро, илоҳиётда ҳам нарсаларнинг асл моҳияти “гавҳар” деб аталарди.

Бутун ёз бўйи у қиз уйи атрофида гирдикапалак бўлди. Кунларни чашмага сув олгани чиқармикин, деб унинг йўлларини пойлаб ўтказди. Лекин қиз камдан-кам чиқарди. Ҳар сафар у кўзасини ўнг елкасига қўйиб, енгил қадамлар билан чашмага томон бораркан, Жалолиддин бир чеккада туриб кузатар, ундан кўзларини узолмасди.

У бутун яширин дарди-меҳрини қизнинг отасига кўчирди. Иззатли, салобатли қарияга у ҳамиша пешвоз чиқар, уни тўрга ўтқазиб, парболишлар узатар, шарбат, айрон қўйиб берар, чолнинг ажин босган қорача юзларида ўз Гавҳаридан бирор нишона излаб, кўз айирмасди.

Булар бари катталар назаридан четда қолмади.

Кузда дарахтлар мевадан шох букиб, хазон япроқлар яқинлашиб қолган ёмғирлар ва тўйлар мавсумидан дарак бераркан, отаси уни ўз хузурига чорлади.

– Ёшинг ўн еттига тўлди! Аллоҳ насиб этса, уйланишинг фурсати етди! Биз сенга қаллиқ танладик, лекин аввал ўзингдан эшитмоқчимиз: балки кўз остингга олиб қўйганинг бордир?

Жалолиддин тиз чўкди. Отасининг юзига ҳам боқишга юраги бетламай, секин ғудурлади:

– Марҳаматингиз билан Гавҳар бону, муридингиз Шарафуддиннинг қизи.

Султонул Уламо табассумдан ўзини тиёлмади.

– Тур ўрнингдан! Бизнинг ҳам кўзлаганимиз ўша! Жалолиддин отасининг қурушқоқ, ажин тўрлаган, лекин даҳшатли – унинг Бағдодда қилган қаҳри-ғазаби ёдида эди – қўлларига лабларини босди.

*Тўй кунидир, авжида чирмандамиз,  
Кукка туташ савту-садо, сас бугун,  
Кийганимиз шоҳию атлас бугун,  
Янгра баланд, байрамимиз, базмимиз!*

*Тўй куни бу, ғунчага анбар насиб,  
Гулга чаман, тўтига шаккар насиб,  
Ой қўшилур кўкдаги Зухро билан,  
Дилда ажиб наиъаю ялло билан –  
Жумла жаҳонга ёйилур азмимиз,  
Янгра баланд, байрамимиз, базмимиз!*

*Соҳиби тўй, ўйлаки, шаҳзодалар,  
Соҳиби бахт – бир гули озодадир,  
Сарв эгилур сен сари, зебо санам,  
Юрсанг агар биз сари, эвоҳ, санам,  
Дилда тошар шиддатимиз, жазмимиз,  
Янгра баланд, байрамимиз, базмимиз!*

*Зухро бугун бизга қуйиб, жом тутар.  
Жом демаким, наиъаи пайғом тутар.  
Пиру жавон даврада раққос эрур,  
Давра тўла айшу тараб, соз эрур,  
Завқу сафо диллара пайвандимиз,  
Янгра баланд, байрамимиз, базмимиз!*

*Тўй-никоҳ базмида ҳалво ширин,  
Оғуши гўшангада раъно ширин.  
Гул ила булбул бу кеча маст бўлур,  
Боғу баҳор қўйнида пайваст бўлур.  
Янгра бугун най ила чирмандамиз,  
Янгра баланд, байрамимиз, базмимиз!*

## **ИККИНЧИ ШАМ**

Жалолиддин одатда шеърни овоз чиқазиб ўқирди. Шеърдаги оҳанг уни беқийёс бир куч ила ўзига жазб этарди. Ана шу кучга у дарров бўйсина қолмас, дастлаб бошини ўнг елкасига солин-



тириб, кулоқ солар, сўнг гўё унга монелик қилмоқчидек, секин оёққа қалқарди. Кейин этагини бар уриб илк қадам ташлар ва чап қўлини тикка кўтариб, билагидан ҳавода солинтирганча, турган ерида аста, гир айланарди.

Шу ондаёқ унинг руҳий назари ўнгида абадий айланишларла коинот ҳаёти намоён бўлар: қуёш атрофида сайёралар учар, ер атрофида етти қават осмон чарх урарди... Ана шу мавзунлик унинг бутун вужудини қамраб оларди.

Шунда у ўнг қўлини ҳам кўтариб, рақсга тушиб айлана бошларди. Аввал шошилмай, кейин тезроқ, тобора тезроқ айланар, ер-кўкни тўлдирган ўша жаҳоний оҳанг билан қўшилишиб, маст-аласт бўлиб, то ўзни унутмагунча, гир-гир айланаверарди, зеро, шеър савти, рубоб садоси ўша оҳангнинг сўлгин соялари эди.

Мана у, ҳозир ҳам “ Янгра баланд, байрамимиз, базмимиз!” деганча, ўрнидан турдию тош саҳнда аста қадам ташлаб, уйқуга чўмган мадраса оғушида танҳо ёнган шам атрофидан бир айланиб чиқди. Шунда унинг сўзларига жўр бўлган каби, баногоҳ рубоб жаранглай кетди. Қўллар қанотдек силкиниб, деворларда соялар сирғалиб учдилар.

Рубоб шодиёна қиларди: ҳа, мўъжиза юз берди – ошиқ-маъшуклар қовушдилар. Аммо бу шодиёна оралаб мунгли бир армон ҳам садо берарди: кошкийди севишганлар бир-бирига батамом сингиб кетишса, шундоқ сингиб кетишсаки, ўртадаги “сен” у “мен” дан нишон ҳам қолмаса. Ошиқ ва маъшукдан иборат аслан бир бутун, бироқ азалий тарафайнлар тафовутининг ҳам йўқолишини кўмсаган бу мунгли армон ҳар гал оҳангдор нақорат баробарида овоз берар, фожеий бир аламга тўлиб жарангларди.

Оқ соқоли кўксига тушган чол тобора жазавога тушиб чарх урар, унинг тўни этақларидан кўтарилган шамол ўртада танҳо ёнган шамни нақ ўчиргудек бўлиб, елпиб-елпиб ўтарди.

Келинг китобхон, у ўзини унутган шу бахтиёр дамда уни бир дам холи кўяйлик. Кўнё мадрасасини ҳам тарк этайлик зеро, ишқ деган нарса Жалолиддин Румий учун нима эди деган нуқтани мушоҳада этиш фурсати келди.

Шоир ишқни ҳақиқатга етишнинг ягона воситаси, деб биларди. Заргарнинг ўз ҳунарига ишқ, дерди Жалолиддин, модданинг ҳақиқий сифатларини билишга, ўша даврнинг таъбири билан айтганда, ундаги яширин асрорни англашга, бинобарин, унга ишлов беришнинг усул ва воситаларини эгаллаб олишга етаклайди.

Яна, модданинг яширин асрорини эгаллаш жараёни уста учун ўз-ўзини англаш жараёни ҳамдир. Чинакам маҳорат, яъни мутлақ ҳақиқатни англаш шахснинг жисм билан бир бутун бўлиб батамом қўшилиб-қовушиб кетишини тақоза этади. Лекин

ҳақиқатда, Жалолиддин таъбирича, “бу кўплик ва фикарот<sup>1</sup> дунёсида” бундоқ кўшилиш имконсиздир, бас, ўша воҳид ва мутлақ ҳақиқатни билиш ҳам нисбийдир, орзудаги кўшилиб-қовушиш эса мутлақ оламда, ўша давр истилоҳича, у дунёда, оламул ваҳдадда тасаввур этилади.

Зиддиятларни орадан кўтаришга, яъни, мутлақ ҳақиқатни билишга интилиш, аммо бунга муяссар бўлишнинг имкондан хориж эканлиги Жалолиддин Румий шеърӣ диалектикасининг моҳиятини ташкил этади. Мутлақ ҳақиқатни билиш имкон доирасида деб қаровчи анъанавӣ тасаввуфдан унинг фарқи ҳам шунда.

Ўз моҳиятига кўра, кузатувчини кузатилувчи билан, англо-вчини англоланувчи билан битта деб қараш табиатнинг объектив кучларини гавдалантириш шаклидирким, бу биз динӣ деб атайдиган ўша онг кўриниши учун характерли бир хусусиятдир.

Ҳолбуки, табиатни гавдалантириш, жонлантириш ҳар бир халқ оғзаки ижоди учун ҳам хос бўлиб, умуман мажозӣ, тимсолли тафаккур асосларидан бирини ташкил этади.

Мажозӣ тафаккур системасининг моддий олам қонуниятларини билишга интилиши кўпинча ақл бовар қилмас натижаларга олиб келган экан (чунончи, сўфӣлар тошнинг ерга тушишини ҳам сайёраларнинг Қуёш атрофида айланишини ҳам ишқ билан изоҳлашади), бундай мажозӣ тафаккур умуман реал мазмундан маҳрумдир ва у рационалистик тафаккур заминида ўз маърифӣ имкониятларини йўқотади, деб ўйлаш хато бўлур эди.

Ҳатто мажозӣ тафаккурнинг асосӣ муҳити – санъатни назардан соқит қилганда ҳам XX асрнинг ўрталарида, илмӣ деб аталувчи рационалистик тафаккур гуллаб яшнаган бир даврда синектика фанининг пайдо бўлишини қайд этиб ўтишга тўғри келади. У мантиқӣ тафаккур ечолмаган тор, маишӣ-техник масалаларни ечишда худди шу мажозӣ тафаккурдан истифода этади ва гавдалантиришни ўз методикасининг аввал-асоси деб билади. Синектиklar кemasozликдаги инженерлик масалаларини ечишда рассомлар, шоирлар, музикантлар, яъни ўз касбига кўра мажозӣ фикр юритувчи кишиларни жалб этишади, у ёки бу жисм, ҳодиса ўрнига ўзингизни кўйиб кўринг-да, сезгиларингизни айтиб беринг, деб талаб қилишади.

Фалсафӣ монизм нуқтаи назарида туриб, оламнинг бирлиги эътироф этиладиган бўлса (сўфӣлар идеалист бўлганлари ҳолда шу нуқтаи назарда туришган), равшан бўладики, табиат ва жамиятдаги, шунингдек, шахснинг психик ва эмоционал ҳаётидаги жараёнлар умумӣ диалектик қонуниятларга бўйсунди.

Сўфӣлар худди шу психик ҳаётни, яъни микрокосмос сифатида ўз-ўзини билиш билан шуғулланганлар ва шу билан баробар бутун оламини, яъни макрокосмосни ҳам англай оламингиз, деб ўйлаганлар.

Шу боисдан ҳам Жалолиддин, мутлақ оламни қайда, деган саволга “Сизнинг қалбингизда” деб жавоб берган.

Табиийки, ишқ, аввало, эркак ва аёл ўртасидаги муҳаббат тасаввуф фалсафасида муҳим ўрин тутади, зеро, аёнки эркак-аёл муносабати кишиларнинг табиатга муносабати ҳамдир. Ёки, бошқача айтганда, инсоннинг уруғчилик моҳияти унинг нақадар табиий моҳиятига айлангани, яъни инсон нақадар инсон бўла олгани бевосита ишқ-муҳаббатда намоён бўлади.

Қай бир жиҳатлари билан Гегель диалектикасига салаф-ўтмишдош бўлган Жалолиддин Румий диалектикаси муҳаббатнинг бир-бири билан бирикиш, бир-бирига тамом сингиб кетишга интилиш ва бунинг имконсизлигидан иборат табиати асосига қурилган эди.

Олам билан уйғун бўлишга чексиз ташналик Жалолиддинни ҳаракатга солувчи куч мана шу эди. Ушбу нарсани у ўша давр мантиқий схоластикаси заминидан излади, аммо ўша бачкана догматизмдаги уйғунлик эшакдаги арслонлик миқдорича эди.

Бу ёқда энди юрак қоларди.

Жалолиддин Румий юракни ақлдан устун қўяркан, бунини тушуниш мумкин: ҳақиқий билишда ўша давр мантиқий тафаккурининг силлиқ формал метафизикаси биз ҳозир экспериментал психология, деб атайдиган, неча бир сўфийлар ўз-ўзини синчиклаб кузатиш асосида ишлаб чиққан “юрак фани”дан анча орқада эди.

Бироқ юракдан англаш савқи табиийга суянарди. Ва яна равшанки, унинг натижаси паралогик тус олиб, рамзга, мажозга мойил бўларди. Мажозийлик эса – санъат иқлими.

Тасаввуф бир мафкуравий оқим сифатида бошданоқ шеърят билан ажралмас бўлиб, бирикиб яшади.

Дастлаб сўфиёна йиғинларда ишқ-муҳаббат ҳақида халқ кўшиқларида куйланарди. Шундоқ қилмиши учун нишогурлик шайх Абу Саид Майхонийни куфру иштибоҳда айблашган эди. Кейинчалик сўфийлар шундоқ мажлислар учун махсус рубойи ва ғазаллар тўқийдиган бўлишди. Уларда “ҳақиқат толиблари”нинг руҳий ҳолатлари акс этар, бу табиийки, сомеларда муайян завқ-шавқ уйғотарди.

Нотиқлик ва воизлик фаолияти тезда сўфия тариқатининг у ёки бу жиҳатларини янада кенгроқ баён қилиб беришни тақозо этади. Бунинг натижаси ўлароқ, Ансорий, Санойи ва Агторнинг мажозий йўналишдаги, панд-ҳикмат дostonлари юзага келди.

Фалсафий тафаккур умумга мақбул абстракт – мантиқий категорияларни ишлаб чиққани каби, тасаввуф шеърятга ҳам ўз тараққиёти жараёнида анъанавий тимсолу ташбиҳларни ишлаб чиқди.

Жалолиддин Румий яна шу анъаналарнинг чўққисидан турди.

Унинг шеърлятидаги севимли тимсоллар – кўзгу, тасвир ва соя эди. Объектив борлиқни у ўзи бирдан-бир ҳақиқий деб билган ҳолда ўзга, идеал оламнинг сояси деб биларди. Яъни борлиқни инъикос, инъикосни борлиқ ўрнида кўрарди у. Буни ҳамиша назарда тутиш лозим.

Маълумки, кўзгуда ҳамма нарса тескари кўринади. Лекин биз кўзгусиз ҳеч қачон ўз-ўзимизни кўра олмадик.

Жалолиддин идеализмини инутмаган ҳолда, унинг ташбиҳи-ни давом эттириб, айтиш мумкинки, Румий шеърляти мусаффо бир кўзгудир, етти асрдирким инсоният ана шу кўзгудан кўз узолмайди, зеро унда инсоннинг руҳият олами, унинг ҳаракат қонуниятлари ажиб бир тиниқлик ила акс этиб туради.

Айрим олимлар «сўфий» истилоҳи араб тилидаги жун мато маъносини билдирувчи «суф» сўзидан эмас, балки, юнон тилидаги «софос» – донишманд сўзидан олинган, деб бежиз айтишмайди..

Жалолиддин Румий ва унинг шогирдлари ўзларини сўфийлар эмас, ошиқлар, деб аташган. Уларга билиш йўлида карвонбоши – мантиқ эмас, муҳаббат эди.

*Санамларга асиру бандалар, мен кўп замон ошиқ,  
Ўмиб ишқ уйқусига сарбасар, мен кўп замон ошиқ.  
Тириклик ибтидо айлаб, бўлурди шу жаҳон пайдо,  
Азизлар, ошиқ эрдим онқадар, мен кўп замон ошиқ,  
Қам эрмас, етти минг йил сувратимга бўлдилар машғул,  
Етишди борлиғимдин бир самар, мен кўп замон ошиқ...  
«Мен эрмасму сиза сарвар?» – дея лаб очди Оллоҳим,  
Анинг ирфонидин топдим асар, мен кўп замон ошиқ.  
Малоиклар, маориф тахтини кўкка равон айлаб,  
Баландроқ силкитингиз болу пар, мен кўп замон ошиқ...*

Жалолиддин учун севги – бутун борлиқни ҳаракатга келтирувчи куч эди. Дон ҳам, майса ҳам, жонивор ҳам сева олади. Лекин ёлғиз тани, ёлғиз териси билан. Фақат инсон ҳам жисми, ҳам ақл-идроки, ҳам хаёли, ҳам хотираси ила севишга қодир. Мутлаққа интилган Жалолиддин учун олий ишқ – ҳақиқат ишқи эди. Лекин у чинакам диалектик бўлгани учун инсонни сўфийларга ўхшаб бичиб қўймас, жисмоний, заминий ёки унинг ибораси билан айтганда, фоний муҳаббатга нафрат ила боқмас эди.

Ҳар нечук севги – хунарга, ерга, ватанга муҳаббат унинг учун ҳақиқий ишқ йўлидаги бошқичлар эди, бинобарин, хайрли саналарди.

У севгини қуёшга қиёс этарди. Лекин ўз-ўзига бино қўйиш, худпарастликни ўзни ўз тани зиндонига солиш, кўр-ожиз бўлиб қолиш, деб биларди.

У аёлга муҳаббатни олқишларди, зеро, инсон ўзига ўхшаган инсонга муҳаббат кўйиш билан ўз моҳияти, умуман инсонлик моҳиятини англаб етади.

Оқ соқоли кўксига тушган чол тун қоронғусини ошиқона ғазалларга тўлдириб, чарх ураркан, бу сўфийлар учун шунчаки нашъали рақси самоъ эмас, балки ишқдан маст-аласт бўлиб, олам билан қўшилиш-қовушиш маросими эди.

У оғир ҳансираб тўхтади, ён-верига кўз ташлаб, аста-секин ўзига кела бошлади. Шам ёниб тугаб борарди. Деворлар ортида ҳамон зимзиё тун ҳукмрон. У авваллари гоҳо тонггача чарх урар, бир оз дам олиб, тушгача, ҳаттоки оқшомгача рақс туша оларди. У ҳаётда ҳеч кимнинг олдида хижолат чекмаган. Ҳозир эса ўз тани олдида хижолат чекиб турибди. Худди чавандоз манзилга етгунча ўзи йўл бўйи аёвсиз қистаб-қамчилаган, энди эса йиқилай-йиқилай деб қалтираб турган от олдида хижолат чеккандек.

У латгадек бўшашган, мажолсиз – титроқ оёқлари билан зўрға бир қадам босди. Валад соядан чиқиб тавозе ила отасини қўлтиқлаб олди. Жалололдиннинг ҳаяжонли овозини эшитиб, нимқоронғу хонага рубоб кўтариб кирган шу, Валад эди.

Отаси унга танимагандек, ҳайрон бўлиб боқди. Ҳа бир ерга бориб қолган, юм-юмалоқ жун қалпоғи устидан салласини нари-бери ўраган, калта чакмони ёқасига бир жуфт юракми ёки сарв дарахтининг суврати солиниб, муқаддас оятлар битилган, мана шу мошгуруч соқолли эркак рубобни қўлтиғига қистириб, бир қўли билан уни қўлтиқлаб тураркан, чиндан ҳам ишониш қийин эди: наҳотки, шу – ўшанда ўз пуштикамаридан тўраган ўғли, Валад бўлса? Ўша тунда Ларендада одатга кўра, у яқинларининг туртки – қистови билан келинчак хонасига кирган ва мислсиз Гавҳарбону билан никоҳ тўшагида ётган эди.

Орадан ярим дақиқадек «лип» этиб ўтиб кетган ярим аср олдинги ўша тунда у бахтдан кўру кар бўлиб, на шеър, на ҳақиқат, на муҳаббат ҳақида ўйлаганди. Беихтиёр таҳорат олиб, шариятга кўра илк никоҳ кечаси такрорланиши жоиз бўлган сурани Гавҳар ортидан такрорлаган, сўнг бўрон пайти кўлга энгашган қамишдек чайқалиб, унинг устига энгашган эди. Чи-қайтган ойдек қизариб-бўғриқиб кетган кулча юз, ўзининг ожиз ва мусалламлиги билан жазб этувчи нозик бўйин, нақ учмоққа шай бир жуфт оқ кабутардек туртиб-титраб турган кўкраклар, яратувчи қудратини ўзида жо этган интизор оғуш, бутун ба-даннинг узв-узвидан таралиб турган ажойиб бир руҳ, хуллас, ҳамма-ҳаммасида шундай бетиним чорлов, заифликнинг шун-дай бир кучи барқ урардики, у табиат билан юзма-юз қолган-

да чулғаб оладиган жазаванинг оний бир оташи «лов» этиб ёндию юз карра зиёда шиддат ила куйдириб, гир-гир айлангириб, уни аллакаёққадир учуриб олиб кетди. Саҳардаги интизорликнинг салқини ила ўралган кўл жазаванинг авжи тушги бу жазирамасидан жунбушга тушиб, унга пешвоз отилдию забтига олиб, бир зумда фарқ қилиб юборди.

Ундан кейин яна қирқ йилча яшайдиган Валадни бор этган ўша беҳудлик, сармастлик алангаси ўзга бир важду ҳолнинг даракчиси эди. Оламга муҳаббатдан туғилувчи бир сармастлик уни куйдириб, адои тамом қилди, лекин бу оташда яралган шеърят ундан сўнг яна юз йилларча яшаб қолди. Лекин бу ҳақда у на Ларендада кечган ўша тунда, на ундан анча кейин – то Умр Қуёши билан учрашгунга қадар ўйламади.

Бугун Гавҳарни эслаганда ишқ базмини шарафлаб, қалбида янтраган шеър ўз тўйи куни эмас, Валаднинг тўйи куни тўқилган эди, унга шундоқ туюлган эдики, ўғлининг умрида унинг ўз умри такрорланур, фақат ёшлигида уни қийнаган руҳий соқовлик билан эмас, жарангдорлик ила такрорланур. Валад унинг ўзига ўхшаб, отасининг муридига куёв бўлган эди. Қизни пайғамбар қизининг номи билан Фотима деб аташарди. Бу номда Жалолиддин яширин маъно кўрар, зеро қизнинг отаси, заргар оқсоқоли Фаридун Салоҳиддин илм-маълумот олмаган, лекин дунёнинг бирор мадрасасида ҳам олиб бўлмайдиган ҳақиқат ва адолат сезгисига эга эди. Жалолиддин уни – «нурил – ҳақиқат, куббатул – қалб» деб атаганди. Ва қариган чоғида шеърдан бўлак машғулот билан шуғулланмаслик учун жамики шогирдлари ва муридлари устидан заргарни шайх қилиб кўтарган эди.

Унинг қизи Фотимани Жалолиддин жонидан азиз кўрарди. Ёшлигиданоқ уни хонадонига, ўз тарбиясига олган, савод ўргатган, дунёни танитган, унга шу қадар кўп меҳнат ва фурсат сарфлаган эдики, ҳатто яқинлари ҳам ҳайрон қолишган эди.

Ўғлининг тўйдан сўнг Жалолиддин «Маснавий»ни давом эттириш учун дарҳол шаҳар яқинидаги Филобод боғига жўнаган, у ердан аввал бошлаб ўғли Валадга мактуб йўллаган эди. Шоир мактуб мазмунини сир тутишни сўраган, зеро, билимни сақлай билганларга илми асрор муяссар бўлур, мактуб сўзлари замирида эса унинг ўз қалби кашф этган энг эзгу сир у синоатлар ётарди.

«Бугун, – деб ёзган эди Жалолиддин ўғлига, – сенинг никоҳ айёмингда кўзим ва кўнглимнинг нури бўлмиш Фотима бонунни асраб-авайлагайсен, деб сенга топширдим, зеро, бу сен учун буюк синовдир. Умид улким, ҳаминша унга адолат мақомида муомала қилгайсен, ҳиммат-ҳимоятингни ундан дариф тутмагайсен. Отанг манглайи, ўз манглайинг, фарзандларинг номи-номуси ёруғ ва

мусаффо бўлсин, десанг хотининг билан кечган ҳар кунинг – тўй, ҳар тунинг – никоҳ оқшоми бўлмай. Уни ҳаммаша қалбинг тузоғи ила овлағайсен, унга ҳеч қачон энди овлашга ҳожат йўқ бир ўлжа, деб қарамағайсен, зеро, бундоқ қарагувчилар енгил-елпи назарли кишилар бўлиб, ўшалар ҳақида, улар фақат дунёнинг сувратини кўрайлар, деб бежиз айтилмаган...»

Валад отасини тўшакка етаклади. Эҳтиётлаб кўрпачага ўтқизди. Янги шам келтириб, уни тугай деб қолган эскисига тутиб, ёқди, шамдонга қўндирди.

Жалолиддин унга рухсат ишорасини қилди. Валад яна ўша назокати билан ўз ҳужрасига, ухламай, унинг қайтишини кутаётган Фотима-хотун ҳузурига жўнаркан, Жалолиддин индамай, ортидан кузатиб қолди.

Валаднинг хотини оғироёқ эди, бўйида олти ойлик боласи бор, шунинг учун кечалари кўрқиб, ухламай чиқарди. У эрига ўн икки бола туғиб берди, лекин ҳаммаси нобуд бўлди – қай бири туғилиши билан, қай бири олти ойлик, қай бири ўн ойлик бўлиб, қай бири ёшига тўлиб. Шўрлик хотин алам устида еб тўймас тупроқни тўйдиришга аҳд қилди: у бўйида бўлди дегунча, ундан қутилиш чорасини изларди. Бу гал ҳам шундоқ қилди: атай оғир нарсалар кўтарди, хотинларнинг базмларида тонггача рақс тушиди, ҳар хил заҳар-заққум дорилар ичди. Лекин бари фойдасиз бўлиб чиқди.

Жалолиддин бундан хабардор эди. Ҳомила уч ой тўлиб тўртинчи ойга юз тутганида, келинини қувватлашга қарор қилди. У билардики, келини унга ишонади, ишонч эса таннинг ўзи ҳам беҳабар қувватларни қўзғашга қодир.

У муҳтарам муриди Тоторий орқали Фотима-хотунга аввал дуо айтиб, сўнг етқиздиким, болани асрамоқ даркор, зеро, ғойибдан ишора бўлди, у эсон-омон туғилиб, соғ-саломат вояга етгай, фақир Жалолиддин ўз кўзлари билан набирасини кўришга орзуманд.

Қайнатаси ва устозига ихлоси чексиз бўлган, нақ тантрига ишонгандек, унинг башпоратига ишонувчи Фотима-хотун туғишга қарор қилди, гадоларга садақа улашди, кўй сўйиб, қурбонлик қилдирди. Сабр-тоқат, меҳр-муҳаббат ила фарзанд кутмоққа бошлади. Кечалари кўрқув босар, лекин ана шу кўрқувни енгишга жон-жаҳди билан уринар ва ҳеч кимга сир бой бермасди.

Валад ҳам нобуд бўлган болаларига куярди, лекин Фотима-хотунга ўхшаб эмас. Авлодини қаҳр-ғазабга олган хизмат қаршисини мўмин ва сабр-бардошли бўлиб кўринган Валад бутун аламини хотинига қарши қаратди.

Мислсиз Гавҳари вафотидан сўнг бир бевага уйланиб, умргузаронлик этган Жалолиддин сезар ва изгиروب чекардики, ўғли

ҳам иккинчи хотин, ҳеч бўлмаса, чўри олиш фикрига тушмиш. Бу шариатга зид эмас, у тўртта хотун олишгача рухсат этади, чўрилар то туғмас экан саноққа кирмайди. Лекин унинг ўғли ва вориси ҳар бир мусулмон учун фарз бўлган умумга аён қонунлар асосида эмас, ҳақиқат ишқида ёнганлар – ошиқлар учун муқаддас бўлмиш қалб қонунлари асосида иш тутмоғи даркор.

Ўз ҳужрасига томон жимгина жўнаган Валаднинг орқасидан боқиб, Жалолиддин надомат ила ўйлади: юмшоқлик ва ёқимтойлик аёвсиз саркашликка нисбатан неча карра бешафқат. Шунда, ўғлим издошим бўлармикин, деган умидига яна бир бор дарз тушгандай бўлди. Фотимадек хотинни англамай, унга пинҳона ранж-озор етказган киши отасини англармиди? Ёлғиз ақл-идроки биланмас, бутун жисми жони билан. Сўзларинимас, моҳиятини?!

Шу тобда шогирди ва келини унга ўғлидан ҳам яқинроқ бўлиб туюлди, зеро, у устозидан ёқимтойлик ва кексаларга хос ювошликни эмас, энг муҳими – исёнкорликни мерос қилиб олган эди. Магар Фотима-хотун, у бир пайтлар беназир дўсти, Умр Қуёшини йўқотиб, бутун оламга исён этганидек, тақдирга исён этмадимиз?

*Босибди зулмат андоқким, тилармен бўлса ой пинҳон,  
Гадою мусуво бўлдимки, шаҳга бошладим исён.  
Ажаб хусни жаҳон чорлар мени лутфи-карам айлаб,  
Мен эрсам, анга бормасмен, юрибмен гарчи саргардон.  
Мени ёр беписанд айлаб, бутун оламга хор этсун,  
Ғарибдирман ва лекин чекмагаймен заррача афғон.  
Ўтинчу илтижо, оҳи-фиғонга айладим шўриш,  
Керакмас симу-зар, андин менга на дору, на дармон.  
Агарчи зарраи Хокмен, оловга кўзғалон қилдим,  
Рақибдир бизга сув, тупроқ, ҳаво, беш сезги, чор мезон,  
Не эрмиш менга чор мезон, агарчи зарра тупроқмен,  
Қўтардим шўриши – ғавғо, рақибим холиқул Раҳмон.  
Бу сувдин ичмагансен, бас, сўзим сиррини билмассен,  
Қуёшга кимсани тенг этсалар, мен айлағум исён...*

Жалолиддин эҳтиросдан энгикиб, кўзларини юмди. Балки бир лаҳза кечгандир, балки абадият, то тинчиб, фикрлари аввалги маромига тушиб равон оқмагунча, қимирламай ўтира берди.

Хўш, ўғли Валад унинг сўзлари сувини ичиб, унинг исёнкор маъносига етмаса, айбдорми? Ахир бекорга айтилмаган: «Кимки бизга маҳбуб эмас, унинг энг оғир гуноҳлари ҳам маъзурдир, кимки бизга маҳбубдир, унинг бир зарра гуноҳи ҳам маъжур эмас».

«Хотун ёлғиз маъшуқа эмас. Ёлғиз банда эмас, яратувчи ҳам



ўша. Ҳамма ҳам яратувчини англармикин? Ҳамма эркак ҳам хотинни тушунармикин?

Қоронғуликка кўниккан кўзлар қуёш нурига бардош беролмагай. Ўз китоблари орасига қуртдай бекиниб олган фақиҳлар «хотинларнинг юзларини бекитинг, уларни ҳарамларга қаманг, сўзларига қулоқ солманг, ҳаттоки номларини қабр тошларига ёзмаг», деб буюришар экан, сабаб ўша зулмат ва жаҳолат бандаларининг аёл қалби шуъласидан қўрқишида эмасми? Яна Куръон сурасига суянишади: «Эркаклар аёллардан юқори тургай». Аммо бировнинг сўзини такрорлаш ҳали унинг маъносига етиш деган гап эмас. Муҳаммад пайғамбар замонида хотинлар юзларини бекитишмас, улар орасида сўзи ва аъмоли билан шон-шухрат қозонганлар озмунча эдими? Эр бўлиб туғилмайдилар, эр бўлиб етишадилар. Кўплаб хотинлар фазли-камолот ва азми жасоратда эркаклардан юқори туришади».

Хотин муҳаббатининг таъмини тотган Валад ўзини хотин ўрнига қўйиб кўриши, қанд еб, кўзгу олдида инсон тилини ўрганган тўтидек, юрак соқовлиги билан хайрлашиб, юрак тилини ўрганиши лозим эди.

### «НЕ ДЕМАК ХОТИН?»

Ларендеда акаси Аълоиддин илк бор хасталаниб, ётиб қолганда, ойиси Мўмина-хотун қайдандир бир мўъжиза бир қуш топтирди: қанот патлари ям-яшил, тумшуғи қизғиш, кўзлари қоп-қора тугмачадек, сурнайчи тўти. Бундоқ тўтилар Хуросоннинг Балх ва бошқа шаҳарларида ҳарам аҳли ва болаларнинг суюкли овунчоғи эди.

Бошини бир ёққа эгиб, ғалати бир жиддият билан одамларга боқувчи, ҳар нарсага қизиқсиниб қарайдиган, тиниб-тинчимас бақироқ бу қуш ҳамиша она юрти ва қадрдон уйни эслатиб турар ва шу билан хастани пича овуларди. Ҳаммадан ҳам муҳими, у болани банд эта оларди, тўти ёш, уни гапиришга ўргатиш мумкин эди.

Бунинг учун темир кўзгу топиб, қафасга ўрнатиш, сўнг кўзгу ортига бекиниб, маълум бир сўзни ҳадеб такрорлайвериш лозим эди. Тўти ўз сувратига боқиб, уни ўзига ўхшаш бир қуш деб ўйлар ва у билан гаплашмоқчи бўлиб, у чиқазган овозларни такрорлашга интиларди. Бунинг учун унга қанд беришар, муқофотнинг ширинлигидан тўти кўзгунини ҳам унутиб, ўзи мустақил қанд сўрамоқча мажбур бўларди.

Болалар ҳам шундоқ қилишди. Лекин тўти ўта аҳмоқ ёки ўта ақлли эканми, кўзгуга қиё ҳам боқмади. Болаларнинг ҳафсаласи пир бўлиб, уни ўз ҳолига қўйишди. Лекин у бир гал

Мўмина-хотуннинг қўлида қанд кўриб, даб-дурустан: «Қанд бер!» деб қичқириб юборди.

Аълоиддин қотиб-қотиб кулди.

Тез орада қора кўз мўъжиза ширинлик берганда «Раҳмат!» дейдиган, сув сўрайдиган, оёқ шарпасини эшитаркан: «Ким у?» деб қичқирадиган бўлди. Ҳатто кечқурун унинг қафасини бўз билан ёпиб қўйишни унутишганда «Уҳлайман!» деб талаб қилишни ҳам ўрганди, гўё у форс тилини чиндан ҳам тушунадиганга ўхшарди.

Қиш кирди. Аълоиддин пича оёққа турди. Тўти уйнинг арзандасига айланган, ҳамма унга ўрганиб қолган, ҳеч ким парво эмас эди. Афтидан, у эшитганларини бир бошдан ёдлаб оларди.

Бир кун яқинлашиб келаётган оёқ шарпасини эшитиб, ода-тича «Ким у?» деб қичқирди.

Хонага отаси кирди. Тўти безовталаниб, типирчилаб қолди. У қанотларини патиллатиб, бор овозда қичқирди:

– Герхоҳар! Герхоҳар!

Ҳамма тошдек қотиб қолди. Тўти Султонул Уламони офизга олиб бўлмас сўз билан ҳақорат қиларди! У қушга агай ўргатишган деб ўйласа борми!.. Лекин отаси бош чайқади-қўйди, ҳа, у тўти сўзидан ҳам сабоқ ола биларди.

Тўтини апил-тапил Жалолиддинга таниш бир юнон ғиштчи-га совға қилишиб юборишди – хайриятки, унинг уйида форсчани тушунишмайди. Лекин бу сўзни тўти қаёқдан ўргангани сирлигича қолаверди: қолбуки у – бир гал қаҳр-ғазаб асносида Султонул Уламонинг тилидан учган ягона сўз эди.

Сўзни тўти ҳам ўрганади, аммо унинг моҳиятига фақат одам етади, лекин ҳамма одам эмас.

Ўн етти ёшида Гавҳарга бўлган муҳаббати Жалолиддинни руҳий соқовликдан қутқазиб, юрак тилида унга илк сўзларни ўргатди. Хўш, у шу ондаёқ уларнинг маъносига ета олдимми? Бунинг учун исён оловидан ўтиш, ўзидаги худпарастлик балосига барҳам бериш лозим эди.

Лекин ҳар бир маҳрумиятда – муяссарият, ҳар бир муяссариятда маҳрумият мавжуд. У ана шу курашда Гавҳаридан айрилди!

Валад ота ўтигини қулоққа олмади, муҳаббат синовидан ўтолмади, бинобарин у тўй кунини мактубида ишорат этган асрор – Жалолиддиннинг асрори бўлиб қолаверди. У ҳам «Гавҳар» деб агаларди.

Олти юз йигирма учинчи йили ҳижрий ёки бир минг икки юз йигирма олтинчи йил мелодийда Гавҳар-хотун эсон-омон ўғил туғди.

Жалолиддин ўзининг Гавҳарга бўлган севгиси туфайли дунёга келган янги меҳмонни биринчи бор кўрганда, у қизғиш товланувчи коптоқдек бўлиб, кўкимтир чойшабда ётарди. Ёш

она – у бор-йўғи ўн беш ёшда эди, қувонч ва хижолатдан қипқизариб, ўғлидан кўз узиб эрига қаради. Шунда Жалолиддин бир неча соат азоб чекиш орқасида унинг кўзлари касб этган ажойиб бир теранликка ҳайрон қолди.

Мўмина-хотун келинига юз ўтириб ўтирар ва набираси чойшабига қадимий тилло танга қадарди. Бу танга авлоддан-авлодга ўтар, бутун Султонул Уламо дуо айлагач, бахт келтирсин, деб уни келинига ҳада этган эди.

Мўмина-хотун қатимни тиши билан чирт этиб узди-да, чақалоқни йўрғақлаб, ойисига узатди. Шунда ғойиб бир қўшиқнинг сарпардасидек, Гавҳар қўлидаги билакузуклар жаранглаб кетди. У тикмачоқдек сийнасини очиб, қорайиб турган кўкрак учини меҳр ила гудакнинг қизғиш, тишсиз оғзига тутди. Чақалоқ тамшаниб, чаққонлик билан бир маромда сўра бошлади. У ҳар гал сўрганда, ойисининг тани енгил чайқаларди. Жалолиддин ана ўша чайқалишларга маҳлиё бўлиб, тикилиб қолди ва қалбининг қаърида тантановор бир тарона туғилиб, бутун борлиғини қамраб келаётганини ҳис этди.

У кўз ўнгиде ёлғиз ўз Гавҳарини эмас, табиатнинг туганмас баракат рамзи бўлмиш Зухрони ҳам кўрарди. У қадимий сувратларда қандоқ чизилган бўлса, худди шундоқ эди: эгнида тиллоранг либос, қўлларида билакузуклар, оёқларида халхол. Яна худди сувратда чизилганидек, унинг олдида бошқа бир аёл ўтирибди. Рост, унинг қўлларида қадимий мусиқий асбоб, қўбиз эмас, чақалоқ. Аёл уни создек тутиб, ундан бутун оламнинг оҳангини таратмоқда.

Қадимий эронийлар Ноҳид, римликлар Венера, деб атаган тонг юлдузи Зухрони эслашга яна бир сабаб – ўшанда Ларендеда Жалолиддин мунажжимлик сирлари билан ҳам пича машғул бўлган эди.

У ҳали кўп умр кўрмаган бўлса ҳам салтанатларнинг заволию мингларча инсонларнинг ҳалокатига шоҳид бўлган эди. Мунажжимлар инсонлар ва салтанатларнинг қисмати осмон ёритқичлари, уларнинг ҳаракатларига боғлиқ, дейишарди. У ана шу қонун ва сабабларни билгиси келарди.

Ўғли Валад чоршанбага ўтар кечаси бўлиб, жума кунни дунёга келган эди. Бу кунлар илми нужумда Зухрога тобе саналарди. Зухро юлдузи остида туғилганлар эса хушхулқ, хушовоз, хушсурат ва ҳақиқатгўй бўлишарди. Гавҳар-хотун шундоқ эди. Ва у – ошиқ ўспирин ўз боласининг ҳам шундоқ бўлишини беихтиёр орзу этарди...

Холбуки, қисматга умид боғлайдиган бўлса, у ўғли учун ҳассослик ва ирода сўраши маъқул эди. Аёл кишига табиатан ато этилган нарсани эркак фақат жасорат билан олади. Бироқ йўл бошида турган бола йўл адоғида турган чолдек буни фаҳмлай олармиди?

Сирасини айтганда, у Ларендеда ишққа эргашиб, илми-ирфон сари илк қадамлар қўйган ўша кунлардагидек ҳеч қачон бахтиёр бўлмаган. Дунё кўзларига янгидан очилган, йўлни ёритиб олдинда порлаган нур ҳалокатли тикка довлону пушаймонларнинг жаҳаннамий тубсиз ўпқонларини унинг назаридан яширган эди.

Кўпириб оққан қон дарёлар, бутун бошли халқларнинг ҳалокатга юз тутиши, вайрон этилган шаҳарлар ҳақида етиб келган миш-миш хабарлар атрофи тоғлар билан ўралган бу ям-яшил водий қўйнида олис бир босириқ тушдек туюларди. У меҳр-муҳаббат боғлаган кишилар ёнида, бари соғ-саломат. Бу – гофилликнинг саодатли кунлари эди.

Кейинги йил ёзида Гавҳар яна бир бола туғиб берди. Мунажжимлар ва доя кампирларнинг башоратига қарамай туғириқ оғир кечди. Улар отаси ва унинг муридлари билан уч кечаю кундуз кўз юммай, тиловат қилишди. Шу уч кеча-кундуз давомида у бир марта ҳам хотинининг овоз чиқазганини эшитмади. Мўмина-хотуннинг айтишича, бояқиш нолишимни Жалолиддин эшитмасин, деб ёстиқни тишлайвериб, тилка-пора қилиб ташлабди.

Ҳали уч ой бурун у қиз туғилса – онасининг исми билан, ўғил туғилса акасининг исми билан аташга қарор қилган эди. Акаси оғир аҳволда ётар, афтидан узоққа етмайдиганга ўхшарди, бас, улар билан жилла бўлмаса, унинг номи яшаб қолсин.

Гавҳар миқти ва соғлом ўғил туғди. Ўсиб улғайгач, отасини дийдаи равшани, дунёни ҳақиқат машғалидан маҳрум қилар экан, туғилмаса яхши эди. У дунёга отаси ўз ҳассослигининг жаҳл ва ҳасад билан айнаган тескари томонини, нақ кўзгуда кўргандек кўрсин учун келмадимикин? Ахир ҳар бир инсоний хусусият истаган тилда икки номда юритилиши бежиз эмас – қатъият ва тўмтоқлик, қаттиққўллик ва золимлик, юмшоқлик ва бетайинлик, эҳтиёткорлик ва қўрқоқлик. Бу сифатлар кимга ва нимага қарши қаратилади – ҳамма гап шунда.

Гавҳар туғириқдан сўнг соғайиб кета қолмади. Ўз қалбининг туғилиши билан банд бўлган эрини ташвишга қўймаслик учун у ўз майлича кун сайин ундан йироқлашиб борарди, Жалолиддин эса, гапнинг тагига етмай, бу фидоийликни дарҳол қабул қила қолди.

Қандай қилиб у пайқамади? Нечук сезмади, англамади? Унинг совиб бораётган қўлларини кафтида тутиши, то сўнгги нафасига-ча унинг кўзларига термулиши, унинг руҳидан ўлим даҳшатини аритиши лозим эмасмиди! Ахир ўсимлик дони пишиб – етилса, тупроққа тушса, кўкаради, нега биз ишқ-муҳаббатда пишиб етилган инсон қалби ҳақида бошқача ўйлаймиз?

Кўнгил ҳикматидан бўлак, дунёдаги бирор фан бунӣ ўзгартиролмас, бирор ҳикмат тасалли беролмасди. Лекин ўшанда, ёшлигида у юрак сўзларини, худди сурнайчи тўти форсий сўзларни, такрорлагандек, такрор этарди, холос.

Мана, ўғлига ёзган ўша сўзлари замирида нима ётарди: унинг, Жалолиддиннинг ўз тажрибаси. У мактубда бу тўғрида очиқ-қуруқ бир нима демади, умрининг охиригача бир нима демайди ҳам, зеро, Валад ҳам ўзига ўхшаб муҳаббат синовидан ўтолмади. Лекин у қирқ ёшида Валад англамаганин англар эди. Ҳолбуки, Валад алақачон қирқдан ошди...

Ҳайҳот, ҳамма нарсани англаб, дунёнинг шўришига назар солсанг-у, жиндак ўзгартиш ёки жиндак кўмаклашишга қурбинг етмаса! У яшаган сайин ишончи ортарди: ҳеч кимга ҳеч нарса ўргатиб бўлмайди. Фақат йўл кўрсатиш мумкин. Йўлни эса ҳар кимса ўзи ўтиши шарт...

Улар Ларендеда яшаган охирги йили гўё кечмиш йилларининг ҳузур-ҳаловатини суғириб олмоқчидек, офат-фалокатлар бирин-кетин уларнинг устига ёғилаверди.

Акаси баҳордан буён тўшақда ётиб қолди. Гоҳо онаси уни хизматкорлари билан қўлтиқлаб тушдан сўнг боққа олиб чиқарди. Аълоиддин қалин лўла болиш устида, ўрикка суяниб, узоқ ўлтирар, ёзнинг иссиғига қарамай, пахталик тўнида совуққотиб, жунжукмагунча, қурбонлик қўйнинг кўзларидек маъюс кўзлари билан баланд қорли чўққилардан узилиб, тубсиз мовий осмон саҳнида сузган булутларга тикиларди. Йўқ кўзлари билинмас, худди ана шу булутларга ўхшаб, узилай-узилай деб турган жони билан тикиларди.

Лекин унинг жон бериши осон булмади. Ногаҳон қони оғзига келиб, томоғида ғар-ғара бўлди, шўрлик бўғилиб – бўғриқди, гўё тутиб қолмоқчидек, унинг бошини бағрига босган оёсининг қўллари ва қўйлак-лозимини қип-қизил қонга бўяди.

Бостириб келаётган шом қоронғусида мўминларнинг жанозага чақирган сўфининг қичқириви эшитилди.

Унга жавобан даҳшат аралаш уввос солаётган хотинларнинг йиғисини босиб, минорадан муаззиннинг баланд овози янгради:

– Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!

Жалолиддин гиламга гурс этиб чўқди, кафтларини чеккаларига тираб, тоат-ибодатга туғинди. Намоз сўзлари ўз йўлича оқар, юз берган ҳодисани ақлан англаган Жалолиддин қалбан қабул этолмасди.

«Сен бутун танасини яра-чақа қоплаган хасталарнинг тўшақда ўзларини ҳар ёққа отишганини кўрганмисан? – деб сўрабди қадимий ҳинд донишманди. – Қариликдан қуриб-қақшаган заиф-нотавонларни ҳам кўрганинг бордир? Сен, ниҳоят, ўликларни

ҳам кўргандирсан? Наҳотки, улар сенга сен тўғрингда бирор нарса демаган бўлса?!»

Муаззиннинг ҳассос овозида Жалолиддин тақдирга тан беришни эмас, ғазаб ва умид оҳангларини, кетаётган ва келаётган, аммо муқаррар яшаётган одамзоднинг сўнмас умид оҳангларини эшитди. Одамларнинг жасоратига қойил қолиб, кўз ёшлари юзларидан оқиб тушаётганини ҳис этди.

Дарҳақиқат, инсон кўзи ўнгида очилган бу олам абадий ва чексиздир. Лекин инсонга деб ажратилган лаҳза нақадар қисқа! У билан бир қориндан талашиб тушган акаси ўзининг ўн тўққиз ёшида нима кўрди, нима англади, нима қила олди.? Нега келдию нега кетди? Бу саволга жавоб борми?

Мўмина-хотун ўғли ўлимидан сўнг узоққа бормади. Кўлларини бўяган ўша қон гўё уни маҳкам тутиб турарди: у уйдаги ишташвишдан кечиб, кеча-кундуз тоат-ибодатга берилди. Бу гал Султонул Уламонинг ҳам насиҳатлари қор қилмади: ўлган билан қўшилиб ўлмайдилар, ўлганнинг ортидан ҳадеб ғам-ҳасрат чекавериш Аллоҳнинг ғазабини қўзғайди!.. Йўқ, бу гаплар бари муаллақ қолди, Аълоиддин она қалбининг бир парчаси эди.

Бир гал хуфтон намози маҳали у тўсатдан оёққа турди, ғойиб бир овозни эшитмоқчидек, қаддини ростлади, сўнг юрагини чангалиаб, ерга йиқилди. Юзини бужмайтган оғриқ лабларида мағрур табассум бўлиб қотди: мана, у ниҳоят етишди...

Оломон билан тобут ортидан бориб, Қуръон сураларини қироат қилган ҳофизларнинг қўнғироқдек овозларига қулоқ солиб, акаси ортидан онасининг ҳам азиз чеҳрасини яширган Ларенденинг сарғиш тупроғига термулиб, Жалолиддин ортиқ йиғламади.

Жони жонидан, қони қонидан бўлган шу аёл ҳақида у нима ҳам биларди? Бояқиш ҳамиша рўзгор ташвишига ботган, эрининг айтганларини ҳамиша сўзсиз ва сидқидилдан бажарар, у билан суҳбатда ҳеч қачон биринчи бўлиб сўз қотмас, асл мусулмон аёлларга жоиз бўлганидек, фақат унинг саволларига жавоб қайтарарди, холос. Бу дунёда хотин кишининг ўзи ким эдики, сўзи бўлсин?

Ойиси Султонул Уламога муносиб, сал кам зоҳидона ҳаёт кечирар, ҳатто болаларини ҳам гоҳ-гоҳ, эридан чўчинқираб, кўрқа-писа эркаларди. Султонул Уламо болалари ҳаммадан ҳам ойисининг эркалашлари туфайли иродасиз ва тегманозик бўлиб ўсмасин, деб хавотирда эди.

Ҳа, ойиси кеча-кундуз болаларим соғми, қоринлари тўқми, кийим-бошлари бут-озодами, деб куйиб-пишишдан бўшамасди. Бу уларнинг тани ҳақидаги ғамхўрлик эди, аммо у табиий бўлгани учун кўзга чалинавермас эди.

Дарвоқе, у ойисидан ҳам кўра отасининг энагаси Насиба кампирни кўпроқ эсларди. У болаларга ҳар қалай, золим девла-

ру ажойиб самандар куш ҳақида эртак айтиб берган эди. Кейин эсида қолгани – отасининг халқ ҳикоятлари йўлидаги панд-насихатлари.

Бир гал Аълоиддин билан, худо билади, негадир гижиллашиб қолди. Шунда отаси уларга форс, турк, араб ва юнон ҳақида бир ривоят айтиб берган эди.

*... Боришарди турк, араб, форсу юнон,  
Шунда бир кимса – анису меҳрибон –*

*Хайр, деб бир танга савғо айлади,  
Йўқки савғо, балки ғавғо айлади.*

*Форс деди: «Бозор тушайлик шул замон,  
Ақчага ангур<sup>2</sup> олайлик, дўсти жон!»*

*«Кўй бу гапни, – деб уни кесди араб,  
Эйнаб олсак ақчага, бўлгай ажаб!»*

*Турк деди: «Беҳуда бу гаплар бари,  
Мевалар ичра узумдир сарвари!»*

*Шунда юнон ҳам арога солди сўз:  
«Эй, харид этмоққа стафиль\* дуруст»*

*Бас, улар битта қарорга келдилар,  
Лек, тушунмай, баҳсу ғавғо қилдилар.*

*Барчада хоҳиш узум эрди фақат,  
Барчаси бирдек, узум, дерди фақат.*

*Лек арога шум жаҳолат тушди, бас,  
Тиш, қовурға лат еди, топди шикаст.*

*Ғофилу ғафлат сўзидин можаро,  
Бизники – бирлик била сулҳу салоҳ...*

Отасининг ривоятлари, Насиба кампирнинг эртаклари уларга илк руҳий озуқа бўлди.

Тан ва руҳ хушхабар ила манзилга ошиққан от ва суворий-дек айрилмасдир. Аммо от озиғи суворийга овқат бўлмайди. Ҳар бирининг ўз емиши, ўз насибаси бор. Суворий отни ўз измига сололмаса, у эгасини манзилга эмас, охурга элтади.

\* Ангур, эйнаб, стафиль – узум.

Инсон умри – кўзи очиб юмгунча ўтгучи бир лаҳза. От умридан жиндак узун. Сийлаб-сийпалайвермасдан, қичаб-қистаб турилса, олдинда интизор турганларга инсон руҳи ҳақида мужда етказиш мумкин, йўқса, гўнг ва тупроққа қоришиш ҳеч гапмас.

Ўшанда Жалолиддин ўз танини назар-писанд этмагани учун, бир кун келиб, қариган чоғида хижолат чекишини қаёқдан билсин? Ҳамон ёдида: ойижониси унинг тани лат емасин деб Балхдаги уйлари томида қандоқ қичқирган, уни арзимас бўлсада, ўша илк жасоратдан қайтармоқчи бўлган ва ўша қичқирик туфайли у ўлишга сал қолган эди. У ачиниш ва даҳшатдан бир сесканиб тушди. Ойисига ва ойисига ўхшаб ўзидаги руҳий учкунни алангага айлантиролмай, дунёни тарк этаётганларга ачиниб, аёл қисмати олдида даҳшатга тушди.

«Не демак хотин? Ҳа, бу – дунё, дегандай гап. Буни айтсанг-айтмасанг, у ўзлигини тарк этмайди. Сенинг сафсаталаринг фақат зиён ерказиши мумкин. Масалан, битта нонни олиб, орқанга яшир-да» «Ҳеч қачон ҳеч кимга бермайман ҳам, кўрсатмайман ҳам!» деб айтиб кўр. Сен хасислик қилганинг сайин одамлар нонга гушна бўлишади. Ялиниб-ёлворишга, таъқиб этишга, ҳақорат қилишга тушадилар. Худди шундоқ, сен хотинга бошқалардан яширин, деб буюрганинг сайин, уни истовчилар кўпаяди, унинг ўзи ҳам одамларга кўриниш беришга муштоқ бўлади, зеро, ман этилган нарса инсонни ўзига жазб этади... Сен тинч-осуда ўлтирибман, деб ўйлайсен, лекин ўз атрофингда ўз қўлинг билан эҳтирослар оловини ёққанингдан беҳабарсен. Унинг қалбига эзгулик уруғи сочилган бўлса, ман этсанг-этмасанг, у эзгулик йўлидан боради. Бас, овора бўлмай кўя қол! Магар аксинча бўлса, барибир у ўз айтганидан қолмайди, сенинг таъқибларинг унинг хоҳишларини кучайтиради, холос. Сен кеча-кундуз баҳс қилиб, уни тузатмоқчи бўласен. Ўз қўлинг ила унинг балчигини аритмоқчи бўласен. Қолбуки, бу синов сенга бежиз берилмаган, унинг кўмагида ўз балчигингни аритгин, деб берилган. Унинг дашномларини қабул қил, кўнглига йўл топ, меҳри-оқибатинг ила уни ораста айла. Илло, эркакларга хос рашк балосидин фориг бўлгайсен. Дейилмишким: «Эркаклар аёллардан юқори тургай» (Қуръон 1 сура, 34-оят). Жоҳиллар чиндан ҳам аёллардан юқори туради, негаким, улар дағал ва бағритошдирлар, уларда раҳм-шафқат, меҳр-муҳаббат, ҳиммат-хайрихоҳлик оз бўлади. Уларнинг табиатида ҳайвоният ҳоким, зеро, муҳаббат ва мурувват – инсонийдир, жаҳл ва ҳирс – ҳайвоний. Бўйла эркаклардин ақл ва юрак соҳиби бўлмиш аёллар кўп карра устун».

Жалолиддин Румий ўз умрининг охирида шогирдлари саволига шундоқ жавоб берган эди, қолбуки, у даврда хотинларни



асиралардек асоратда тутишар, уларнинг сўзи на худо, на қози олдида инобатга ўтар, улар юз очиб, одамлар олдига чиқишолмас, киборларнинг ҳарамларида ўнлаб хотинлар, юзлаб чўрилар бўлгани ҳолда, камбағаллар қалинга пуллари етмай, умр бўйи бўйдоқ ўтишарди. Хуллас, ёлғиз Ислом оламида эмас, христианлашган Мағриб мамлакатларида ҳам хотин одам саналмасди..

«Асрор котиблари» унинг сўзларини «Фиҳи-ма фиҳи» яъни «Бунда неки бор эса – ўша мавжуд» деб аталган ваъзлар китобига дарж этишган эди.

У Ларендеда онасига очилган қабр бошида ҳам ва ҳаттоки, ундан анча кейин – Кўнёда қалбининг гавҳари булмиш Гавҳархотунни яширган тўпроқ тепасида ҳам бу сўзларни билмасди. Лекин ўшалар унинг азиз ғойиблари – уларни у умр бўйи уруғдек ер юзига сочди – кейин фикр бўлиб, кўкариб чиқишди, кўп йиллардан сўнг шоғирдлари қўллари қалтираб, шиддаткор руҳдан юраклари пўкиллаб, бу сўзларни Самарқанднинг оппоқ қоғозига туширишди.

## ЧАҚИМЧИЛИК

Ларендедаги султон ноиб амир Мусо Мўмина-хотуннинг дафн маросимига фаол қатнашди. Султонул Уламони бир неча муддат ўз ҳолига қўйиб, бир куни бир неча яқин маҳрамлари билан унинг ҳузурини ҳозир бўлди. Агар ҳазратим изн берсалар, марҳуманинг қабри устида соғона тикласак, албатта Ислом олами Султонул Уламосининг завжаи муҳтарамаларига муносиб ҳашаматли мақбара эмас, балки амир хазиначисининг қурби етгудек дахма, деган таклифни ўртага солди.

Жалолидин дарҳол, отам таклифни рад этса керак, деб ўйлади, чунки отаси умр бўйи ҳукмдорларнинг эҳсон-марҳаматини ҳаром ҳисобларди. Лекин у янглишди: отаси розилик берди. Афтидан, ўғли ва хотинининг ўлими Султонул Уламони анча юмшатган эди.

Ўз қўли остидаги шаҳарда шундоқ машҳур уламо ва воизнинг яшаётганидан фахрланиб юрувчи амир Мусо бу кори хайрни бекорга қилмади: энди, деб ўйларди у, Султонул Уламо шундоқ азиз қабрларни ташлаб, ҳеч қачон жилмайди. Лекин иш бошқача бўлиб чиқди.

Ҳар бир саройнинг, ҳаттоки, энг кичик саройнинг ҳам ички ҳаёт маъносини иғво ва чақимчилик ташкил этади. Жангчи ва соддадил турк амир Мусо иғво ва чақимчиликка тоқат қилолмаси-да, унинг саройи булардан холи эмасди. Султон ноиб ёлғиз жангчи эмас, балки ҳукмдор, яъни сиёсатчи ҳам эди, бинобарин, ҳар куни, «ғинг» демай заҳар-заққум ютишга ҳам ҳозир эди. Йўқса, заҳар-заққум нари турсин, бошқа бало-батталарни ҳам ютишга ҳозир

бўлган ўзга бир эпчил унинг ўрнини илиб кетиши ҳеч гап эмасди.

Амир хазинасининг сал кам ярми харжланиб, Мўмина-хотун қабри устида тикланган соғона — у ҳозир ҳам ўша қабр устида турибди — пойтахтга аъло ҳазрат номига юбориладиган чақиқнома учун яхши дастак бўлди. У ўзга чақиқномалардек, хийла саводсизлик билан тузилган эса-да, гоят тақводорлик билан битилган эди.

«Балх шаҳридан Рум тупроғига бу юртни ўз шарофати нури ила мунаввар айламак учун Султонул Уламо Баҳоуддин Валад ҳазратлари ташриф буюрмишлар. Аммо Султонул Давронимиз бундан беҳабардирлар, илло, ул ҳазратнинг қули ва ноиби бўлмиш амир Мусо Султонул Уламони Ларендеда куч ила сақлаб, унга деб мадраса қурди, унинг яқинда вафот этган заифаси қабри устида катта сарфу харажатлар ила соғона кўтарди. Амирнинг бу қилмиши бўйла далолатдирким, аъло ҳазратнинг бу қули подшо ғазабидан қўрқмагай».

Ҳар куни эрталаб мактуб ва чақиқномаларни ўқишни одат этган Аълоиддин Кай Кубод Биринчи бундан шундоқ ғазабга келдики, Вазир орага тушмаганда, амир Мусо бошидан ажраши муқаррар эди. Вазир, хуфиялар орқали текшириб кўрайлик, кейин бир тўхтамга келармиз, деб султонни тинчитди.

Бир ҳафтадан сўнг ноиб уйига султондан чопар келиб, унга чарм найчага солиниб, султон муҳри билан сурғичланган мактубни узатди. Амир Мусо мактубни аввал бошига кўйиб, кейин муҳрни ўпди, сўнг ўқиш учун уни қозига берди. Қози мактубга кўз югуртиб, ола-кула кўзлари билан амирга боқди, гўё унинг қаршисида жонли одаммас, жонсиз бир жисм тургандек эди.

«Нечук журъат этдинг, — деб ёзарди султон, — авлиё қадам ранжида этсаю сен хабар айламасанг?! Бундоқ паришонхотирлик ила бепарволикни Аллоҳ маъзур тутмагай».

Нарёғини Мусо эшитмади. Шубҳасиз, султон мактубида сўз унинг ҳаёт-мамоти устида борарди.

Мусо жанг майдонларида не-не ўлимларга дуч келмаган. Аммо жангда жасорат — бошқаю ҳукмдор қаршисида жасорат бошқа. Турк-салжуклар одатига кўра, жумла мулозим ва аркони давлат ўзини шариат ҳукмига мусаллам деб билгувчи озоод деҳқонлардан фарқли ўлароқ, султоннинг қуллари саналар, уларнинг мол-мулки, ор-номуси, ҳаёт-мамоти ўшанинг иродасига боғлиқ бўлар эди.

Куним битди, деб ўйлаган амир Мусо сўнгги бор оқ фотиҳа олиш учун Султонул Уламо ҳузурига ошиқди, зеро, султоннинг қаҳр-ғазабига дучор бўлишда унинг ҳам ҳиссаси бор эди. Кўнёга хабар қилайлик, деб амир Мусо неча бор ишорат этса-да, Султонул Уламо раъй қилмаган эди, бу фоний дунёнинг

султони ўзини нариги дунёга буткул бағишлаган Аллоҳнинг бир бандаси ила неча пуллик иши бор?...

Амир қўлида мактубни кўрибоқ, Султонул Уламо нохуш хабар эканини дарров пайқади. Мактубни шошилмай ўқиди-да, уни чарм найчача солиб, фикрга толди.

Салжуқ султонлари уламо ва шайхларни нечоғлик иззат-икром этишлари унга аён эди: ерлари ислом дунёсининг бир чеккасида жойлашган, Византия вилоятларини бирин-кетин қўлга киритиш учун мўмин-мусулмонлар муҳаббатини кўпроқ қозонишга эҳтиёжманд эдилар. Бунинг учун асл мусулмон ҳукмдори бўлиб танилмоқ даркор: бас, султон салтанати Худодан экан, Куръон ва ҳадисларда битилган, бузруквор уламолар оғзида экир этилувчи парвардигор иродасини бажариш ҳам фарз эди, зеро, ўн саккиз минг оламнинг сарвари бўлмиш Аллоҳи карим ўшаларнинг тили билан сўзлайди.

Султонул Уламо соқолини бир-икки бор сийпаб, қаршисида бош эгиб, ҳукм кутиб ўлтирган амирга юзланди.

– Султон ҳузурига дадил жўнайвер! Унга бор гапни айтиб бер!

Амир Мусо хазинанинг қолган-қутганини йиғиб, султонга совға ҳозирлади-да, чопар орқали ёзма жавоб жўнатиш ўрнига уч соқчисини эргаштириб, Кўнёга қараб ўзи от сурди.

Аълоиддин Кай Кубод I, Султонул Амирал Исломин, Ямандан – Гуржистон ва Абхазиягача, Рус еридан – Тарсу сарҳадигача, Византия мулки, фаранглар ва арманлар ўлкасидан – Ктезифонгача не-не беклар ва ҳокимларга ҳукмфармо бўлган подшо ўз ноибини давлат девонида қабул қилди. Мусо тиз чўкиб, манглайини уч карра ерга тегизди, ҳукмдор ўтирган тахт оёғини ўпди. Туришга ижозат этилгач, султондан ёки қора жубба кийган уламолар ёхуд ярқироқ тўн кийган амирлар, амалдорлардан сўз қотишга ишорат кутиб, бош эгиб, қўл қовуштириб тураверди.

– Гапир! – деб буюрди тахтнинг ўнг қўлида ўтирган вазир.

Мусо яна таъзим адо этиб, айбини бўйнидан соқит қилмай, бор гапни сўзлади, Аллоҳнинг инояти билан салжуқ ерига қадам ранжиди айлаб, аъло ҳазратнинг шу ҳокисор кули қаламравидаги Ларенде шаҳрини макон ихтиёр этган Шайхул Аъзам, Султонул Уламо шаънига ошириб ҳамду сано ўқиди.

Ўттиз беш яшар, сариқ соқол Аълоиддин Кай Кубод I яқинда Трапезундга қилган юришидан зафар кучиб қайтган эди. Узининг кўплаб унвонлари қаторига «Соҳиллар бўйи ҳукмдори» номини ҳам қўшиб олган, мўғуллар Хоразмни тор-мор этгач, энг қудратли мусулмон подшосига айланган султон шу кунларда ўзига инъом этилган ҳокимият хусусида кўп ўйлар, дунёга ҳоким бўлишни орзу этарди. Султонул Уламо унвонига эга бўлган Шайхул Аъзам унга – Султонул Умарога ғоят зарур эди.

Амир Мусо кутилганга қарши, Ларендега тирик ва соғ-саломат қайтди. Яна устига-уштак, султоннинг совға-саломлари билан, сарой соқчиларию икки хос амалдор ҳамроҳлигида қайтиб келди. Улар шайхи бузруквор марҳамат қилиб, ўз хонадонлари ила Кўнё шаҳрини ихтиёр этсалар, султон ул ҳазратнинг панд-насиҳатларидан баҳраманд бўлур эди, деган олий тилакни арз этишди. Жондан азиз марҳумлари ётган, умрининг кейинги йиллари осойишта кечган бу шаҳарни тарк этиш қанчалар оғир бўлмасин, бўйсунидан бошқа чора йўқ. Совға-саломлар билан соқчилар ҳамроҳлигида келган элчилар сўзи, шубҳа йўқки, хоҳиш эмас, фармони олий эди.

Яна етти йил аввалгидек китоблар ва ашёлар тутиб, бойланди, ўзаро хайр-маъзур сўзлари айтилди, қарзлар тўланди, Ларендеда қолиб, одамларга ҳақ сўзини ўргатувчи муридларга сипоришлар берилди.

Яна мадраса эшигида, бир пайтлар Балҳда уларнинг уйи олдида тургандек, қарвон сафарга шай турарди.

Эгарга тиркалган зинапояни бир-бир босиб, туғруқдан сўнг ҳали ўзини ўнглаб ололмаган Гавҳар-хотун сўнгги бор болалари билан туяга чиқди ва Султонул Уламо ўз умр йўлида сўнгги бор қарвонни сафарга йўллаб, дуога қўл очди.



---

Тўртинчи боб

Қўрғон

---

## БАҲС

Кулранг само мовий тус олиб борарди. Юлдузлар бирин-кетин сўниб, кўздан ғойиб бўлишди, фақат тоғ ортидан кўтарилиб келаётган сарғиш шўълага бардош бериб, Зухро ялтираб турарди.

Муаззинлар азон айтиб юборишди. Майин шаббода девор ортидаги япроқларни шитирлатди. Дарвозабонларнинг уйқули, дағал овозларини темир «ошиқ-мошиқ»ларнинг ғичир-ғичири босиб кетди.

Шаҳар дарвозаси олдида теварак-атроф деҳқонлари ҳайдаб келган буқалар, қўйлар маъради.

Ҳовлиларда аёлларнинг овози таралди, улар ёғоч кавушларини «тақ-туқ» босиб сувга боришарди.

Бозорда дўконлар очила бошлади. Аслаҳасозлар растасида чўкич гурсиллаб, заргарлик дўконларида болғачалар тикиллай кетди.

Тоғ ортидан қуёш чиқиб келди, бутун водий боғлари, зодагонларнинг чаманзор ҳовлилари, йўллари, ариқлари билан унинг кўз ўнгида худди кафтдагидек намоён бўлди.

Ҳар бир ҳовли, ҳар бир боғ, ҳар бир садо унга ошно эди — ҳазилмас, бу шаҳарда у ярим аср яшади, яна қандоқ ярим аср! Ҳижрон яқин эди, лекин у ана шу шуълалар, ранглар, атрлар, ола-қуроқ садолар қоришган шаҳар ҳавосига тўймасди.

Кеча тун бўйи Муиниддин Парвона саройида базм бўлди. Жалолиддин ва унинг муридлари, Кўнё шаҳрининг донгдор шайхлари базмга таклиф этилган эди. Мамлакатни узоқ йиллардан бери идора этиб келаётган Парвона ҳозир ёш султонта васий сифатида иш юритар, давлатнинг ягона соҳиби-таянчи эди. Одатда босиқ-вазмин бўлган бу одам гоҳ ҳаёлга толиб, гоҳ ўйин-кулгуга берилар, гоҳ соқолини сийпаб, кўзларини деворга қадаганча, жим қолар, афтидан уни ҳам ички бир дард келимиранди.

Жалолиддиннинг сўзлари ва шеърларидан Муиниддин тасалли ва ишонч-таянч изларди. Бу нарсаларни у на суянчиғи — жаҳонгир мўғулларнинг жангвор қудратида, на рақиблари — вилоят беклари ва сарой амалдорларини ўзаро қирққичоқ қилиб, кейин абгор айлаган айёрлигида, на у билан мўғулларга қарши

гил бириктирган миср султонларининг яширин мададкорлигида, на фуқарога соладиган қўрқув сиёсатида, на беҳисоб молу давлатида, на бутун мамлакат бўйлаб сочилган масжиду мадраса, хонақою карвонсаройлар қурилишига атаган хайри-эҳсонида топа оларди.

Сарой ва девон ишларида суяги қотган, тадбиркор, аслзода Парвона – отаси муқаррибус султон эди – подшо хонадони билан қариндош киришган ақлли ва маълумотли киши эди. Гоҳо ўзи ҳаққидаги аччиқ ҳақиқатларни ҳам, айниқса, у Жалолиддин Румий тилида зикр этиларкан, «финг» демай эшитар, зеро сиёсатдон бўлганидан, қудратни, ҳаттоки, руҳий қудратни ҳам ган олиб, ҳурмат-эҳтиром этарди.

Бир гал навбатдаги мўғул босқинидан сўнг мамлакатда рўй берган очарчилик маҳали Парвона амри маъруф сўраб, Жалолиддин мадрасасига ташриф буюрди. Мавлоно ғазабда эди. Парвонанинг омборларида ғалла ириб-чириб ётар, одамлар эса очликдан шишиб, кўчаларда ўлишарди.

У олий меҳмонни тикка туриб қарши олди, ўлтиришга таклиф ҳам этмай, бутун маҳрамлари олдида сўради:

– Қуръонни ёд билишинг, шайх Садриддин ҳузурда ҳадис ўрганишинг чинми?

– Чин, ҳазратим.

– Бўлмаса, амри маъруфимиз шундоқ: кимки эзгулик ва инсоф йўлига юрмагай, ўша золимдир. Сенга пайғамбар каломи таъсир этмагач, менинг сўзим асар этармиди...

Парвона қош-қовоғини солиб узоқлашди. Лекин маслаҳатни қулоққа олди, икки омбор ғаллани камбағалларга улашиб берди, шу билан ўт оламан деб турган исённинг дами кесилди. Лекин бутун мамлакат хонавайрон бўлиб ётганда, ҳаммани гўйғизиб бўлармиди?

Кеча базмда тонготаргача Парвона Жалолиддиннинг сўзлари ва шеърларига қулоқ тутиб, ўй ўйлади ва ниҳоят, дилидагини тилига келтирди:

– Ҳар нечук, ҳазратим, аввал-асос – аъмолдир!

Бу – улар ўртасидаги эски баҳс эди. Амирнинг шоир билан, сиёсатдоннинг донишманд билан, амал соҳибининг сўз соҳиби билан мунозараси. Далиллар ўзгарар, ҳодисалар ўз навбати билан оқар – шароит ва далиллар ўткинчи – аммо баҳс моҳияти билан боқийлигича қоларди, эҳтимолки то сўз амалдан, амал сўздан айру экан, шундоқ бўлиб қолаверар эди.

Парвона куч устун деса, Жалолиддин сўз устун, дерди. Баҳс ҳар икки томон учун муҳим, улар худди рақиблардек юзма-юз туришарди.

Парвона мусалласдан йилтираган мовий кўзларини қисиб, бир қўли белида, бир қўли тиззасида – бу гал мавлоно не деркин, деб кутиб турарди. Мавлоно эса унинг аъмолини бирин-кетин хотирга олиб, жавоб беришга ошиқмасди.

Парвонанинг отаси бир вақтлар мўғул лашкарбошиси қароргоҳига дадил кириб борган эди. Бу воқеа бундан йигирма беш йил муқаддам султон кўшинлари Қиёстоғ этагида илк бор даҳшатли ва шармандали бир йўсинда тор-мор этилгандан сўнг содир бўлган эди. Ушанда у маломатли сулҳ олиб қайтди: салжуқ султони мўғуллар вассалига айланди. Лекин шу йўл билан у пойтахтни ва унинг аҳолиси ҳаётини сақлаб қолди.

Шу-шу унинг ўғли мўғуллар паноҳида мансаб-мартабанинг юксақ чўққиларига кўтарилди. Бошлаб уларнинг кўмагида рақиб амир Эрсинжонни орадан кўтариб, ўрнига ўзи ўтирди. Кейин Табризга мўғул элхони Хўлагу ҳузурига бориб, тахтга бир йўла икки ворис – Иззатдин билан Рукнаддинни ўтқазилди муяссар бўлди. Оға-ини ўртасида авж олиб кетган жанжалларда Рукнаддинни ёқлади, унинг номидан Синопни қайта эгаллаб, ўз маҳрига киритиб олди. Мўғуллар ёрдамида валинеъмати Рукнаддинни султони мутлоқ қилиб кўтарди, унинг рақибларини қатл этдирди, кейин Рукнаддинни ҳам даф этиб, ёш шаҳзода номидан давлат жиловини ўз қўлига олиб олди. Беклар ва султонларни қатл қилдириш, оға-иниларнинг тахт талашлик курашларида иштирок этиш Парвона учун ёлғиз юксақ пояларга кўтарилиш воситаси эмасди, бинобарин, мўғуллар фойдасига халқдан хирож ундираркан, у ўзини ҳам унутмади, лекин давлат-бойлик орттиришдан бўлак мақсадлари ҳам йўқ эмасди.

Парвона восита танлаб ўтирмас, лекин давлатни узил-кесил бузилиб-бўлиниб кетишдан сақлашга жон-жаҳди билан интиларди. Бунинг учун у сўзга эга эдими? – деб ўз-ўзидан такрор сўрарди Жалолиддин, биз эса бугун: «Унинг ғоявий асоси бормиди?» – деб сўраган бўлардик.

Парвона ёлғиз шароит ва ҳодисалар изидан борарди. У бугунги, нари борса, эртанги фалокатни даф этиш чорасини қила оларди, холос. Ҳолбуки, мамлакат заволга юз тутган эди. Бошқасига Парвонанинг қурби етмас, у аввало, илгари қандоқ бўлса – шундоқ, султон амири бўлиб қолган эди.

Мавлоно овозини кўтармай, гўё ўз-ўзига сўзлагандек, секин деди:

– Кўрсат менга ўша аъмолга қодир инсонни! Қани ўша азамат, токи биз унга фаолият нелигини кўрсатиб қўяйлик. Хўш, қаерда у? Дониш дониш ила, булут булут ила, руҳ руҳ ила



қиёсда маълум бўлур. Сен бизнинг йўлимизда эмассен, бас, бизда аъмол бор эса нечук уни кўра олурсен?

Жалолиддин, кўринмас бир куч ногоҳ кўтаргандек, ўридан туриб кетди:

– Аъмол, авом ўйлагандек, зоҳирий бир нарса эмас. Зоҳири ботинига пайваст бўлмаган инсон ўзини ҳадеб аъмол сари урур, лекин оқибатда етиб келган манзили ўзгача бўлур. – У овозини баянлатди: – Сен сўз нелигини билмайсен, бас, уни назарга ҳам илмайсен. Ҳолбуки, сўз – аввал асосдир. У аъмол дарахтининг мевасидир. Мевадирким, янги аъмолни дунёга келтирур... Ҳоло, сен, Муиниддин, бутун жисминг қулоқ бўлиб сўз кутасен. Мен уни зикр этмасам, ранжийсен, – давом эттирди шоир хаёлга ботиб. – Бас, менинг сўзим сен учун ҳоло буюк аъмолдир. Сен, сўз – ожиз, дединг. Магар ҳақ эсанг, сўз ожизлиги хусусида сўзинг ҳам ожиз...

Жалолиддиннинг овозида шундоқ ишонч ва қатъият барқ урардики, Парвона унинг сўзлари маъноси қаёққа бораётганини ўйлаб ҳам ўтирмади, у бошини эгиб, гапнинг давомини кутарди. Лекин Мавлоно сукут қилди.

Унинг шогирдлари ҳам ҳаяжонга тушган, кўзёшлари соқолларидан оқиб тушаётганини сезишмасди. Уларнинг фаолияти ҳам сўз эди, лекин уларга ҳозир сўз етишмасди.

Жалолиддин шам, мусаллас, қўй ёғи, исириқ ҳидига тўлган, рақс тушиб, ҳолдан тойган дарвишларнинг тер иси анқиган хонадан тезроқ тоза ҳавога, юлдузли осмон остига чиққиси, қалъа деворига кўтарилиб, ўша ерда янги кунни қарши олгиси келди.

У эшикка қараб юрди, ортидан эргашмоқчи бўлиб қўзғалган амир мулозимларини ишорат ила тўхтатиб, ташқарига чиқди.

Ўз ҳақлигига ишончи комил эди: кечмиш ва ҳозирги бутун фаолият маъносини ўзида жамлаб, уни бир чопар янглиғ олдинда кутаётганларга етказишга фақат сўз қодир. Лекин у кўз ўнгида очилиб бораётган водийга термулган сайин, шуни сезардиким, ҳақлиги унга қувонч эмас, қайғу келтирарди.

Ҳа, сўз – амал оғочининг мевасидир. Лекин Жалолиддин ёлғиз мевага эмас, дарахт танасига жон бағишловчи илдишларга ҳам, ям-яшил бутоқларни кўтариб турувчи танага ҳам, одамлар бошига соя солувчи япроқларга ҳам эга бўлишни истайди.

Ҳамма нарсани билсангу бирор нарсани ўзгартиришга қурбинг етмаса! Қалбининг ҳаракати жаҳоний ҳаракатга мувофиқ тушган инсонларга муяссар бўлгувчи буюк саодат унга муяссар бўлмади. У ўзини танибдики, ҳамиша қасдма-қасд юради. У инсон мўъжизаларига чуқурроқ сингиб, унинг асрорини англаган

сайин, ер юзида шармандали зўравонлик қулоч ёзиб, ҳаммаёқ-ни қонга ботирди. У умрининг бош сўзига яқинлашган сари, кучлироқ сездиким, инсон руҳи сиғдирилган ҳамма нарсани сўз сиғдирилмайди. Ҳикмат мўл жойда – қайғу мўл.

Уфқ ортидан лоладек қизариб, булутлар чиқиб келарди. Улар бир-бирига арқонлаб боғланган туялар қарвонига ўхшаб, изма-из оқаркан, унинг дунёни ўзгартиришга илҳақ бўлиб, сўз излаб этган аъмоли – умрини ташкил этган аъмоли лавҳалари бирин-бирин ёдига тушаверди.

Куёш чодра ичидан боққан кўз каби булут ортидан «ярқ» этиб боқдию Қазанвираннинг қовжироқ, ясси тепаликларини ёритди. Шунда у бир умр қалбида нақшланиб қолган даҳшатли кун – олти юз эллик тўртинчи йил ҳижрий зульқада ойининг сўнгги шанбасини хотирга олди<sup>1</sup>.

## МЎЪЖИЗА

Ўша йили султон Иззатиддин мўғуллар билан яна бир қарра жанг қилди. Лекин яна мағлубиятга учради, қўшинларининг бир қисми қирилиб, қолгани тарқалиб кетди.

Мўғуллар, одатда қочаётганларнинг елкасига миниб, шаҳарга киришарди. Аммо даҳшатга тушган султон лашкарлари ўзни Кўнё қалъасига эмас, ўрмонзор тепаликларга уришди. Тушдан сўнг мўғул қўшинларининг илғор отлиқлари қалъага яқинлашганда, шаҳар дарвозалари тақа-тақ ёпиқ эди.

Мўғуллар бироз айланишиб, қандоқ пайдо бўлишган бўлса, шундоқ тезлик билан тепаликлар ортига ўтиб, ғойиб бўлишди.

Мўғуллар қалъага босқин қилишдан олдин пойтахтдан чиқиб кетишга умид боғлаган шаҳарликлар оломони дарвозалар олдини тирбанд этишганди. Қутирган оломоннинг йўлини тўсиб, соқчилар қурол-яроғни ишга солишди. Хотин-халажнинг фарёди, оёқ остида қолиб, топталганлар ноласи, туяларнинг бўкириғи, жон узаётганларнинг ўлим олди тиловатларига, тиловат аралаш хириллашларига қўшилиб кетди.

Соқчиларга ханжар ва узун шамшир билан қуролланган ҳунарманд-ахийлар ёрдамга келишди, улар шаҳарни мудофаа этишга аҳд қилишганди. Лекин улар бир ҳовуч сарой соқчиларию шаҳар дарвозабонлари билан қўшилишиб, нима ҳам қила оларди? Ҳарбий таълим кўрмаган, тажрибали бир саркардага эга бўлмаган бу фидоийлар мўғул қиличлари остида кўйдек қирилиб кетишдан жангу жадалда ҳалок бўлишни афзал билишарди.

Кечга яқин шаҳар жомеси майдонида ўн минглаб халойиқ

---

<sup>1</sup> Милодий 1256 йил.

йиғилди. Улар қариндош-уруғлари, ёр-дўстлари билан хайр-маъзур қилиб, ўлим олди тоат-ибодат этишар, бутун шаҳарни йиғисиги босиб кетган эди. Олдинда нима кутаётганини ҳамма яхши биларди. Кўнә кўлдан кетгудек бўлса, хотинларни – маломат ва чўрилиқ, эркакларни – ўлим, хунармандларни – мўгул чўлларида то қабрга киргунча меҳнат-машаққат кутарди.

Мавлоно муридлари тўпланган хонақоҳ олдида юракни тилкаловчи воқеалар рўй берди. Кўшни савдогар оиласи билан шаҳардан кетишга шайланган эди. Унинг гўзал хотини шаҳар дарвозалари берк деган хабарни эшитибоқ, ўзини эрининг оёғи остига ташлади, мўгуллар беномус қилмасидан олдин ўзинг ўлдира қол, деб ялиниб-ёлборишга тушди. Унинг ноласига чидаб бўлмасди. Савдогар ханжарини суғуриб, унинг бошига кўтарди. Ва биров билагидан маҳкам тутгандек, шу алпозда қотиб қолди. Кейин ханжарини кўлидан тушириб, ожизона хўнграб йиғлади. Шунда хотин унинг меҳрини ҳам, ожизлигини ҳам қарғишлаб, ханжарни кўлга олдию ўз кўксига урди.

Мўгуллар одатда шаҳарни ҳалокатга маҳкум этишмаса, руҳонийларга тегишмас эди. Жангчиларни қириб, ҳукмдорлар хонадонини қиличдан ўтказиб, аёллар ва хунармандларни қул қилиб ҳайдашар, руҳонийлар қаршилиқ қилишга ундашмаган экан, улар билан муроса-мадора қилишга интилишарди. Мусулмон ва христиан мамлакатларида, Эрон ва Гуржистонда, Европада шундоқ бўлган эди. Шу сабабларга кўра, Мавлоно ва унинг муридларини, гарчи улар расман диний мансабда бўлмасаларда, ажал четлаб ўтиши мумкин эди. Лекин шаҳар бошига тушган фалокат, ҳалойиқни кучган даҳшат-ваҳимани кўришдан ўлим афзал эди.

Ҳозир ҳамма кўзлар унга тикилган эди. Жалолиддиндан сўз кутишарди. Ҳақиқатнинг нажот сўзини. Сўз – аъмол. Аммо унда сўз йўқ эди. Аниқроғи, сўз шу қадар кўп эдики, улар тилга тушгунча тўқинишиб, беҳад-беҳисоб бўлақларга бўлиниб кетишарди. У ўз-ўзига қулоқ солиб, яққол сезардики, ҳеч қандай сўз унинг қалбида туғён урган жаҳаннамий тўфон ва довулни сиздиролмас, ҳар нечук сўз ожиз эди.

Бебаҳо дақиқалар сукут ичра кечдилар. Шом зулмати шаҳарни кафандек чулғаб олди.

Мавлоно таъзимга бош эгиб, шогирдларини назардан ўтказди, гўё узри-маъзур сўрагандек, ҳар бирининг кўзига узоқ тикилиб боқди.

Кейин уйга кирди. Хотини, болалари билан хўшлашди.

Ёлғиз Валад ва Аълоиддин Сириянусни эргаштириб хонақоҳдан чиқди, қайғу-аламга чўмган гузарлардан ўтиб, шаҳарнинг

шарқий – Халқбағуш дарвозаси томон юрди. Кун бўйи оломон билан олишавериб, нақ Азроил тусига кирган соқчибоши чироқ кўтариб келаётган уч кишини кўрибоқ, соқчиларга буларнинг ҳам бир таъзирини бериб қўйинлар, деб буюришга оғиз жуфтлаган эди, ўн боши – ахий Жалолиддинни таниб, унинг енгидан тортиди. Соқчибоши хижолат чекиб, шоирга йўл бўшатди.

Дарвозабонлар темир панжарани юқори кўтаришди. Тўрт соқчи – икки ёндан итаришиб, баҳайбат эман дарвозанинг темир дарихчасини босиб турган оғир лўкидонларни нари суришди.

Валад ва Сирянуся тонгача шу ерда қолишни тайинлаб, Жалолиддин энкайдик тун қўйнига кириб, ғойиб бўлди.

Титилиб, увадаси чиққан булутлар хира ой шуъласида аранг кўзга чалиниб, шитоб ила сузишарди. Уларнинг йиртиғи орасидан юлдузлар гоҳ-гоҳ кўз қисиб қоларди. Чўлнинг ўт-ўланлари нафасини уфурган шамол боғларда чарх уриб, япроқларни шитирлатар, қалъа девори устида юрган соқчиларнинг бўғиқ қичқирикларию аросатда кечган кун даҳшатларини узоқ-узоқларга олиб кетарди.

У тун қўйнида танҳо эди. Боғчалар оралаб, таниш сўқмоқ йўлдан мўғул суворийларини яширган Қазанвиран тепаликларни сари илдам одим отиб бораркан, у қалбида сўз етилиб бораётганини ҳис этди.

Денгиз тўлқинини тўхтатиш маҳол. Лекин унга бардош бериш мумкин, мўғуллар ҳам шундоқ: уларга қарши мубориза этиш бефойда, лекин ҳамипша халқ турганидек, устивор туриш мумкин. Ҳеч вақоси йўқлар улардан чўчимаса ҳам бўлади. Давлатмандлар, сарват соҳиблари тутунларини тугаверишсин. Худпарастлик йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, зулм ботқоғига ботган ҳукмдорлар таҳликага тушаверсин. Аллоҳ номидан ёлғон сотувчи уламою фақиҳлар кўрқиб – қалтирайверсин. Фақри-фуқарога ўша-ўша – асорат. Янгиси ғайриодатий бўлгани учун ҳам бир оз кўрқинчли. Бироқ ўлимдан нарёгда манзил йўқ. Қайтага, ҳалокат ва завол тупроғидан ириб-чириган кўҳна асос тартиботлар ўрнига янгича эътиқод ва янги башарият туғилса, ажабмас.

У аста-секин юриб, тепаликка кўтарилди. Пастда, ҳув, анча нарида, гулханлар билан ўралган мўғул қароргоҳи кўринди. Ўртада лашкарбоши Байжунинг улкан ўтови кўзга чалинарди. Аланга ўтовнинг опшоқ наматларию ўтов атрофидаги бедовларни ёритар, соқчиларнинг яланғоч қилич ва найзаларида акс этиб, ўйнарди. Ўнг ва сўлда кичикроқ ўтовлар тикилганди. Гулханлар атрофида мук тушиб, ғуж-ғуж бўлиб жангчилар ухлаб ётишарди.

Мўғуллар жаҳонгирлик йўлида не-не элатларни эргаштир-

мади – турклар ва тожиклар, хуросонийлар ва хоразмийлар... Ҳамма халқлар уларга ўз қони – жангчиларини берди. Лекин пайт келиб, мўғуллар ҳам қайтаришади, улар ўзлари истило этган халқлар орасида эриб-сингиб кетишади.

Кўшин ҳатто уйқусида ҳам Чингизхон жорий этган русумга амал қилиб ётарди. Байжу ўтовининг ўнг қўлида кўшиннинг ўнг қаноти – жиронғор, сўл қўлида кўшиннинг сўл қаноти – биронғор жойлашганди. Туманлар бир-биридан отлиқлар ўтадиган йўллар билан ажралар, мингларни ажратувчи йўллар торроқ, юзларни ажратувчи, пиёдалар ўтадиган йўллар эса аранг кўзга ташланарди.

Шамол билан қулоққа чалинувчи эгар-жабдуқларнинг гичирлаши (қоровулар пақана бўйли ёлдор отларни тунда ҳам шай тутишарди) ва гулханлар алангасини ҳисобга олмаганда, мўғул қароргоҳини уйқу эмас, ўлим кучган деб ўйлаш мумкин эди, атрофда шу қадар чуқур жимжитлик ҳукм суларди. Жангда галаба қозонилган, эртага тантаналар кутар, жангчилар ҳам, мингбошилар ҳам ўз ишини адосига етказган кишилардек, сокин, осойишта ухлашарди.

Мўғуллар шаҳарларни бузиб, боғлар ва экинзорларни пайҳон этишаркан, бу уларнинг табиатан золимлигиданмас, балки, уларнинг чорвасига яйлов зарурлигидан, деб ўйлади тўсатдан Жалолиддин. Бу албатта, ёввойилик, аммо ёввойилик ҳам ўткинчи ҳолат.

Ўтган қирқ йил ичида уларни илдири ила кўпориб, Балхдан учирган босқиннинг ўша илк пўртанасидан буён анча ўзгариб қолишганди. Чингизхон аллақачон оламдан ўтган, унинг авлодлари энди кўпроқ чорва ҳақида эмас, балки тасарруфларига кирган ер ҳақида ўйлашарди: уларни тўйдирувчи ҳам, қондирувчи ҳам, мана шу ер эди. Бас, шаҳарларни бузиш, бунёд этувчи одамларни қиргин-қирон қилишда маъно йўқ эди. Агар ана шу одамлар сонда зиёда бўлмай, руҳан ҳам қудратли бўлишса борми, вақт ўтиб, ким-кимга асирлиги аён бўлади-қолади. Ўшанда Байжу номидан, ҳаттоки илхон Хўлагу номидан не қолади?

У тонготаргача тепаликда бўлди. Мўғуллар қароргоҳига тикилган сайин, эртага Кўнёга щикаст етмагай, деган ишончи орта борди. Ҳаттоки тонготарда ҳам душман қароргоҳида жимлик ҳукм сулар, жанг-жадалга ҳозирлик аломати кўринмасди. Дарвоқе, уларнинг отлари оёғи остида шундоқ ястаниб ётган шаҳарга ҳужум чикора?

Жалолиддин янглишмаган эди. Байжу ўтовининг чап томонида тикилган чодирлардан бирида салжуқ давлатининг бўлажак султони Рукнаддин тун бўйи ухламай, жун тўшақда ағанаб

чиқди. Мўғул илхони уни исён кўтарган акаси ўрнига Кўнё тахтига ўтқазишни буюрган эди. Ўша чодирда у билан Муиниддин Парвона ҳам ётарди. Келажакда Жалололидин билан неча йиллар давомида сўз ва амал хусусида баҳслашадиган Парвона. Бир вақтлар отаси мўғуллардан сулҳ сўраб олган, энди ўгли Кўнё аҳолиси ҳаётини сўраб олиб, давлатнинг ҳақиқий ҳукмдорига айланган эди.

Лекин Жалололидин тепалиқда тураркан, бу гаплардан беҳабар эди. У ёлғиз мулоҳаза юритар ва кузатарди. Куёш илк шуъласини фалакка ёйганда, у шаҳар бу гал ҳам омон қолади деган тўхтамга келди ва тез-тез юриб, қушларнинг тонготар хонишига тўлган водийга тушди, қалъа девори томон йўл олди.

Ҳалқабাগўш дарвозаси олдида тумонат халойиқ тўпланган эди: дарвешлар, соқчилар, ахийлар, фақиҳлар, муллалар, косиблар. Тирик ва соғ-саломат қайтган Мавлонони кўриб, ҳамма хайратдан «оҳ» тортиб юборди: бу мўъжиза эди.

Ғолиб ва эпчил мўғуллар ўн йиллар давомида кишилар қалбига жаҳаннамий кўркув – ваҳима солишганди. Гоҳо бир мўғул аскарлари ўнларча мусулмон орасида пайдо бўлиб, ана шу тошларга ёта туринглар, мен келиб, бошларингни кесаман, деса, одамлар худди бўғма илон авраган қуён янглиғ, қочилишни ҳам ўйламай, биқиниб ётишаверарди.

Мавлоно эса ёлғиз ўзи бориб, эсон-омон қайтиб келди! Бу мўъжиза эди ва у бошқа мўъжизаларни бошлаб келиши лозим эди.

Жалололидин бунини оломоннинг умид ҳам умидсизликдан телбаланиб ёнган нигоҳида ўқиб, тўсатдан юракни бўм-бўш қилиб, хувиллатиб қўйгувчи бир заифлик сезди. Инсон қалби мўъжизасидан бўлак мўъжизага ишонмовчи Мавлоно унинг сўзини ўқиб, моҳиятини уқмаган, ўзларини унинг шогирдлари деб билувчи кишилар томонидан ҳозиргина кечган тун ҳақида тўқилажак ривоятни гўё тинглаганидек бўлди, афсуски, ўша пайтда у сўз қотишга қодир бўлмади.

Шоир Қазанвир тепалигида ўтказган ўша тундан олтмиш йил кейин унинг набираси – мавлавийлар жамоаси бошпиғининг фармойиши билан муҳтарам шайх Афлокий ўзининг «Тухфатул орифин» китобида Мавлоно «ўз авлиёлик шарофати ила» Кўнё шаҳрини ҳалокатдан қутқазиб қолганлиги хусусида ривоят келтирди.

Шоирнинг хавотирли тахмини юзага чиқди: фикр уруғи ичдан ейилиб, сўз қобиғигина сақланиб қолди, холос.

Аламга чўмган оломон, очлар нонга қўл чўзгандек, Жалололидинга қўл чўзарди. Улар умид сўрашар, Мавлоно эса жим турарди.

Ҳар бир одам – воҳид ва бетакрор олам. Лекин улар бари –

инсонлар. У ўз-ўзини билар, инчунин, ўзгаларнинг равиш-равияси, фикр ва туйғуларини яхши англар, уларнинг дўзахи – унинг ҳам дўзахи, уларнинг жаннати – унинг ҳам жаннати эди. Бинобарин, одамлар неки ҳис этишаётган бўлса, ҳаммасини ҳис этиб турарди.

Бас, Жалолиддин инсонни тушунар экан, халойиқни ҳам англаши қийин эмасди. Биргина учкун кифоя, халойиқ чўлдаги қовжироқ ўт-ўландек гурра аланга олади. Бирор хон ёки султон азми-иродаси билан йўлга солинган қуролли оломонни тушуниш оппа-осон эди. Султонларнинг ният ва мақсадлари, улар эгаллаган мавқе-мартаба туфайли чекланган бўлади.

Мўғул қароргоҳи яқинида кечган ўша тунда у шундай тўхтамга келди: қисмат бу гал ҳам Кўнённи аяйди. Илхон Хўлагу ўз нойони Байжуни янги ерлар босиб олиш учун эмас, босиб олинган ерларни бўйсундириш, султон Иззатдин ўрнига инисини ўтқазиб, беҳад-беҳисоб бож-хирож йиғиш учун жўнатган. Шундай экан, шаҳарни бузиб, одамларни қирғин-қирон қилиш не ҳожат?

Шундоқликка шундоқку-я, лекин бир шарти бор: Байжуда одамларга хос (ахир, у ҳам ҳарҳолда одамку) қаҳр-ғазаб, нафрат-алам ҳисларини кўзғатиб, ўзини ҳам, хон Хўлагуни ҳам унутишга мажбур этадиган бирор тасодиф рўй бермаса, бас. Унда ... унда янглишиш мумкин. Аммо, унинг Жалолиддиннинг янглишишга ҳақи йўқ. Вазир уларола амиру умарола, бошбуғларга эмас – улар султон Иззатдин бошчилигида жанг майдонини ташлаб, пойтахтни қисмат ҳукмига ҳавола этишди – унга, Жалолиддинга боғлиқ: фуқаро шаҳарда қоладими ёки уни тарк этадими, жангда мўғул чўқморлари остида қўйдек қирилиб кетадими ёхуд яшаб, умргузоронлик этадими... Бу нарсалар унинг биргина сўзига боғлиқ. Шунинг учун ҳам у жим турарди. Бироқ сўз айтиш нечоғлик қийин бўлмасин, айтиш жоиз эди:

– Кўрқманглар. Илло, мўғуллардан кўрқкиш замони ўтди. Қочманглар ҳам. Шаҳар омон қолади.

Юзлари бужмайган, кўзлари ичига чўккан, ориқ найнов дарвеш биринчи бўлиб қичқирди:

– Мўъжиза! Мавлоно мўъжиза кўрсатдилар!

Шоир нафратланиб кетди. Мўъжиза? Қандай мўъжиза? Наҳотки, мушоҳада ва мулоҳаза этиш, кўрганлари устидан муҳокама юритиш инсон учун мўъжиза бўлса?

Жалолиддин Сириянус ва Валад ҳамроҳлигида оломонни кесиб ўтиб, тез-тез қадам босиб, уйга томон юрди. Қорачироқ мойидек ёпишқоқ ўша сўз бутун шаҳар бўйлаб таралиб, уни таъқиб этди: «Мўъжиза! Мўъжиза! Мўъжиза!»

У кулоқларини бекитиб олишдан ўзини аранг тийиб борарди. Ҳовлига кириб, бир зум хотини ва келинини кўриб қолди, у

пайдо бўлиши биланок, улар бекиншиди. У тез-тез юриб, мадраса масжидига кирди. Унга интизор турган дўстлари, шогирдлари қўзғалиб, таъзимга бош эгишди. Яна қулоғига ўша сўз чатилди:

– Мавлоно мардлик мўъжизаси кўрсатдилар! Байжу аскарларидан тап тортмай! Мўъжиза!

У ажалдан эмас, юрак ва ақлнинг сўқирлигидан қўрқади. О, ўз жаҳолатига банд бўлганлар! Ўз қўркувингиздан қўрқинг, фалакка, ҳукмдорларга, ўз-ўзингизга қуллингиздан қўрқинг! Оламини зулмат қопламиш, бошларни зулмат чўлғамиш! Боши ҳам, ниҳояси ҳам йўқ зулмат. На бир сўз, на бир аъмол унга бас кела олура...

У шиддат ичра бутун жисми билан сўзга айланди. Кўли ҳавога талпинди:

*... На иқлимул фалак, на ҳолиқул Аллоҳни билмасмен!  
Бекора излама йўл! – дейдилар. – Тезроқ буён келгил!  
Уён бормоқ учун мен ундайин бир роҳни билмасмен.  
Гаҳи кўнглимни қон айлар, тутар ёқамни гоҳ маҳкам,  
Не золимдир, нечук бир жодугар? Мен они билмасмен.  
Дайр бир шер эмишим, олдида қўйхоналар бисёр,  
Надир шер, на эмиш қўй, бўйла бир маънони билмасмен.  
Қани анҳор, маниким оқибат дарёга етказгай,  
Ва лекин мен ўшал анҳор ила дарёни билмасмен.  
Юрармен маъюсу афзор, қизир теграмда бир бозор,  
Адашган бир гўдакдек суд ила савдони билмасмен.  
Гаҳи мақтаб, гаҳи қарғаб, этарлар гоҳида таҳқир,  
Ўшал нодон аён эрмас, ўшал донони билмасмен.  
Мушукдек бўйлаким, ўз наслини ер Ер ила Осмон,  
Бу янглиғ – ота-она, бундайин анқони билмасмен.  
Етар ҳар лаҳза минг найза биза дасти дарозлардин,  
Ўшал дасти дарозу найзайи буррони билмасмен.  
Гўдаклик фаслидин кетдим, юриб жангоҳ сари етдим,  
Урармен ёвни, лекин раҳнамо кимсони билмасмен.  
Мусалламмен фақат Ҳаққа, хўжсам султон-салотинмас,  
Ўшал Байжу ва Боту, хон ила туғрони билмасмен.  
Юнону туркка жон қурбон, қучай мўғулни ҳам ҳар он,  
Ким эрмиш менга Илхон, Хўлагу подшонони билмасмен...*

Не бахтким, ўшанда у янглишмади. Байжу лашкари шаҳарга кирмади: вақт тигиз, Хўлагу Бағдодга қўшин тортмоқчи эди.

Парвонанинг маслаҳати билан амалдорлар, савдогарлар, ҳунармандлар, бутун шаҳар мол, ақча, жавоҳирот ва қимматбаҳо буюмлардан иборат катта ўлпон йиғиб, Байжуга топширди.

Байжу султон Рукнадинни тахтга ўтқизиб, бутун салжўқ



давлати шаҳарлари атрофидаги қалъа деворларини бузишга амр этди, токи улар мўғулларга минбаъд қаршилик кўрсатишмасин.

Фақат, вилоят беклари наздида нуфузи пасаймасин учун Кўнё бундан мустасно этилди. Жалолиддин илк бор кўрган ўша ҳашаматли Кўнё деворлари энди унинг кексайиб қолган, заиф оёқлари остида ҳамон мусту маҳкам туришибди.

## ДЕВОРЛАР

Улар илк бор йигирма яшар Жалолиддин назарига бундан ярим аср аввал, у жавзо ойининг эрта тонгида отаси изидан туяда келаркан, намоён бўлган эди. Зилол сувга лиммо-лим тўла зовурлар устида қад кўтариб, қуёш нурида ажиб ялтираб турган мрамор миноралар. Ғалати нақшдорлик, сувратлар: одам бошли арслон, бургут, чакмон-чолвор кийиб парвоз этаётган авлиё, тош лавҳаларда қалъа қурилишида иштирок этган бекларнинг номлари, салжуқ султонлари беҳад қадрлаган Фирдавсий «Шоҳнома»сидан сатрлар – буларнинг бари Кўнё деворларини одам ва ҳайвонлар тасвирини таққикловчи ислом кўрғонига эмас, гўзал маъжусий бир саробга ўхшатарди.

Сарсонлик ва саргардонлик йиллари давомида Жалолиддин руҳонийлар унинг отасини қандай қарши олишларига ўрганиб қолган эди. Лекин у бугун қора жубба кийиб, баланд дастор ўраганлар орасида камон ва заррин қалқон тутган навкарларнинг мавзун сафларини ҳам кўриб ҳайрон қолди. Улар султоннинг хос соқчилари бўлиб, вазири аъзам Низомулмулк ўзининг «Сиёсатнома» китобида маслаҳат берганидек, бегона элатлар – грузин, рус, курд, афғон ва дейлимитлардан сарлаб олинган эди. Жалолиддин соқчилар орасида султоннинг яшил соябонини ҳам кўраркан, тамом ҳанг-манг бўлиб қолди. Наҳот Султонул Умаро – Аълоиддин Кай Қубоднинг ўзи Султонул Уламони қаршилаш учун қалъадан пиёда чиқмиш?!

Салжуқ султонининг дабдабали унвони салтанатнинг шоншухрати ва сарой ҳашаматига монанд эди. Ўзининг мусулмонча Аълоиддин номига «Шоҳнома»да тавсиф этилган Эрон ҳукмдори Кай Қубод номини ҳам кўшиб олган султон ўз саройида қадимий Эрон шоҳлари расми-русумини жорий этган эди. Давлат идора ишлари кўриладиган девонда султон бошқалардан саропарда билан тўсилар, ҳукмдорни кўриш буюк шон-шараф саналарди. Тахт теварагида найза ва чўқмор кўтарган соқчилар туришар, улар ҳукмдорга соядек эргашиб, хиёнаткорлар қонини тўкишга ҳамиша ҳозир эдилар. Сарой пасбонлари, қоровуллар, қуролли маҳрамлар учун қонун-қоида – султоннинг азми-иродаси эди.

Кўп сонли сарой мулозимлари ва хизматкорлари – садри хобгоҳ, ҳаммомчи, сандиқчи, эшикбон, қушчи, овчи, баковул, дастурхончи, оёқчи, табиб ва масхарабозларга мутасаддий сарой амири эди. Базмларда меҳмонларни нуфуз ва мартабаларига ярашиқ ўринларга ўтқизувчи ҳам, қачон товуқ ва қирғовул, қачон қўй, кагтар ёки кийик эти тортишга ишорат этувчи ҳам, кумуш каштали кийимлар кийган ой юзли йигитчаларга меҳмонларга шарбат ёки қимиз, айрон ёки мусаллас тутилсин деб фармойиш берувчи ҳам ана шу амир эди.

Сарой расм-русумларидаги дабдаба ва ҳашаматда қўшни Византия таъсири ҳам кўзга ташланарди. Аксарий салжук султонлари ҳукмдор оғалари ва оталарининг макри-ҳийласидан чўчиб, соҳиби тахт бўлишдан олдин узоқ йиллар ана шу ғурбат элида яшашга мажбур бўлишарди.

Бу қисматдан Аълоиддин Кай Кубод I ҳам бенасиб қолмади, ёшлик айёмининг ўн йилдан зиёдроқ даврини Константинополда, Византия императори саройида ўтказди. Дабдабали қабул маросимлари ва унда замонавий техника мўъжизаларини намойиш этишлар, чунончи, гидравлика ёрдамида императорни ўтирган тахти билан шифтгача кўтаришлар дастлаб бўлажак султонни тонг қолдирди. Бироқ у маълум усулларнинг яқранг ва такрорийлигига, ўзини ҳар кун сохта улуғворликка солувчи императорнинг иғво ва фисқу-фужур тўла ҳаётига яхшироқ разм солиб, ҳафсаласи пир бўлди, зерикди.

Бўлажак султоннинг ёлғиз юпанчи боболарининг урф-одати, тартиб-қоидалари битилмиш «Ўғизнома» китоби эди. Бу китобни мураббийси Отабек Бадриддин Гавҳартош тақдим этган, унда ов, базм ва жасоратларга тўла кўчманчи ҳаёт бор соддалиги ва гўзаллиги ила қаламга олинган эди.

Кўнё тахтига ўтиргач, Аълоиддин Кай Кубод тишини тишига қўйиб, ўзигача жорий этилган расм-русумларни қабул қилди. Лекин имконият топилди дегунча, саройдан қочарди. Сафарга баҳона топмаса, иккинчи пойтахти Қайсарига жўнар, баҳор келиши билан жанубга, денгиз бўйларига ошиқарди.

Султон бўш соатларида ўқ-ёй ва пичоқ ясар, эгар-жабдуқ тикар, дурадгорлик билан машғул бўларди. Шахматни севар – бу ўйинда моҳир жангчи саналарди. Баъзан Эрон шоҳларига эргашиб, бинойидек рубоийлар ҳам тўқирди. Лекин унинг севган энг яхши машғулоти – ҳар йили икки марта ўтказиладиган, мамлакатнинг олий амалдорлари, беқлари, ноиблари, машхур баҳодирлари, шон-шухратга чанқоқ ёш-яланглари иштирок этадиган бобомерос ов эди.

Ҳар бир ов ўн беш кун давом этар, қушлар ва ҳайвонларни жуда катта майдонларда қуршаб, ҳар тарафдан сиқиб келишар,

кейин овлашга ўтишарди. Ўғизлар одатича, овга биринчи бўлиб султон ўқ узар, кейин беклар, кейин ўртача амалдорлар, сўнг ёшлар ўқ бўшатишарди. Бек ва ноибларнинг қўлларидан куч, кўзларидан қувват кетмадимикин, уларни эгчил ва азаматлар билан алмаштириш пайти етмадимикин – овдан мақсад ана шуни аниқлаш эди. Негаким, ер-мулк уларга бисот қилиб эмас, бошқаришга берилар, бунинг учун эса насл-насаб меросга эмас хизматта қараларди. Хизмат – бу аввало ҳарбий хизмат эди. Бир ўқ билан қуш йиқитганларга султон бошга тақийш учун уқпар берар, йўлбарсни ағдарганларга кўтос олиб, қўлларига осийшарди.<sup>1</sup>

Ов ниҳоясида базм-шилтон тузилиб, қўйлар сўйиларди. Ҳар бир кишига одатга кўра, нуфузи ва султонга яқинлигига қараб, бир бурда эт тегарди. Ана шуни танавул қилиш билан у ҳукмдорга сидқи-садоқатини гўё яна бир бор намойиш этарди. Кўпинча султон шу бир парча эт билан ёш жангчи – сипоҳийни анги мартабага кўтаргани ёки эски амалдорни мансабдан ихрож этганини маълум қиларди.

Аълоиддин Кай Қубод руҳан кўчманчи – ўғизлигича қолган, аммо амсоли динияга фавқулодда бир жиддият ила муносабатда бўларди. Бир пайтлар боболари келгинди муллалар жорий этган ёзувга, туморга боққандек, хурофий бир даҳшат ила боқишарди. Саводсиз турк деҳқони ҳатто XX асрнинг бошларида ҳам ерда бир парча қоғоз кўриб қолса, авайлаб қўлига олар, магар бунда каломи шариф битилмаганмикин, деган андишага борарди.

Султон Аълоиддин Кай Қубод учун ҳар бир ёрлик, ҳар бир фармон муқаддас, зеро, у Аллоҳга ҳамду сано билан бошланарди. Ҳар гал фармонга имзо чекишдан олдин у, намозга таҳорат олгандек, таҳорат оларди. Табиийки, султон руҳонийларни алоҳида иззат-эҳтиром этарди. Унинг маҳрум акаси ҳали соҳиб салтанат экан, мусулмон оламида шайхул аъзам деб донғи кетган, асли таги испаниялик бўлган Ибн – ал-Арабийни Кўнёга таклиф этган эди. У сўфий – уламони отасидек эъзозлар, панднасихатларига кулоқ осар, атрофи солибчилар билан ўралган бир муҳитда ҳам сиёсий, ҳам маънавий масалаларда ундан маслаҳат сўрар эди.

Тахтада акасининг ўрнини эгаллаган Аълоиддин Кай Қубод мўғул босқини йилларида ўз саройи атрофида мусулмон илмининг бир талай юлдузларини йиққан эди. Лекин Султонул Уламо деб ном қозонган балхлик воизнинг ташрифи фавқулодда ҳодиса бўлиб, уни ўзи қарши олишга қарор қилган эди.

Карвон қалъа деворига яқинлашгач, отаси туядан тушди. Султонул Умаро ярқирок кийимлар кийиб, қимматбаҳо қурол-

<sup>1</sup> Кўтос – от ёли ёки думига тақиладиган, олтиндан ишланган зийнат асбоби.

яроғ таққан махрамлари билан, Султонул – Уламо оддий тўн, қора пушти узун яктақлар кийган бир ҳовуч муридлари ила, бир-бирларига қараб юришди.

Султон томонидан кўрсатилган бу иззат-эҳтиромдан отаси фойдаланиб қолди.

Орада уч қадамча масофа қолганда, Султонул Уламо тўхтаб, таъзимга бош эгди.

Султонул Умаро яна бир қадам ташлаб, муҳтарам қариянинг қўлини ўпиш учун энгашди. Лекин чол мағрур туриб, унга қўли ўрнига ёғоч ҳассасини узатди.

Султон Аълоиддин Кай Кубоднинг сарғиш кўзларида қаҳрли бир саросима акс этди: «Бу не манманлик!»

Лекин ўзга чора йўқ эди – у қаҳрини ютиб, ҳассага лабларини босди.

Шунда Султонул Уламо, шайх учун одатий, аммо соддадил кишиларга яшиндек таъсир этувчи каромат зоҳир этди:

– Ҳукмдор, мени такаббур деб беҳуда ўйладинг! Мусалламлик – гадолик этгучи уламолар иши, аммо у – дунё султонларию нарсалар моҳиятини кафтада тутувчи диёнат султонларига муносиб эмас!

Бу сўзлар Аълоиддин Кай Кубодни гангитди: меҳмон унинг фикрини пайқаган эди. У эҳтиром ила меҳмонини саройга жойлашишга таклиф этди.

Аммо Султонул Уламо саройни эмас, Олтинпа мадрасасини танлади. Пойтахтга эсон-омон етиб келиши шарафига унга подшо томонидан инъом этилган эҳсонларни мўл-кўл қилиб камбағалларга улашди. Бу эса султон ва унинг саройи наздида уламонинг эътиборини тағин ҳам оширди, унинг масжиди жомага воиз этиб тайинланишига ёрдам берди.

Уларнинг ҳаёти қулай жойлашган, пухта-пишиқ қилиб қурилган, теварак тоғлардан оқиб тушган анҳорлари кўксида мавж урган, боғлар, узумзорлар ила ўранган Кўнё шаҳри – шарофатли пойтахтда ана шундоқ бошланди.

Кўнёда бозорлар гавжум: от бозорида – бедовлар билан, ғалла бозорида – арпа ва тарик билан, кул бозорида – одамлар билан савдо қилишарди. Нон, асал, мой, қўй гўшти арзон-гаров, зотан, деҳқоннинг меҳнаги сув текин эди.

Савдо ва ҳунармандчилик расталари кўп: мисгарлик, заргарлик, бўзчилик, аслаҳасозлик ва қорамол билан савдо қилувчи расталар алоҳида-алоҳида бўлиб, бир-биридан девор билан ажралар, тунда дарвозаси маҳкам бекитиларди.

Дунёнинг ҳамма бурчидан оқиб келувчи одамлар ҳунарманд ва савдогарлар жамоаси, бадавлат амалдорлар қурдирган карвонсаройлар, мадраса ва хонақоларни тўлдиришарди.

Шаҳарда махсус қоровул ва хизматкорлари бўлган даҳма ва мақбаралар, аскарлар билан тўлиб тошган навқархоналар, хат-готлар, мирза ва муншийларга тўла девонлар ҳам бисёр эди. Бу – олиму уламолар шаҳри, шовқин-суронли қовоқхоналар, юзлаб чўрилари бўлган айш-ишратли базмхоналари бор шаҳар эди.

Бу орада Султонул Уламонинг умри тугаб борарди. У ҳис этардики, кўнглига хуш ёққан ана шу Кўнё – унинг фоний пунёдаги сўнгги манзилидир.

Бир гал Султонул Уламо Жалолиддин билан қатъа девори устида, ҳозир у турган жойдан ўттиз қадам берида туриб, шаҳарга разм соларди. Ўшанда у султон саройи ва амир кўрғони гумбазлари самога бўй чўзган, масжид ва мадрасаларининг пештоқлари куёшда ялтираб турувчи бу шаҳарга боқиб, тўсатдан кўллари олдига чўзган ва шундоқ деган эди:

– Қара, ўғлим, уйларнинг сон-санови йўқ! Бу шаҳарда набираларим, набираларимнинг набиралари ҳам яшайверсин!...

Султонул Уламо умрининг Кўнёда ўтган сўнгги икки йилини ана шунга – авлодларим шу тупроққа чуқур илдиз отишсин, деган орзуга сарфлади.

Жалолиддин майин тонг шамолдан жунжукди, ҳолбуки ёшлигида ана шу шамол уни руҳлантирар, ўй-хаёллардан фориф этарди. У совуқ қотди, кеча Парвона саройидан чиқаркан, елкасига ташланган тўнига ўраниб олди.

Посбонларга парво этмай, шундоқ яқинидаги минора панашига аста ўтиб, шамолдан яширинди ва шаҳарга термулди.

Назари султон саройига тушди. Арк яқинида ўз хонақосининг эрталабки куёш нурида хира ялтираган гумбазини ҳам топиб олди.

Унга ва шогирдларига хизмат қилаётган ана шу мадраса ҳам ўлимидан сал олдин Султонул Уламо кўрсатган содда кароматнинг меваси эди.

Ўша жума кунин Султонул Уламо ваъзини тингламоққа Кўнённинг бутун аслзодалари тўпланишган эди. Дамашқ меъморлари курган, гумбази остига минглаб кишилар сиғадиган, янги масжиди жомега султон ва унинг хонадони ҳам ташриф буюрган эди. Султонга эргашиб, сарой аъёнлари, амирлар ҳам келишган, улар орасида соҳиби девон, бегларбеги, ноиббуссултон, амир пазванд, амир пардадор, отабек, амир туғро, мунший, қозикалон, савдогар ва ҳунармандлар жамоаси оқсоқоллари ҳозир эдилар.

Султонул Уламо қора ёғочдан ишланиб, қадимий нақшлар солинган минбарга чиқиб, яратганга ҳамд айтди, кейин Султон Аълоиддин Кай Кубод номига хутба ўқиди, сўнг жим қолиб, йиғилганларни диққат ила назардан кечирди. Ниҳоят ўз-ўзига дегандек деди:

– Ва матадри нафсун маза таксибу ғадан ва матадрин нафсун биаййи арзин тамуту, инналлоҳа алимун хобир...<sup>1</sup>

Бу – Куръоннинг ўттиз биринчи сурасидаги сўнгги оят эди. Ҳар бир ваъз Куръон сўзи билан бошланарди. Лекин отаси уни шу қадар берилиб айтдики, эшитганларнинг юрагига «жиз» этиб ёпиша қолди.

Одатдагидек, унинг ваъзи ушбу оят пайғамбар томонидан қандай вазиятда айтилгани ҳақида ахборот ва унинг талқинидан иборат эди. Султонул Уламо Куръонни ёд билар, унинг йиллар давомида бўшашмаган хотираси жилд-жилд талқин ва изоҳлар, беҳад-беҳисоб ривоятлар, шеърӣй парчаларни ўзида тутиб турарди. Бу оятнинг талқини ўзга бир талқинни келтириб чиқарар, у ҳам ўз навбатида янги талқин, янги ривоятга сабаб бўлар эди. Бу гал ҳам шу йўсинда у ақл-идрок билан англашга интилишнинг бефойдалиги, жону дил билан англаш зарурати ҳақида сўзлади, ҳа, фақат юрак ила англай билиш даркор.

Унинг ваъзи шаклан мазмунига мувофиқ эди. У ақлга, мантиққа эмас, туйғуга суянарди. У сўзини ташбиҳу тимсолларга тўлдириб, ҳайолик билан яккама-якка гаплаша оларди.

Вақти-вақти билан у сомелардан бирита мурожаат этар, сўзининг таъсирини унинг юз ифодасидан илғаб оларди.

Иккинчи қаторда ўтирган собиқ отабек, бугун сарой амири Бадриддин Гавҳартош бошқаларга ўхшаб, уни ҳайратланиб эшитарди. Аммо унинг фикри кўпчилик фикридан бошқачароқ эди. Бўлажак султон ила Константинополда қувғинда юрган йиллари отабек Бадридин Гавҳартош ажойиб-ғаройиб ҳодисаларни кўп кўрган эди. Ғаройиботлар замирида кўпинча комил маҳорат ётишини билиб олган эди. Инчунин, унинг ҳайратига истеъзо аралашганди. «Уламо бало! – деб ўйларди у. – Лекин Худо қувваи ҳофизадан ҳам берган экан: шунча ҳикояту-ривоят, шунча таҳлилу талқинни ёд билади! Ўзиям ваъз айтиш учун соатлаб китоб кўрса керак».

У шу ондаёқ Султонул Уламо назарини сезди ва унинг овозини эшитди:

– Амир Бадриддин, Куръон сурасини ўқи!

Воиз аъёнлар ичида энг бадавлати саналган, савлат-виқор тўкиб ўтирган амирга кўз ташлаб, унинг юзида бир лаҳза шубҳа-иштибоҳ соясини илғади ва фикрини уқиди.

Серсоқол, ғир жуссали отабек, гуноҳ қилиб, қўлга тушган боладек «дик» этиб оёққа турди, довдираб, «Мўминлар» сурасининг биринчи оятидан нарига ўтолмади:

---

<sup>1</sup> Жон эртага не бўлишин билмагай ва қасрда ўлишин ҳам билмагай...

– Қод афлаҳал – муъминуллазина ҳум фи салатиҳим хо-  
шиъун...<sup>1</sup>

– Энди тингла сўзимни, амир Бадридин, – деб уни бўлди  
воиз, – биргина шу «Қад афлаҳал»га мен тайёргарликсиз, фикр-  
мулоҳаза юритмай, қанчалар таҳлил бера оламен...

Отабек минбар зинапоясига югуриб чиқди, Султонул Ула-  
монинг қўлига лабларини босиб, хаёлидан кечган шубҳа – иш-  
гибоҳга ҳамманинг кўзи олдида икром бўлди. Кейин пастга ту-  
шиб, жамоат таҳсини остида минбар оёғини ўтди. Шу билан у  
Султонул Уламони, пирим, деб тан олди.

– Бас, шундоқ эса, – баланд овозда давом этди воиз, –  
ҳақ йўлига қайтганинг учун яратганга шукрона айтиб, менга  
мадраса қуришга амр эт!..

Мана, ўша Гавҳартош мадрасаси қад кўтариб турибди. Ота-  
бек томонидан инъом этилган Қораарслон қишлоғи ҳам унинг  
вақфи саналади. Парвона чақиқи билан мўғуллар бўғиб ўлдир-  
ган отабек ҳам, Султонул Уламо ҳам аллақачон дунёдан кўз  
юмишган, Тангри уларни раҳмат қилсин. Аммо улар кўтарган  
кўрғон ҳамон устивор турибди.

Дарвоқе, отаси: «Эзгуликдан кўрғон қур, у дунё тургунча  
тургай», – деб айтмаганмиди?

Бу сўзни Султонул Уламо анави ерда, Султон дарвозаси ми-  
норалари ёнида Аълоиддин Кай Кубодга айтган эди, ўшанда  
подшо яқинда қуриб битказилган кўрғонни кўрсатиб, воиздан  
мақтов эшитмоқни сабрсизлик билан кутган эди.

– Кўркам ва қудратли кўрғон қурибсен, шохим, – деган  
эди Султонул Уламо, – баҳор тошқинларию душман ҳужумла-  
ридан муҳофаза этар. Аммо ўзингни мазлумлар оҳидин, улар-  
нинг дуойи бадидин нечук муҳофаза этасен?! Ахир у ўқлар  
тошни ҳам, темирни ҳам, танни ҳам тешиб ўтгай. Аллоҳ мадад-  
коринг бўлгай, токи эзгулик ва адолатдан кўрғон қургайсен, у  
юз минг тош кўрғондин мустаҳкамроқ бўлур, зеро, раиятнинг  
умиди ҳам, паноҳи ҳам ўша кўрғондир!

*Қорунки қаро тупроққа бўлди пинҳон,  
Гарчанд беҳисоб бисоту мол қолдирди.  
Эл ичра ҳамон ҳаётдир ул Нўширавон,  
Чунки ўзидин у яхши ном қолдирди...*

Кичик Осиёнинг салжук султонлари орасида яхши ном қол-  
дирган ёлғиз Аълоиддин Кай Кубод 1 бўлди. Ҳеч қачон ер шу

<sup>1</sup> Тоат-ибодат пайти тавозе ила Аллоҳга бўйсунганлар нажот топгусидир...

қадар унумдор, йўллар шу қадар бехатар, Кўнёда зарб этилган тангалар шу қадар қадрли, ҳунармандчилик шу қадар баравж, шаҳар шу қадар ҳашаматли бўлмаган эди.

Аълоиддин Кай Қубод урушлар қилиб, ерга ер қўшди, аммо босиб олган ерларини хонавайрон этмади, ғайридинларни қирғин қилмади, аксинча, уларни давлат қурилишига жалб этди.

Муҳаммад хоразмшоҳнинг довьорак ўғли Жалолиддин Чингизхон ўлимю Хуросон шаҳарларида кўтарилган исёндан фойдаланиб, мўғулларга қарши курашни давом эттирмақ учун яна Хиндистондан чиқиб келди. Мўғул туманлари таъқиб этишига қарамай, хоразм беклари ва қайта тўпланган бўлини билан Ширвонда ўрнашиб олди, Гуржистонни забт этиб, салжуқ давлати чегараларига қадам қўйди. Ван кўли соҳилидаги Ахлат қўрғонини эгаллади. Султон Аълоиддин умумий душман – мўғуллар билан тўқнашув муқаррарлигини кўриб, Жалолиддинга урушни ўрнига, иттифоқ тузишни таклиф этди. Ҳайҳот, отасидек улуғворлик қасалига чалинган хоразмшоҳ Жалолиддин урушни танлади ва Эрзинжон яқинидаги Яссичамаманда бўлган бир неча кунлик жангга тор-мор этилди. Аълоиддин Кай Қубод мағлуб душмандан ҳам марҳаматини аямади: хоразм беклари, уларнинг элатлари ва аскарларига ўз давлати доирасида ер ажратиб берди.

Миср подшолари юз минг қўшин билан Кўнё устига юрганда, Аълоиддин Кай Қубод уларни тор-мор келтирдию лекин таъқиб этиб, Харпутдан нарига ўтмади, зеро мамлакат хавфсизлиги таъмин этилган эди.

Шоир ўйлади: мамлакат соадатига эмас, зобитлик шухратига интилган султонлар халачўддан қўрқиб зир югурган эшакка монанддирлар, эшак шўрлик ҳам арава тортаётганидан беҳабар бўлади ва ёки кўзи боғлиқ отдирким, у ҳам бир доирада айланаверади, бироқ ғилдирак айлантириб сой чуқуридан сув, кунжутдан ёғ тортаётганини ўзи ҳам билмайди.

Кимдаким дунё ғамини емай, ёлғиз ўзини, ўз манфаатини ўйлар экан, ёлғиз ўзини деб қўйиб-пишар экан, у инсон эмас, қуролдир – ҳа, Парвона ғинг деб кўрсинчи! Шундоқ ҳукмдор, эшак халачўпни ўйлаганидек, урушни ўйлайди. Уларнинг юки нимага арзийдию аълолида нечук маъно бор – буни ёлғиз вақт кўрсатади.

Султонул Уламанинг ўтитлари султон Аълоиддин Кай Қубод I кўнглига жо бўлишига сабаб – у ўз шон-шухратини ёлғиз истилоларда эмас, давлатнинг гуллаб яшнашида ҳам кўрар, одил подшо, деб ном қозонишга орзуманд эди.

Аммо Аълоиддин Кай Қубод ўзи жилла хушламасида, сарой ҳашаматидан воз кечолмаганидек, панд-насиҳатларга ҳам тўлиқ амал этолмасди. У ўз ниятларини рўёбга чиқазмоқ учун ёлғиз ҳокимият кучига суянади.



Жалолиддин кулиб қўйди. Султон ҳокимиятини ишга соларкан, ҳокимият ҳам султонни ишга солади. Султон ҳокимияти нечоғлик қудратли бўлса, султон устидан ҳокимият қудрати ҳам шу қадар қўрқинчли бўлади. Ҳокимият аввал ақча талаб қилади. Бунинг учун жафокашларга солиқ, ўлпон солинади. Ё йўлмасам, одил подшо, деб ном қозонмоқчи экансан, улуғ бекларни сиқштиришга тўғри келади. Бу хатарли, зеро, беклар Ҳақат давлатлигина эмас, қудратли ҳамдир, султонни ўшалар айлашади, уни қўлларида кўтариб, тахтга ўтқизишади, бироқ уни тахтдан ағдариш ҳам уларнинг қўлидан келади.

Аълоиддин Кай Қубод 1 одил подшо деб ном қозониш учун ўзини шундоқ хатарга солди. Кўп ўтмай, ўзига қарши фитна қозирлаган амалдорларни қатл этишга мажбур бўлди.

Улар орасида эски дўсти амир Сайфиддин ҳам бор эди, вафот этган подшо акаси бармоғидан султонлик узугини олиб, Аълоиддинга узатган, бинобарин, Аълоиддиннинг тахтга чиқишини элдиндан тасдиқлаган ўша амир Сайфиддин эди. Аълоиддин Кай Қубод 1 унга ўз қўли билан ёрлиқ ёзиб, ҳеч қачон молу жонига тахл этмасликка Қуръон номидан қасам ичган эди.

Отаси тенги бўлган, кекса амир тиз чўкиб, раҳм-шафқат сўради. Тўни астарини титкилаб, титроқ қўллари билан ўша ёрлиқни топиб, султонга узатди. Бари беҳуда. Соқчилар уни бир қоп сулидек, ташқарига судраб чиқишди.

Художўй султоннинг қулоғидан қадрдон дўстининг ялиниш за қарғишлари узоқ вақт кетмаган кўринади, деб ўйлади Жаюлиддин, негаким, кўп ўтмай у олиқ-солиқни ҳам, хиёнаткорларни жазолашни ҳам вазири Кўбакка топширди, кўплаб эқил подшолардек, раҳм-шафқат қилиш, марҳамат кўрсатишни ўзига қолдирди. Бўйи бир қарич, зулми-зуғуми минг қарич бўлган вазир Кўбак одамларга асроилдек даҳшат соларди. Унинг ўз шаънига сира доғ солишни истамаган ўша Аълоиддин Кай Қубод номидан иш кўришини ҳамма яхши биларди!

Хуллас, ниятига тескари ўлароқ аътол йўлида қўйган ҳар бир қадами султон Аълоиддинни қўрқув остида арава судраб бораётган, аммо аравасидаги юкнинг нима эканидан ўзи беҳабар эшакка айлангириб борарди. Йўқ, бадавий ўша Иброҳим ибн Адҳамга, тахтда ўлтириб, ҳақиқат излаш – саҳрода йўқолган туяни сарой тоmidан ахтаришдек ҳамоқатдир, деб бежиз айтмаган. Илоё, зиёфатда Муиниддин Парвонанинг томоғига гижилсин.

Аравасидаги юк не эди ва султон нечун шу қадар тиришиб-гирмашди? Муртад Кўбак куч йиғиб, сурбеллиги ошиб, ўғли ва вороси бўлмиш Фиёсиддинни отасини заҳарлашга ундасин учунми? Падаркуш тахтга ўлтиргач, отаси таҳорат олиб, қўл қўяди-

ган фармонларга маст-аласт ҳолида имзо чексин учунми? Ношуд ўғил саксон минг кўшиннинг бошида туриб, мўғулларнинг ўттиз минг кўшинидан кўрқиб, жонини ҳовучлаб, қуён бўлиши, отаси Аълоиддин Кай Кубоднинг яхши номини маломатга қўйиши учунми? Илоё, аъмол ҳақида гап сотган Муиниддин Парвонанинг яна бир бор томоғига тиқилсин!

Ҳақиқий ҳокимият одамлар устидан эмас, уларнинг қалби устидан қарор топади: “Сенга нечук фатво бермасинлар, унда кимнинг туғроси бўлмасин, аввало қалбинг ила кенгаш!” – деб бежиз айтилмаган.

Ҳукмдор ила мулоқот хавфли, ҳалокатли. Сабаб, ҳацемай бошингдан ажраб қолишингдасан – ўлим бир кун муқаррар. Сабабки, подшонинг худбинлиги аждаҳога ўхшайди. Унинг томонида туриб, унинг учун неки яхши бўлса, ўшани яхши деб қабул қилишга мажбурсен. Эҳтиром юзасидан, унинг бўлмағур гапларини ҳам қаршиликсиз қабул қилаверасан. Аста-секин ўз иймонинг, ўз эътиқодингдан айриласан, ҳукмдорга яқинлашганинг сайин қалбингдан, ҳақиқатдан йироқлашасан. Энг одил подшонинг кўз қорачуғи бўлишдан, ишқ ила мунаввар озод қалбга қул бўлишинг минг карра афзал...

Қудратли Парвона кўрғонини ўз вақтида тарк этганидан хурсанд Жалолиддин 1270 йил ёзининг эрта тонгида шундоқ деб ўйларди. У қалъанинг мураббаъ шаклида қурилган саксон минорасидан бирига суяниб, бундан ярим аср аввал отаси ила боққанидек, шаҳарга тикилар, унинг кўз ўнгида зодагонларнинг қасрлари, мўғуллар мутаган бўлишига қарамай, ҳамон савдогарларнинг кўрғонлари устидан, савдогарларнинг кўрғонлари эса давлат, пул кучига эмас, балки қўл кучига суянувчиларнинг қулбалари устидан ҳаволаниб турарди. У ҳар бир уй, ҳар бир фуқаро билан боғлиқлигини ҳис этар, айни пайтда, ёлғизликнинг юксак қорли чўққиси билан улардан ажралган ҳам эди.

Унинг ҳаёлини темирнинг “тарақ-туриғ”и бўлиб юборди: тунги чаламаст соқчилар ўрнини кундузги дарвозабонлар эгаллашарди. Ҳамиша ҳокимиятга ҳамроҳ, асалари гўнғиллашини эслатувчи бу садо уни миноранинг нимқоронғи йўлкасига ўтишга мажбур этди.

У тикка зинапояларни бир-бир босиб, пастга тушди-да, девор устидаёқ ўзи мўлжаллаб қўйган, минораси камбағалнинг шамидек ингичка, эски, мўъжаз Синжари масжиди томон юрди.

Шаҳарда ҳаёт одатий, ўз маромида оқарди – мўғуллар ва уларнинг малайи, ҳозирни ҳузур билиб, эргани ўйламайдиган Парвона томонидан босқиланган ҳаёт... Араваларга кунжут поялари ва қоп-қоп арпа орғиб олган аравақашлар, иш-ташвиш билан елиб-югурган халфалар, “ёғоч от” миниб, чопқиллаган

болакайлар шоирни таниб, салом беришарди. У алик олиб, йўлда давом этар, бошида бир пайтлар тўқилган мисралар чарх урарди:

*Менга дам урмагил доғи маломатдин,  
Маломат шухратимга бир шарофатдир.  
Буюрма шухратинг тут, деб ҳалокатдин,  
Менинг шон-шухратим — кони маломатдир...*

На ошиқлар, на «котибул асрор» Ҳусомитдин кўринмасди. Лекин у билардики, улар шу атрофда, унинг хаёлини бўлмаслик учун узоқдан кузатиб юришибди, унинг ҳолидан уйдагиларни хабардор қилишга, ҳар нечук хизматини адо этишга, сўзларини ёзиб олишга ҳозир-нозир туришибди. У шунга ўрганган эди: улар ҳали керак бўлишади, аммо ҳозир эмас.

Ён кўчадан унга томон қора ридо кийган православ попи чиқиб келди. Жалолиддин таниди: бу Силладаги Донишманд Платон монастрининг мутаваллийси Ота Дмитрий эди, Мавлоно у билан бир неча кун суҳбатлар қуриб, ҳузур қилган эди.

Поп Дмитрий эгилиб, салом берди, христиан ёхуд яҳудий руҳонийси мусулмон уламосини кўрганда, шундоқ таъзим этиши жоиз эди. Улар жавобан бош қимирлатиб қўя қолишарди.

Поп қандоқ эгилган бўлса Жалолиддин ҳам шундоқ эгилди. Поп Дмитрий яна икки карра ергача эгилиб таъзим қилди — афтидан, у гаплашмоқчи эди. Аммо Жалолиддиннинг суҳбатта ҳуши йўқ эди. Ўткинчиларни ҳайратга солиб, у ҳам поппа икки карра эгилиб, таъзим адо айлади-да, йўлида давом этди.

У ўзини банд этган нарсадан бошқаси устида гаплашолмасди. У кучи ҳам, фурсати ҳам оз қолаётганини ҳис этарди. Умр китоби «Маснавий»нинг беш жилди адосига етди. Шунинг учун одатдагидек, янги китобни бошлашдан олдин у ўз қалби билан хилватда танҳо қолиши керак эди.

Эскигина Синжари масжиди бунга қулай маскан эди. Бу ердаги ташландиқ хужрада у қалби билан истаганча гаплаша оларди. Ҳаммадан муҳими — бундан қирқ йил аввал мана шу масжидда у асрор йўлига ошно бўлган, бу йўлга уни бир пайтлар Балҳда зоҳирий илмлар ўргатган устози, ўша тиниб-тинчимас Саид Бурҳониддин бошлаган эди.

У ошиқиб, мажолсиз, оёқларини судраб, Арк ва ғалла бозори ёнидаги ҳунармандлар маҳалласини оралаб, болохоналарнинг айвонларидан тушган соялардан, қуёшни паналаб борарди. Кўча тор, рўбарў қурилган иморатлар шу қадар тигиз эдики, уларнинг бирида туриб, иккинчисига бемалол қўл чўзса бўларди. Бу ердаги ҳар бир девор, йўлдаги ҳар бир ўйдим-чуқур унга таниш эди. Унинг кўз ўнгидан умрининг Кўнёда кечган энг

оғир йиллари ўтарди, ўшанда отаси ўлиб, у муридларга муршид ва Гавҳартош мадрасасига воиз бўлиб, илк бор инон-ихтиёри ўзида қолган эди.

## ЛАРЗА

Ўшанда у атиги йигирма тўрт ёшда эди. Кўнғир соқол-мўйлов қоплаган ориқ юзида хиёл тафаккур акс этар, қадамлари ҳозиргидек оғир эмас, енгил, қотма гавдасини учириб олиб юрарди.

Ёшлигига қарамай, у катта олим саналарди: Балхдаёқ Куръонни ва кўплаб ҳадисларни ёд олган, уларга ёзилган жилд-жилд талқин ва таҳлилларни ўқиб-ўзлаштирган, Эрон шоҳлари тарихини, тасаввуф илмининг улуг сиймолари – собит Боязид Бастомий, донишманд Жўнайд, ҳассос Аль-Ҳаллож тариқатини яхши билар, сўфия шоирлари ва олимлари қўллаган рамзу ишоратлардан яхши хабардор эди.

Дамашқ ва Ҳалабнинг машҳур мадрасаларида у донгдор уламо ва шайхларнинг суҳбатини тинглаган, илми нужум, илми кимё, аль-жабр, илми ҳандаса, илми тиб асосларини ўрганган, форсийдан бўлак, араб ва юнон тилларини ҳам эгаллаган эди.

Султонул Уламо ўғлини фатво тузиш, ваъз айтиш санъатлари сиридан воқиф этган эди. Йигирма тўрт ёшида Жалолиддин воиз учун зарур бўлган ҳамма нарсага: илму маълумот, қувваи ҳофиза, хаёл-тасаввур ва нотикқлик малакасига эга эди. У беҳад-беҳисоб халқ ҳикоятлари, ривоятлари, қўшиқ ва тароналарини ёд билар, керак ўринда сўзида ишқилата оларди. Унинг тилига оташин Робия, шиддаткор Санойй, жонадон Фаридиддин Атгорнинг шеърлари оқиб келаверарди. Уларнинг панду ҳикмат дostonларини қайта-қайта ўқиб, ларзага тушган, улар билан бирга руҳий чўққилар сари неча бор парвоз этган, ўшаларнинг фикрлари, тимсоллари, сўзларини ўзига сингдириб олган эди. Ниҳоят, зарур бўлса, у ўшаларнинг руҳига кириб, ўзи шеър тўқий оларди.

Лекин илм бошқа, тажриба бошқа. Етакдаги талаба билан бошқаларни етакловчи устоз баробар эмас. Бунинг устига, Кўнёда уни яқиндан билувчи отасининг муридларидан фарқли ўлароқ, унга ҳасад қилувчи уламолар ҳам оз эмасди, улар ёш олимнинг иқтидорини шубҳа остига олишар, гарчи у Султонул Уламонинг ўғли ва вориси бўлса-да, қўлида устоз-шайхлардан ёзма шаҳодатнома – ижозаси йўқлигини пеш қилишарди.

Шунинг учун ҳам у отасининг қирқини ўтказиб, масжиди жомеда марҳумнинг хотирасига атаб бир неча бор ваъз айтгач, йўлга равона бўлди.

Яна йўли муборак шаҳарлар – Ҳалаб ва Дамашқ сари тушди.

У аср донишмандлари билан мулоқотда ўзини ва билимини яна бир бор синаб кўриш машаққатини бўйнига олди. Ҳалабадаги машхур Ҳалавийа мадрасасида у буюк араб олими, қози ва вазир Камолиддин ибн ал-Адим билан тўққиз қават осмон, ўзаро қоришиб, зоҳирий дунёни юзага келтирган чор унсур — ўт, ҳаво, тупроқ ва сув ҳақида суҳбатлашди. Улар қатралардан туғилган дарёдек, лаҳзалардан яралажак вақт-замон ҳақида гаплашишди. Дарёда сув доимий оқади, оққан қатралар қайтмайди, уларнинг ўрнига янгиси келади, лекин биз буни пайқамаймиз, зеро, оқимнинг доимийлиги унинг ҳаётидан далолатдир.

Ал-Адим яратувчи эгам вужуд, борлиқ — олам мавжуд бўлиб яшамайди, тўлқин денгиз моҳиятининг кўриниши бўлганидек, олам фақат Қодирул Ҳақ ҳаётининг намойишидир, деган қарашни ёқларди.

Дамашқнинг маърифатли дунёга машхур Мақдасийа мадрасасида Жалолиддин олимлар билан бирлик-ягоналик, яъни воҳиди мутлақ хусусида баҳс юритди. Дарахт данагида бир бутун дарахт — илдизлари, танаси, бутуқлари, япроқлари, меваси билан жо бўлганидек, ўша воҳиди мутлақда кўплик уруғи жо бўлиб ётади.

Фалсафа, мантиқ, илоҳиётнинг энг мураккаб масалалари устида машхур уламолар билан муҳокама юритиб, Жалолиддин сездики, унинг идроки учун қоронғу нарса қолмабди. Уламо ва шайхлар ёш олимнинг заковатидан ҳайратланиб, унга одатга хилоф равишда, бир неча ой деганда ижоза беришди, шу билан гўё Султонул Уламо номи билан машхур Баҳоуддин Валад Балхийнинг ўғли Жалолиддинга биз бошқа ҳеч нарса ўргатолмаймиз, деб эътироф этишди.

1232 йилнинг кузида у отасининг икки муриди рафоқатида Кўнёга қайтарди. Отларнинг туёғи остидан, худди денгиз тўлқинларидек, Шом саҳросининг тиканак босган қумлари оқиб ўтарди. Қум зарралари кирмасин учун юз-қўлларини ўраб олган бадавийлар ингичка оёқли туяларини ҳайдаб боришар, узоқда, қовжираган, қизғиш тепаликларнинг ёнбағларида майин жунли қўй сурувлари ўтлаб юрарди.

Олдинда баланд бинафшаранг тоғлар юксалиб турарди.

Тушдан сўнг кўкиш-қорамтир булут осмоннинг қарийб ярмини қоплаб олди. У ҳаммаёққа ҳайбат солиб, шитоб ила бостириб келар, гўё еру-кўкни зулматга қорғудек эди. Лекин булут осмоннинг нақ ярмига етганда шимолга қараб йўл олди, самонинг ғарбий қисмида қуёш ҳамон чарақлаб турарди. Булут Жалолиддинга мўғулларни эслатди, улар ҳам унинг юртини оёқости этиб, ҳозир шимолга қараб бурилишган, офтоб фақат салжук

султонлари давлати устида шуъла сочарди. Аммо бу ҳол кўпга чўзилармикин?

Йўллар, улар отаси билан бундан ўн йил олдин илк бор ўтганга нисбатан анча осойишта эди. Икки бора оёқости этилган Хуросондан қочадиган жонзот қолмаган, қўзғолон кўтарган шаҳарларнинг кули кўкка совурилиб ётар, мўғуллар ҳамма йўлларга пистирмалар кўйишганди... Муҳаммад хоразмшоҳнинг ўғли султон Аълоиддин Кай Кубод томонидан Яссичаман жангида тор-мор этилгач, кўп ўтмай, ҳалок бўлган, унинг беклари Хоразмнинг тикланишидан умид узиб, салжуқ ҳукмдори ажратган ерларга истар-истамай ўрнашишган эди.

Жалолиддин жим борарди. Ақл идроки етук ва равшан, қувваи ҳофизаси беҳисоб билимларни ўзида жамлаган, улуғ олимларнинг найча қилиб ўралиб, махсус хуржинда сақланаётган ижозаси шундан шаҳодат бериб турарди, фақат кўнгли негадир гаш ва безовта эди.

Нега инсон азоб ичра туғилиб, қўрқув ичра яшаб, афсуснадомат чекиб ўлади? Нега ақлу идрок соҳибларидан бир бурда нонни дариф тутишадия жоҳилларни мол-давлатга кўмиб ташлашади?

У шайхлар, уламоларнинг жавобларини яхши билар, ҳатто баъзиларини ақлан қабул қилар, аммо уларнинг ҳеч бирини қалбан қабул қилолмасди.

Шомга яқин улар қоятошда уйиб ясалган мағора олдида тўхташди. Бу ерда ўн йил аввалгидек, сўфий-зоҳидлар яшарди. Жалолиддин кўл қовуштириб, уларни таомни баҳам кўришга таклиф этди.

Зоҳидлар уламою фақиҳлар, расмий руҳонийларни риёкор санаб, уларга нафратланиб боқишарди. Аммо таклифни қабул қилишди, уларга ўн йил олдин яхши сўзлар айтиб, ақча инъом этган Султонул Уламанинг ўғлини танишди, шекилли. Лекин Тангри таоло бандаларига жоиз бўлганидек, валинеъматга раҳмат айтишмади: Султонул Уламо, унинг ўғли ҳам, бошқалар ҳам улар учун ёлғиз восита эди. Ҳақиқий валинеъмат Худо бўлиб, фақат ўшанга шукрона айтишди.

Қош қорайди. Икки шамчироқ горни ёритиб турарди. Зоҳидлар намозга туриб, йўловчиларни ҳам унутишди – зеро, улар учун дунё мавжуд эмас, улар учун ёлғиз Аллоҳ бор эди, бутун фикру зикрни ўшанга қаратишар, ўша оний марҳамати ила кўз ўнгимизда ҳақиқатни ёритар, деб умид қилишарди.

Уч ракаат намоз ўқилгач, йўл юриб чарчаган Жалолиддинни уйку элитди.

У кўз очганда, тонг оқариб қолган, зоҳидлар афтидан, бомдодни эндигина ўқиб тугатишган эди. Жалолиддин уларнинг

жиддий, ўйчан юзларига боқиб, савол бергиси келди – балки, бу зотлар чиндан ҳам руҳий камолга етишган, балки уни қийнаган муаммоларни аён этишар. У ифлос, жулдур кийим кийган зоҳидга тикилди, афтидан, у таннинг ташвишлари билан бўлиб, Тангри ҳақидаги ўйларини бузмаслик учун ювиниш, соч-сақолини қиришдан буткул воз кечган эди. кўзи кўзига тушаркан, Жалолиддин ундан сўрашга жазм этди:

– Ҳазратим, сўрашим жоизми? Нега юрак қайғу чекадур?

Чол унга ҳайрон кулиб боқди: унинг хаёлини бўлган бу – ким бўлдикин? У жим турар, Жалолиддиннинг назарида, гўё сўз сўраб, узоқлардан етиб келган акс-садога қулоқ тутарди. Ниҳоят у йиллар бўйи сўз қотмагандек, бўғилиб-ҳирқираб гапирди:

– Бир кўп қалблардан қайғу садоси учадир, баъзилардан – доира садоси. Қалбимга ҳарчанд кўз тикамен, тинглаганим – қайғу садоси, доира садосидан асар йўқ!

– Бандасининг саъй-ҳаракати ила бирор нарсага эришиб бўлармикин? – сўради Жалолиддин яна, зоҳид ўй-хаёл дарёсига тагин фарқ бўлишидан чўчиб.

– Йўқ! Лекин саъй-ҳаракатсиз ҳам бирор нарса рўёбга чиқмагай! Бировнинг эшигида бир йил ўтирсанг, у ниҳоят: «Кириб истаганингни ол!» – дейдир. Магар эшигида эллик йил туриб кўрчи – мана, мен кафил!

Зоҳид жим қолди. Жалолиддин унинг илдиздек қоп-қора қўлига лабларини босди. Кекса гадо саховатли эди: у кафолат учун бор бисотини, балки ўзини бағишлади.

Зоҳиднинг сўзлари дудмол эди. Лекин Жалолиддин уларда ўз қалбининг акс-садосини тинглади. Бир пайтлар болаликда, кейин Ларендеда янтрагандек, хуррам ва бахтиёр доира садоси унинг қалбида тагин янтраши лозим. У эллик йил эмас юз йил кутишга ҳам рози. Фақат қайси эшикда кутсин? Қандай кутсин?

Жалолиддин Кўнёга қайтиб билдики, унинг йўқлигида Гавҳари сўнибди, қандай яшаган бўлса, шундоқ нолимай-нетмай, унинг йўлларига термулиб, дунёдан аста кўз юмибди. Унинг Гавҳари, қалбининг оппоқ, нузли дурдонаси. Унинг қиёфасини болаларига кўчирган ҳам ўша эди: аёл кишининг севган ёрига ҳиммати бундан ортиқ яна не бўлур? Гавҳар туфайли у Ларендеда дунё билан бириккан, ўз қалбида бир лаҳза доира садосини тинглаган эди!

Арзимас гуноҳи учун унинг қалбида қайғу садоси шундоқ қанот ёздики, унинг ваъзи, панд-насиҳатларига қулоқ тутадиган ҳар бир кимса буни эшитадиган бўлди. Донишмандлар айтишган: «Дил – денгиз, тил – қирғоқ. Денгиз тўлқин кўтарса, қўйнида борини қирғоққа чиқазиб ташлайди».

Жалолиддин Дамашқ ва Ҳалабдан келтирган ижозани кўриб, тилларини қисган ҳасадчи уламолар яна илондек вишиллаб қолишди. Эмишки, Аллоҳнинг иродасига зид бориб, унинг бандаси ўлимига, боз хотин киши вафотига шунчалар куйиниш уламога муносиб эмас! Султонул Уламонинг вориси ҳали камолга етмаган, бас, унинг ўрнини босишга ҳам ёшлиқ қилур.

Қайғу унинг қалбини қақшатиб юборди. Ҳа, у ҳали комил эмас, ўзи ҳақида ҳисоб бермай туриб, бошқаларни ўйлай олмайди.

Унинг Гавҳарини яширган ер оёқларини куйдира бошлади. Шаҳарда туришга тоқати тугаб, бир пайтлар ўзи бахтиёр бўлган манзилга томон ёлғиз ва пой-пиёда йўл олди. Уз қайғусини тўйгунча чекиб, ўлиш ёки Ларендени қуршаган қорли тоғлар қўйнида, муздек мусаффо жилғалар қилиб руҳан тирилиш учун жўнади.

Дарвеш унга найча қилиб ўралган мактубни шу ерда, Қоратоғ яйловидаги зилол чашма бўйида топширди.

Бироз шошилиб ёзилган, зеру-забарсиз, йирик-йирик ҳарфлардан унга аллақандай қадрдон, аммо аллақачон унутилган бир нафас уфурди. Наҳотки ўша бесабр Саид Бурҳониддин ёзибди? Бу ҳусниҳатни кўрмаганига ўн йилдан ошди... Мактуб мўғуллар аллақачон босиб олган Термиздан дунёнинг бу чеккасига нечук етиб келмиш? Саид Бурҳониддин тирикмикин ёки бу сўнган юлдуз шуъласими?

Саид Бурҳониддин ёзарди: устози Султонул Уламо вафотини Термизда эшитиб, узор-зор йиғлаб, кўз ёши тўкибди, Куръон ўқиб, марҳумнинг руҳига бағишлабди, тунлари ухламай, қирқ кун мотам тутиб, элга ош берибди.

Султонул Уламонинг ўғли, унинг шогирди ва суюкли талабаси якка қолмиш — алҳол Саид Бурҳониддин унга ота ўрнини босмоғи лозим, зеро, устоз уни халифа — ўринбосар деб атамишди. Қандоқ бўлмасин, у Жалолиддинни топмоғи, ҳақиқатнинг хатарли ва машаққатли йўлларида у қолдан тойган дақиқаларда суянчиқ бўлмоғи даркор. Лекин у саҳро, дарё ва тоғлар ошиб, Кўнёга етиб келгунча, орадан бир йил ўтибди. Мана, энди Саид ўз шогирди ва шайхзодасини султон пойтахтида, Синжари масжидининг бир бурчагини канора тутиб, кутиб ўлтирибди.

Жалолиддин мактубни аввал кўзига, сўнг манглайига босди. Унинг устозини Сирдон деб бежизга айтишмаган. Жалолиддин ўзи ҳали ғира-шира илғаган яширин эҳтиёжни у нечук сезиб, нечук англабди? Шу ёруғ оламда у ҳузурда қалбини тўкиб, қалбига қувват оладиган кишиси — ёлғиз шу Саид эди.

Жалолиддин мактуб келтирган дарвеш изидан дарҳол Ларендега жўнади. Отлар шай эди, улар шу тундаёқ Кўнёга қараб шошилишч йўл олишди.



Саид унга масжиддан пешвоз чиқиб келди. Улар кучоқлашиб, бир-бирларини бағирларига босиб, узоқ туриб қолишди: ёш, маънос, хушсуврат уламо ва кексайган, жанда-чопон кийган сўфий. Жалолиддин тўн устидан ҳам устозининг чўп-устихон бўлиб қолганини сизди. Юзига тикилди: эти суягига ёпишган. Қирра бурни янада ингичка тортиб, жағ-жағидан ўтиб кетибди, оғзида тиш қолмабди. Аммо чуқур ботган кўзлари ҳурпайган оппоқ қошлари устида янада шиддаткор ва шижоаткор ёнади.

У Саидни отасидек иззат-икром қилиб, Гавҳартош мадрасасига бошлади, унга ўз ҳужрасини бўшагиб берди.

Саид шу ондаёқ жавобни қўйиб саволга ўтди: шариат қонунлари, ҳадис талқинлари, илми нужум ва илми тибга доир муаммоларни бирпасда қалаштириб ташлади. Илми тибда у юксак поятга етган, зеро, Абу Али ибн Сино шогирдларидан сабоқ олган эди.

Жалолиддин ҳеч қачон бундоқ оғир имтиҳондан ўтмаган эди.

Шогирди жавоб бераркан, сўфийнинг чеҳраси ёриша борди. Ниҳоят, у сакраб оёққа турди-да, ёш уламо бошига энгашиб, ошиқиб-тошиқиб деди:

– Илми иймон ва илми зоҳирийда отангдин ҳам зул-жалолсен. Лекин падали бузрукворинг соҳиби илми асрор ҳам эрдилар. Мен ул зоти шарифнинг шарофатлари туфайли ана шу илмга ноил бўлдим, умид улким, эмди сени шу йўлга бошлаймен, токи илми асрорда ҳам отангга ворис, балки баробар бўлгайсен...

Жалолиддин қувонч ва қатъият ила тиз чўкиб, тавба қилди, камолот йўлидан бошласин, деб ўзини устоз қўлига топширди.

Унинг ўз-ўзи томон йўли ана шундоқ бошланди.

## БИЛИШ ВА ЯШАШ

Кўёш баланд кўтарилган, унинг нурлари қайроқ ётқизилган йўлларни қиздиргандан-қиздириб борарди. Жалолиддин юраги ўйнаб, эскигина Синжари масжидига етиб келди-да, чарм пардани кўтариб, ичкари кирди. Намиққан ғира-ширада кўзлари бир лаҳза ҳеч нарсани кўрмади. У тўхтаб нафасини ростлади, қуёшнинг яллуғи елкасини ёндирмаётганига хурсанд бўлиб, енгил сўлиш олди. Бир пайтлар Саиднинг сўзларини қувончу қатъият билан қаршиларкан, шундоқ енгилланиб нафас олган, сабабки, ўшанда ўзи учун масъулият тағин устози елкасига кўчган эди. Энди қариган чоғида у ўзи учун Ҳақдан бўлак ҳеч кимсанинг олдида маъсул эмас.

Нимқоронғуликка тикилиб, Жалолиддин тап-тақир гилам устида ухлаётган фақирни илғади. У кафтларини боши остига қўйиб, ғужанак бўлиб олган. Ўликдек қотиб ухлаяпти. Худонинг уйида ухлаяпти, деганча бор

Минбарга яқин ерда қари дарвеш чордона куриб ўлтирибди, бармоғи лавҳ устидаги очиқ китоб сагрларида, лаблари унсиз шивирлайди. Яна сабоқ ёдлаётган бир-икки талаба кўзга чалинади.

Шоир силлиқ бўйра устидан юриб ўнг томондаги даҳлизга яқинлашди. Даҳлиздан ҳужраларга ўтилар, Саид Бурҳониддин Кўнёга келганда, ана шу ҳужраларнинг бирида истиқомат этмишди.

Жалолиддин эшикни итарди. Эшик очилмади, куч – мадори қолмабди, шекилли. Йўқ, эшик михлаб, тамбалаб ташланган. Ҳа, ҳужралар ҳам аллақачон бузилиб кетган бўлса, ажабмас, қирқ йил олдин шалвираб-тўкилиб турган эди. У афсус-надомат чекиб, ўйлади: барча қариялардек у ҳам аллақачон йўқ бўлиб кетган нарсаларни бор деб, ўйлаб юради, кейин ахтариб тополмагач, ҳайрон бўлиб, туриб қолади.

У аста тиз чўқди.

Келинг китобхон, кекса шоирни 1270 йил ёз кунларининг бирида Кўнёдаги Синжари масжидида холи қўйлик, токи у ўз-ўзи билан гаплашиб олсин. Зеро, ҳикояни давом эттиришдан олдин, сўфийлар илми асрор, деганда нимани кўзда тутишган, устози Саид Бурҳониддин Сирдон ёш Жалолиддинни қайси йўлдан бошлаган эди, деган нуқталарни изоҳлаш лозим.

Тасаввуф ўз-ўзини идрок этиш ва ўз-ўзини камолга етказиш йўлини уч асосий босқичга бўларди. Биринчи босқич – шариат, яъни, Қуръон ва Муҳаммад пайғамбар ҳақидаги ривоятларда акс этган қонун-қоидаларни бажариш даври, аниқроғи, тайёргарлик босқичи. Лекин бу ҳали йўлга кириш деган гап эмас, зеро, уларни бажариш ҳар бир мусулмон учун фарз. Сўфийлар учун ҳам шундоқ: фақат ислом қонун-қоидаларини ўзлаштирган тақдирдагина, яна олға юриш, иккинчи босқич – тариқатга ўтиш мумкин.

Биринчи тайёргарлик босқичи – шариат сўфийларда мантиқий билимларга тўғри келар, илми зоҳирий, деб аталарди. Сўфийлар мантиқий билимларнинг аҳамиятини рад этмаган ҳолда, уни маҳдуд – чекланган деб қарашар, зеро, у фақат аломатлар, хоссалар, хусусиятларни илғар, уларнинг таъбирича, жавҳари зотга эмас, сифатга боқар, бинобарин, унинг маҳсули «ҳақиқат эмас билҳақиқат» эди. Мантиқий билим бутунни бўлақларга бўлиш – таҳлил ва санжоб қилиш ила рўёбга чиқарди. Илоҳий ҳақиқат эса ўз моҳиятининг мутлақ бўлиши эътибори билан таҳлил ва санжобга йўл қўймайди, бас, уни мантиқий йўсинда идрок этиш мумкин эмас.

Сўфийлар ақлий мушоҳада ортида тағин бир мушоҳада бор,

деб ҳисоблашар, уни илми ғайб деб аташарди. Фақат илми ғайб воситасида манتيқий қонунларни билиб бўлмаганидек, илми ғайб очадиган нарсаларни мантиқ очолмасди.

Совет олимлари, айниқса, атоқли эроншунос Е.Э. Бертельс тадқиқотлари<sup>1</sup> шунини кўрсатдики, сўфий-шайхлар аслида экспериментал психология билан шуғулланишган. Ўз-ўзини қатъий чеклаш – мувоқаб ва ўз-ўзини кузатиш – муҳосаба йўли билан мақсадга мунтазам интилиш орқали улар ўзларида буюқмас ирода, ўлимга ҳам тик кулиб боқувчи жасорат каби сифатларни, бошқаларнинг «ўй-хаёлини ўқий олиш», ўзида ва ўзгаларда гипнотик ҳолатларни юзага келтириш малакасини тарбиялашган, шубҳасиз, бу нарсалар ўша давр кишилари наздида ғайритабиий ва ғаройиб бўлиб кўринган ва шайх-сўфийларнинг мўъжизакорлик шухратини эл орасида кенг ёйган эди. Сўфийларнинг тасавурида идрокдан хориж, яъни, онг усти ҳодисаси бўлиб кўринган нарса аслида идрок доирасидаги, яъни, онг ости ҳодисаси эди. Тарикат шу йўсинда сўфийларни ҳозирги замон илмий ибораси билан айтганда, психо-анализ методикаси билан қуроллантириб, ўзида ва ўзгаларда кечадиган ғайришуурий жараёнларни бошқаришга ёрдам берган.

Еш Жалолиддиннинг унинг устози ана шу йўлдан бошлаган эди.

Ҳақиқат сари элтувчи йўл тимсоли, Е. Э. Бертельснинг фикрича, тўхтам-мақом тимсолини келтириб чиқарган, уларнинг ҳар бири йўлнинг шу босқичида йўловчига хос бўлган барқарор бир руҳий ҳолатни акс эттиради.

Йўл бошидаги биринчи мақом – «тавба» саналиб, руҳий ҳолат йўналишини тамом ўзгартирар, йўлга кирувчи энди бутун фикру хаёлини фақат ҳақиқатга, мутлаққа қаратарди. Йигирма беш яшар Жалолиддин устози билан Кўнёда илк учрашган куни тиз чўкиб, ана шундоқ тавба қилган эди.

«Тавба» мақомидан сўнг «вараъ» – ҳушёрлик мақоми келар, у ҳаром билан ҳалолни қатъиян ажрата билишда акс этарди. Вараъ, аввало, таомга дахлдор эди.

Ҳушёрликдан – ўзни тийиш, яъни «зуҳд»га ўтилади. Ҳаромдан ҳазар қилган йўловчи ана шу қоидаги қаттиқ риоя қилиб, зебу-зийнат саналмиш – яхши либос, яхши таом, хулласки, унинг диққат-эътиборини ҳақиқатдан чалғитувчи ҳар нечук фоний ва бебақо нарсадан ўзни тияр, тийилишлар доираси шу йўсин кенгайиб, ҳар қандай тилақдан воз кечишгача бориб етарди.

«Зуҳд» йўлчининг «фақр» мақомига етакларди. Дунёвий неъматлардан воз кечишдан иборат фақр ўзини тийиш қоида-сига изчил риоя этишдан келиб чиқарди. Лекин кейинчалик фақр фақат моддий фақирликни эмас, онг-шуурни ҳам кўзда

тутар, буткул онг-шуур – рухий ҳолатларгача, энди йўлчининг шахсий бисоти саналмасди.

Фақирлик ва ўзни тия билиш ёқимсиз кечинмалар билан боғлиқ бўлгани учун, улар изидан «сабр» мақоми келарди. Бу ерда сўфий машаққатларга чидашга ўрганарди. Тасаввуф сий-моларидан бири Жунайднинг таъбирича: «Сабр – сира парво этмай, қалампир ютишга баробар» эди.

Йўловчи «сабр» мақомидан «таваккул» мақомига қараб йўл оларди. Бунда умр бир кун, ҳатто бир лаҳза деб тасаввур этилар, эртанги кун ташвишидан тамом воз кечиларди. Шунга кўра, сўфийлар ўзларини «ҳозирийлар», яъни, ҳозирги дақиқа билан яшовчилар, деб аташарди. Ўтган дақиқа ҳам, келажак дақиқа ҳам ҳисобга кирмасди. Бу ерда олам ҳар лаҳза емирилиб туради, деган тасаввур билан алоқадорлик кўзга ташланади.

Сўнгги икки мақом тариқатнинг охириги манзили – «ризо»га бошлайди, бу «толе олдида хотиржамлик» деб ҳам аталади. Бу шундай рухий ҳолатки, ҳар нечук зарба ва ҳар нечук зафар хотиржамлик ила қарши олинади, улар йўлчига қувонч ҳам, қайғу ҳам бағишламайди. Шахсий толе-тақдир ва атроф-теварақдаги воқелик ҳам бирор аҳамият касб этмайди. Бу ҳолат қадимий юнонлар «устуворлик» деб атаган ҳолатга жуда яқин туради.

Тасаввуф олимлари фикрича, шу ерда тариқат тутаб, камолга етишнинг сўнгги босқичи – «ҳақиқат», яъни, ҳақиқий ҳаёт бошланади. Шунга етган сўфий «ориф» деб аталади. У ҳақиқатнинг моҳиятига гўё савқи табиий билан етади. Шунга биноан сўфийлар ўзларини «ҳаққа етганлар», яъни ҳақиқатни савқи табиий билан билишга қодир, деб аташади. Шундай қилиб, анъанавий тасаввуф, идеалистик таълимот сифатида, савқи табиий йўли билан бўлса-да, мутлақ ҳақиқатни билиш мумкин, деб ҳисоблайди ва шу ўринда диалектикадан четга чиқади. Аслини олганда, сўфийлар ҳақиқат босқичида ўз рухий ҳолатларини шундоқ даражага етказишардики, уларнинг онги мушоҳада объекти билан қоришиб кетарди.

Юқорида кузатганимиз уч босқич – шариат, тариқат ва ҳақиқат сўфийлардаги билишнинг уч босқичига мувофиқ тушарди. Биринчиси – ишончли билимлар, «илм-ул-яқин». Уни шундоқ ташбиҳ ила изоҳлашади: «Менга неча бор исбот этишган, гарчи тажрибамда синаб кўрмаганман, аммо яхши биланман, оғу заҳарлайди, олов куйдиради». Бу одатдаги мантикий билиш босқичи эди.

Иккинчи босқич – тўлиқ ишонч, «айн-ал-яқин». «Мен ўз

---

<sup>1</sup> Е. Э. Бертельс. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. М., 1965.

кўзим билан кўрдим, оғу заҳарлайди, олов куйдиради». Бу тажрибага суянган билиш эди.

Нихоят, сўнги босқич – комил ишонч, «ҳақ-ал-яқин». «Мен ўзим оғу ичиб, оловда ёниб кўрганман, ишонч ҳосил этдимки, оғу заҳарлайди, олов куйдиради». Ҳақиқат босқичига мос бўлиб тушувчи бу босқичда сўфийларнинг фикрича, субъектнинг объект билан, кузатувчининг кузатилувчи билан тугал қўшилиши, бирининг иккинчисига сингиб кетиши юзага чиқади.

Ҳар учала босқич феълдан иборат учлик: «билиш, кўриш, яшаш» ила изоҳланади. Учликнинг икки чеккасидаги «билиш» ва «яшаш» ўртасидаги алоқадорликка эътибор қилайлик. Комил инсон, сўфийларнинг фикрича, билимларни эгаллаб олгач, ўзининг маънавий ва маиший тажрибасини уларга мослаши лозим. Орифнинг шахсий ахлоқи билан қўшилмаган билимлар наинки бефойда, балки ҳалокатлидир. Улар уни расмий уламолар ботган риёкорлик ботқоғи сари етаклайди.

Шу тариқа сўфийлар илм билан ахлоқ, ақл билан туйғу, ҳақ-ҳақиқат билан ҳақ-адолат ўртасида алоқадорлик кўришарди.

Тариқатни ўтиш махсус, кенг билимларга эга бўлишни талаб этарди. Ўз бошича, таваккал қилиб, онг ости сирларини билмоқчи, сўфийлар таъбирича, илми асорни эгаллашмоқчи бўлганлар соғлиқ ва ақл-идрокни бой бериб, ўзини ҳалокатга дучор этишлари ҳеч гап эмасди. Шунинг учун ҳам: «Пири йўқнинг пири – шайтон» дейишарди.

Гайришуурий ҳодисаларни ўрганишда ҳиссий ҳаёт негизларидан бири бўлмиш шаҳвониятга ҳам суянувчи ҳозирги замон психаналитикларига ўхшаб, сўфий-шайхлар шариятда раҳнамо ақл бўлса, тариқатда раҳнамо муҳаббатдир деб қарашарди. Сўфийлар ҳақиқатни – маҳбуб, маъшуқа, ўзларини ошиқ, деб аташларини эсласак, улар ҳиссиётининг маънавиятга ўтишга имкон берувчи психофизиологик ҳодиса – сублимациядан нақадар самарали истифода этганликлари маълум бўлади.

Сўфийлар ҳиссий – интуитив билишни умуман билишнинг олий шакли деб ўйлашарди. Шунга кўра, ҳар бир сўфий-шайх ўз шогирдларида ташбиҳли тафаккур қобилиятини ўстиришни зарур, деб ҳисобларди.

Лекин ташбиҳли, тимсолли тафаккур санъат майдони эди, бинобарин, сўфиёна ғоялар қонуний равишда ўз олий ва мукамал ифодасини шеърятда топарди. Файласуфлар учун ўз фикрларини умумий-мантиқий мезонларда ифодалаш нақадар табиий бўлса, шеърый нутқ ҳам атоқли шайхлар учун шу қадар табиий эди.

Албатта, ҳамма ҳам тариқат йўлига кириб, охиригача боролмасди. Сўфийлар: «Насиба ҳаммага баробар берилади, аммо ҳар

ким қурби етганича олади», – дейишарди. Ягона йўл – тариқатни ўтиш оқибатида турлича табиатлар юзага чиқарди. Тасаввуф тарихи давомида биз шиддаткор ва сокин, қаттиққўл ва мунис, жазавали ва ёлғиз ўзининг худо билан муносабатини ўйловчи, босиқ-вазмин шайхлар, нотиқлар, воизлар, жангчи муборизларни кўрамиз.

Бу ўринда албатта, давр, муҳит, сўфий ва унинг устозига хос психологик хусусиятлар, интилишлар ҳам акс этарди.

Жалолиддиннинг устози қаттиққўл ва жазавали эди. Балҳда Султонул Уламонинг ўғитларини тинглаб, у баъзан шундоқ жазовага тушардики, ўзи сезмаган ҳолда дод-фарёд солиб, шайхнинг сўзини бўлар ё бўлмасам оёғини манқалдаги оловга тикиб оларди. Шунда сабр-бардоши битган Султонул Уламо муридларига: «Саидни ташқарига чиқариб ташланглар, токи мажлисимизга халал бермагай!» – деб буюрарди.

Султонул Уламодан фарқли ўлароқ, Саид у қадар тумтароқ эмасди. Расмий уламоларга ўхшаб, Султонул Уламо шароб ичиш ҳамма учун, шу жумладан, сўфийлар учун ҳам ҳаром, деб ҳисобларди. «Шароб – дерди у – инсонни илиққан ит, ифлос чўчқага айлантиради». Бунга жавобан Саид бир гал: «Кўтарганга – ҳалол, кўтармаганга – ҳаром», – деган эди. Ўз пирига ўхшаб у воиз бўлмади, зоҳид бўлди. Гоҳида ўй-хаёл дарёсига шу қадар фарқ бўлардики, бор дунёни унутарди. Қариган чоғида уни Қайсариддаги масжидларнинг бирига имом қилиб кўтаришди. Баъзан шундоқ бўлардики, намоз пайти бошқаларни унутиб, сотлаб сажладан бош кўтармасди.

Ниҳоят, имомликдан ўзи воз кечишга мажбур бўлди:

– Мўминлар, айб айламанг! Жунуним бошимга чиқиб, сизни нутамен! Ўзларингга ақли-хуши бутун бир имом топинглар...

## СИНОВ

Жалолиддин оёққа турди. Саид унга қўл чўзган, қўлида ҳирқа бор эди. Уни ёш уламога кийдириб, белига ридо камари ила бойлади. Шу ондаёқ Жалолиддиннинг қўнғир, жингалак сақолини қиртишлаб, қошларини юлиб, сочини қиришди. Саид унинг бошига дарвешлик қалпоғи – сарпўш қўндирди. Шу нафасдан эътиборан у уламо ҳам, воиз ҳам, мударрис ҳам эмас, балки Саид Бурҳониддин Сирдоннинг кўп сонли муридларидан бирига айланди.

Мурид – ўз измини ўзгага топширган кимса, дегани. У шайхга ҳамма нарсада сўзсиз бўйсунити, мақсадга мувофиқми-мувофиқ эмасми, зарурми-зарур эмасми, қатъий назар, унинг ҳар бир сўзи, ҳар бир фармойишини бажариши лозим эди.

Синов одатда муриднинг муридид иродасига қанчалар бўйсунганини имтиҳон этишдан бошланади. Жалолоддин отасидан талайгина гуру мерос олган, буни яхши билган шайх дастлаб ана шу жиҳатни баргараф этмоқчи бўлди.

Мана, Султонул Уламнинг ўғли, мусулмон дунёси пешволари бир оғиздан эътироф этган олим, султон пойтахтида мажиди жоме воизи, мадраса мутаваллийси ҳожатхоналарни тозалашмоққа киришди. Шайх шундоқ деб буюрган. У аяб ўтирмади, шоғирдидаги худбинликни бошқалардан кўра қаттиқ сиқувга олди. Жалолоддин бунда айрича меҳр-муҳаббат белгисини кўрди.

Баҳор келди. Тоғдан эриб тушган сувлар ариқлар, каналларни тўлдирди. Оғиз-бурнини бир парча оқ латта билан ўраб олган Жалолоддин чарм челақларда ахлат таширди. Ахлатхоналар тубсиздек туюлар, негаки бугун тозаланган хандақлар эрталабгача баҳор сувларига лиқ тўлиб турарди. Тунлари ҳаммомда уч карра чўмилиб, то саҳар хўрозлар қичқиргунча, отасининг «Маориф» китобида жамланган мулоқотларни ўқир эди. Пири ана шу китобни бир юз бир карра ўқишни буюрган.

Жалолоддин сабоқларни қувончу қатъият билан адо этарди. У жисмини солган қийноқ ва маҳрумиятлар қалбида Гавҳар ўлимини эшитиб, қўзғалган оловни пасайтиргандек бўлди. Лекин, баҳар ҳол, қалбининг қаърида у шайхнинг «Энди бас, кифоя» дейишини кутарди. Аммо Саид индамасди.

Жалолоддиннинг доимий очлик қийнар, бироқ димоғига ўтиришган бадбўйдан озига туз соломасди. У озиб-тўзиб, уйқусизликдан ёнган кўзлари ич-ичига чўкиб кетди.

Жала сувларининг шашти кесилгач, маълум бўлдиги у ўз ишини адо этибди. Лекин пир ҳамон бир нима демас, Жалолоддин эса кундуз йиғилган ахлатни кечаси ташидан бўшамасди. Иш камайганини кўрган Саид янги сабоқ берди: у шаҳарда икки мурид билан жамоа учун садақа сўраши лозим.

Бу ҳожатхона тозалашдан ҳам қийин эди. Сабоқни ўзингникилар олдида бажариш бошқа, улар бу шайхнинг буйруғи эканини билишади. Лекин бегоналар олдида, тагин собиқ мухлисларнинг ҳузурда эгилиб-букилиш нақадар машаққат.

Ҳаммадан мушқули шайхлар, фақиҳлар, уламо ва қорилардан садақа сўраш эди. Улар ҳар гал унга яширин заҳарханда билан садақа беришадигандек туюларди. Ҳолбуки, соқол-мўйлови қирилган, ана шу ориқ дарвеш Султонул Уламнинг ўғли эканини ҳамма ҳам билвермасди.

Тунги бедорлик ва жисмоний маҳрумиятлар туфайли ўткирлашиб қолган сезгиси унга одамларнинг биргина сўзи, қараши, кўзга илинар-илинмас қилиғидан уларнинг одати, майли ва табиатини билиб олишни ўргата бошлади. Улар борган сайин ўз ҳою

ҳавасларининг жонсиз қуроли бўлиб туюлар, худди минжанақларга ўшашарди: тош қўйиб, тепкини боссанг, бас, қарсиллатиб отаверади. Ҳар гал маълум таъсир, маълум натижа берарди.

У шундоқ маҳаллаларда бўлдики, илгари уларнинг борлигини ҳаёлига ҳам келтирмасди. Қовоқхоналарда маишатта муккасидан кетганлар, худди итга суяк ташлагандай, унинг кашкулига чақа ташлашарди. Қиморхоналарда ҳиноларга бўялиб, дўмбиллаб юрувчи, арфа чалувчи аёллар ўз гуноҳларининг сазоси учун садақа беришарди. Карвонсаройлар ва савдо расталарида хайр-садақа илгаридан ҳисоб-китобли эди – бу ерларда корчалонлар яшашарди. Шариатга кўра, даромаднинг ўндан бир улуши хайрия ишларига сарфланиши лозим эди. У гоҳ савдода зиён кўрилган кунлар, гоҳ ўндан бир улуш тарқатилгандан кейин келарди. Савдогарлар ҳар ҳолда судхўр ва олибсотарлардан кўра сахийроқ бўлишарди: улар кори хайр ва дарвешларнинг дуоси молу жон ва олис йўллардаги карвонларни бало-қазодан асрагай, деб умид қилишарди.

Уни қашшоқ-фақирларнинг қалби жазб этарди. Баъзан улар ҳам шарофатини бу дунёда кўрмасам, у дунёда кўрарман деб садақа беришарди. Кўпинча ориқ, тиланчи дарвеш билан бир ҳовуч гуручни бажону дил баҳам кўришар, гоҳо бу ишни бир оз торгиниб-қимтиниб қилишарди. Тупроқда чирик бўйрада ётиб, кўча-кўйдаги вайроналарда, йўқ, қишин-ёзин ахлаг оқадиган зовурлар бўйида яшовчиларнинг самимияти ва кўнгилчанлиги уни тез-тез шаҳар чеккасидаги маҳаллаларга етаклар эди. Хунармандрларнинг маҳаллаларида бўлиш ҳам унга хуш ёқарди: халфа-ахйлар бир дастурхон атрофида тўпланиб, овқатланишар, ҳамиша тиланчи дарвешга бошқалар билан баробар улуш ажратишарди.

Зодагонлар эшигида аҳвол бўлакча эди. Бойлик ва амалда баланд пояларда турганларнинг хизматкорлари ўта безбет ва тақаббур бўлишарди. Бичилган қуллар ўз подшоларининг аврати билан мақтанганидек, улар ўз хўжайинларининг садақасини «ҳамин қадар» деб, оғиз кўпиртиришарди. Бу Жалолиддиннинг ҳавасини эмас, ҳайратини кўзғарди.

У биргина баҳор ва ёз ичида шаҳар ва унинг фуқаросини олдинги бир кўп йиллардан кўра яхшироқ билиб олди. Гоҳо бир кун ичида шундоқ кирдикорларни кўрардики, сўнг хонақога қайтиб, ҳожатхоналарни шу қадар ошиқиб-тошиқиб тозаланига пушаймон қиларди: у ёқда пича иш қолганда, ҳозир ҳар эрталаб шаҳарга чиқмаган бўларди.

Сайдни Сирдон деб бекорга айтишмаган: Жалолиддин шундоқ фикрга келиши билан у ҳожатхона тозалашни тўхтатди.

– Сен сабоқни адосига етказдинг. Лекин ёдингда бўлмай: юракни тозалаш ҳожатхона тозалашдан мушкулроқ.



Унинг пири, қўплаб зоҳидларга ўхшаб, очликни ҳикмат хазинасининг қалити, деб биларди. Дунёда рўза тутмайдиган халқ йўқ. Лекин ўз-ўзини билмоқчи бўлган киши, шайх фикрича ҳар куни рўза тутиши лозим.

— Белкурак тупроқ қатини ағдариб, сув чиқазганидек, очлик идрок ва фаросат чашмасининг кўзини очур, — дерди Саид Бурҳониддин. — Очлик — йўлчини адашмай манзилга элтгувчи от. Лекин уни кам-кам миниб, оз-оздан ўргатиш дарқор.

Кеча-кундуз димоғига урган бадбўйдан қутулган Жалолиддин ўзини қорли қиш эртаси инидан чиққан оч бўридек ҳис этди. Лекин пирнинг буйруғига биноан, уч-тўрт кунлаб оғзига сув ва бир бурда қуруқ нон, баъзида хом ёки шўртак шолғомдан бўлак ҳеч нарса солмасди. Шайх шолғом кўзни равшан қилади деб ўйларди.

Очлик азоби унинг тинкасини қуритди. Шунда пир бир куни тонг билан уни шаҳарга олиб тушди.

Улар султон саройи жойлашган тепаликни ёналаб, катта гузардан ўтишди, ўнг томондаги бозорга қайрилиб, қассоблик растаси бўйлаб юришди, калла-поча билан савдо қилувчи дўкон олдида тўхташди. Дўкон айвонидаги чангақларда қўй ва қўчқор каллалари, жигар, юрак ва елинлар осилиб турарди. Катта ёғоч тоғорада — итларга деб солиб қўйилган қизғиш қуйқа ичида ичак-човоқ қолдиқлари сузиб юрарди.

Қассоб ҳайратланиб, таъзим-эҳтиром ила шайхга пешвоз чиқди. Уламолар бу ёқларга оёқ босишмас, фақат қози Сирожиддин ва шайх Садриддин Кунявий ўз хизматкорларини юборишарди.

Саид уни ишорат ила тўхтатди. Ичак-човоқ солинган, устида яшил, кўкимтир папшалар ғужғон ўйнаган тоғорани кўрсатиб, Жалолиддинга юзланди: — Сабр-бардошим битганда, мен шу ерга келиб, ўз-ўзимга дердим: «Эй, кўзи кўр нафс! Мен сенга ана шу ит емишидан бўлак ҳеч нарса беролмаймен, истасанг, ол, е!»

Жалолиддиннинг хаёлида шу ондаёқ чизилди: у тўрт оёқлаб туриб, ириллаган итларни нари-бери суриб, бошдан-оёқ қонга беланиб, ана шу чучмал-қўланса қуйқани ялайди...

Уч кунгача кўнгли айниб, туз тотмади...

Кузга бориб, очликка анча кўникиб қолди, шайхнинг кенгаши билан қорнига тош бойлаб, очликни жиловлашни ҳам ўрганиб олди. Ана шунда пир тағин бир сабоқ берди. Ота мулоқотлари бир юз бир карра ўқилган эди. Энди шайх ноқулай алпозларда ўлтириб — икки букилиб, бир оёқни чўзиб, иккинчисини йиғиб, ухламай, соатлаб Куръоннинг гоҳ у, гоҳ бу сурасини ўқишни буюрди. То шеърини оҳанг ва садо тасавурида тимсол ва суврат пайдо этмагунча, сурани такрорлайвериши шарт эди.

Муриднинг иродасини тоблаб, уни ўз-ўзидан устун келтириб, шайх энди диққат-эътиборини бир нуқтага йиғишга ўргатарди.

✓ Суҳбат чоғи бир мурид Саиддан сўради:

✓ – Ким ўзини Аллоҳга бағишлаган деб айта олур?

– Бурнидан чиққан ҳар бир нафас «Аллоҳ! Аллоҳ» дегувчи зот, – деб жавоб берди шайх.

Кейин илоҳий исм Аллоҳнинг яширин маъносини тушунтирди. Дастлабки, икки арабча «алиф» ва «лом» ҳарфлари – бор-йўғи бир шакл. – Исмнинг моҳиятини ҳар бир жонзот нафас олиб, нафас чиқазгандаги «Ху» билан изҳор этади. Бинобарин, ҳар бир нафас Худога ҳамду санодир. Инчунин, деб амри маъруф этди шайх, машқ ила шундоқ маррага етиш лозимки, ҳар бир нафасимиз ибодат ўлғай.

Пирнинг сўзлари тобора мавҳум тус олиб борарди. Муридлар кеча-кундуз бошқотириши жоиз бўлган рамзу ишоралар орқали инсонни юзага келтирган қудратлар тасвирини чизиб берарди. Саксон йилдан сўнг Дантени жаҳаннам бўйлаб сайр эттирган Вергилийга ўхшаб, Саид Сирдон бўлажак буюк шоирни аносир олами, наботот ва ҳайвонот дунёсидан – ақл-идрок ва ҳақиқат манзили сари етакларди. Ўсимлик дунёсини ўзининг ўсиб-унишидан беихтиёр роҳатланадиган майсага ўхшатар, ҳайвонот дунёсини Санойий ўзининг «Сайрал-ибад» достонида тасвирланганидек, суврати гўзал, лекин сийрати хунук шаҳарга қиёс этарди. Фақат ўзини ўйлаб яшовчи одамлар ҳам ана шу дунёга мансуб эди. Уларнинг яшашдан мақсади – яшаш ва насл қолдириш. Уларнинг ўлимига ҳам гаров шу, зеро, ҳаёт адолатда эди. Бу шаҳарда қўш ҳукмдор – зулмат ва аланга ҳукм суради, улар юраклар зулмати ва ҳою-ҳаваслар алангасини акс эттиради. Уларнинг оқ ва қора қўш тулпори бўлиб, бу – кеча ва кундуз эди. Шаҳар ҳукмдорлари нуқул ўз фойдаларини ўйлашар, алалоқибатда ўз отларига ем бўлишарди.

Жалолиддин устози ўз фикрларини баён қиларкан, кўпинча Санойий ва Атторга мурожаат қилишини тез-тез пайқаб қоларди. Пайқаркан, ҳайрон қолмас, балки ичида мамнун бўлар, зеро, бу шоирларнинг асарларини у деярли ёд билар ва устозининг нима демоқчи эканлигини илғаб оларди.

Аммо Саид Бурҳониддин Сирдонни нуқул бошқаларнинг фикрларини такрорловчи тўти, деб ўйлаш нотўғри бўлур эди. Европа фани учун фалсафий истилоҳат қандай хизмат этса, Саид Бурҳониддин ва унга ўхшаш шайхлар учун сўфий шоирларнинг тимсол ва ташбеҳлари шундоқ хизмат қиларди. Ахир биз мазкур терминларни ишлатганда, уларнинг муаллифларига суянмаймиз-ку.

Шаҳарнинг асосий иллати бўлмиш очкўзликни шайх бир кўзли, етти юзли, тўрт офизли даҳшатли аждаҳо қиёфасида тас-

вирларди. Ҳасад — кўзи бўйнида, тили юрагида бўлмиш дев суратида, ҳайвоний ҳирслар эса, тутунга тўлган тошлоқ яйловда тентираб юрувчи ёввойи махлуқлар тимсолида гавдаланарди. Улар ҳамиша довдираб юришади, бошлари биргина кўздан, танлари беҳад-беҳисоб қўллардан иборат.

Шайх ўз муридлари тафаккурини ташбеҳли бир йўлга соларди. Инсон кечиниши мумкин бўлган ҳамма нарсани кечиниб бўлишгач, уларни ўсимлик ва ҳайвонлар, мавҳум эҳтирос ва тилаклар руҳига киришга мажбур этарди. Ҳаёл-тасавури чексиз бўлган Жалолиддин ҳаммадан олдинда борарди.

Қиш ўтди, баҳор яна ёз билан алмашинди. Жалолиддиннинг сочи ўсиб, соқоли тагин кўксига тушди, энди у жингалак эмас, белкуракдек тўғри ва қаттиқ эди. Узун бўйли, қотма гавдали, ҳамиша ўй-хаёлга чўмиб юрар, гўё атрофда нелар бўлаётганидан беҳабардай кўринарди. Лекин у тунда тўсатдан ҳовлига чиқиб, юлдузли самога боқаркан ёки танини баҳор шамоллари сийпаларкан, ёхуд тонготарда девор ёнидаги тош устида кўёш шуғлаларига чўмиларкан, бутун вужудини ҳадикми, ҳаяжон ёки интиқишга ўхшаш бир нима ўраб, ажаб бир қалтироқ ичра қоларди. Нима бу?

Бундай тўлқинланишлар илк бор у зуҳд, фақр ва сабр мақомотида турганида рўй берди. Тариқатнинг иккинчи ярми — таваккул ва ризо мақомлари руҳий осойиш ва мушоҳадакорлик ила кечди. У турфаранг қиёфаларга кириб, гоҳ табиат лавҳалари, гоҳ мавж уриб турган денгиз, гоҳ олов, гоҳ изма-из тизилган чехралар тусини оларди. Аммо ўзга муридларга кўринадиган, бошдан-оёқ оппоқ кийинган нуроний мўйсафидлар унга кўринмасди.

Пир шогирдининг мақомдан мақомга шитоб билан ўтишини яширин бир қаноат ила кузатар, унинг энг мураккаб кечинма ва ҳолатларини ҳам дунё лавҳалари тусида тасвирлай билиш қобилиятига ҳайрон қоларди.

Бир кун оқшом муридлари билан суҳбатдан сўнг шайх ўй-хаёлга чўмди. Ташқарида шамол-изғирин эсар, ичкарида олов ланғирларди.

Шайх оловдан кўзларини узмай, тўсатдан буюрди:

— Зиёга кабоб келтиринглар!

Зиё — ҳаммадан орқада ўлтирган ёш мурид гуноҳ қилиб, қўлга тушгандек, қичқириб, тиз чўқди. У манқалдаги ўтга тикилиб, кўнглида қўзғалган тилакни шайх нечук илғади экан?!

Мисрдан келиб, мадрасага қўнган, Сирдоннинг суҳбатида иштирок этаётган дарвеш хорижийларга хос бетакаллуфлик билан бунинг сирини сўради.

— Бунда сир йўқ, — жавоб берди Саид. — Мана, йигирма

йилдирки, ҳар нечук тилақдан холимен. Кўнглим — пок ва беғубор бир кўзгу. Унинг ойинасида бирор тилақ пайдо бўларкан, бу — ўзгалар тилагининг соясидир. У кимнинг тилаги, буни билиш қийин эмас. Ахир, булар менинг муридларим!

Жалололдин эса шайхни неча бор тонг қолдирди. Унинг фикр тарзи ва руҳий ҳолати кўпинча пирга муаммо бўлиб қоларди. Султонул Уламо ўели ўз тасавури кучи билан туйғуларга жон бағишлаган тимсоллар шайхнинг хаёлига ҳам келмасди.

Бу — Жалололдинни бошлаб бораётган йўл охирлаб қолаётганидан нишона эди. У ҳисоблаб боқди. Дарвоқе, ҳадемай, сўфий синов йўлига кирганига бир минг бир кун тўлади.

Учинчи йил кўкламида Саид Жалололдинни ҳузурига чорлади.

— Охиратим яқинлашиб қолди, — деди у. — Истайманки, то кўзим очиклигида узлат синовидан ҳам ўтгайсен, таҳайюл денгизига чўмиб, илҳом дурдоналарини тергайсен...

Жалололдин бундан бир йил олдин бу сўзларга қандоқ қувонган бўлур эди. Узлат — йўловчига сўнгги синов. Аммо орадан кечган икки йилдан зиёдроқ муддат беҳуда ўтмади: у энди бу йўлнинг ниҳояси йўқлигини биларди. Руҳий ҳақиқатларни излаб, олға интиласан, лекин ўша ҳақиқатлар қачон муяссар бўлади, умуман муяссар бўладими, буни билолмайсан. Бироқ аввалги ҳолатингга ҳам энди қайтиш йўқ.

У розилик, мусалламлик маъносида бош эгди.

Саид ҳужра ҳозирлаб, гиламча ёзишни, бир кўза сув ва арпа нон элтиб қўйишни буюрди. Иккинчи кун эрталаб ҳужрага Жалололдинни ўзи бошлаб кирди, фотиҳа берди-да, эшикни орқасидан шуваб уни ёлғиз қолдирди.

Узлат синови қирқ кун чўзилди. Шайх шу давр ичида икки марта кириб, кўзани алмашгирди, оҳиста кириб муридига қарамасликка ҳаракат қилиб, оҳиста чиқди. Жалололдин пайқамасди ҳам.

Биринчи гал у ўй-хаёл кунжагида тошдек қотиб, сўфийлар таъбирича, бошини ҳайрат яқосига тортиб, ўлтирарди. Шунда шайхнинг ёдига беихтиёр Куръон ояти тушди: «Сизга бу дарсдир, вале сиз беҳабар».

Иккинчи гал шайх Жалололдинни кўзлари жиққа ёшга тўлган ҳолда учратди. У юзини деворга ўгириб турар, кўз ёшлари уни бўғар эди. Шайх уни безовта қилмади, аламзадалар оҳи Аллоҳга етсайди, еру само қонли ёшлар тўкиб, йиғлаган бўлурди.

Ниҳоят, муҳлат тўлди. Шайх муриддини ўйлаб, сўнгги кечани бедор ўтказди. Тонготарда эшикни буздириб, ҳужрага биринчи бўлиб ўзи қадам қўйди.

Жалололдин ўртада турар, гумбаз остидаги туйнукдан тушган нур уни чала-чулпа ёритарди. Унинг лабларида сезилар-сезилмас, маънос табассум ўйнарди.

*Нарса йўқим, хорижи олам эрур,  
Ҳар не истарсен, ўзингда жам эрур...*

Жалололдиннинг қирқ кун ичида айтган ана шу илк сўзи пирни беҳад ҳаяжонга солди. Қўллари қанотдек силкиниб, кўк салланнинг печи елкасидан кўкрагига, кўкрагидан яна елкасига ирғиди. Кўксидан бўғиқ бир фарёд отилиб чиқди. У Жалололдинни бағрига босди.

Шайх илк бор ҳужрага оёқ босганда унинг хаёлидан кечган Куръон сўзига мурид жавоб қилган эди. Шайхнинг фикрини илғай олган мурид-мурид эмас, ориф саналарди.

– Сен жаъми билимлар – ҳам илми зоҳирий, ҳам илми ботинийни эгалладинг, – деди шайх ўзини бир оз босиб, тили калимага келгач. – Икки олам сарварига ҳамду шукронаким, мендек фақир ва ожиз бир бандасини ўз кўзи билан сенинг камолингни кўришга муяссар этди. Минбаъд ўшанинг номи била қадам қўйгайсен, инсонлар йўлини мунаввар айлаб, уларнинг кўнглини шукуҳ ва ҳаловатга тўлдирагасен...

Ўша кун шайх Жалололдинга уламолик дасторини ўраб, печини унинг ўнг елкасига ташлади. Орифлар князидан энглари кенг тўн-ҳирқа кийдирди. Ўзини пири – муршидликдан озод этиб, ушбу вазифани Султонул Уламонинг аржуманд ўғли зиммасига юклаганини муридларига эълон қилди, сўнг Кўнёга келганда Жалололдин уни илк бор жойлаштирган ҳужрага кўчиб ўтди.

Жалололдин яна Гавҳартош мадрасасида мударрис ва хонақоҳ пири бўлди. Яна у муридлар билан суҳбат қураб, ваъз айтар, шоғирдларига панд-насиҳат айлар, уламолар ила баҳс-мунозара этар, эшиги жумла халойиққа очиқ мажлислар тузар эди.

Унинг наздида одамлар равшан тортиб қолди. Улар қалбини у китобдек ўқийдиган бўлди: зеро, улар кечиниши мумкин бўлган ҳамма нарсани кечиниб бўлган, ўз тасавурида инсон инсон бўлгунга қадар ўтган бутун йўлни босиб ўтган эди. Нутқи ихчам ва ишончли жаранглар, энг муҳими, юракка тўқинарди. Мажлисларида мухлислар, хонақосида муридлар кўпайгандан – кўпайиб борарди.

## ҚАЙҒУ САДОСИ

Орадан тағин бир йил ўтди. Дастлаб Жалололдин устози билан ҳар оқшом кўришиб, суҳбат қураб, кун бўйи туғилган ўйлар, ҳолатлар устида у билан фикр-мулоҳаза юритарди. Кейин суҳбатлар камайиб борди. Саид Бурҳониддин оқшомлар ё тоат-ибодат ила банд бўлар, ёким ўй-хаёл дарёсига фарқ бўлиб ўлтирарди. Кейинчалик мулоқотлар таққа тўхтади.

Саид, қушча қанот чиқазди, ҳамиша устозининг кўз ўнгида бўлиш унинг парвозига халал етказди, деган андишага борди.

Неча бор суҳбатларда у Қайсарига кетиш нияти борлигини Жалолиддинга айтиб кўрди. Лекин Жалолиддин унамас, устозини ёнидан қўйгиси келмасди. Устозининг ҳикмат ва тажрибасига суяниш, ҳар гал кўнглида борини унинг пойига тўкиб, кўзгуга боққандек, унда ўз-ўзини кўриш имконияти унинг кучига куч қўшарди. Зеро, жангчи камаридаги шамшир қинда туриб ҳам унга куч бағишлайди.

Ёзнинг иссиқ кунларидан бирида муридлар чолнинг кўнглини овламоқчи бўлиб, уни ҳачирга ўтқазиб, шаҳар ташқарисидagi соя-салқин боққа олиб чиқишди. Улар шаҳарнинг шарқий Ҳалқабағуш дарвозасидан ўтишди. Бу ўша, Жалолиддин ўн етти йилдан сўнг мўғуллар ҳузурига чиқиб борадиган дарвоза эди. Йўл мамлакатнинг иккинчи пойтахти Қайсарига элгарди. Саид Бурҳониддин тасавурида расмий тилда Дар-ул-Фатҳ («Ғалаба уйи») деб аталувчи, ҳар гал султон кўшинлари юриш олдидан йиғиладиган ўша шаҳар намоён бўлди. У мазкур шаҳарда қандай истиқомат этажаги ҳақида ўйлаб кетди, ҳачирнинг йўл четига чиқиб, ўт-ўлан чимтишга интилганини пайқамай қолди. Ҳачир тўсатдан йўл четигаги ариқчадан сакраб ўтди. Саид Бурҳониддин ёнбоши билан оғир йиқилиб тушиб, хушидан кетди.

Муридлар уни зўра хушига келтириб, ҳачирга миндириб, амирлашқар Исфаҳсолор боғигача элтишди. Бу ерда, қалъа деворидан ярим фарсаҳ берида шайхни ҳачирдан туширишга мажбур бўлишди — босилган ҳар бир қадам унга чексиз оғриқ — азоб бағишларди.

Воқеани эшитиб, Жалолиддин етиб келди. Пичоқ билан маҳсини тилиб очди. Чолнинг оёғи синган эди. Унга оғриқ босувчи малҳам суриб, доривор кўкат ёпди, суякни тўғрилаб, қарағай пўстлоғидан ишланган тахтакач билан сириб бойлади.

Саид Бурҳониддин ҳаммасига гинг демай, чидади. Лекин охирида таъна айтишдан ўзини тиёлмади:

— Баракалло, мурид! Аввал шайхнинг ишгиёқини синдиридинг, сўнгра, у тилагини амалга оширмасин деб, оёғини!...

Жалолиддин хижолатдан қип-қизариб кетди: шайхки азми сафар этишга қарор қилган экан, уни тутиб турмоққа не ҳадди бор эди!

Шайх оёғи тузалиб, ҳассага суяниб, ҳужрадан чиқиб юрадиган бўлганда, Жалолиддин унга юзланди:

— Шайхим, нега мени дўсту устоздан маҳрум қилмоқчи бўласиз? Камина билан бўлиш наҳот ҳазратимга хуш келмагай?

— Бир ғорда икки арслон иқомат этмагай, — жавоб берди Саид Бурҳониддин. — Сен ҳадемай дўсти анис ортгирасен!

Жалолиддин чол билан ўксиниб, юраги увишиб хайрлашди: қайта кўриш насиб этмаслигини гўё билгандек эди.

Чиндан ҳам кўп ўтмай Қайсаридан нохуш хабар келди: Саид Бурҳониддин Сирдон фано олаmidан бақо оламга рихлат этмиш.

Ўша кунидек заргар Салоҳиддинни ёнига олиб, Қайсарига жўнади. Салоҳиддин у билан бирга марҳумнинг паноҳида тариқат синовидан ўтган, Саид Бурҳониддиннинг севимли муриди эди.

«Пирим Султонул Уламодан, – дерди Саид Бурҳониддин, – икки бебақо хазина инъом олмишмен – бири фасоҳат, бири илҳом. Фасоҳатни Жалолиддинга бахш этдим, зеро, илҳом унда ҳаддидан зиёдадир, илҳомни эса Салоҳиддинга».

Оламдан Гавҳар ҳам, Султонул Уламо ҳам ўтиб, энди навбат Саид Бурҳониддинга етгач, соқолига эрта оқ оралаган ўтгиз уч ёшли Жалолиддин бу дунёда ўзини кимсасиз етим, ҳаёт бозорида адашиб қолган боладек ҳис этди.

Қиш бостириб келарди. Тоғ доvonлари бекилган. Олдинда – қинғир-қийшиқ, машаққатли йўл. Бу йўлда шамолга учраган шамдек ўчиб қолмаслик учун у Салоҳиддинга, ундаги сокинлик ва хотиржамликка эҳтиёжманд эди.

Бўм-бўш Кўнё водийси оралаб, қаршидан эсаётган ёмғир аралаш шиддаткор шамолни кесиб, икки отлиқ борарди. Бири ориқ гавдали, ёниқ кўзлари хаёлга толган, иссиқ тўн кийиб, баланд нопармон дастор ўраган, дасторининг печи шамолда мотам туғидек ҳилпираб борувчи Жалолиддин, яна бири йирик гавдали, қуюқ оқ соқоли, пахталик қора чопон кийган Салоҳиддин эди. У саваб ёғаётган ёмғирни писанд этмай, адил қоматини эгарда тикка тутиб ўлтирар, оппоқ ўсиқ қошлари остида болаларча маъсум чарақлаган кўзлари билан атрофга хотиржам боқарди.

Улар ошиқиб қаёққа кетишяпти? Уларнинг пири Саид Бурҳониддин магар тупроқ остида эмасми?

Кечга яқин тоққа туташ тепаликларга ёпишган қишлоқ кўринди. Уйлар худди ёнбағирлардан чопқилиб тушиб келаётганга ўхшарди. Ҳар бири – кўнғир лойсувоқ девору пахсалари билан дунёга орқа ўгириб, ўз ичига боққан мўъжаз бир кўрғон. Чап томонда бир парча кўлмақдек, қирғоғида қамишлар айқашиб ўсган кўл ялғиллаб кўзга чалинди. Тўқайлар ичида узун тумшукларини силкитиб, оппоқ қарқаралар сайр этиб юришарди. Қишлоқ атрофи узумзорлар, палаклар сўлиб-қовжирраган тарвуз полизлари, яккам-дуккам зайтунзорлар ястаниб ётарди.

Бу заргар Салоҳиддин туғилиб ўсган Комил қишлоқ эди. Шу ерда у отаси билан тўр тўқир, кўлдан балиқ овлаб, сотарди. Отаси вафот этгач, ахийлар жамоасига кириб, заргарга шогирд тушдию шаҳарга жўнади. Бунга анча бўлди.

Улар зайтун ёғида пиширилган хушбўй нон ҳиди, тезак ва намиққан жун иси анқиган, унда-бунда итлар ақиллаган кўчалардан ўтиб, ахийлар шайхи хонақоси эшигига етганларида, тепаликлар устида оқшом юлдузи балқиди.

Кутиб туришган экан шекилли, улар етиб келиши билан дарвоза ланг очилди. Икки дастёр таъзим-тавозе ила отларнинг жиловидан тутиб, меҳмонларни меҳмонхонага бошлади. Хонақоҳ ичкараси катта-кичик бир неча ҳовлига бўлинган эди. Тоғдан тушувчи ариқ ҳамма ҳовлилардан оқиб, қамишзор кўл сари кетарди.

Хонақоҳ Салоҳиддинга яхши таниш эди. Бир пайтлар шайх уни шу ерда ахийлар жамоасига қабул қилган эди.

Ювиниб, ўзларини тартибга келтиришгач, уларни емакхонага етаклашди. Кекса ошпаз, семиз лорсиллаган араб кампир Салоҳиддинни таниб, хушнуд табассум қилди ва уларнинг олдига бир даста нон билан тош товоқда тархона – ун ва қатиқдан тайёрланган туркона таом қўйиб кетди.

Меҳмонлар йўл чарчоғини ёзиб, овқатланиб олишгач, уларни шайх ҳузурига таклиф этишди.

Уларни ҳовузли ҳовлидан олиб ўтишди, бу ерда каттакон чинор ўсар, афтидан, шайх об-ҳаво яхши кунларда меҳмонларни ана шу чинор остида кутарди. Дастёр эшик олдида тўхтаб, меҳмонларга йўл берди. Улар кафшларини ечиб, енгил маҳсида остона ҳатлаб, ичкари юришди. Кўл қовуштириб, таъзим адо этишди.

Салоҳиддинни ахийлар жамоасига қабул қилган шайх аллақачон оламдан ўтган, лекин янгиси марҳумга шу қадар ўхшардики, Салоҳиддин бир лаҳза йиллар олға эмас, орқага кетгандай туюлди. Шайх Кўнё уламоларига ўхшаб қора эмас, сувсар ёқали яшил жубба кийиб, ангор эчкиси пўстагида чордона қуриб ўлтирарди. У соқолини сийпаб, меҳмонларни ўтиришга таклиф этди ва таъзия изҳор қилди.

– Марҳумлар кетидан кетолмайсен! Дунё фоний, сизга Худойим сабру бардош бергай!

Бу ердагилар уларнинг пири Саид Бурҳониддин вафотини алақачон эшитишган эди, хабардорлик хизмати бу ерда султон саройидагидан қолишмасди.

Дастёр оҳиста кириб, ўртага беҳи шарбати солинган кўза ва кумуш пиёлалар қўйди.

– Марҳамат! – деб таклиф этди шайх, ўзи пиёлани қўлига олиб ва дастёрнинг эшикдан чиқишини кутиб, давом этди: – Бугун кечкурун жамоага бир деҳқонни қабул қилурмиз. Иштирок айлаб, сарафроз этсангиз.

Салоҳиддин иложи борича юмшоқлик ила сўради:



– Ажаб, жамоага деҳқонлар ҳам қабул этилурми?

Шайх табассум қилди:

– Муҳтарам уста, сиз бир пайтлар нечук деҳқон бўлсангиз, у ҳам ўшандоқ деҳқон. Бизнинг полизларда ишлаб, балиқ овлаб, қишда тўр тўқиб, тирикчилик қилур.

Шайх ҳамма гапдан воқиф эди.

Жалолиддин бу оқшом ёлғизликни кумсар, лекин меҳмондўстлик ва эҳтиром кўрсатган шайхнинг таклифини рад этиб бўлмасди.

Улар ҳовлига чиқишганда, жамоат жам эди. Машғал билан ёритилган саҳнда ахий биродарлар девор бўйлаб ярим доира тутиб, ўнг тиззаларини кучиб ўлтиришарди. Ҳовли эшиги олдида қўлларини елкаларига қовуштириб, икки жарчи жим қотиб турарди. Шайх сўрига чиқиб, меҳмонларни икки ёнига ўтқазгач, бошланглар, деб ишорат этди. Жарчилар югуришиб, ахийлар оқсоқоли ёнига келишди: бирининг қўлида бир коса сув, бирининг қўлида чарм туздон бор эди. Оқсоқол сувга гуз солиб, косани баланд кўтарди:

– Ассаломалейкум, солики ҳақиқатлар! Ассаломалейкум, ахий камарбасталари!

– Ваалейкум ассалом! – жавоб берди шайх.

– Ориф ва зоҳидларни раҳмат қилсин, келиб-кетганларни раҳмат қилсин, жумла мўминларни раҳмат қилсин!

Ахийлар оқсоқоли шайхдан бошлаб, ҳаммага бир-бир коса тутди. Косани икки қўллаб олиб, оз-оздан ичишарди. Ниҳоят оқсоқол косани жарчига топшириб, ўзи ўртага чиқди:

– Ҳазратим, бир биродаримиз ахийлик йўлига кирмоқчи!

– Исми нима? – сўради шайх.

– Али, Муҳаммад ўғли.

– Устози ким?

– Биродар Фаҳри.

– Ҳамроҳлари кимлар?

– Оға-ини Фарруҳ ва Камол!

– Муносиб кишилар! Олиб кириңг!

Уч ахий кўзғалиб, эшикка қараб юришди. Жарчилар сўри олдида бир жуфт гиламча ёзиб, бирига қизил камар ва ханжар қўйишди.

Эшикни уч карра тақиллатишди.

– Кириңг! – деб ниҳоят ижозат берди шайх.

Эшик оҳиста очилиб, устози ортидан узун бўйли, ориқ, иягида нори бор йигит кўринди. Икки биродар – ҳамроҳлар унинг этагидан тутиб олишганди.

Улар сўрига яқинлашгач, устоз жарчилардек қўлларини елкасига қовуштириб, таъзим қилди-да, деди:

– Ахийлар шайхи ва оқсоқолига бош уриб, биродаримиз Али марҳамаг этишингизни сўрайди. Унинг нияти – карвонимизга қўшилиб, орифлар йўлидан бориш, белини биродарлик камари билан бойлашдир. Фармойишингиз не бўлур?

– Қоидага биноан синов қилинсин!

Устоз тиз чўкди. Ахий ҳамроҳлар қўрқиб – чўчинқираб қолган деҳқонни иккинчи гиламчага ўтқизиб, ўзлари ҳам унинг ёнида тиз чўкишди, улар ҳамон унинг этагини тутиб туришарди.

Ахийлар оқсоқоли сўзга киришди:

– Бизга маълум бўлишича, сен ахийлар йўлига кирмоқчисен, аё, қалбинг қулоғи ҳушёр тортгай, маълуминг бўлғайким, ахийлик йўли оғир ва сермашаққатдир. Қалби ва қўлининг қаттиқлигига ишонмаганлар бу йўлга кирмасин, илло, зиёда эмас, забун бўлғайлар. Бизнинг йўлимиз – риоя, иймон ва ирфон йўли. Кўнглинг не дейди! Ақидаларга риоя этишга қурбинг етармикин?

Саловот босиб, довдираб қолган деҳқон муштуми билан бурнини артди, ахийлар ўртасида шовур-шовур қўтарилди.

– Етади! – деди у ниҳоят бўғиқ овоз билан.

– Синовга розимисан?

– Розимен!

– Ўзинг «розимен» дединг. Илло, биздан гуноҳ соқит. Худо ҳаққи, айт-чи, ахийда ёпиқ ва юмуқ нечта!

– Учта!

– Сана!

– Тил, камар, кўз.

– Кўз нега юмуқ бўлур?

– Ўзгаларнинг гуноҳи ва бошқаларнинг уягини кўрмаслик учун.

– Ахийда очиқ нечта?

– Тўртта!

– Сана!

– Кўл, юз, дастурхон, юрак.

– Таом емак қоидаси-чи?

– Ўн иккита!

– Сана!

– Чап оёқни остга тортиб, ўнг оёқни тиздан букиб, сал узатиб ўтириш. Таомни майда-майда тановвул қилиш. Аввал ўнг жағ билан чайнаш. Қўлни мойга ботирмаслик... Сўлак оқизмаслик.. Бошқаларнинг насибасига боқмаслик. Бош қашимаслик. Кулмаслик... Энг яхши луқмани меҳмонга қўйиш. Овқатдан сўнг қўлни ювиш.

– Дуруст юриш қоидаси нечта?

– Бешта.

– Сана!

– Юрганда кибру-ҳаво қилиб юрмаслик. Атрофга алангламаслик... Бошқалар ортидан кузатмаслик... Кексаларни қувиб ўтмаслик... Шерикларни куттириб қўймаслик...

– Устоз шайхга ўғрилди:

– Давом эттирайми?

– Кифоя! – деди шайх.

– Муносиб! Муносиб! – деган хитоблар эшитилди даврадан.

Шайх оёққа қалқди. Устоз Алининг қўлини қийиқча билан ёғди. Биродар-ҳамроҳлар унинг этагини бўшатиб, қийиқча устига қафтларини босишди.

– Азиз ўғломимиз! – деди шайх. – Ҳурмат айлаким, ҳурматга ноил бўлурсен. Мени тингласинлар десанг, сўзинг салмоқдор бўлсин. Минбаъд ҳасад, кибр-ҳаво, чақимчилик, танбеҳу писанда, нафрат сенга бегона бўлмай. Ҳаммадан уятлиси – ўзгаларни эзиб – хўрлаш ва сўздан тониш. Белингга боғланажак камар шарафини мўътабар тутгайсен! Пайғамбар шамширидек шамшир, орифлар ақлидек ақл йўқ! Ушаларнинг камолига етгайсен! Қани тур!

Али оёққа турди. Машғал ғира-шира қоронғуликда ҳам унинг юзи ҳаяжондан қизариб, юзидаги нори бўғриқиб кетгани кўзга чалинарди.

– Айтинг, биродарлар, камарбасталикка у муносибми? – сўради шайх.

– Муносиб! Муносиб!

Устоз камарни гиламдан олиб унга дам уриб, фотиҳа ўқиди.

Шунда Али ишнинг пачавасини чиқазишга сал қолди. Ҳаяжондан довдираб, у яна муштумини бурнига олиб борди – афтидан, бу унинг эски одати эди. Лекин устозининг кўзига кўзи тушиши билан таққа тўхтади. Сўнг қўлини пастга солин тирди.

Устози кенг, узун камар билан унинг белини сириб бойлади. Учيني уч тугун қилиб тугди. Гиламдан пичоқдек ясси ханжарни олиб, камарга қистирди.

– Ҳақ йўлига кирдинг. Биродар Али Муҳаммад! – эълон қилди ахийлар оқсоқоли. – Илоё, саъй-ҳаракатинг қабул бўлмай! Илоё, муродга етгайсен! Шарафга ёр, орифларга мадаккор бўлгайсен!

Ахийлар бараварига : «Ҳу-у-в!» – деб қичқаришди, улар Аллоҳни ана шу ном билан аташарди.

Жалолитдин ахийларни Кўнённинг хунармандчилик расталаридан билар, улардаги оддийлик ва одилликни ҳурмат қиларди. Лекин жамоанинг энг қутлуғ маъракаси – қабул маросимида илк бор иштирок этаркан, бу – ахийларнинг ўз одами, муҳтарам, заргар шарофати туфайли эканлигини яхши англарди.

Ўша оқшом чарсиллаб – тутаб ёнаётган машғал ёруғида ай-тилган сўзлар Жалолиддиннинг аламзада бўлиб, хувиллаб қолган қалбида ажиб бир из қолдирди. Ана шу тўр тўқиб, балиқ овловчи, бесавод, аммо ялпи меҳнат ва ялпи биродарлик ила бирлашган кишилар орасида, азми-иродаси қоядек мустаҳкам, лекин адолат учун бағри ҳамиша ланг очиқ ана шу Салоҳиддин ёнида у ўзини оламда адашиб қолган бир тошдек, ёлғиз ва есир ҳис этмасди.

Эртаси куни тонгда улар қишлоқни ҳам, ахийларни ҳам кўздан яширган тепаликлар олдидан от суриб ўтишаркан, Жалолиддиннинг кўнглидан, ёнма-ён бораётган, ана шу содда, лекин донишманд уста мени жар ёқасида тутиб қолади, деган фикр кечди. У яна ўйларди: ажаб, улар Саид Бурҳониддин қабрини зиёратига кетишяптию аслида – ўзлиги сари боришяпти.

Шоирни сезгиси алдамади. У устозидан айрилди, аммо унинг қабри сари элгувчи йўлда ўзига дилнишин, ўлгунча содиқ дўсти анис орттирди. У билан эса ахийлар жамоасида минглаб ихлосмандларга эга бўлди. Лекин унганча ўзи хийла йўл босиб ўтиши лозим эди.

Қайсаридаги султон ноиб Соҳиб Шамсиддин шахсан ўзи Саид Бурҳониддиннинг дафн маросими ортиқча ҳашамсиз, аммо марҳумга муносиб иззат-икром билан ўтишига бош-қош бўлиб турди. Шайх умр бўйи ҳар нечук ташқи, намойишкорона ҳаракатдан ҳазар қилиб, ажиб бир ташналик ила ҳақиқатга интилган эди.

Жалолиддин Саиднинг сўнгги кунларида унга суянчиқ бўлган ноибга хотира учун пирнинг бир-икки китобини қолдирди-да, қолганларини олиб, Салоҳиддин билан Кўнёга қайтди.

Саид Бурҳониддин ўлими Жалолиддин учун шундоқ зарба бўлдики, унинг тариқат йиллари шунча меҳнат-машаққат эвазига тиклаган қаноат кўрғони, зилзиладан қулагандек, бир зумда емирилиб, нураб тушди. Юрак осойишни ўраб турган деворлар қум бўлиб сочилди: афтидан, унинг қалби билан ором-осойиш – азалий рақиблар эди.

Саид неча бор айтган эди: «Мен жинни бир одаммен, хотин, бола-чақа ташвишига тоқатим йўқ. Лекин сен унутмагилким, исломда оила ва никоҳ – вожиб».

Озроқ тасалли топиш ва пирнинг фармойишини ерда қолдирмаслик учун Жалолиддин уйланишга қарор қилди.

У савдогар Муҳаммадшоҳнинг беваси Кира-хотунни танлади. Уни бир қоса сув билан никоҳлаб, уйига келтирди, унинг беш яшар ўғли Яҳёни ўзига ўғил қилиб олди.

Табиатан юмшоқ ва хушрӯй бўлган Кира-хотун Мавлонони беҳад иззат-икром этар, унга муносиб жуфти ҳалол эди.

У бир қиз, бир ўғил туғиб берди.

Лекин у никоҳ Ларендеда у Гавҳар билан кечирган айёмга ўхшамасди. У хийла узоқлаб кетган, хотин унинг руҳий оламига киролмасди.

Жалолиддин тунларни каттакон шам ёруғида отасининг мулоқотлари ва Саид Бурҳониддин ўтитларини ўқиб ўтказар, кундузлари илоҳиёт асарлари, Санойи ва Алтор девонлари, инсон умрининг фонийлиги ва майда-чуйда ташвишларга тўлиқлиги устидан масҳара қилиб кулган араб шоири Мутаннаб шеърлари мутолаасига бериларди. Лекин на тунги бедорликлар, на танни меҳнат-машаққатта солишлар, на очлик, на никоҳ, на китоблар унинг қалбидаги қайғу садосини босолмасди.

Фақат унинг масжиди жомеда айтадиган ваъзларига аввал юзлаб, кейин минглаб кишилар йиғиладиган, мадрасаю хонақоҳ шогирду муридларга тор келадиган бўлиб қолгач, у тўсатдан пайқаб қолди: унинг қалбида янтраган қайғу ва алам ўзгалар қалбида акс-садо берарди, сабабки, у ўз-ўзи билан беҳад банд бўлган йиллари хонақоҳ деворидан ташқарида кечган воқеалар салжуқ давлати фуқароси қалбини ҳасрат-надоматга тўлдириб юборган эди.

Султон Аълоиддин Кай Кубод 1 аллақачон оламдан ўтган эди. Уни ўғли Гиёсиддин заҳарлаб ўлдирганини ҳамма билар, аммо бу тўғрида ёлғиз имо-ишоралар билан гапиришарди: кўрқув-таҳлика пойтахтни заҳарли тумандек чўлгаб олган эди. Вазир Кўбак янги султонни кўғирчоқдек ўйнар, ўзи буюртириб ўлдирган султон Аълоиддиннинг аркони давлатини ва ўзи хавфли деб билган кимсаларни ғоят аёвсизлик билан қатл эттирар эди. Бировларни ўз уйига қамаб, томи ва эшикларига ўтин қалаб, тириклайин ёқиб юборишар, бошқаларни зиёфатга таклиф этиб, ўлдиришар, қайбировларни хиёнатда айблаб, қиличдан ўтказишарди. Янги султон ҳали салтанатдан маст бўлиб, май-мусаллас ичиб, ҳурилиқолар билан банд экан, Кўбак ва унинг шериклари қатл қилинганларнинг мол-мулкани талон-торож этишар, савдогарларга оғир солиқлар солишар, ҳунармандларни сиқиб жонини олишарди.

Одамларни биринчи чақиқдаёқ кўчалар, бозорлардан туғиб олишар, уйларида судраб чиқиб, дорга осишарди. Кўбакнинг истаган қабоҳатиға фатво берувчи уламолар ҳам топилиб қолди. Албатта, уларни қуруқ қўйишмасди.

Саид Бурҳониддин вафотидан икки йил кейин кўпдан Кўнёда кўрқув ила кутилган воқеа рўй берди, бу гўё мамлакатда авж олган қабоҳатга аччиқма-аччиқ юз бергандай эди: ўттиз минг

мўғул қўшини грузин ва арманларнинг ёлланма кучлари ёрдами билан салжуқ давлати сарҳадларига бостириб кирди, Арзирум шаҳрини эгаллаб, аҳолини қиличдан ўтказди.

Марҳум султон Аълоидин Кай Қубод ана шу соатга умр бўйи ҳозирлик кўрган эди. У падаркуш ўғлига мерос қилиб мустаҳкам қалъалар, ўн минглаб мағлубият нелигини билмаган, ҳатто Чингизхонни ҳам кўрқувга солган кўп минг сонли қудратли қўшин қолдирган эди.

Етмиш минг жангчидан иборат қўшин мўғулларга қарши чиқиб, Сивас шаҳри яқинида душман йўлини тўсди. Тажрбали саркардалар ёш султон Фиёсиддинга тоғ доvonларини эгаллаб, душман йўлига беҳад-беҳисоб пистирмалар қўйиш, унинг асосий кучи — мўғул отлиқларига ҳаракат учун имконият бермай, ҳар бир тош, ҳар бир қояни мудофаа этишни маслаҳат беришди. Бу оқилона маслаҳат эди. Лекин Фиёсиддин уни қабул қилмади. Кўбак кетидан саройни тўлдирган хушомадгўйлар ҳарбу зарб ишида авом бўлсалар-да, султоннинг яширин ниятларини пайқашда устаси фаранг эдилар. Улар билишардики, ҳукмдор ёлғиз май-мусалласдан эмас, жанговар шон-шухрат орузидан ҳам маст эди. Шунга кўра унинг кўнглидаги гапни айтишди. Эмишки, ислом султонига ёввойи курдга ўхшаб, тоғда пистирма қуриб, аллақандай мўғулнинг ҳужумини кутиб ўлтириш муносиб эмас. Жанг майдонига чиқиб, уни тор-мор этмоқ керак.

Тож-тахтни ўраган хушомадгўйлик занжири ишга тушди. Шу билан салжуқ давлатининг қисмати ҳам ҳал бўла қолди.

1243 йил 23 июнь кун Кўсатоғ водийсида икки байроқ тўқнашди: салжуқ-аббосийларнинг қора байроғи билан мўғулларнинг қизил байроғи.

Ўзларининг харбий одатларича, мўғуллар ўнг қанотга грузин ва арманларнинг сараланган ботирларини қўйишди. Салжуқларда ҳам грузин Дарлан Шарвонизода ва арман шаҳзодаси Ван бошчилигида христиан ёлланма кучлари бор эди. Лекин шавкатли грузин саркардаси ўзини биринчи бўлиб душман сафига уриб, шу ондаёқ ҳалок бўлди, унинг аскарлари парокандаликка учради.

Рухан ожиз кишиларга хос бўлганидек, султон Фиёсиддиндаги кибру ҳаво бир зумда кўрқув билан алмашинди. Қўшиннинг олдинги сафидаги парокандалик унга мағлубият бўлиб туюлди. У жон ҳовучлаб, қўшинни ўз ҳолига ташлаб, оддий сарбоз кийимида Тоқат йўлига қараб қочди. Қўшинни таҳлика босди. Ҳали қилич яланғочлаб улгурмасдан, туш-тушдан қочишга тугинди. Мўғуллар қочаётганларни қувиб, қароргоҳга бостириб киришди. Уларни мўл-кўл ноз-неъмат, беҳисоб қурол-яроғ, мунаққаш гиламлар, муҳташам чодирлар кутарди. Султоннинг хиргоҳи зий-

нат-ҳашаматга ботган эди. Унинг олдида салтанат ва қудрат тим-соли сифатда шер, йўлбарс ва қоплон бойлаб қўйишганди. Подшо қуён юрак бўлгач, шоҳона рамзу тимсоллардан не фойда? ✓

Шундоқ бўлса ҳам мўғуллар қопқонга тушиш ёки пистирмага дуч келишдан чўчиб, уч кунгача жойларидан жилишмади. Сивас қатъаси ёнида уларни бой совға-саломлар билан қози Нажмиддин қарши олди. Бир пайтлар Хоразмда у мўғуллардан ёрлиқ билан олтин тахтача – муҳофаза пайдзаси олган эди. Пайдза ва совға-саломлар мўғул ноёнининг кўнглини юмшати: у шаҳарни уч кунгача талонга буюриб, аҳоли жонини омон қолдирди.

Чорак асрлик босқинчилик давомида мўғуллар тушуниб қолишганди: ўлгудек даҳшат-ваҳима солишнинг ўзи кифоя, шаҳар таслим бўлган экан, шафқат-марҳамат этиш мумкин, ўликлардан ўлпон ундиролмайсан. Лекин Дар-ул-фатҳ аталмиш – Қайсари таслим бўлмади. Унинг қисмати ҳам ўзгача бўлди; эркакларни қиличдан ўтказишди, заиф-нотавонларни чўқмор билан уриб ўлдиришди, хотинлар, болалар ва усталарни кул қилиб ҳайдашди. Йўлда ҳолдан тойганларни соқчилар тупроққа қориштирди.

Мўғуллар уч ой деганда мамлакатни хонавайрон қилиб, қишқи қароргоҳлари – Кавказга чекинишди, инида ётиб, ўлжасига боққан бўридек, ўша ёқдан кўз тикиб ётишди. Бутун салжук давлати устида – қонли мўғул байроғи қилпираб турарди.

Экинзорлар дашти-саҳрога айлантирилди, хунармандлар Ўрта Осиёга ҳайдаб кетилди, қолган-қутган аҳолига оғир солиқлар солинди. Далалар ҳувилаб, боғлар, узумзорлар ғовлаб кетди. Бир пайтлар бой-фаровон бўлган мамлакатда очлик-қаҳатчилик бошланди.

Босқинчилар ўзларини мамлакат хўжайини деб ҳис этишлари, ўша Жалолиддин Қазанвиран тепалигида туриб, Кўнё аҳолиси омон қолишини каромат қилиши учун яна ўн беш йил ўтиши зарур эди.

Аммо ўша фалокат рўй берган биринчи гал очликдан силласи қуриган одамлар тўп-тўп бўлиб, ғарбга, Византия чегараларига томон кетишарди. Улар бир пайтлар қочқин хоразмий ва хуросонийларга ўхшаб, йўлларни тўлдириб боришар, туркларнинг олтин-кумушлари, ипак моллари, қимматбаҳо ашёлари арзон-гаров бўлиб, византиялик князь ва савдогарлар қўлига ўтарди, зеро, бир сиқим буғдойнинг баҳоси фалон пул эди.

Оғир, машаққатли йиллар бошланди. Қаршилик кўрсатиш имконияти илдизларини туб-тубидан қирқиш учун мўғуллар мамлакатни парчалаб, ҳукмдорлар ўртасида низо-тафриқа уруғини сочишди. Кўнёда бир йўла уч султон – Фиёсиддиннинг уч

ёш ўгли соҳиби тахт эди. Улар мўғулларга батамом вассал – қарам эдилар. Ўзини султон Аълоиддиннинг ўгли деб эълон этган туркман босмачисининг тўдаси пойтахт теварагини додга келтирганди.

Ҳеч қайдан нажот йўқ, ҳеч кимсадан мадад кутилмасди.

Ҳамиша оғир ва алғов-далғов йилларида бўлганидек, фуқаро ўз умид кўзини яна Худога тикди. У тасалли ва руҳий саботни расмий руҳонийлардан эмас, сўфий шайхлардан, воиз ва зоҳидлардан излади. Уламо ва фақиҳлар амалдору бекларга ўхшаб, салжуклар паноҳида ҳам, мўғуллар қўл остида ҳам тўқ-тўкин яшашарди. Сўфийлар эса ҳар қалай, ўз тажрибаларидан очлик нима эканлигини билишарди. Улар нафрат ва низо айёмида бири-бирини севишга даъват этишар, зўравонлик ва ажалдан жонни қутқазиб қолиш мушкул экан, лоақал инсоний қадр-қимматни сақлаб қолишга ундашарди. Ҳа, сўфий шайхларнинг нияти нариги дунёга бошлаш эди, аммо улар шундоқ фазилатларга эга эдиларки, бу фазилатларга ҳеч ким, ҳаттоки мўғуллар ҳам бас келолмасди.

Худди ана шу йилларда Жалолиддин Кўнённинг энг машҳур, энг суюкли сўфий воизларидан бирига айланди.

У дунё ҳақида билиш мумкин бўлган ҳамма нарсани билар, ақл-идрокка муяссар ҳамма нарса унга муяссар эди. Аммо у ўз юрак ҳаяжонини жиловлай олмаса, не қилсин?

У ўз-ўзини билди, ўзгаларни билди, лекин бу унга қувонч келтирмади.

Ориф киши овқат излаб, уясидан учган, лекин овқат тополмай, уясига қайтмоқчи бўлганда, йўлини йўқотиб кўйган қушчага ўхшайди, у аросатда қолади.

У Дамашқдан қайтаркан, йўлда учратиб суҳбатлашган ўша зоҳидни тез-тез эсга оларди; зеро, унинг қалбида халқ қайғуси ҳам кўшилиб, минг чандон ортган қайғу садоси, тобора шиддатга, надоматга тўлиб жаранглар, аммо доира садосидан асар йўқ эди. Табриздан чиққан қуёш Кўнё устида нур ёйган ўша улуғ кунгача, устози Саид Сирдоннинг «Сен тезда дўсти анис орттирасен» деган каромати рўёбга чиқмагунча, доира садосини эшитмади.

Ҳа, у ана шу кунга покланиб, мойланиб ўз ўрнига осиб қўйилган чироқдек шай эди. Фақат ёндирувчи, ҳаёт бағишловчи учкун кутарди.

Ҳа, ўша кун у абадий ўчмас бўлиб ёнди.

Агар ўша кун келмаса, у ким бўларди? Ўзининг отаси Султон Уламога ўхшаб, минглаб, ҳаттоки ўн минглаб шайхларнинг бири, мусулмон дунёсидаги зукко ва савдойи, олим ва жоҳил, жазавали ва сокин ўн минглаб шайхларнинг бири бўларди.



У ўша кун тоат-ибодат, ваъз-ниёз, зоҳидлик-жафокашлик,  
илму илоҳиёт – барини тарк этди. Ишқдан бўлак, инсонга му-  
ҳаббатдан бўлак, баридан воз кечди.

*Воҳ, менга Машриқ надир, Маъриб надир,  
Балки кўкларга учармен, бари бир  
Унда бўлмас эрса гар сендан нишон,  
Ҳеч эрур менга бу умри жовидон.  
Соҳиби тоат эдим, зоҳид эдим.  
Соҳиби минбар эдим, воиз эдим.  
Амри дил бўлди, қуюндай уйрилиб,  
Қолдим охир сенга бир ошиқ бўлиб...  
Қўлларимда доимо Қуръон эди,  
Менга ҳамроҳ ҳар нафас, ҳар он эди,  
Тилларимда дам-бадам зикри Худо,  
Энди бўлса қўлларимда доимо  
Маҳбубим – ёрим жаранг рубоб эрур,  
Шеър рубойи менга офтоб эрур...*

Жалолиддин оёққа турди. Ўша кун, гўё орадан чорак аср  
ўтмагандек, шундоқ кўз ўнгида ярқираб турибди.

Янгроқ ва навқирон овозда у хизматкорга қичқирди:

– Чақир менга Ҳусомитдин Чалабийни!

У шай эди. Муҳаббат қуёши шарафига умр китобини тугат-  
моққа шай.

Хизматкор уйқули кўзларини уқалаб, Синжари масжидига  
Котибул Асрор Ҳусомитдинни бошлаб келаркан, шаҳар узра  
яна тун чўккан, икки учи кўкка қадалган ҳилол уфқдан найза  
бўйи кўтарилган эди.

Ҳусомитдин масжидга оёқ қўйиб, салом-алик ўрнига шу  
сўзларни эшитди:

– Эй Ҳусомитдини ҳаётбахш! Олтинчи китобни бошлашни  
қанчалар орзиқиб кутасен...

«Маснавий»нинг сўнгги жилди бошланиб келарди.



---

**БЕШИНЧИ БОБ**

**ҚУЁШ БИЛАН УЧРАШУВ**

---

*О, ер устида юрган не-не кимсаларни биз тирик санаймиз, аслида улар ўлик, ер остида ётган не-не зотларни ўлик санаймиз, аслида улар тирик.*

**Абдулҳасан Ҳарақоний**

## ЙЎЛОВЧИ

Олти юз қирқ иккинчи йил ҳижрий, ақраб ойининг жумодул охири ёки бир минг икки юз қирқ тўртинчи йил милодий, йигирма бешинчи ноябрь куни Қайсаридан Кўнёга томон элтувчи йўлда якка-ёлғиз бир йўловчи борарди. У пакана бўйли, кулранг эшагининг оёқ босишига тоқат қилиб, бир меъёрда чайқалар, илиқ куз қуёши остида ястаниб ётган водийга синчковлик билан кўз соларди.

У салжуқ давлатнинг не-не шаҳарларини босиб ўтмади, бари тўзиб, тутдек тўкилиб ётибди. Кимсасиз, хувиллаган йўлларнинг четида суяклар тупроққа қоришиб ётар, семириб кетган қарға-қузғунлар ёлғиз йўловчини кўрганда, ҳуркиб-чўчиб учишмас, балки эринибгина экилмай қолган, бўм-бўш пайкалларга чекинишарди, холос.

Ҳавода қирғийлар, қора калхатлар сузиб юрарди. Гоҳида камон таққан соқчиларини эргаштириб, елкасида бир қулоч кокилини ўйнатиб, қисиқ кўзли хон чопари шитоб ила ўтиб қоларди. Худо билади, у махфий хабар билан қаёққа кетяпти. Пекинданми ёки саҳролар қўйнидаги Қорақурумдан, қадимий Мароқиданми ёхуд Руснинг ҳудудсиз ўрмонлар ичра яширинган, нимқоронғу ёғоч шаҳарларидан?

Карвонсаройларнинг томлари ўпирилиб тушган, тунлари тоғларда чўзиб-чўзиб бўрилар увлар, улар гўё музаффар мўғулларга ҳамду сано ўқишарди.

Йўловчи Арзирумда бир неча йил болаларга савод ўргатиб, бирорта таниш чеҳра учратмади. Чолдеворлар аро кўрқув-ваҳимадан бўзарган соялар судралиб юришар, оқшомлари эса шундоқ майдонларда тикилган ўтовларда қимиз ичиб, ширакайф бўлган мўғул жангчиларининг бўри улишига ўхшаш хониши эшитиларди.

Агар ахийлар, уларнинг мадад ва маслаҳати бўлмаганда, йўловчининг бу водийга етиб келиши даргумон эди. Ушалар уни Табриздан бу ёққа қўлдан-қўлга узатишарди.

Бу ерларда, Кўнё теварагида баҳарқол, топталган бўлса-да, мевага сероб, ҳосилдор боғлар учрарди. Озиб-тўзиган, аммо тиниб-тинчимаган деҳқонлар полизларда аввалгидек ўралашиб-ўймалашиб юришар, арпа янчиб, таппи куритишарди. Атрофдаги тепаликларда, анча сийрак тортиб қолган эса-да, аммо четдан қараганда, ҳамон беҳисоб бўлиб кўринувчи қўй сурувлари ўтлаб юрарди. От-уловнинг туёғи остида йўлларнинг тўзони чиқиб ётарди.

Тушдан сўнг аввал миноралар, сўнг Кўнё қалъасининг деворлари кўринди. Шер ва фаришталарнинг суврати билан безатилган мрамар гумбазлар ярқираб кўзга чалинди. Қалъа атрофидаги завурлар сувга тўлдирилган, уларда осмон акс ётарди. Гўё ҳаммаёқ осойиш-осуда дегандек, зовурлар устидаги занжирбанд кўприклар тушириб қўйилганди.

Бутун мамлакат устидан елиб ўтган қонли довулдан бу шаҳарни қандай куч сақлаб қолди экан?

Йўловчи барваста, кекса чинорлар соясида эшагини тўхтатди. Шаҳарга киришдан олдин уст-бошини жилла тузатиб, фикрини бироз жамлаб олмоқчи эди. У эгарга осиелиқ чарм халтани ечиб, бўйрачага қўл чўзаркан, чинорлар остида худди уникага ўхшаш пакана бўйли эшагини етаклаб бораётган деҳқонга кўзи тушди, эшакнинг икки биқинига иккита узун сават осилган эди. Ундан ҳам нарида – полизни, полизда хирмон қилиб уюлган ола-була тарвузларни кўрдию йўловчи эшакни ўша ёққа бурди.

Туёқ товушини эшитиб, деҳқон ҳадиксираб, орқага ўгириди ва таққа тўхтади. Бу – чалвори қўймичига шалвираб тушган, кенг, қизил камар бойлаган турк эди. Унг ёноғида йирик, туғма нори бўртиб турарди. Йўловчи – яқинроқ келиб, ундан тарвуз сўради.

Деҳқон хирмонга югуриб, иккита чўзинчоқ тарвуз танлади-да, уларни салмоқлаб, шалатилаб, маъқул топди шекилли, келтириб, икки қўллаб йўловчига тутди. Лекин пул олмади. Узоқ йўл босиб келган мусофирдан тарвуз учун пул олиш мусулмонга ярашмайди, деди.

Йўловчи раҳмат айтиб, эшигини чинорга бойлади, сояга бўйрача ёзиб, халтасидан арпа нон, кўзача ва эски яман пичоғини олди. Шу топда орқадан деҳқоннинг:

– Исиб қолган! Совутиш керак эди. Кудуқ манави ерда! – деган овозини эшитди. У эшакка тарвуз ортаётиб, йўловчининг ҳар бир ҳаракатини зимдан кузатиб турарди. – Фақат кудуққа тушириш ноқулай челақ, ағдарилиб кетади! – деб давом этди

у, гўё ўз-ўзига гапиргандай.

– Бунинг йўли осон! – деди йўловчи. У халтасидан чилвир олиб, тарвузларни тўрлаб бойлади-да, сўнг бир учини ушлаб, қўш йирик мевани кўтаргандек, салмоқлаб, деҳқонга узатди.

– Қойил! – мақтовдан ўзни тиёлмади деҳқон. Йўловчи индамади.

У тарвузларнинг қудуқда совушини кутиб, чўққайиб, чинорга суянди-да, кўзларини юмди – афтидан, йўл азоби уни чарчатган эди..

Ёши қирқдами, эликдами – билиб бўлмасди. Юзи қорачадан келган, соқоли сийрак, бухорча ола-байдоқ тўн қотма гавдасини бемалол ўраб турарди. Оёғида муқки этик, бир энлик салла қалпоғи устидан нари-бери ўралган. Ўртамиёна бир савдогар, дейиш мумкин. Лекин кўз қараши савдогарникига ўхшамайди, чамалаб боқувчи, ташвишли, кибр-ҳаволи қараш эмас, тиканакдек қадалиб, юракка ботувчи назар. Ҳали у чилвир олаётганда, деҳқон кўриб қолди: халтасида шайхлар ҳассасига тақадиган темир қуббача – алам ва муқаддас оятлар ёзилиб, қайиққа ўхшатиб тикилган латта қалпоқ бор эди. Балки дарвешдир?

Йўқ ўхшамайди – кўллари дарвешнинг кўлларимас, меҳнатга ошно кўллар, тирноқлари йирик ва ясси. Тарвузларни кўз очиб юмгунча тўрлади-кўйди! Ҳа, билиш қийин, ҳозир йўлларда кимлар тентирамайди.

Йўловчи ҳамон кўзларини юмиб ўлтирарди. Унинг хаёлидан айқаш-уйқаш бўлиб лавҳалар кечарди. Серсоқол, айёр, жоҳил, тошбағир, соддадил башаралар, чеҳралар. Шаҳарлардаги кўча-кўйлар, вайрон этилган қасрлар, ҳовлилар, йўл-расталар, – ҳа, чарчабди. Лекин фикрини жамлаши қанчалик зарур бўлмасин, у ўзини зўрга солмасди: ана шу айқаш-уйқаш оқимдан керак сўз, керак тимсол ўзи қалқиб чиқишини биларди. У билардики, руҳ-учқур бедов, яхши ўргатилган экан, манзилга ўзи етказди, қисташ, ниқташ – зиён.

Унинг кўз ўнгида Табриз кўчалари намоён бўлди. Хон Хўлагу оёқости этиб, ўз қароргоҳига айлантирган Табриз эмас, қувноқ, шўх-шаддод болалиги кечган Табриз. У оддий сават тўкувчи отасини кўрди – шўрлик даҳшатли вабо йили ойиси билан бирга қазо қилган эди.

Ана у, етти яшар бола отаси билан кўл бўйида ўлтиришибди. Эғнида чолвор эмас, янги жароҳатни тирнамасин учун нақ товонигача тушадиган узун кўйлак, энтари. Уни тунов кун суннат қилишган. Ўшанда у ҳаттоки «их» демаган, мана энди ўзини эркаклар қаторида кўриб, отаси билан ёнма-ён ўтирибди.

Кўлда ўрдакчалар сузишади, улар саёз жойларда шўнғиб, тумшукчаларини шақиллатиб, лойқа симиришади, қирғоқда эса, уларни тухумдан чиқазган она товук дод-вой солади. Чурқиллайди, қичқириб, қанот силкитиб, чақиради...

Мана у кутган рўё келди... У умр бўйи, то соқолига оқ тушгунга қадар, ўзини товук остидан чиққан ўрдакча деб ҳис қилади. Олис қирғоқларда эса қанот қоқишиб, унга ҳаёт берган отаси билан билим берган шайх Абу Бакр қолишди.

Устози Абу Бакр ҳам сават тўқиб, рўзгор тебратарди. У оддий уста эмас, хунарманд ахийлар жамоасининг оқсоқоли эди. Абу Бакр унга кўп нарса ўргатди. Ўзи неки кашф этган, ўзгалардан неки ўрганган бўлса, ҳаммасини: ахлоқ асосини, олам ва адолат тасаввурини, иқбол ва ҳақиқат моҳиятини ўргатди. Анави соддадил деҳқонни ҳайратга солган хунарни ҳам.

Аммо унда Абу Бакр илғамаган бир нарса бор эди. Ёлғиз ўшами? Ҳеч кимса ҳанузгача ундаги яширин оловни пайқамас эди, гўё замона уни товуклар орасида яшовчи кўримсиз ўрдакча қисматига маҳкум этган эди.

Шунинг учун ҳам у шайх Абу Бакрни тарк этди, ўзини тушунадиган дўст, устоз излади. Қадрдон жамоаси, она шаҳрини ташлаб чиқди. Не-не йўллар босиб, не-не шайхлар билан учрашмади. Лекин ҳеч кимса унинг саволларига жавоб беролмади, ҳеч кимса унинг исёнкор руҳини англай олмади, унинг муросасиз фикр-мулоҳазаларини сабр-бардош билан тингламади. Ҳаттоки у ҳузурида хийла дарс-сабоқ олган буюк китобдор ва донишманд Ибн-аль-Арабий ҳам чекланган-маҳдуд эди. Ўз илми, ўз дониши билан. Албатта, улардан юз ўгирмади. Бироқ фан воситадан мақсадга айланаркан, у ҳақиқат юзига парда тортади. Шу ҳақда Ибн-аль-Арабийга айтганда, у бошини эгди:

— Ўғлим, сўзларинг қамчидек беаёв!...

Бағдодда машқур шайх Аҳвадиддин Кирмоний билан учрашиб, сўради:

— Нима қилаяпсен?

— Сув солинган тоғорада ойни кузатаяпмен!

Орифларнинг мавҳум тили унга таниш эди. Шайх ҳар қатра сув, ҳар зарра тупроқда ҳусни мутлоқ, ҳусни ваҳдатни кўраман, демоқчи эди, яъни ҳусни инъикосни.

— Магар бўйнингта чипқон чиқмаган бўлса, бошингни кўтар! — деди йўловчи. — Осмонга боқ, нега унда ойни кўрмайсен?

Бас, уни Ибн-аль-Арабийки тушунмаган, Кирмонийки англамаган экан, ўзгалардан не гина? Лекин, ҳар қалай, шу ёруғ оламда уни англайдиган, унинг кўнглига кўзгу бўладиган кимса бўлиши керак. Балки у деворлари мўғулларга қадар ҳам, ҳозир ҳам собит турган ана шу шаҳардадир. Дунёни бўм-бўш дейиш

ақлга сизмайди. Токайгача у товуқ остидан чиқиб, ўзини сувга урган ўрдакча янглиғ, ўзига ўхшашларни учратолмай, сарсон-саргашта юради. Наҳотки, унинг қалбини кемирган ҳақиқат дунё юзини кўрмай, пинҳонлигича қолиб кетади...

– Марҳамат!

Йўловчининг қаршисида; у аллақачон унутиб қўйган деҳқон тўрланган, ҳамон сув чакиллаб томиб турган тарвузларни тутиб турарди. Эшакка осилган, ерга тегай-тегай деб турган саватлар ҳам тарвузга лиқ тўлдирилган эди.

– Мен билан нонушта қил, биродар! – деди йўловчи арпа нони билан кўзачага ишорат этиб.

Деҳқон рози бўлди. Бўйрача ёнига чўкди. Бир оёғини остига йиғиб, иккинчисини тиззадан букиб, тикка тутиб, унга суяниб ўлтирди. Бир бурда нонни жуда авайлаб олди. Йўловчи ўз насибасини тишламагунча, кутиб турди. Сўнг бир оз тортиниб, лекин астойдил чайнай бошлади.

Ўлтириши, овқат чайнашига қараб (аввал ўнг жағи билан чайнар, овқатга бошқалардан олдин қўл чўзмас эди) йўловчи унинг ахийлар жамоасининг кичик аъзоси, ўғлон эканини пайқади, бир пайтлар ўзи ҳам ўғлон бўлган эди.

Йўловчи тарвузнинг бошидан бир паррак олди, сўнг ағдариб, думи қисмидан ҳам паррак олди. Кейин тиликлаб, бўйра устига тизди. Деҳқон белбоғидан ясси пичоғини суғурди («Рост! Ахийлар тиги!»), уни чалворига артиб, тарвуз тилигини бўлақларга бўлди-да, битта-битталаб оғзига солиб, нон билан қўшиб, чайнай бошлади.

Улар жим туриб нонушта қилишди. Деҳқон бир оз одоб сақлаб, сўнг сўради:

– Жаноблари узок йўл босиб келаётганга ўхшайдилар. Дунёда не гаплар бор?

– Дунёда сабру бардош битган, мастлик-сармастлик ҳам ҳадига етган, – жавоб берди йўловчи. – Ё сизларда бошқачами? – у водийга ишора этди.

– Бизда ҳам кетма-кет икки йил очарчилик бўлди, – деди деҳқон назокат юзасидан суҳбатдошининг юзига боқмай. – Бизнинг Комил қишлоқда бор-йўғи ўн икки жон қолди, холос, қолганлар қазо қилди. Аллоҳнинг марҳамати билан бу йил анча яхши келди..

– Аллоҳ марҳаматли, лекин одамлар ғофил!

Деҳқон суҳбатдошини бошқача кийинган суфий деб ўйлади, негаки гаплари дарвешларга ўхшаб мажҳул эди, унинг оҳангида гапни илиб кетди.

– Тўғри, ғофил, лекин ҳамма ҳам эмас. Кўнёда Худони танийдиган шайху қаландарларнинг сон-саноғи йўқ!

Йўловчининг юзида илк бор заҳарханда зоҳир бўлди. Шайхлар эмиш! У ўз йўлида не-не шайхларни кўрмади. Улар бозордаги жарчиларга ўхшаб қичқиришгани-қичқиришган: «Ҳой, келиб қолинг, сочингизни қириб, соқолингизни юлинг, менинг қўлимдан муборак ҳирқани олинг!» Нуқул ўз шуҳратлари, ўз тозаликларини ўйлашади. Тақводорликларини фироқ-димоқ билан писанда қилишади. Тақводорларнинг тақвосидан кўра оғирроқ иллат йўқ!

– Шайх ва сўфийлар – дину диёнатнинг катта йўлидаги қароқчилардир! – деди йўловчи кескин оҳангда. – Яхшиси, манави сувдондан май симири!

Деҳқон, юзида табассум билан қотиб қолди. Муштуми билан бурнини артди. Шайхлар ҳақида шундоқ гаплар гапириш! Яна дарвеш эмиш! Тағин май ичишни таклиф қилиши-чи...

Балки, ахий – сарбоздир? Ўшалар май ичишади. Сўфийларни ҳуш кўришмайди. Нега унда ахийчасига ўлтирмайди, овқатни ўнг жағи билан чайнамайди?

– Билмадим... Лекин бизнинг Салоҳиддин заргар – тақводор шайх. Одамнинг жони. Ўша бўлмаганда, аллақачон очликдан ўлиб кетардим. Биз у билан ҳамқишлоқмиз....

Заргар Салоҳиддин. Қишлоқда туғилган. Балки ахийлар шайхиди. Эҳ, биродар, биродар! Шайху дарвешлар икки қўллаб сувратга ёпишишган, сийратни кўришмайди. Ҳатто бу дунёдан қочмай, шу дунёда яшайдиган, ўзни мардумдан ажратмай, халқ билан бирга меҳнат қиладиган ахийлар ҳам, ҳунармандларни беклар ва улар ортида турган мўғуллар бедодидан ҳимоя қиладиган, уларга бирдан-бир суянчиқ ўша ахий биродарлар ҳам воситани – маросим, муқаддас китоблар, анъаналарни мақсадга айлантиришган, уларнинг жамоаси эса парда бўлиб, ҳақиқат юзини кўзлардан тўсиб турибди. Шунинг учун ҳам у ахийлардан кетди.

Деҳқон сукут сақлаб, қўшимча қилди:

– Султонул Уламанинг ўғли Мавлоно Жалолиддин ҳам ҳақиқатшунос шайх.

Йўловчининг юраги қинидан чиқаёзди. У ҳаяжонини сездириб қўймаслик учун, сувдоннинг оғзини очиб, уни бошига кўтарди.

– Уларни сен биласен! Биз эса манави оби замзамни симирамиз, кайфиятимиз дарров жойига тушади қўяди. Қонми, тарвуз шарбатими, мусалласми – бизга бари бир!

У бошини орқага ташлади.

Номашруъ ичимликни сувдек қулт-қулт ютаётган йўловчига қараб, деҳқон бирдан ўйлади: бу – савдогар ҳам, сўфий ҳам, ахий ҳам эмас. Унинг қаршисида Бобо Исҳоқнинг қирғиндан омон қолган муриди ўлтирибди.



Мўғуллар келишидан беш йилча олдин тақводорлик билан кун кечириб юрган Бобо Исҳоқ деҳқонларни осий султон, падаркуш Ғиёсиддинга қарши оёққа кўтарди. Ўзини Расулulloҳ – Худонинг элчиси деб атади. Донгдор бекларни қиличдан ўтказиб, салтанатни қўлга киритишига сал қолди. Жангчилар муртад ва кофир Бобо Исҳоқ Амасьё қалъа минорасида осилди, деб қайта-қайта жар солишса ҳам, одамлар ишонмасди. Аллоҳнинг пайғамбарини осиб бўлармиди!

Деҳқон яна бошқа хаёлга борди: шайхларга қарши ғазаб, қон ва май ҳақидаги даромад гаплар – яширин ишорат. Унинг суҳбатдоши пойтахт атрофларини қийратиб, «Аълоиддин Кай Кубоднинг ўғли, ҳақиқий султон биз билан!» деб қичқирувчи туркманларнинг хуфияси.

Кутилмаганда бошига келган бу фикрдан деҳқон дадилланди. Унинг яноқлари қизарди, чеккасидаги нори, бўғриқиби кетди. У сувдонга қўл чўзди.

– Ким бизга дўст бўлса – у ажалга шерик!

Бу – Бобо Исҳоқ исёнчиларининг шиори эди, улар бу шиор билан Малатья, Сивас, Тоқат, Амасья шаҳарларини ишғол этиб, Ғиёсиддин қўшинларини тор-мор қилишган, унинг байроғини тортиб олишганди. Ўшанда ҳозир мўғуллар билан бирлашгандек, фаранглар билан бирлашмаганда, султон ҳам, унинг беклари ҳам омон қолмасди. Қиршаҳар яқинидаги жанг да исёнчилар сафида ҳатто хотинлар ҳам жанг қилишди, фақат ёлланма фаранглар ёрдамида Ғиёсиддин ғалаба қозонди. Ёш болалардан бўлак, барча деҳқонлар қиличдан ўтказилди. Худди ғайридинларга ўхшатиб, улар мол-мулкнинг бешдан бирини хазинага олишди, қолган қисмини, хотинларини ҳам қўшиб, аскарларга бўлиб беришди.

Ўшанда ахийлар деҳқонларни қўлламай, хато қилишди. Шайхга тезроқ хабар қилиш керак. Агар Бобо Исҳоқ деҳқонларию ҳақиқий султон (мамлакатни ғайриларга оёқости қилдирган анави эмас) ва ахий биродарлар бирлашса борми, мўғулдан номинишон қолмайди!...

Йўловчи севинмади ҳам, ажабланмади ҳам, у илгариги бепарволиги билан сувдонни деҳқонга узатди. Соддадил деҳқон уни босмачиларнинг хуфияси ёки бирор деҳқонлар саркардасининг яширин элчиси, деб ўйлади. Ҳолбуки, у бор-йўғи ўз қалбининг элчиси эди.

Ўткир хурмо шаробига ўрганмаган деҳқон бир култум ютибоқ, афтни буришгирди, уни кузатиб турган йўловчи сўз қотди:

– Йигит кишига ўлжа – унинг юраги бўлади. Бу ўлжа шерикчиликни билмайди – у бус-бутун дўстга бағишланади.

Шу сўзларни айтиб, у суҳбат тугади дегандек, ўрнидан тур-

ди. Бўйрачани йиғиб олди. Кудукқа яқинлашиб, кийим-бошини қоқди. Қўлларини чайди. Юзини ювди. Деҳқондан шаҳардаги карвонсаройларни суриштириб, Ҳалқабাগўш дарвозаси томон – ўз қисмати сари юрди.

## МАРЖА-АЛЬ-БАҲРАЙН

Йўловчи кўзини очганда, қуёш у қўнган Гуручфурушлик карвонсаройи гумбазидаги туйнукдан мўралаб турарди. Ҳовлидан сувнинг шилдираши, «тақ-туқ» оёқ шарпалари, саррофларнинг гангир-гунгир суҳбати эшитиларди. Шанба эди. Лекин янги савдо ҳафтасининг биринчи куни учун карвонсарой деярли жим-жит эди. Меҳмонлар оз, хужраларнинг ярми бўм-бўш турарди.

У хонақо ва мадрасаларга кўздан қўнмасди. Хонақоларда шайх жорий этган тартиботларга бўйсуниб, мажлисларга иштирок этишга тўғри келарди. У ўз эркини бўғишни истамас, бирор бир сўфийлик сулукуига мансублик ери ҳам йўқ эди. У уларнинг одами эмасди.

Мадрасада мезонлар ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб, унга савол бериб, илоҳиёт юзасидан баҳсга тортишлари мумкин эди. У баъзи уламоларга ўхшаб, истаган пайтда, истаган саволга жавоб беришни истамас, балки жавоб беролмас эди. Магар ўйлаганларини ўз сўзи, ибораси билан айтадиган бўлса, уни кофир ва даҳрийга чиқазиб қўйишлари тайин эди. Бу борада тажрибаси бор, у бир жойда узоқ қўним топмай, кўплаб мусулмон шаҳарларини кезиб чиққан эди, уни бекорга Учар деб аташмасди.

Бунинг устига, хонақо ва мадрасаларда уни таниб қолишлари мумкин эдики, буни у сираям истамасди. У эркин юришни, номдорлик ва шон-шухратдан, маросим ва тартиб-қоидалардан, бекорчи гап сотиш ва мавҳум мулоқотлардан фориғ бўлишни истарди: у сайёҳ эди, сайёҳларга энг қулай қўналға – карвонсарой эди.

У ўрнидан туриб ўтирди. Соқолини таради. Белбоғини бойлади. Ҳам хонтахта, ҳам тўшак ўрнида хизмат қиладиган бўйрачани йиғди. Бош томонидаги халтадан дамашқий кимқоб тўнини олиб кийди. Халта ичини пайпаслаб, кашкул ва Аллоҳнинг исми битилган алам билан ёнма-ён латта қалпоқ турганига ишончи комил бўлди. Унинг ичида Табриз ахийлар шайхининг Кўнё ахийлар шайхига юборган мактуби ҳам бор эди. У жуда ночор қолганида, ахийлардан ёрдам сўрарди.

Ҳамма нарсанинг жой-жойида эканини кўргач, у қўлтиғи остидаги халтачадан бир олтин, бир кумуш танга олиб, белбоғига тугди. Яна халтани титкилаб, заррин ва нуқра қатимлардан

чийрилган узун ип олиб, ҳовлига чиқди, фаввора олдида таҳорат олиб, ювинди. Сўнг хонаси эшигига қулф солдириш учун хужайиннинг ҳузурига борди. Хўжайин унинг эғнида серҳашам дамашқий тўн кўриб, айтганини дарров муҳайё қила қолди, сандиқдан қимматбаҳо қулфларни олиб, бир пасда тизиб ташлади. Бу Ҳалаб ва Генуя усталари ясаган, арманча, грузинча, самарқандча, бухорча усулларда ишланган ясси, юмалоқ, илғакли ва равон, икки қабзали қулфлар эди. У энг оғир, очиб бекилиши мушкул, калити уч тишли қулфни танлади. Хўжайин бир тилло сўради. У савдолашиб ўтирмай, олгинни сандиқ устига ирғитдида, қайтмига бир бўйра беришни тайинлади. Калитни ярак-юрук ипга илиб, елкасига солди.

У энди кўринишида бадавлат Дамашқ савдогарларидан қолишмасди. Унинг дарвеш ҳужрасига ўхшаш шипшийдон хонасида кашкул, Қуръон, бўйрача ва чопондан бўлак ҳеч вақо йўқлиги кимнинг хаёлига келибди, дейсиз?

Дарвоза олдида саррофлар ўтиришарди. Уларда истаган тангани мис мангирлар, олгин динорлар, миср ёки ҳалаб юсуфийлари, генуя флоринлари, венеция дукатлари, кумуш дирҳамларни султон ақчасига алмаштириб олиш мумкин эди. Даллол ҳам, судхўр ҳам, кўпинча жаллоб ҳасм уларнинг ўзлари эди. Уларга истаган миқдорда ақча бериб, ёлғиз саррофлар ва уларнинг шериклари тушунадиган, сирли белгилари бор бир парча чарм олинарди. Кейин ўшанинг эвазига Қоҳира ёки Бухоро, Дарбанд ёки Генуядаги истаган саррофдан ўша маблағни қайтариб олиш мумкин бўларди.

Йўловчи саррофнинг гиламчасига кумуш дирҳам ташлаб, ундан ўн ақча олди-да, белбоғига тугди, сўнг девор остига бўйрачасини ёзиб, чордона қурди.

У шошилмасди. Узоқ дарбадарлик йилларида бирор иш бошладдан олдин бир кунни ана шундоқ кўчада ўлтириб, иккинчи кунни бозор оралаб ўтказиш унга одат бўлиб қолган эди. Ана шу икки кун давомида кўпни кўрган сайёҳнинг синчков назарига асосий нарса – шаҳар не билан яшайптию нечук яшайпти – аён бўлади-қўяди. Тасодуф уни зарур кимсаларга ўзи рўпара этарди.

Савдогарлар ақчасига қурилган Гуручфурушлик карвонсаройи икки катта гузар кесишган жой – чорсута яқин жойлашганди. Дарвозанинг шундоқ рўпарасида ҳашаматли мадраса қад кўтарган, ундан сал нарироқда эса яна бошқа бир мадраса савлат тўкиб турарди. Ён кўча тарафдан ҳаммомнинг гумбазлари кўзга чалинар, хуллас, бу ер анча гавжум жой эди.

Пешин намозидан сўнг кўча-кўйни мадраса талабалари тўлдирди. Бировлар фоний танни боқиб гамида бозор тарафга – кўп сонли ошхонаю емакхоналарга ошиқишар, айримлар эса таъ-

зим-тавозе ила мударрисларга эргашиб, хос йиғинлар, девонхоналар сари боришарди.

Мусофир савдогарлар бозордан хушнуд бўлмаса-да, ҳар қалай очиқ чехра билан қайтишарди – ҳафтанинг биринчи савдо куни чакки бўлмаган шекилли. Гумашталар, жаллоблар, карвонбошилар, саррофлар билан бирпас гижиллашиб олишарди. Дарвешлар эгри таёқларини дўққиллатиб, кашкулларидаги мис чақаларини шақиллатиб, уларнинг устига бостириб келишар, оладитанларини олиб, яна йўлга равона бўлишарди.

Кўча-кўйни тўлдирган оломонни оралаб, ўтин-чўп, халта-сават, булоқ суви тўла мешлар ортилган эшаклар пилдираб ўтиб борарди. Мешкоблар, ҳолвапазлар, атторлар харидорларни бақриб чақирришарди. Хуллас, тирикчилик ўзининг одатий маромида оқар, агар шу югур-югур, тикилинчда бир тур маъюслик кўзга ташланмаганда, мўғуллар офати ҳам, очарчилик фалокати ҳам рўй бермагандек эди. Савдогарлар баланд руҳ билан эмас, шунчаки томоқ қириб қичқирришар, саррофлар ҳам одатга кўра, шунчаки кафтларини ишқашарди. Якка-ёлғиз ўткинчиларнинг чехрасида у кўпроқ қайғу ва малолат кўланкасини кўрарди.

Тўсатдан халойиқ орасида шовур-шувур бошланди. Қамишзор устидан ел учиб ўтандек, ҳамма бошлар бир томонга бурилди. Ё султон, ё мўғул нойони, ёки ўзга бир амалдор келяпти, деб ўйлади йўловчи. Шунда унинг қулоғига кушод чалинди:

– Мавлоно Жалолиддин келмоқдалар!

Бу номни у дастлаб бундан ўн йилча муқаддам Дамашқда эшитган эди. Кейин гоҳ Ҳалабда, гоҳ Арзирумда, гоҳ Қайсаридда, гоҳ Табризда тез-тез қулоғига чалиниб турди. Ниҳоят, ана шу ном уни йўлга чорлади.

У ўрнидан кўзгалиб, йўл ўртасига қараб юрди.

Баланд йўрға хачир минган уламо, худди пиёда аскарлар қўршовида келаётган донгдор чавандоздек, ўнги-сўли тўла муридлар, шогирдлар билан чорраҳага яқинлашиб келарди. Қуюқ қора соқоли кўксига, дасторининг печи ўнг елкасига тушган. Жилов тутган қўли ҳирқаннинг кенг енги ичида яширинган. Юзи қорачадан келган. Гўё унга тикилган кўзларни сезмаётгандек, унинг номини айтиб, кўтарилаётган шовур-шувурни эшитмаётгандек, назарини ерга қадаб келарди. Ё чинакам ўй-хаёлга толган, ёки одамлар эътиборидан азият чекарди.

Йўловчи тирсаклари оломонни нари-бери суриб, отилиб олдинга чиқди. Қўлини йўрғанинг нақ тумшуги остида силкиди, кескин ҳаракатдан тўннинг енги тирсаккача сурилиб, томирлари чийрилган иплардек чирмашиб кетган қўллар кўринди – у хачирнинг жиловини маҳкам ушлади.

Ўша хайрли шанба куни Жалолиддин пахта савдогарлари маблағи хайриясига қурилган Памбафурушон мадрасасига яна таклиф этилганди.

Баҳс мавзуи икки ҳадис эди. Муҳаммад пайғамбар айтмишдики: «Аллоҳ аввало оқ гавҳар яратди». Яна айтмишдики: «Аллоҳнинг аввал яратгани ақлдир».

«Оқ гавҳар» ибораси араб тилида «аль-ақл-аль-аввал» деб юритиладиган ўша бирламчи ақлга баробарми? Баҳс яна шу хусусида қизиқ борарди. Мутлақлик, универсаллик, потенциаллик, «аль-ақл-аль-аввал»ни уч жиҳатдан шарҳловчи уч жиҳатми ёки унинг нури талъатими?

Баҳс икки ҳафтадан бери давом этарди. Ва унга ўхшаш ва ўзга баҳслардек Жалолиддиннинг жонига аллақачон теккан эди. Гўё олиму уламолар бир-бирларини тинглаш, англаш, айтила-жак сўзларнинг маъносини чақиш учун эмас, аксинча, рақибнинг савҳи хатосини топиш, уни қўлга тушириб, ўз олимлигини намойиш этиш учун йиғилишганди. Нотиқ уламо нафасини ростлаш учун бир зум тўхтаса, бас, шу ондаёқ бошқаси сўзни илиб кетар, ҳадис ва ҳикматларга ҳаммаёқни тўлддириб ташларди. Бу жонни фидо этиб, ҳақиқат излаш эмас, балким ҳар ким ўз билимдонлиги, мантиқ кучи ва ўткир зеҳни борлиги билан мақтанадиган худбинлик майдони эди.

Бу нарса Жалолиддиннинг тоқатини тоқ этар, лекин баҳсни мадраса мутаваллийси, бир пайтлар унинг ашаддий рақиб Сайфидин уюштиргани учун, унда иштирак этмасдан иложи йўқ эди. Сайфидин ниҳоят паст тушиб, Жалолиддинга тан берган, унинг таклифини қабул этмаслик қасоскорлик ёки такаббурлик бўлиб кўриниши мумкин эди.

Жалолиддин кўча бўйлаб бораркан, яна ўз-ўзича хижолат чекарди. Бундай ҳолат сўнгги йилларда унда тез-тез рўй бериб турарди. Минглаб инсонлар олиму уламоларга умид кўзини тикиб, улардан тирикчилик машаққати олдида рағбат ва мадад кутиб турганда, оқ гавҳар нима, у аль-ақл-аввалга баробарми, деб баҳс-мунозара юритиш жоизмикин? У ҳар бир кимсага ўлчаб берилган умри азизни неларга сарф этмоқда?

Ҳеч қачон хижолат ҳисси у кузакнинг ўша офтобли кунида шоғирдлари қуршовида Памбафурушон мадрасасидан қайтаётган маҳалдагидек кучли бўлмаган эди. Шунинг учун одамлар гавжум чорраҳага яқинлашган сайин унинг боши кўпроқ қуйи солинарди.

Ҳачир таққа тўхтади. Жалолиддин бошини кўтарди. У савдогар либосидаги сайёҳнинг ҳачир жиловин маҳкам тутган, тирсаккача яланғоч, сертомир қўлини, яккам-дуккам ўсган сақолини кўрди, унинг тиканақдек ботувчи назарига дуч келди.

1244 йилнинг 26 ноябри. Кузнинг оддий бир куни. Бу кун салтанатлар тақдирини ҳал этиш учун улуғ кўшинлар майдонга тушмади. Миллионларни ўз ҳукмига олажақ сулоланинг асосчиси тахтга чиқмади. Янги қитъа очилиб, янги бир қудрат кашф этилмади. Ўша бағоят олис айёмда одамларни тонг қолдириб, уларнинг юракларида бир умр нақшланиб қолувчи фавқуллодда бир ҳодиса рўй бергани йўқ. Фақат икки инсон учрашди, холос.

Лекин ўша кун йироқлашиб, асрлар зулматига қоришган сайин бу учрашув самарасининг улуғворлиги баралла кўзга ташланади.

Икки инсон учрашиб, бири иккинчисида ўзини кўриб, бири-бирини англаб, бири-бирини севаркан — бу ҳамиша аломат ҳодиса, эҳтимолки, дунёдаги энг ажойиб мўъжизалардан биттаси. Лекин уларнинг учрашув куни ёлғиз ўшаларнинг шахсий қисматида улуғ айём бўлиб қолади.

Бундан етти юз йилдан мўлроқ муқаддам Кўнё шаҳрида учрашган икки кимса бири иккинчисида ёлғиз ўзлигини эмас, балки яна бир буюк ҳодисани — инсоният учун Инсонни кашф этди. Ана шу учрашув бўлмаганда, шимолда Ўрта Осиёдан тортиб — жанубга Арабистонгача, Шарқий Индонезиядан тортиб — ғарбда то Шимолий Африкагача бўлган майдонда яшовчи одамлар ўзларини ўзгача ҳис қилиб, ўзгача тафаккур этишарди.

У кун «маданият» аталмиш инсоннинг иккинчи табати учун Сукрот ва Афлотун, Гёте ва Шиллернинг учрашув кунидек аҳамиятга молик бир айём бўлди.

Ўша кун жуда улкан майдондаги халқларнинг ишонч-эътиқодлари, ҳис-туйғулари, ҳикмат-ривоятларини ўз шеъриятида гавдалантириб, инсон руҳини, унинг камолоти сари интилишдаги улуғворлигини ажойиб бир қудрат ила ифодалаб беролган Жалолиддин Румий дунёга келди.

Ундан бери не-не улуғ саналар, не-не шавкатли номлар унутилди. Замон тошларни емириб, тош деворларни кул қилиб учирди. Биз ҳатто ўша хуни эрталаб Жалолиддин қадам ранжида этган Памфурушон мадрасаси қайда жойлашган — аниқ билолмаймиз. Лекин Жалолиддин Румий билан Шамсиддин Табризий учрашган жой инсонларнинг қутлуғ хотирасида сақланиб қолган.

Агар Кўнёга йўлингиз тушса, марказдан унча узоқ бўлмаган «Салжукпалас» меҳмонхонасини излаб топинг. Унинг маориф нозирлигига рўбарў тушган бурчагига бориб туринг. Одамлар бу жойни «Маржа-аль-бахрайн» — «Икки денгиз учрашуви» деб аташган. Бу воқеа 1244 йилнинг 26 ноябрида рўй берган эди.

Инсон кўзгусиз (у сайқалланган темирнинг сиртими ёки сув сатҳими, бари бир), ўз чеҳрасини кўролмайдди. У ўзга одамсиз

ўзини билолмайди ҳам, зеро, жамоат вакили бўлмиш инсон ўзлигини ўзгалар воситасида англаб, ўзгалар воситасида шоён этади.

Аммо инсон кўзгу эмас. У ҳам акс эттиради, ҳам ёритади. Субъект ҳам ўзи, объект ҳам ўзи. Бинобарин, икки инсон, айниқса, Жалолиддин Румий ва унинг янги дўстига ўхшаш кишилар орасидаги муносабат ўз-ўзини билишнинг ғоят мураккаб психологик жараёнидир.

Шоирнинг дўсти билан мутлақ айният касб этишга, унда ўзини эритиб-сингдириб юборишга интилиши ўзининг асл моҳиятини, унинг ўз ибораси билан айтганда, илоҳий ҳақиқатни билишга интилиш эди. Лекин бир шахснинг иккинчи шахс билан мутлақ қўшилиб-қоришишига эришиб бўлмас экан, ҳақиқатни билиш ҳам нисбий бўлади. Айният – ноайният ўрта-сидаги зиддият, бинобарин, уни бартараф этишга қаратилган интилиш ҳам қолаверади.

Йўрғасининг жиловидан тутган сирли сайёҳ билан дўстлашув Жалолиддин Румий инсонпарварлик диалектикасининг реал асосини ташкил этади.

Лекин ўзга кишида бизни, бизнинг давомимизни, анъанавий таъбир билан айтганда, руҳий биродарлигимизни очиб берадиган сўз ғалати, баъзан арзимас бир калима бўлиши ажаб эмасми?! Улар аксарият фақат бир белги, четдан қараганда, кўзга чалинмайдиган бир нишона бўлиб хизмат қилади. «Сўз – либос, – деган эди Жалолиддин Румий, – маъно – унда яширин асрор».

Ўша 1244 йилнинг 26 ноябрида улар дарҳол бош масала ҳақида гап очишди. Бироқ улар учун ҳам, биз учун ҳам ғоят муҳим бўлган савол шундоқ сўз либосида берилдиким, ўтган етти юз йил мобайнида у тўзиб-титилиб, маъно юкини кўтаролмайдиган бўлиб қолди. Унинг замиридаги сирни илғаб олиш учун лоақал ўша давр тафаккури тарзини бир қадар тасаввур этиб кўришга тўғри келади.

Ўшанда йўловчи хачир жиловидан маҳкам тутиб, Жалолиддиндан кўзларини узмай, сўради:

– Эй, у дунёю бу дунё маънию моҳиятларининг саррофи! Айтгил, ким устун – Мухаммад пайғамбарми ёки Боязид Бастомий? ✓

IX асрда яшаган сўфий Боязид Бастомий тасаввуф алломаларидан бири эди. Ваҳдатул илоҳий хусусида чуқур ўй-хаёлга ботиш, ошиқ «мен»и маъшуқ «мен»ига қоришганидек, шахснинг батамом йўқолиб кетиш ҳиссини туғдиришини биринчи бўлиб ўша пайқаган эди. У айтмишдики: “Илон пўст ташлаганидек, мен ўз-ўзимни тарк этдим. Бир маҳал ўз моҳиятимга боқсам... оҳ мен унга айланабмен!” Бу ҳолатни Боязид фано деб атаган, кейинчалик кўплаб сўфийлар уни тариқатдан мақсад, деб эътироф этишганди. Мутаассиб руҳонийлар Боязиднинг

сўзларида илоҳийликка даъво кўриб, уни кофир, деб эълон этишган ва ўз шаҳридан қувғин қилишган эди. Аммо сўфийлар учун Бастомий бағоят соҳиб нуфуз саналиб, “Султонул орифин” унвониغا сазовор бўлган эди.

Шунга қарамай, нотаниш сайёҳнинг гавжум йўл устида шундоқ савол бериши густоҳлик эди. Султонул орифин бўлган сўфий қайдаю Худонинг расули Муҳаммад қаёнда! Жалолиддин бошқа ҳар нечук тақводор шайх ёки уламога ўхшаб жавоб берди:

– Бу не сафсата? Албатта, Муҳаммад устун!

Шамсиддин, шубҳасиз, шундоқ жавобни кутган эди. Лекин унинг тузоғи ҳам ана шу саволда эди. Бас, унинг лабларида ингичка бир табассум ўйнади.

– Дуруст, – деди у. – Нега унда Муҳаммад: «Юрагимни занг босиб, эгамнинг олдида ҳар куни етмиш карра тавба қиламен», – дейдию Боязид эса: «Мен ўзимдаги ҳар нечук қусурлардин халос топдим. Жисмида Худодин бўлак ҳеч нарса қолмади. Улуғмен, улуғмен, шон-шарафга тўлиқмен!» – деб бонг уради?

Жалолиддин тўсатдан зарб еган кишидек, қаддини ростлади. Нотаниш кимса дағалликка дағал, аммо анойилардан эмасди. Афтидан, у ҳам Жалолиддин бош қотирган масалада бош қотирган кўринади. Яъни, ҳақиқатнинг мутлақлигигу билимларнинг нисбийлиги хусусида.

Жалолиддин жавоб беришдан олдин, ўз ҳаяжонини яширмай, нотаниш кимсанинг кўзларига узоқ тикилди. Унинг ҳаяжони йўловчига ҳам ўтди. Кейинчалик Шамсиддин шундоқ деган эди: «У менинг сўзларимдаги балоғатни дарров пайқади, мен эсам у сўзини тутатмаёқ, унинг юрак мусаффолигидан маст бўлдим».

– Муҳаммад ҳар куни етмиш мақомни босиб ўтарди, – жавоб берди Жалолиддин. – Ва ҳар гал янги пояга етиб, аввалги пояда эришган билимларининг қосирлиги учун тавба-тазарру этарди. Боязид эса ёлғиз биргина пояга етиб, шунинг мартабасидан боши айланиб, жазава ичра ўшандоқ сўзларни айтмиш...

Ким устун, Муҳаммад ёки Боязидми?.. Бу сўзлар замирида яширинган маъно англашилмас экан, савол христиан дини пешволарининг, нина учиде нечта фаришта жойлаша олади, деган ёки мусулмон уламоларининг ўша кун Жалолиддин иштирок этган оқ гавҳар ва аль-ақл-аль-аввал хусусидаги баҳсларига ўхшаб, маъносиз туюлиши мумкин. Аммо аслида, Шамсиддин бошқа нарсани сўраган эди: мутлақ ҳақиқатни билишга қаратилган даъволар тўғрими ёки ҳар нечук билим нисбий бўлиб, ҳар бир янги поя олдингисини инкор этишдан иборатми? У берган саволнинг маъноси, ҳозирги замон тилига кўчирилганда, ана шундоқ эди. Ва бу саволга Жалолиддинга қадар ҳеч ким бир жўяли жавоб беролмаганди.



Жавобни эшитган Шамсиддин оҳ чекдию ҳушдан кетиб, ерга йиқилди.

Ҳар ҳолда, қадим солномалар шоҳидларнинг сўзларига суяниб, шундоқ деб ёзишади.

Одатда «хушдан кетиб йиқилди» ибораси шунчаки маҳобат, шоирнинг руҳий қудратини таъкидлаб кўрсатувчи хайрли бир муболаға ўрнида қабул қилинади.

Лекин ўйлаймизки, чиндан ҳам шундоқ бўлган. У замонларда кишилар севиб, севгидан ҳасталаниб, шу куйда ҳалок бўлишган. Дўст билан ҳафталар бўйи суҳбат қуриб тўйишмаган. Чуқур маъноли фикр ёки гўзал бир мақом тинглаганда, йиғлаб кўзёши тўкишган, дод-фарёд чекишган. Биз ҳозир бепарволик билан эшитадиган ҳақоратлар учун ҳақоратчини ўлдиришга, ё бўлмасам, унинг қўлида ҳалок бўлишга ҳозир туришган. Файриодатий ҳодисани кўрганда, даҳшатдан қалтираб, ер ўпишган. Буларнинг ба-рини шунчаки маҳобат, хайрли муболаға деб бўлмаса керак.

Цивилизация инсонларни ҳис-туйғу ифодасида босиқ-вазмин бўлишга ўргатди. Аммо шаклни мазмундан ажратиб бўлмайди. Бизнинг асримиз беҳад кўп нарса билади, эҳтимолки, унинг тафаккурида мантиқийлик ва мавзунлик неча карра устундир. Лекин у ўша ўн учинчи асрга ўхшаб, кучли ҳис эта олармикин? «Ҳар нечук маҳрумият – муяссарият, – деган эди Жалолидин Румий. – Ҳар нечук муяссарият – маҳрумиятдир».

У ерга сакраб тушиб, йўловчининг боши узра энгашиди. Унинг билақларини ишқаб, қўлларини кўкси узра бир неча бор қовуштириб, ёзди.

Шамсиддин кўзини очди. Ҳушига келиб, оёққа турди. Улар кучоқлашдилар. Халойиқ, олиму уламолар, Жалолиддиннинг муридлари ҳеч нарса тушунолмай, ҳанг-манг бўлиб туришарди.

Жалолиддин йўловчини қўлтиқлаб, заргар Салоҳиддиннинг уйига бошлади. Улар суҳбат учун ўша ерга, хилватта чекинишди.

## ИНСОНИ КОМИЛ

Жалолиддин Румий билан Шамсиддин Табризий суҳбати узлуксиз уч ой давом этди. Мазкур ойлар кечиб, Кўнё узра илк баҳор шабадалари қанот ёзаркан, Жалолиддинни билганларга у ўлиб, унинг қиёфасида ўзга бир инсон туғилгандек туюлди.

«Ногаҳон Шамсиддин пайдо бўлди, – деб эслаган эди кейинчалик шоирнинг ўғли Валад, – ва у билан бирлашди. Унинг шуъласидан Мавлоно сояси йўқолди... У Шамснинг сиймосига боқаркан, сирлар кундек ошкор бўлди. У ҳеч кимса кўрмаганини кўриб, ҳеч кимса эшитмаганини эшитди. У Шамсни ҳузурига чорлаб: «Шоҳим, дарвешнинг сўзини тинглагил. Менинг уйим сенга му-

носиб эмас, лекин мен сенга муҳаббат қўйдим. Кулнинг бор бисоти, унинг топган-тутгани хўжайинга тегишли. Бугундан эътиборан бу – сенинг уйингдир!» – деди. Мавлоно унинг сиймосига, унинг тавсифга сиймас мусаффолигига, унинг жавоҳир денгизидек сирларга кон нутқию кишига жон бағишловчи сўзларига асир бўлди... У ўшасиз ҳеч қаёққа бормасди. Унинг юзларига боқмаса, гўё нуридийдасидан айрилиб қоладигандек эди... Кеча-кундуз у билан бирга, ундан айрилишга тоқати йўқ эди. Гўё у балиқ бўлдию Шамс – денгиз. Шамсиддин уни шундоқ бир дунёга бошладики, у на турк, на арабнинг тушига кирмишди. У ҳар куни унга сабоқ берар, янги билимларни ошкор этарди. Мавлоно шусиз ҳам ботиний илмлар ила тўла эди. Лекин Шамс очган нарса ўзгача, тамом янгича ирфон эди...»

Жалолиддинни сирли дўсти бошлаган дунё – нечук дунё, у берган билимлар нечук билимлар эди?

Улар хилватга чекиниб, нималар тўғрисида гаплашишган – биров билмайди. Сўзларидан маълумки, бундан шоирнинг ўғли ҳам воқиф эмас. Аммо Жалолиддиннинг фармойиши билан «ас-рор котиблари» Шамсиддиннинг жамоат ичида айтган ҳамма ҳикояту ривоятларини, ҳар бир сўзу калимасини бир йилдан мўлроқ муддат ичида ёзиб боришган. Бу ёзувлар кейин номи бизгача рўйхатларда етиб келган «Мулоқот» китобида жамланган. Мазкур китоб бир неча нусхада қоралама ҳолича қолиб кетган. Шамсиддин қўллаган сўз ва тимсоллар туманли ва мажозийдир. Буни унинг ўзи ҳам эътироф этади: «Муқаллид<sup>1</sup> менинг сўзларимни на такрор эта олур, на уларга пайров қила олур, – дейди у. – Улар мавҳум ва мураккаб. Мен уларни юз карра айтгум, ҳар гал янги бир маънони аён этгум. Лекин асосий маъно ҳеч кимга аён бўлмагай, дахлсиз ва мусаффолигича қолгай».

Унинг сўзларидаги мавҳумот маълум даражада мажбурият туфайлидир. У исломнинг расмий ақидаларини сергаклик билан қўриқлаб турган руҳонийлар таъқибидан чўчиб, фикрларини ошкор айтмасди.

Лекин ҳар ҳолда Шамсиддин Табризий ҳикматлари ва Жалолиддиннинг шеърий шаҳодати маълум хулосалар чиқаришга имкон беради.

Шамсиддин олимлар ҳақида киноа билан сўзлайди. Куруқ китобий олимлик, унинг наздида, ожизлик аломатидир. (Жалолиддиннинг сўзларини эсланг: «Олимларимиз ўз илмларида қилни қирқ ёришади, лекин ўзлари учун энг муҳим бўлган асосий нарсани билишмайди!») Шамсиддин эътиқодини касбга

---

<sup>1</sup> Муқаллид – тақлид қилувчи.

айлантириб олган уламою фақиҳлар, сўфий-шайхлар хусусида ҳам кескин гапиради: «Шайхлар ва сўфийлар — дину диёнатнинг катта йўлидаги қароқчилардир». Олимлар илмни, шайху уламолар эътиқодни мақсадга айлантиришган. Олиму уламолар кўлида илму иймон «ҳақиқатни яширган пардалар». Зеро, илм ҳам, иймон ҳам — мақсад эмас, восита.

Хўш мақсад нима? «Дунёла жамики нарса инсонга қурбон, — дейди Шамс, — фақат инсон ўз-ўзига қурбон». Ва ўша давр кишиси учун табиий бўлганидек, ўз фикрлари тасдиғини Қуръондан излайди. Қуръоннинг ўн еттинчи сурасидаги етмишинчи оятда: «Ва лақад карромна бани Адама...»<sup>2</sup> дейилади. «Аллоҳи карим, — деб давом эттиради Шамс, — на тахт, на самовотни эъзозлаган, шундоқ эмасми? Бас, етти қават осмонга етасенми, ёки етти қават ер остига — бундан не суд? Юрак соҳибини севишинг, унга мададкор бўлмоғинг керак. Ўз-ўзини билган инсон ҳамма нарсани билгай». (Жалюлиддинни эсланг: «Сен самовий ва заминий икки оламга баробарсен. Аммо ўз баҳойингни билмасанг — начора?»).

Шамсиддин Табризий яна дейдики: «Ҳамманинг юзи Каъбага ўтирилган. Каъбани олиб қўйсанг, маълум бўладиким, инсонлар бир-бирининг қалбига сиғинур. Бирининг қалби — бошқаси учун саждагоҳдир».

Мақсад — инсон. Лекин ҳар қандай, ҳар нечук инсон эмас. Ёлғиз ўз манфаат ва эҳтиёжлари билан банд бўлган тирикчилик ташвишларида зир югуриб улардан баланд кўтарила олмаган кимса ўз инсоний моҳиятини англаш йўлида ўзига парда бўлади (Эсланг: «Сен ҳамма нарсани унутишинг мумкин, ёлғиз бир нарсани — нечун дунёга келгансен, шуни унутмасанг, бас. Ўзингни арзон сотмагайсен, илло баҳойинг баланд!»).

Мақсад — мукамал инсон, инсони комил. Хўш, Шамсиддин учун инсони комил ким? У яна Қуръонга, диний ривоятга мурожаат этади: «Расулulloҳнинг тоат-ибодат шавкати — унинг ўз-ўзини унутиши эди».

Ўз-ўзини англаган ва ўз-ўзини унутган инсон — Шамсиддин Табризий назарида инсони комил ана шундоқ бўлади.

Кўплаб тасаввуф мутафаккирлари сингари Шамсиддин ҳам дунёга монистик нуқтаи назардан қарар, у дунё — воҳиддир, деган эътиқодда эди. Лекин ўша давр мутафаккирлари ичида ана шу эътиқоддан дадил ва кескин хулосалар чиқаза олди. Бинобарин, у тасаввуфнинг барча оқимлари билан танишиб, уларнинг биттасига ҳам қўшилмади. «Ҳамма ўз шайхига суянур, — дейди у. — Мен эсам сувни чашманинг ўзидан ичамен. Сўзимнинг индал-

<sup>2</sup> «Биз одам авлодини барча махлуқотлардан зиёда қилиб яратдик...»

лоси шулким, мендаги сирри ниҳон ошкор бўлсайди, буткул дунё бир тусга кирар, қилич ҳам, қайғу ҳам қолмасди».

– Бутун олам, – дейди Шамсиддин, – қудрати илоҳийнинг намойишидир. Инсонни комил – мақсад, оламнинг гулгожидир... Шамсиддин, инсонлар бир-биридан бойлик, наслу-насаб, мавқе-мартаба, ҳаттоки, дину-эътиқодга кўра ажралишмайди, деб рўйирост айтади. Унинг учун уларнинг бари – одамлар. «Менга кофирни кўрсат! – деб хитоб қилади у. – Мен унга сажда қилай. Мени кофир деб ата, мен сени тавоф айлай. Куфур – иймонда, иймон куфурдадир».

Валаднинг ўз отаси ҳақидаги: «Унга ҳамма нарса баробар бўлди: баланд ҳам, паст ҳам», – деган сўзларини ана шу маънода тушунмоқ керак...

Шамсиддин Табризий Жалолиддинга очган ва унинг ўз ҳаётига зомин бўлган билимларнинг қисқача тавсифи ана шундай. Унинг пантеистик, гуманистик ғоялари, шубҳасиз, меҳнаткашлар оммасининг, биринчи галда, ахийлар жамоасига уюшган ҳунармандларнинг кайфиятлари билан суғорилган эди. Лекин ахийлар ўз низомлари, анъанавий маҳдудликлари билан Шамсиддин учун тор эди. Уларнинг жамоаси, унинг таъбири билан айтганда, умумий кишилик жамият олдида парда эди. Худди ана шу маҳдудлик туфайли, улар феодалларга қарши кўтарилган Бобо Исҳоқ бошлиқ деҳқонлар кўзғолонини қувватлашмади.

Шу сабабга кўра, Шамсиддин саватчи шайх Абу Бакрни тарк этди, ахийлар билан муносабатни узил-кесил узмай, уларнинг мададига суянса-да, ўз ғоялари уларга маъқул тушмаслигини яхши биларди. Сирасини айтганда, ҳали дунёда ҳеч ким унинг фикрларига қўшилмаганди. «Бўйла бир кимсани учратмадим, – дейди Шамсиддин. – Учратганим ёлғиз Мавлоно бўлди».

Шамсиддин Жалолиддиндан яшириниб ётган, унинг ўзи ҳам беҳабар бўлган кучларни унга очиб берди.

«Эшик тақа-тақ берк эди. Уни фуқаро қиёфасидаги подшоҳи аъзам очиб, остонада пайдо бўлди».

Бу кучлар шу қадар буюк эдики, улар уч қатла истибдод – Султонул Уламо талқин этган илоҳиёт сиймолари, Дамашқ ва Ҳалаб шайхлари ижозаси ила тасдиқланган китобий алломалик, Саид Бурҳониддин назари остида кечган сўфиёна тариқат залвари остида ҳам куриб битмади, аксинча, остида ўт ёнган қозондек, қозондаги бўғдек қудрат ва шиддат касб этди.

Шамсиддин бу кучни биринчи бўлиб кўрди-ю, қопқоқни хиёл кўтарди. Шунда Жалолиддиннинг қалбида унинг ўзи йиллар бўйи орзиқиб кутган доира садоси янграб, бутун дунёга таралди.

Кўзёши ва фарёдлар Инсон Комил бўлишнинг қувончи ма-  
дҳияси, ҳассос фаҳрияси билан алмашинди.

*Куфрият уммонидин топдинг ажаб дури имон,  
Жаннатийсен, гарчи ҳоло масканинг дўзахдадир...*

Илгари Жалолиддин муқаддас китоблар, илоҳиётга доир рисолалар, сўфиёна шеърлар мутолааси билан банд бўларди. Ўзи китобий билимларга дурустгина ошно бўлган Шамсиддин кўрди-ки, унинг дўсти замона илмини эгаллабди, лекин китоблар, кўплаб олимлар каби, унинг назаридан дунёни тўсиб қўймиш, руҳнинг тирик ҳаётини ўлик қоидалар кафанига ўрамиш. Шунинг учун ҳам унинг қўлида отасининг панд-насихатлари ёки сеvimли араб шоири Муганнабнинг девонини кўраркан, чидаб туролмас, асаби кўзиб, қичқирарди:

– Ўқима! Ўқима, дедим, ўқима!

Шамс қаттиқ туриб, уни ойни тоғорада эмас, осмонда ку-  
затишга ундарди.

Шамсиддин уламоларнинг сиймоларга сажда қилишини, уларнинг жонли ҳаёт олдида сўқирлигию эркин фикр ва туйғулар олдида кўрқиб қалтирашларини кескин қоралади. «Тирик худойимиз бор, ўлик худо не даркор».

Агар ўшанда бу сўз истеъмода бўлганда, фикр кушандалари, уни нигилист, деб аташарди. Ўшанда уни «беадаб жоҳил» деб сўкишди. Шамсиддин Табризийни шундоқ деб айбситиш етти ярим асрдан буён китобдан-китобга кўчиб келади. Ҳалигача бирорта олим буни илк манбаларга суяниб, текшириб, таҳлил этиб бермади.

Сўфиёна мажлисларда Шамсиддин узоқ бир бурчақда ўлтирар, кўпинча сукут сақларди. Билардики, фикрини баён этса, бас, осий деб эълон этишади. Бир гал ҳадислар, илгари яшаб ўтган шайхларнинг ҳикматлари, авлиёларнинг мўъжизалари ҳақидаги узундан узоқ ривоятларга таянишларни тинглаб, чидаб туролмади, бурчақда туриб кичқирди:

– Қачонгача умрингизни фалончининг сўзию пистончининг ҳикмати деб зое этасиз! Асл моҳияти билан ўзларингники бўлган ўз сўзларинг қани?

Хонақода ҳайрат аралаш оғир сукунат чўқди. Бу ҳодиса замондошларга шундоқ таъсир этгайки, уни барча тарих ва солномаларда қайд этишган.

Жалолиддин ўз дўстини «Султонул гадойин» деб бежиз айтмаганди. У ўз руҳи ва қиёфаси билан аслзодаларга хос, замирида шуҳратпарастлик яширинган такаллуфга, ичида гараз захри

жо бўлган назокатта, ўша давр уламолар даврасига, уларнинг муомала тарзига бегона эди. Ҳақгўй ва чўрткесарлиги ила у чинакам халқ кишиси эди. У Жалолиддинга янги дунё очди.

Илгари Жалолиддин муридларга сабоқ, мўминларга фатво берар, ваъз айтар, шоғирдларга панд-насихат этар, уламолар билан баҳслашар эди.

Энди ваъзу дуолар шеър у мусиқий билан, оҳ-фарёдлар рақсу тароналар билан алмашинди. Илгари у ҳамиша маънос, ҳамиша боши эгик эди. Энди эса юзлари ёришиб, севинчу сурурга тўлиб юрарди. Кўлига китоб олмас, уларни най ва рубобга алмашган эди. Ўғитлар, фатволар, баҳсу мунозаралар бари ортда қолган эди.

У шеър у мусиқийни деб, дўсти иштирок этадиган мажлиси самоъни деб ҳамма нарсдан воз кечди. Дарвоқе, бу ҳақда Жалолиддиннинг ўзи бошқалардан яхшироқ айтган:

*Мен Уторуддек китобга ўч эдим,  
Ҳар нафас дафтар-қаламга дуч эдим.  
Лек юзинг кўрдим-да маст бўлдим чунон,  
Синдириб отдим қаламни бир томон.  
Кўзёшимдин тан ювиш – роҳат менга,  
Бўлди чеҳранг қиблаи тоат менга.  
Йўқ чидам, гар банди ҳижрон айласанг,  
Яхшидир жонимни сўзон айласанг.  
Розимен, бошим хувайдо бўлмаса,  
Унда идрокинг агар жо бўлмаса.  
Кабба ичра меҳри жонпарвар ўзинг,  
Масъжиду бутхонада сарвар ўзинг.  
Бурда нонингдин тўйибмен он қадар,  
Қатраи оби-зиллинг жон қадар.  
Сен овоз берсанг, илоҳ дер, шундамен,  
Мен илоҳий деб сени, фархундамен...*

Китобларнинг чанг босган саҳифалари, мадрасаларнинг қалин залворли деворлари, зоҳидларнинг расм-русуми, тоат-ибодат ва қонун-қоидалари билан йиллар бўйи тўсилган ҳудудсиз олам тўсатдан ўз ранги-тароватлари, ҳиди-муаттарлари, тирик одамлари, эҳтирослари ила Жалолиддиннинг кўз ўнгида намоён бўлди.

Шаҳарнинг зулмат босган кўчалари сукунат кўйнида, фуқарога гунда остона ҳатлаб, ташқари чиқиш – қагагон. Юлдузлар милтирайди. Момақалди роқ гўмбурлайди. Боғлар яшнаб, мушки анбар таратади. Кўз етмас тоғ чўққилари кўкка юксалиб туради. Бозорлар қайнайди. Оломон оралаб киссавурулар изғийди. Заргарларнинг болғачалари тинимсиз тикқиллайди. Қалъа девор-

лари устида кесилган каллалар қорайиб кўринади. Беклар виқор ила мўйлаб бурайди. Подшо инъом талаб қилади. Мўғуллар босган қишлоқлар ловуллаб ёнади. Канизаклар ҳарам панжаралари ортидан мўралайди. Қулларнинг манглайига тамға босишади. Султон девонида мирзаларнинг қаламлари қитирлайди. Қарчиғайлар ўлжага ташланади. Ҳаммомларнинг ойналарида рангоранг расмлар товляниб туради. Разолатта ботган дарвишлар болаларни хонақога имлайди. Шайхлар риёкорлик қилади. Ошиқлар оёққа ботган тиканга парво қилмай, висолга ошиқади. Уламолар эшак бозоридаги даллолларга ўхшаб, оғизларидан кўпик сочиб, сўқинишади. Ҳар ким ўзича қичқиради, ҳамма шовқин сурон солади, лекин мақсад битта – ҳар бири ўз олимлиги эшагини қимматга сотмоқчи бўлади. Сўфийлар куёшда исиниб, ўй-хаёлга ботиб ўлтиришади. Шаробхоналарда сарбозлар кайфсафо қилишади. Кўчаларда безорилар ёқа йиртишади. Тўйларда ноғоралар тарақлаб, сурнай нола чекади. Савдогарлар шатранж ва нард ўйнашади. Аторлар узоқ ўлкаларнинг мушк-анбарларини мақташади. Тўтилар донишмандларнинг сўзларини такрорлайди. Енгилеёқ яллагилар жазманларга эшик очади. Сув ва шамол тегиримонлари гир-гир айланади. Чавандозлар чавгон ўйнашади. Дехқонлар очликдан қирилишади. Юк ортган кемалар елкан ёзади. Болакайлар ёғоч от миниб, кўчада чопқиллашади. Султоннинг хабарчи кабуларлари қанот қоқади. Саркардаларнинг чодирлари устида байроқлар ҳилпирайди. Жиннилар бозорда ахлат титкилашади. Камбағаллар сувга нон ботириб ейди. Оломон аросат ичида кимларнидир оёқости қилади. Тиланчилар қийиқчадан лаблари билан нон ушоқларини теришади. Мурдашўйлар масжидда мурда ювишади. Домла бепарво талабаларнинг товонига хивич уради. Бағритошлар дўстларини унутиб, уларни тиш орасида қолган суякдек, тупуриб ташлашади. Мастлар алжирайди. Жоҳиллар сув бетидаги кўпикдек кўпиришади. Орифлар денгиздек сукут сақлашади: нодонларга ақл ўргатиш қояни қиртишлаш билан баробар. Бировлар ақл билан, бировлар телбалик билан маст...

У ўз шеърларида бор дунёни, ўзини ўраган муҳитни акс эттирди. Денгиз бундан миллион йиллар муқаддам яшаган жониворларни тиниқ қахрабо шаклида қирғоққа чиқазиб ташлаганидек, унинг шеърляти ўша давр ҳаётини, майда-чуйда тафсилотларигача, бизнинг кунларимизга етказиб берди.

Лекин у тафсилотларга ўралашиб қолмади, баёнчиликка берилмади, зеро, унинг шеърлятида мақсад бу эмас эди, у воиздан шоирга айланаркан, ўзининг илм-маърифатидан бир баҳя йўқотмади. Унинг мақсади – инсонни комил бўлиш, ўшанга мушаррафлик эди.

Бундоқ кишилар дунёнинг хўжаси бўлади. Сафарга чиқиш-са, ой ва офтоб уларга – болиш. От суришса, етти қават осмон – оёғи остида. Улар юлдуз косасидан май симиришади. Бир-бирлари билан ҳақ-ҳақиқат учун талашишади. Уларнинг юзи атиргул чехрасидек хандон. Қоматлари чинордек расо. Қонли тўлқинлар қутуриб, забтига олса ҳам, либослари топ-тоза. Танларини тикан тўлдирса-да, юзларида табассум. Улар асир, лекин майдек ҳамиша жўш уриб туришади. Уларни жаҳаннам ўтлари ёқса-да, эҳтиёмандларга кулиб, жаннат эшигини очишади. Ҳамма нарса улар ҳукмида, лекин ўзлари ҳеч кимсага мусаллам эмас. Уларга тожли, санжоқли султонлар – бир қақа. Уларга олқиш ва мадҳу сано бегона. Улар минглаб бўлсалар-да, бир кишидек яқдил. Самода бир ой, бир қуёш бор, лекин уларнинг осмонида ой ва қуёшлар беҳисоб. Ҳар бир юртнинг бир подшо-си бўлади, уларнинг шаҳрида ҳамма – подшо. Уларда қози ҳам, муҳтасиб ҳам, қоровул боши ҳам, жаллод ҳам йўқ. Улар кибр не, нафрат не – билишмайди. Ёлғиз бир-бирларига сиғинишади. Бу шаҳарнинг яккаю-ягона ҳукмдори, ҳар кўнгида султон – муҳаббат.

Шоирнинг наздида орзудаги озод инсон ана шундоқ эди. Бу орзу мавҳум эмас, йўқотилган жаннатдек олис ўтмишда ёки нариги дунёдаги беҳиштга ўшаб, олис келажак қўйнида ҳам эмасди.

Ҳар бир инсон инсони комил бўлиши мумкин, бинобарин, ҳар бир инсон муқаддасдир. Эҳтимол, у – анави девор остида ётган гадодир. Ёхуд у анави этик ямаётган косибдир. Балки у манглайига тамга босилган манави қулдир...

Ҳар замон, ҳар бир давронда шундоқ кишилар бўлади, жаҳоннинг жони уларнинг кўксига уриб туради. Лекин уларнинг камоли ҳар кимга ҳам кўринавермайди. Уларни кўриш учун кўнгил кўзига эга бўлиш, комил бўлиш керак.

Унга дунёни янгидан очган, инсонга янгича назар сочган Шамсиддин, табиийки, унинг учун орзудаги инсоннинг тимсоли мужассами эди. Шамс араб тилида «қуёш» дегани. Шоир дўстини «ўзи ҳам саркарда, ҳам қўшин – қуёш ва нур қўшини бўлмиш подшо» деб атади.

«Шамснинг қуёши балқаркан, барча соялар ғойиб бўлур, Шамс сўзи зоҳир бўлса, қуёш уфқда унинг шуъласига ғарқ бўлур».

Шамсиддин шоир учун «Ҳаётнинг сирри-асрори»га айланди.

Лекин шоирнинг ўзи ҳам Шамсиддин назарида кўксига жаҳоннинг жони уриб турган инсони комил эди. Жалолоддин дўстида бошқалар кўрмаган нарсани кўриб, ундаги сирри ниҳонни ошқор этди. Жалолоддиннинг ўзи эса Шамсиддиннинг ўзи эга бўлмаган ҳар нечук мушкул нуқтани аён ва баён эта



олиш иқтидорига эга эди. Бинобарин, улар, маъно ва калом, моҳият ва ҳодисадек, ажралмас бўлиб бирикдилар. Улар энди алоҳида-алоҳида бўлиб яшашмасди.

Дўстининг ўлиmidан сўнг Жалолиддин шундоқ деган эди: «Бизнинг бирлигимизни англашга ҳеч кимса қодир эмас, у ҳеч қандай хаёл-тасаввурга сиғмагай. Мен «у» дейман, лекин бизни фақат сўзда ажратиш мумкин, аслида мен ҳам, у ҳам йўқ. Биз икки оламнинг ялакат гавҳаридирмиз. Бизни ажратиб бўлмагай. Инсон мулки борлиқни кезиб, кўкка учса ҳамки, ўз-ўзидан айру тушмагай. Воҳид ҳамиша воҳидлигича қолур».

Жалолиддинни ўз маслақдошига айлантирган Шамсиддин уни янгича йўлга – ўз ички дунёсини эркин ифодалаш йўлига бошладди, зеро, бу Шамсиддиннинг ҳам асл моҳиятини ифода этарди.

Бу йўл мажлиси самоъ эди. Мусиқий, рақс Жалолиддинни шундоқ ҳолатга солардики, ошуфта ғазаллар ўз-ўзидан оқиб келаверарди. Шамсиддин Табризий уни шоирга айлантирди.

Жалолиддиннинг маънавий кучларини ўз-ўзини чеклаш асо-ратидан озод қилган дўсти, турли паст-баланд сўзларга қарамай, унинг ички дунёсини ҳар нечук бетакаллуф суқулишлардан муҳофаза этар, шу билан дунёнинг энг бебаҳо бойлиги – шоирнинг вақти-фурсатини асраб-авайлар эди. У мадраса эшигида ўлтириб, Жалолиддин ҳузурига кирмоқчи бўлганларни тўхтатар эди.

– Мавлоно сенга неъмат инъом этур, – дерди Шамс. – Сен унга не ила келдинг, шукронасига нима келтирдинг?

Бир шайх Шамснинг бетакаллуфлигидан жаҳли чиқиб, қич-қирган эди:

– Биздан не келтирдинг, деб сўрайсен, хўш, ўзинг не келтирдинг?

– Мен унга ўзимни келтирдим, – деган эди Шамс овозини кўтармай. – Мен унга бошимни фидо этдим.

Бу сўзлар чин башорат бўлиб чиқди.

## ҲИЖРОН ВА ВИСОЛ

Ёш, аммо муҳтарам шайх, устоз мударрис, тақводор воизда бўлган ўзгаришларни эшитиб, ақл бовар этмас эди. Унинг равиш-рафтори бутун руҳонийлар табақасига соя соларди. Нафақат уламою фақиҳлар, балки сабр-бардошли сўфийлар ҳам бу гал ғазабга минишган эди. Лекин ҳаммадан кўпроқ жиғи бийрон бўлган унинг ўз муридлари эди. Хўш, не сабабдин шайх улардан юз ўтирмиш? Ахир улар бир қаричликдан Худога топинган бандалар-ку. «Биз шайхдан андоқ нарсалар эшитдик-ким, ҳеч бандаси уларни эшитмагай, – деб дод-вой солишарди

улар, – унинг сўзлари ҳам жилла аён эмас. Биз шайхга содиқ куллар эдик. У бизни қарчиғайдек ўз тузоғига илтирмишди. Биз унга озмунча ўлжа келтирмадик. Биз туфайли у шухрат қозонди, дўст биродари зиёда, душманлари забун бўлди. Анави, бизнинг бошимизга битган бало, Шамс ким ўзи? Насл-насаби бетайин бир дарвиш. Мавлонони сеҳр-жоду қилган жодугар эмасму у? Халойиқ ваъздин, биз сабоқдин айрилдик. Ҳамма ўз қалбидин жудо бўлди. Анави жоҳил ва беадаб эса унинг эшигида ҳуди ит ёки мўғул ноибидек ўлтириб олиб, Мавлоно дийдорини кўрмоқчи бўлганлардин пайза сўрайдир?!»

Шамсиддин ҳаммасини эшитар ва кўриб турарди. Унинг янги дўсти эса дунё билан маст, ҳеч нарсани пайқамасди.

Қишда олий амалдорлар Қоратойнинг оғаси ўз маблағи хайриясига мадраса қуриб, унинг очилишига Кўнё шаҳрининг жумла уламою фузалоларини даъват этди. Собиқ кул, юнон Қоратой султонга хизмат қилиб, тож-тахт ноиби даражасига кўтарилган эди. У Султонул Уламо ва унинг ўғлини иззат-эҳтиром қилар, уламолар отасининг вориси, деб уни тан олишни истамаганда, Жалолиддинни қўлаб-қувватлаган ҳам ўша эди. Унинг таклифидан бўйин товлаш – амалдорга нописандлик бўлур эди. Ҳолбуки, Кўнёдаги аҳли маърифатта Шамсиддин Табризийни таъништириш учун бу кулай фурсат эди.

Улар мадрасага бирга кириб боришди. Шу ондаёқ Жалолиддинни олдинга бошлаб, уни энг тўрга, қози Сирожиддин ва Қоратой билан ёнма-ён ўтқазилди.

Шамс эса халойиқ билан пойгақда, кафш ечиладиган жойда қолди.

Одатда бундай йиғинларда бирор масала ўртага ташланиб, баҳс очилар, олиму уламолар ўз илми-ирфонини намойиш этарди. Бу гал қизил бурчак масаласи, яъни мажлисда қай ўрин, қай бурчак афзал, деган масала кўтарилди. Бир қарашда маъносиз туюлган бу гал ўша давр учун муҳим эди.

Биз қадимий Рус давлатидаги боярлар думасида ўрин учун қанчалар талаш-саваш бўлиб, қонлар тўкилганини биламиз. «Ўрин бошга эмас, бош ўринга муносиб», – дея танқид қилган эди фуқаро ўша жой талашчиларни. Кишининг шаъни, жамоат ўртасидаги нуфузи, уруғ-аймоқ обрўси унинг ўтирадиган ўрнига боғлиқ бўларди.

Маҳаллийчилик феодал жамиятнинг табақавий – нерархик тартиботини ифода этарди. Ва табиийки, ўрин масаласи шу жамиятнинг мафкурачилари бўлмиш руҳонийлар бошини ҳам озмунча банд этмаганди.

Уламо ва шайхлар бирин-кетин туриб, Куръон ва ҳадисга суяниб, авлиёларнинг ҳикматларини шафе келгириб, бутун қувваи мантиқларини ишга солиб, бир ўриннинг иккинчи ўриндан афзаллигини исботлашга тиришдилар. Лекин Куръоннинг деярли ҳар бир сураси, ҳар бир ривоят ва ҳикоятга зид ўлароқ, бошқа бир сура, бошқа ҳикоят ривоятлар ҳам топиб айтилаверди.

Баҳс чўзилиб кетди. Шоир эшикка, Шамсиддин ўтирган пойгакка боқиб, юрагида нафрат ва алам йиғди. Лекин у босиқлик билан ўз навбати келишини кутиб ўлтираверди. Ниҳоят, навбат етди.

– Олиму уламолар учун энг яхши жой – мадраса ўртасидаги мударрислар ўтирадиган супа. Орифлар учун энг яхши ўрин – хонақоҳ кунжаги, зеро, илм шу ерда йиғилур. Сўфийлар учун энг яхши жой – пойафзал ечиладиган пойгак, зеро, хокисорлик солики роҳи<sup>1</sup> ҳақиқатларга зийнатдур. Ошиқ учун энг яхши жой эса – маҳбубнинг ёнидадир...

У шу сўзларни айтиб, ўрнидан турди ва эшикка томон юрди. Халойиқ йўл бўшатди. Ҳамма кўрди, Султонул Уламонинг ўғли, муҳтарам шайх ва аллома эл орасида аллақачон ёмонотлиқ бўлган, насл-насаби номаълум бир келгинди билан ёнма-ён ўлтирди.

Бир дақиқа тараддуддан сўнг Жалолиддинга ўғли Валад, заргар Салоҳиддин, «Котибул – асрор» Ҳусомитдин ва бир неча мурридлар эргашинди. Бошқалар миқ этмай ўрнида ўлтираверди.

Мадраса саҳни шовур-шувур бўлиб кетди. Биринчи бўлиб шайх Сирожиддиннинг шоғирди эсини ўнглади. У шовқин-суронни босиб, истехзо билан қичқирди:

– Хўш, қани ўша маҳбуб?

Жалолиддин:

*Кўрмоқ истарсен, вале йўқдир кўзинг,  
Бошдин-охир ёрсен, маҳбуб ўзинг! –*

деб хитоб қилди-да, мажлисни тарк этди.

Бу воқеа ҳақидаги овозалар бутун шаҳарга тарқаб, аркони давлатнинг кўрғонлари оша султон саройигача бориб етди. Бекларнинг ғазаби чексиз эди. Бу не деган гап, безбет бир келгинди уламои киромни йўлдан оздирса, руҳонийлик шаънини ерга уриб, суюқоёқ раққосалардек, одобу тамизни унутиб, куну тун ашулаҳонлик қилиб, ўйинга тушишса... Бунақада улар отабоболаридан мерос, Худо ярлақан тартиботларга ҳам даҳл этишдан тўйишмайди. Унда ҳамма нарса чаппасидан келади: Аллоҳ

---

<sup>1</sup> Солики роҳи ҳақиқат – ҳақиқат йўлчилари.

ўзи кечирсину тахтга чувриндилар чиқиб, амалдор ва беклар уларнинг эшигини пойлаб ўтирадиган бўлишади... Бизга ўша қароқчи Бобо Исҳоқнинг шўриши-ғавғоси етмасми, худди пойтахтда бундоқ машашага тагин бало борми...

Қоратой уларни тинчитишга уринарди. Орифлар ҳис-ҳаяжонга берилувчи бандалар бўлишади, дерди у, вайду ҳол ичра улар нималар дейишмайди. Дунё азалдан қандоқ бўлса, шундоқ қолаверади. Ҳолва, деган билан оғиз чучирмиди...

Иш тескари тус олди. Шамс кўчага чиқди дегунча донгдор сипоҳийлар уни дашном, ҳақоратга кўмишар, таҳдид-дағ-даға қилиб, қилч сопига қўл узатишарди.

Жалолиддин ишнинг ўнгланишига умид боғлар, Қоратой бизни хафа қилишларига йўл қўймас, деб ўйларди, ҳарҳолда, ўша у икки улуғ аркони давлатнинг бири эди.

Бироқ Шамсиддин эндигина мадраса қоронғусидан чиқиб, дунё нуридан кўзлари қамашган дўстига нисбатан тузукроқ кўрарди. Бирлик тарафайнлар кураши орқали қарор топадиган бу дунёда муҳаббат ва нафрат ёнма-ён юради. Муҳаббат нақадар мусаффо бўлса, у ғаразғўйлар нафратига шунчалар дучор бўлади. Буни у ўзи ва ўзгалар тажрибасидан яхши билади.

Йиллар ўтиб, Жалолиддинга хунармандларнинг оқсоқоллари, олимлар, созандалар ҳақсизлик, адолатсизликдан шикоят этишганда, у ҳали ўттиз тўққиз ёшида ўзи тўла қутулолмаган хомхаёллардан уларни узоқ бўлишга ундаб, қадимий халқ мақолини такрорлашни хуш кўрарди:

*Сени камситишди, таҳқирлашдими?  
Нокаслар тинчгина ётмаслар.  
Мевали дарахтга тош отарлар, бас,  
Мевасиз дарахтга — отмаслар.*

Ана шу ҳикматга у оғир товон тўлади: улуғ дўстининг ҳаёти ҳамда тириклару ўликлар рўйхатидан номини ўзи ўчириб ташлаган ўглининг ўлими билан.

Шамсиддин тушунарди, нафратнинг пасайиши учун маълум бир вақт ўтиши лозим. У Кўнёдан ғойиб бўлиши даркор.

Аммо Жалолиддинга айрилиқ ҳақида ўйлаш ҳам — азоб.

*Эй азиз дўст, кўзларим гирён, мени тарк айлама,  
Кетма, ой, мендан йироқ, осмон, мени тарк айлама.  
Ер, менинг пойимда тур, даврон, мени тарк айлама,  
Ўзга оламга юриб, карвон, мени тарк айлама.  
Жисмаро жонсен ҳамиша, жон мени тарк айлама.  
Кук аро сендан мунаввардир у моҳи анвари,*

*Кўлдаги қутлуғ таёғинг йўлда жоним раҳбари.  
Менки чавгонмен, нигоҳинг солмагил мендин нари,  
Қистама отингни, эй армон, мени тарк айлама.  
Жисмаро жонсен ҳамиша, жон мени тарк айлама.*

Шамс нималар деган, ўз дўстини ишонтириш учун нечук далиллар келтирган – бизга қоронғу. Аммо бир нарса аён: ўз тимсолига айланган дўсти маслақдошдан айрилиб, танҳо қолиш Жалолиддин учун ўлимдан ҳам оғир эди. Бу айрилиқни ақли тан олса-да, юраги тан олмасди.

*Сен ҳаёти жон менга, эй жон, унутма бизни,  
Солмоқчисен арога ҳижрон, унутма бизни,  
Руйи заминда неча дўсти содиқ топарсен,  
Лек ўртамизда бордир паймон, унутма бизни.  
Ой болишига балки азиз бошинг қўярсен,  
Қучган эдим бошингни чандон, унутма бизни.  
Кўзим қаросида сен бўлдинг мисоли мардум,  
Эй боғ аро атиргул, райҳон, унутма бизни.  
Қай кун сенинг юзинга солдим назарни, эй Шамс,  
Ишқим имоним ўлди, имон, унутма бизни...*

Бир кун эрта тонг билан Шамсидин Табризий душманларни шод, дўстларни ношод этмаслик, уларни ўз изига туширмаслик учун, ҳеч ким билан хайрлашмай, қандоқ пайдо бўлган бўлса, шундоқ Кўнедан ғойиб бўлди.

«Котибул асрор»лардан бири шоирнинг сўзларини қоғозга туширган: «Устози беназир, аркони хайрия, моҳиятул руҳ, аввал-охир бандалар учун нурил Ҳақиқат – Аллоҳ унинг умрини узун, дийдорини бизга насиб этсин – олти юз қирқ учинчи йил Шаввол ойининг йигирма биринчи куни азми сафар айладилар».

Ҳижрий 643 йил 21 шаввол – 1246 йил 15 февраль дегани. Улар бор-йўғи ўн беш ою йигирма беш кун бирга бўлишди. Жалолиддиннинг сўзларидан кўриниб турибдики, улар ҳамишаликка айрилишмаган. Шамс қайси тарафга йўл олишини ҳеч кимсага, ҳаттоки дўстига ҳам айтмаган эса-да, шоир у ўзи бир дарак берса керак, деган умидда эди.

Бир ой давомида дўстлар ва душманлар, кўпроқ дўстлар ниқоби остидаги ғанимлар унинг изини қувишди, аммо бари бейғойда бўлиб чиқди.

Йиллар бўйи дарбадарлик, диний мактаблар, сўфиёна гуруҳлар, халқ ҳаракати ва ҳунармандларнинг жамоалари билан танишлик туфайли Шамсиддин яшириниш маҳоратини ҳўп эгаллаб олган эди.

Уламою дарвешлар, улар ортида турган беклар Шамсидин йўқолиши билан Мавлоно ҳушини ўнглаб, яна ўз даврамызга қайтади, деб бекорга умид боғлашарди.

Жалолиддин эса Шамсиддинни тан олиб, унга ихлос қўйган бир неча шогирдларидан бўлак (улар аввало хунармандлар, ахий-биродарлар эди) ҳеч кимсани кўришни истамасди. У азада кий-иладиган ҳиндиборийдан қорамтир-нопармон яхтак тиктирди. Бошига баланд мисранг қалпоқ кўндириб, устидан ихчам салла ўради, оёғига рақс тушишга қулай юмшоқ кафш-махси кийди, ғам-андух нишонаси бўлсин деб яқасини чок этди. Шоирнинг ўлимидан сўнг мавлавийлар сулуқини тузган султон Валад бу кийимни маросим либосига айланттирди.

Шу-шу Жалолиддин ҳеч қачон мадраса сўрисию масжид минбарига чиқмади. Мушоира ва мажлиси самоъ – у ўз янги эътиқодини эълон этадиган минбар бўлди.

Кейинчалик, халқнинг меҳр-муҳаббати давлатмандларни ҳам унинг шоирлик иқтидори олдида бош эгишга мажбур этгач, Жалолиддинни султон саройи ва амалдорларнинг қасрларига таклиф этишди. У бундоқ таклифларни гоҳо қабул қиларди. Лекин замондоши Канийга ўхшаб, инъом-эҳсон олиш ёки қорин тўйғизиш ғамида ўз бадиҳагўйлик қобилиятини подшолар, уларнинг салтанати ва сарой маҳрамларини мадҳу сано этишга сарфламасди.

Бир гал Каний шоир Санойи ҳақида беписанд гапириб, уни мусулмони комил эмас, деб айбситмоқчи бўлди. Санойини ўзининг маънавий устози деб билган Жалолиддин чидаб туролмади, сўз билан унинг юзига тарсаки тортди:

– Оғзингни юм! Агар муслимият Санойининг улуғлигини кўра билсайди, жамики мўминларнинг бошидан қалпоғи тусарди. Сен эсанг, ўзинга ўхшаш минглаб бандалардек, бор-йўғи бир мусулмонсен!

Жалолиддин қашшоқ-бечоралар ёки ўз издошлари танг аҳволда қолганда, орага тушиб, ҳукмдорлар ҳузурига борарди. Подшо-лар ҳам одам, инчунин, улар ҳам ҳақиқат амри, насллар ҳукмига мусаллам, деган гапни эслатиш учун борарди.

Жалолиддин: «Инсонлар устидан ҳукм юритмоқчи эсанг инсонлигингни унут» – деган эски нақлни биларди. Яна билардики, одамзодга нафрат ила боқувчи ҳар қандай бағритош ҳам одамийликдан батамом холи бўлолмас. Шунинг учун ҳам у ҳукмдорларнинг одамийлигига эмас, балки одамиятга хос заифлигига – ўзни абадийлаштириш ва насллар наздида ўзни оқлаш истагига суянарди.

Ойлар ўтди. Жалолиддиннинг мажлислари тобора гавжум тус оларди. Заргар Фаридун Салоҳиддин ўз ҳамкасбларини Мавло-

но хузурига бошлаб келди. Кўнә ахийларининг сардори Ҳасан Ҳусомитдин ўз лавозимидан воз кечиб, «котибул асрор» бўлди, устоз ашъорини самарқанд ёки бағдод қоғозига туширишни ўзига шараф деб билди. Уларнинг ортидан «садоқат косаси»дан сув ичган ўзга ахий – биродарлар ҳам эргашишди. Улар на дарвеш, на сўфий бўлишди, ҳар бири ўз ҳунари билан машғул бўлиб қолаверди. Уларнинг мададкорлиги бўлмаганда, эҳтимолки, Жалолиддин Румий деган шоир ҳам бўлмасмиди: уларсиз у на яшай олар, на рўзгор тебрата олар, на шогирдларини боқа оларди.

Лекин айрилиқ-ҳижрон Жалолиддинни тобора исканжага оларди.

*Менда на иймон, ақлу-ҳуш,  
На сабр, на ороми жон,  
Бир дам фароғат бергали,  
Ороми жоним, кел, кел!*

*Ҳар дамда бағрим ўртаниб,  
Ҳар лаҳза рангим заъфарон,  
Сўз йўқ бу дардим айтгали,  
Руҳи равоним, кел, кел!*

*Дардингни чекдим он қадар,  
Оташда ёндим ончунон,  
Куйдим, сочилдим ҳар тараф,  
Кел, меҳрибоним, кел, кел!*

*Кўзгу бўлиб мен ҳар нафас,  
Васлингни айлармен аён.  
Занг босди чеҳрам оқибат,  
Кел, жонажоним, кел, кел!*

*Соҳил аро дарё бўлиб,  
Тўлқин урармен ҳар томон.  
Арзимни айт, боди сабо,  
Етсин фиғоним, кел, кел!*

*Бошингда ўйнаб минг қуюн,  
Пойингга ботмиш минг тикон,  
Лекин тараҳҳум айла сен,  
Кел, эй жаҳоним, кел, кел,  
Бергил омоним, кел, кел!*

«Шариат пешволари, кўнгли кўр худбинлар, такаббур жохиллар, — деб ёзган эди Жалолиддиннинг ўлимидан кейин ярим аср ўтгач, тарихчи Афлокий, — таҳқир-ҳақорат йўлига тушиб, турли маломат гаплар тарқатишди. Афсус, дейишарди улар, Султонул Уламонинг ўглидек алломайи киром рақсу самоъ, рўзаю ниёз касридин савдойи жунун йўлига кирмиш. Ҳаммасига боис — ўша касофат табризлик».

Жалолиддин бунга шеър билан жавоб берган эди:

*Гар бўйла жунунга етсайди Афлотун,  
Иншода чекар эди сиёҳ ўрнига хун.  
Воҳ, менга муяссар ўлмиш андоқ савдо,  
Ким аҳли жаҳолат ўргатур ақлу фунун...*

Бу орада ўз шайхларининг янгича эътиқоди, унинг Шамс ила дўстлигидан ранжиган муридлар кўришдики, шоир атрофини халқ орасидан чиққан янги мухлислар ўрамиш, улар ўзлари эса пирдан айрилиб, унинг пушти-паноҳидан маҳрум бўлмишлар. Кейинчалик улугъ вазир даражасига кўтаришган султон аъёнларидан бири — Соҳиб отанинг кенгаши билан улар Жалолиддинни батамом қўлдан чиқазмаслиги учун, ниҳоят, унинг ҳузурига бош эгиб келишди, қилмишларига тавба-тазарру қилишди.

Инсон қалбининг қат-қатига кира олувчи санъаткор ва шоирлар, олам қонуниятларини кашф этувчи олимлар, ажабки, одатий айёрлик, оддий игво қаршисида кўпинча лол-ночор туриб қолишади. Олам кашфиёти билан банд бўлганларга лаёқатсиз кимсаларни ҳаракатга келтирувчи боису манфаатлар тубанлигини охиригача тасаввур этиб кўриш қийин. Ҳалигилар эса макр-ҳийла, риё ва игво тўлқинларида балиқ сувда сузгандек сузишади. Бу муҳитда улар яйраб юришади, бу майдонда улар маҳорат чўққиларига кўтарилишади.

Жалолиддин бош эгиб келганларни чин юракдан маъзур тутди.

Лекин аввалги дўстларнинг қайтиб келиши унинг қалбини қайғу-аламдан аритмади.

*Ҳеч кимсада бўлмагай бу янглиғ савдо,  
Йуқ бўйла таманноки, бағримда яшар.  
Гўёки даҳр ичра қолибмен танҳо,  
Гўёки башар мулкида мен ғайри башар...*

Шамс Кўнёдан ғойиб бўлганига роса бир йил тўлди. Аёзли бир қиш эртаси жулдур кийим кийган, совуқдан дилцираган



дарвеш шоир эшигини қоқди. Озиб-тўзиб кетган юзи, ифлос жандасига қараганда, у энг жазавали, бирор низом ва гуруҳга бўйсунмовчи қаландар эди.

У таъзим билан найча қилиб ўралган мактубни узатди.

– Хотин! Хотин! – деб қичқирди Жалолиддин. – Хушхабар! Уйда неки бор, барини йиғиштир! Хушхабар!

Шу сўзларни айтиб туриб, у устидан яхтагию оёғидан махсисини ечди.

Унинг қичқириви бутун хонадонни ост-уст қилиб юборди. Биринчи бўлиб асранди ўғли Яҳё оёққа турди. Яқинда туғилган қизи Малика чинқириб йиғлади. Кира-хотун уни бағрига босганича, эрининг хонасига югурди. Унинг этагига тўрт яшар Алим ёпишиб олган эди. Шоирнинг бўйи етиб қолган асранди қизи Кимё ҳам сабри чидамай, эшиқдан мўраллади. Унинг ҳайратдан катта-катта очилган кўзлари олдида ажиб бир манзара намоён бўлди.

Мавлоно ўзи ёлғиз пайпоғу кўйлак-лозимда қолиб, қўрқинч юзли нотаниш кимсага этигию нопармон яхтагини кийдирмоқда эди.

Дарвешнинг олдига дастурхон ёзишди. Жалолиддин унинг гушналик билан овқатланишига маҳлиё бўлиб, термулиб ўлтирарди. У шундоқ завқланиб боқардики, гўё қаршисида жултур жанда кийган қаландар эмас, азиз бир меҳмон ўлтиргандек эди.

Дарвеш, унинг айтишича, Дамашқдан келган эди. У Шамсиддинни ўз кўзим билан кўрмадим, деб неча бор айтса-да, шоир унга ишонмасди. У Шамснинг қайдалигини мендан сир тутяпти, деб ўйларди. Дамашқ! Демак унинг дўсти жонажони ўша ерда паноҳ тутмиш!

Жалолиддин дарҳол жавоб ёзди.

Эртаси куни эрталаб дарвеш таҳорат олиши билан у мактубни уйдаги бор бисоти билан қўшиб, унга узатди-да, ҳозироқ йўлга тушишни, хатни Умр қуёшига тезроқ етказишни илтимос қилди.

Дарвешни хачирга миндириб, то шаҳар дарвозасигача ўзи кузатиб борди, қалъа девори устига чиқиб, йўловчи кўздан ғойиб бўлгунча унинг изидан термулиб тураверди.

Яна кетма-кет икки мактуб жўнатди. Биринчисини – Дамашққа бораётган чарм савдогари билан, ахийлар шайхига топширишни тайинлаб; иккинчисини – ўз муриди орқали.

Лекин биттасига ҳам жавоб олмади.

Шунда у ҳузурига ўғли Валадни чорлади. Унга ўзи ёзган мактуб ва заргар Салоҳиддин билан «котибул асрор» Ҳусомитдин йиғиб берган ақчаларни топшириб, деди:

– Мендан элчи бўлиб борасен. Унинг пойига ақчаларни тўкиб, менинг номимдан айтасенким, унга ғаним бўлиб юрганлар тавба-таззару этмишлар, энди марҳамат қилиб изига қайтсин.

Валад мактубини арвал кузша, суи кукша босди, таввэл адо этиб, шу ондаёк йўл тадоригини кўриш учун ташқарига отилди.

Мактубда шундоқ дейилган эди:

«Аллоҳга қасамким, сен кетдингу шомдин тонгга қадар ёнган шамдек эриб, адо бўлдим. Мум қолмади, ёниб бир чуғ оловга айландим. Сенинг васлингдин йироқда таним вайрон, руҳим шу вайронада бир чуғз кабидир. Отинг жиловини биз томонга бур-гилким, севинчу саодат бизга юз ўтиргай. Сенсиз севинчимиз мисли иблиси лаиндек ҳар кун сангбўрон остидадир. Сенсиз менинг лабларимдин битга ҳам масрур ва маъноли мисра учмади.. Фақат мактубда ёзган сўзларингни ўқиб, қувончимдан беш-олтти ғазал битдим. О, Шамс, сен ила Арманистон, Рум ва Дамашқ ифтихор айлар. Тун зулматини тонг шуъласига мубаддал этгайсен!»

Валад йигирма чоғли содиқ кишиси билан йўлга равона бўлди. «Чарчаш-ҳориш билмай, не-не водийларни босиб ўтдим, – деб хотирлайди у қариган чоғида ўз-ўзидан хурсанд бўлиб. – Тоғларни сомон ғарамидек ошдим. Йўлдаги тиканаклар кўзимга атиргул бўлиб кўринди. Ҳар бир машаққатда минглаб манфаат кўрдим. Қиш аёзи шакардек ширин, ёз жазирамаси шафтоли шарбатидек тоғли бўлиб туюлди».

Унинг қулоқлари остида отаси йўл бошида оқ фотиҳа ўрнида айтган мисралар жаранглаб учарди:

*Дўсти жон, айтинг, муруват айласин,  
Биз сари азму-азимат айласин.  
Жисму жондин роз этиб айланг хитоб,  
Токи ташриф айласин ул моҳитоб.  
Сўзга лаб очса, ажаб дунё оқар,  
Этса фармон, ортига дунё оқар.  
Учмангиз ҳеч аҳд ила паймониға,  
Банда бўлманг ваъдаи ёлғониға.  
Токи ул маҳбуби жон қайтиб бу дам,  
Шул азиз остонага қўйсин қадам.  
Шунда бўлгай бир томоша ошкор,  
Бўйла бир иш кўрмаиш Парвардигор...*

Аммо Валад Дамашқда Шамсиддинни излаб тополмади. Уни на аббосийларнинг улкан масжиди атрофидаги мадрасаю хонақоларда, на дунёга машҳур Дамашқ бозорининг карвонсаройларида учратолди.

Узоқ ахтаришлар, сўраб-суриштиришлар сўнггида Валадни Дамашқдаги талабалик йилларидан буён таниган ахийлар шайхи Мавлоно мактубини эгасига топширишга ваъда қилди.

Маълум бўлишича, Шамсиддин душман таъқибидан қочиб, Ҳалаб ҳунармандлари орасида яширинган эди. Ҳа, бир ҳафта бурун Валад тўхтамай от суриб ўтган ўша Ҳалабда...

Устида қимматбаҳо бухорча тўн, бошига бир энлик салла ўраган Шамс мадраса эшигида пайдо бўлиши билан кўнелик меҳмонлар худди подшо олдида тиз чўккан мулозимлардек, баравар тиз чўкишди.

Мавлононинг топшириғи билан оёғи остида сочилган тангаларни кўриб, Шамс табассумдан ўзини тиёлмади:

– Наҳотки, ақчасиз Мавлоно бизни симу зар ила ром этмоқчи бўладир? Агар менга, отанг қабрдан туриб, Ҳалаб яқинидаги Тиллабашир қишлоғига келмиш, сени бир кўриб, тагин кўз юммоқчи эмиш, дейишса, мен: «Ўлса ўлаверсин!» – дердим, аммо жойимдан жилмасдим. Лекин мавлоно билан кўришмоққа... мана, мен тайёр!...

Мавлоно Шамс дилини «ширин сўз, созу сано» билан эритишни тайинлаган эди. Бунга ҳожат бўлмаса-да, Валад отасининг фармойишини ҳар қалай ўрнига қўйишга қарор қилди. У Шамсиддин шарафига сурункали мажлиси самоъ тузди.

Бу орада Кўнеда Мавлононинг тоқати-тоқ бўлган эди.

*Кўзим учадир – магар нигорим келадир,  
Дил ҳаприқади, магарки ёрим келадир.  
Куй жонни гаровгаким, агар абгорсен,  
Куй боданиким, ташнаи – зорим келадир.  
Мужда майидин ажабки маст бўлди қулоқ,  
Кўз ёш тўкибон дейди: хуморим келадир.  
Боқ, лашкари ишқ чиқиб, қатор саф чекди,  
Бас сабри-чидамки, шахсуворим келадир...*

Ниҳоят Валад Шамсиддинни олиб, йўлга тушди. Шамс ҳар қанча ўтиниб, қистамасин, у отга минишга унамади: «Сизга баробар бўлмоққа не ҳалдим бор? Подшо суворий, қул ҳам суворий – бу не ҳамоқат. Сиз – соҳибсиз, мен – фулом. Сиз жонсиз, мен-бир бадан. Рафоқатингизда наинки оёғим, балки бошим билан юрмоққа шаймен».

Бошим билан юрмоққа шаймен! Валад умрининг охиригача отасининг нуфузи таъсиридан қутулолмади. Ҳолбуки, у – ҳам илмли, ҳам истеъдодли, ҳам ақлли эди. Ўзидан сўнг назмий ва насрий асарлар қолдирди, турк шеърятига асос солди. Унинг шеърятини отаси шеърятини даражасида эмас экан, на илож. Юз йилда бир келадиган даҳо бирлан куч синашиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Валаднинг шўри шуким, у табиатан мурид эди.

Мавлоно, ўғлим тақлидчи бўлармикин ёки давомчи, деб бекорга хавотир чекмаган эди. У динлар ва расм-русумлар устидан баланд кўтарилса олган, бас, юрак ва ақлларнинг биқик муҳитда пўпанак босиб, қотиб қолишидан ҳазар қилар эди. Султон Валад бўлса Жалололиддин ўлимидан ҳали ўн йил ўтмасданоқ унинг номидан дарвешлик сулукини тузди. Ва бу жамоа тезда ҳукмдорлар томонидан тан олиниб, бизнинг кунларимизгача эсон-омон яшаб келди.

Шамсиддин отда, Валад ва ўзга маҳрамлар пиёда, Кўнёга етгунча бир ойдан зиёдроқ йўл босишди.

Ларендега етганда Валад отасига чопар жўнатди.

Жалололиддин хушxabар учун уйдаги бор-будини, ҳаттоки бошидаги салласини ҳам ечиб берди. Шогирдларию ахийлар сардори ҳамроҳлигида пой-пиёда юриб, Шамсиддинга пешвоз чиқди.

Мавлонони кўриб, Шамсиддин ҳам отдан тушди. Улар қучоқлашиб кўришишди. Сўнг ергача эгилиб, бир-бирларига таъзим этишди.

*Менинг Шамсим, менинг офтобим келди,  
Сиймин чехра, ул моҳитобим келди!  
Қулоғим муждаси, кўзим равшани,  
Базмаро ичкали шаробим келди.  
Қанотим келди, айлай кўкка парвоз,  
Шер келди, ҳайқуриқ-хитобим келди.  
Сабоҳ, оламни тўлдир шўгла бирлан,  
Шамс келди, мунаввар офтобим келди!*

Шамсиддин Кўнёга 1247 йилнинг 8 май куни қайтиб келди. Илгари таъна-дашном отанларнинг ҳаммаси унинг ҳузурига бош эгиб келиб, узр сўрашди. Шамс, тавба қилган душман, тавба қилмагандан хавфлироқ, деган нақлни билса-да, уларни табасум билан қаршилаб, маъзур тутди. Зеро, унга бош эгиб келган мурид ва дарвешларнинг кўпчилиги дўст ҳам, душман ҳам эмасди; улар нималар қилишаётганини ўзлари ҳам билишмасди.

Яна илгариги жўшқин ҳаёт бошланди. Ҳар кеча мажлис тузиб, тонгтача рақсу самоё қилишарди. Улар тузган йиғин ҳаммага очик бўлиб, кун сайин халойиқни ўзига кўпроқ жазб этарди.

Самоё султон пойтахтида одат тусини олди. Ўзини иззатлайдиган ҳар бир савдогар, амалдор ва бек ўз кўрғони, боғи, узумзориди шундоқ мажлислар тузар, уларда Шамс ва Мавлоно иштирок этишмаса, иззат нафсига оғир олар эди.

Мавлоно учун янги эътиқодини аён этиш усули бўлмиш мажлиси самоё уларга мўғуллар офатия салжукийлар давлатининг шармандали заволини унутишга ёрдам берувчи бир эрмак эди. Лекин

Жалолиддин шеърлари учун бу – илк бор очилган кенг майдон эди.

У гоҳида Шамсиддин энг яқин дўстларига ҳам айтишга журъат этолмаган фикрларни шеърга солиб айтарди:

*Сенинг куфринг олдида иймон надир?  
Самандар олдида чивин жон надир.  
Иймон – сувдир, куфр – тупроқдир қаро,  
Лекин бари кулдир оташинг аро.  
Гарчи иймон – шамдир, куфр – шабистон.  
Лекин қуёш чиққач, дейишар ҳамон:  
«Бизга зарурат йўқ, топайлик барҳам!»  
Иймон – дин отидир. Шундоқ бўлса ҳам  
Ўшандоқ от ошиқларга на ҳожат,  
Уларга ишқ аро шуъладин суръат..*

Ҳа, жаҳолат ва мазаллат тунида, шоир айтмоқчи, иймон шамчироқдир. Лекин инсонларга муҳаббат қуёши балқаркан, иймон ва иймонсизлик деган тушунчаларнинг ўзи нисбий бўлиб қолади.

Жалолиддиннинг инсонпарварлиги кенг – умумий қамровга эга бўлгани билан сира мавҳум эмасди. Унинг шеърлятида Инсонни Комилни шарафлаш инсон шахсиятини шарафлаш билан боғланиб кетарди.

Шоир учун унинг дўсти – Шамсиддин Табризий аталмиш тирик инсон. Аммо шоир унга тақводор руҳонийлар назарича, ёлғиз Худо ва унинг пайғамбарларига берилиши жоиз бўлган сифатларни нисбат беради. У дўстини «оламнинг хуршиди, ҳақиқат машғали, жаҳоннинг жони» деб атайтиди. Бу гаплар мутаассиблар наздида ҳозир ҳам куфри-иштибоҳ саналади.

Бир гал кузга яқин заргар Салоҳиддиннинг уйида тузилган мажлисда толиққан машшоқлар бир лаҳза тин олишаркан, ёш бир дарвеш фурсатни ғанимат билиб, тавозе ила Шамсиддинга яқинлашди.

– Устоз, айтинг-чи, сиз авлиёмисиз?

Дарвеш жуда ёш эди. Унинг кўзларида соддадиллик ва ишонч барқ уриб турарди. Шундоқ савол билан мурожаат этишга журъат этибдими, бас, жавоб унинг учун ғоят муҳим эди. Лекин Шамсиддин пайқади: йигитчанинг соддадиллиги ортидан кимнингдир тажрибакор маккорлиги мўралаб турарди.

Савол замирида ўлим хавфи ётар эди. Уша давр диний тафаккури учун авлиёллик, яъни шак-шубҳасиз илоҳий нуфуз аломати ҳаққониятнинг муқаррар шарти эди, кейинчалик, унинг ўрнини ақлийлик, инсонийлик ёки илмийлик эгаллади. Оддий кишининг сўзи ва фикри ёлғиз унинг ўзига тегиш. Лекин маз-

кур сўз ва фикр худо номидан айтиларкан — бу тамом бошқа масала. Муқаддас китоблару тафсирдан парчалар келтириш, пайгамбарнинг ҳикматларию ҳадисларга суяниш, авлиё деб танилган уламоларнинг нуфузларига таяниш — ғоявий-сиёсий курашда муҳим қурол, фикрнинг реал мазмуни ва унинг ортидаги манфаатни яширувчи муқаррар парда эди.

Шамс «йўқ» деб жавоб берса, мағлубиятга маҳкум бўларди. Бироқ «ҳа» дейиш ҳам хатарли эди: авлиёлик даъво қилган киши шу ондаёқ ўз сўзини исботлаши, балки мўъжиза кўрсатиши шарт эди.

Шамсиддин Табрзий соддадил эроний Жуҳа ҳақидаги ривоят билан жавоб берди.

Бир куни Жуҳа олдига қўшнилари чиқишибди: «Кўчага қара, қандай ноз-неъматлар келтиришяпти!» — «Менга нима?» — дебди Жуҳа. «Қарасангчи сенинг ўзингга келтиришяпти!» — «Сизга нима?» — деган экан Жуҳа.

— Авлиёманми, авлиё эмасми, — деб хулоса қилди Шамсиддин Табрзий, — сизга нима?

Ўзи халқ орасидан чиққан, яхшигина китобхон ва ҳассос нотик бўлган Шамс сўзида халқона ривоятлар ва латифаларни кўп ишлатар, нутқини ёлғиз Қуръон оятлари билан эмас, мақол ва маталлар билан ҳам зийнатлар эди. Жалололдин Румийнинг диққат-этиборини китобий олимликдан халқ ижодига бурган ҳам ўша. Жалололдин Румий шеърини аввало унинг «Маснавийи маънавий»си нафақат ўз даври билимлари куллийети, балки ўша давр фольклорининг ҳам бебаҳо хазинаси экан, бу — Шамсиддин Табрзий туфайлдир. Бу буюк асардаги қўплаб сюжет ва мотивлар Шамсиддин Табрзийнинг «котибул асрор»лар томонидан қоғозга туширилган мулоқотларидан олинган.

Шамсиддин қанчалар зукколик ила жавоб бермасин, шаҳарда бошланган игвони тўхтатишга ожиз эди. Оддий илоҳиятдан йироқ кишилар, табиийки, Мавлонога эргашиб, Шамсни авлиё деб билишарди.

«Жилла ундоқ эмас! — деб эътироз этишарди уламолар ва яқиндагина тавба-газарру қилган муридлар. — Мавлоно нелар дейди, ўзи ҳам билмайди. Шамс авлиё бўлса, аллақачон мўъжиза кўрсатган бўларди!»

## ҚОТИЛЛИК

Бир гал Шамсиддин суҳбатини саволлар, эътирозлар, муқаддас китобларга таянишлар билан кесиб, яна жанжал-тўполон кўтаришгач, у Валадга нохушланиб деди:

— Кўрдингми, нелар қилишяпти! Мени яна Мавлонодан ай-

ирмоқчилар. Майли, хурсанд бўлишаверсин, бу гал шундоқ яширинайки, изимни ҳам топишолмасин!

Жалололидин фалокат яқинлашиб келаётганини сезарди. Аммо янги ҳижрон ҳақида ўйлашни ҳам истамасди. Аксинча, дўстининг «Шамси учқур» бўлгани етар. У Кўнёда муқим бўлиб, шу ерда илдииз отиши даркор.

Шоирнинг асрандиси, ўн олти яшар Кимё ҳатто Мавлоно ҳам эъзозлаб кўкларга кўтарадиган бу ғалати одамга кўпдан яширинча кўз ташлаб юрарди. Шамс чиндан ҳам ғаройиб таассурот қолдирарди. Унинг ҳар бир иши, хатти-ҳаракатида сўнгсиз бир қатъият барқ урар, лекин бу шайхнинг тақвадорлигию зоҳиднинг мутаассиблигига сира ўхшамасди. Лабларида – ҳаммаша кинояли бир табассум, кўзларида – тўсатдан қаҳр-ғазаб билан алмашинувчи ажиб бир мунг-алам. Соқоли оқарган бўлсада қадам олишлари йигитчалардек шиддаткор ва енгил. Сўзи, кўз қараши кишини ўз измига солади.

Кузда камтарона тўй қилишди. Кимё Кира-хотуннинг қаноти остидан чиқиб, мадрасанинг иккинчи ярмига, Шамсиддин учун ажратилган ҳужрага кўчиб ўтди.

Эри гўдакка ёки кушчага бойлангандек унга бойланиб қолди. Биргаликдаги турмуши узоққа чўзилмаслигини сезгандек, у ҳаммаша хотини атрофида гирдиқапалак эди.

Лекин бу никоҳ, Жалололидин кутанча, фалокатни дафъ этмади, аксинча, уни яқинлаштирди.

Бу ўринда, ниҳоят, Жалололидин умрининг охиригача ҳатто хаёлида ҳам тилга олишни истамаган бир номни эслашга тўғри келади. Бу – Ларенде шаҳрида Гавҳар-хотундан туғилган, марҳум акасининг номи билан аталган иккинчи ўғли – Аълоиддин.

Унинг ғалати феъл-хуёи бор эди. Ҳаммаша ишни тескари бажарарди, айниқса, акаси Валадга аччиқма-аччиқ иш тутишни яхши кўрарди. Валад – назокатли, серғайрат, юмшоқ кўнгил, Аълоиддин – тошбағир, қайсар, жанжалкаш эди. Бир гал Валаднинг бир динор тилласи йўқолиб қолди. У бутун уйни қовлаштираиб, тасодифан уни Аълоиддиннинг китоби қатидан топиб олди. Сўнг ғазабланиб инисига ташланди. У эса пинагини ҳам бузмади, кулиб қўя қолди.

– Сен авлиёсан-ку, сенга пул не ҳожат!

Отаси уларни зўра яраштирди. Жалололидин тушунарди: йигитча отасининг нуфузи паноҳидан қутулиб, ўзини, ўз йўлини топишни истаydi. Бас, улғайиб, эс-хушини ўнглаб олар, деб умид қиларди. Лекин ундоқ бўлиб чиқмади.

Ўта қобилиятли Аълоиддин мадрасани зўра тугатди. Отасининг кўмагида мударрис бўлди, лекин бор хатти-ҳаракати билан на вазифасини, на отасининг шаъни-шавкатини назар-писанд этмаслигини айтиб турарди.

Оиласи кўпинча ақчасиз, таомсиз қолар, у бўлса ҳафталаб узумзорларда айш этар, бетайин улфатлари билан майхўрлик қилиб, чўри қизлар билан кайф-сафодан бўшамасди.

«Ба ҳаққи Худо, ба ҳаққи Худо, ба ҳаққи Худо, — деб ёзган эди шоир, — агар отанг дилига тасалли берайин десанг, уйингни, аҳли хонадонингни унутмагайсен. Ўғлим, кўзингни қоплаган пардадин тезроқ қутулгайсен, зеро, сен от сурган тарафда саробдан бўлак ҳеч вақо йўқ. Кўллар ўша ёққа от суришди, лекин кўришдиким у ёқларда сувдин асар йўқ эмиш. На ҳожат, на ҳожат, на ҳожат, ҳамма нарса шу ерда!.. Мардлингни, олийжаноблигинг, одамийлигингга умид улким, сенинг толеингни тилаган дилларга жароҳат солмагайсен. Сенинг бечора отанг ўн марталаб амир Сайфиддин ва унинг одамлари ҳузурига бориб, нечоғлик мушкул бўлмасин, улар эшигида кўл қовуштириб турди. Ҳа, сени деб шу мушкулотни ҳам бўйнимга олдим. Худо ҳақи, ўз уйингдан, ўз одамларингдан кечмагайсен... Отанг кўнглига таскин бер, токи у сенга мактуб ёзиш ўрнига Парвардигорга ҳамду шукрона этсин!»

Лекин авраш, эркалаш бари бефойда бўлиб чиқди. Ўспиринликка хос худбинлик унинг табиатида моҳиятга айланган эди. У ўз мустақил ўрнини топишга, эркинликка ташна эди, оқибатда ўз айби-қусурларига, ўз кибру ҳавосига ожиз бир банда бўлиб қолди. Мустақиллик қаёқда! У нақ кўғирчоққа ўхшаб акаси ва отасининг хатти-ҳаракатларини такрор этар, лекин худди кўзгудагидек тескари томонга такрорларди.

Шамс Кўнёда пайдо бўлиб, Мавлонога дўст, Валадга устоз тутиндию уни Аълоиддиннинг жини севмай қолди. Шамснинг уйланиши эса унинг нафратини тағин ҳам кўзитиб юборди.

Кимё гўзал қиз эди. У ўн тўрт ёшга тўлганда, Аълоиддин унга уйланиш орзусига тушди. Лекин Мавлоно ўз асрандисига ўта меҳр кўйган, уни Аълоиддиндек кишига учинчи хотин қилиб беришни истамасди. Мана, энди бўлса Кимё лаънати табризликка хотин бўлиб ўлтирибди!

Янги келин-куёв мадрасага жойлашишди. Ўша йил куз аёзли келди, хужралар сағанадек совуқ эди. Келин-куёв уйидаги ягона ўчоқ даҳлизда жойлашган эди. Улар даҳлизнинг бир четига парда тутиб, ётиб-туришни иссиққа яқинроқ ерга кўчиришди.

Аълоиддин отасини кўргани келаркан, бирор баҳонада даҳлизга суқилишга ва Кимёга тўқнаш келишга интиларди..

Унинг бу қилиғи, ниҳоят, Шамсиддиннинг жонига тегди. Аълоиддин бир гал жуббасини олиш баҳонасида даҳлиздан ўтиб, хужрага кирмоқчи бўлганда, у силтаб ташлади.

— Мен бу ерга кириб, менинг фикримни бўлишларини манъ этганмен. Мен бу ерни хилват деб танлаганмен. Маъқулми?!



Аълоиддин газабдан кўкариб, ташқари отилди, шу-шу бўлдию отасини йўқламай кўйди. Шамс билан тўқнашувини айтиб бераркан, улфатлари уни мазах қилиб кулишди: «Бу қанақаси, бировнинг уйида паноҳ топган киши шу уйдан хўжайиннинг ўғлини қувиб ҳайдаса! Бунга чидаш учун хотиндек юраксиз бўлиш керак».

Аълоиддиннинг юриш-туриши шундоқ эдики, унинг улфатлари орасида Шамсиддин ва Жалолиддинга ошқору ниҳон душман бўлган амалдорларнинг ювиндихўрлари ҳам бор эди.

Ўғлининг қилмиши ҳақидаги миш-мишлар Жалолиддиннинг қулоғига етгач, у яна бир – сўнги мактуб ёзди. «Магар бирор кимса андишасизлик йўлида ўғлимизни унинг табиатига зид бўлган номаъқул йўлдан бошлаётган экан, у ўша йўлдан елиб-югуришга ошиқмагай. Кўз олдингда жумла олам ўзгариб, жумла олам сени ҳам ўзгартирсин. Сен ўз йўлингдин юргайсен, ундан адашмагайсен... Ўша ҳужрада ўз отам яшайди, деб фараз қилгайсен. Не-не соддадил одамлар ўзгаларга эргашиб, бадқирдорлик йўлига кирур. Лекин оқил одам бировнинг кўзи кўр ёки ғилай экан деб ўз кўзини ўярму? Фалончи ундоқ экан деб, ўшанга эргашиш – оқилларнинг иши эмас!...»

Шоир инсон табиатининг энг эзгу сифатлари: руҳий саҳоват ва олийжанобликка кўз тикар, ўғлини «разолат ва манманлик даричасидан юз ўгириб», «худбинлик ахлатхонаси» эшигидан чиқишга ундарди.

Бехуда. Аълоиддиннинг инсоний сифатлари аллақачон худбинлик ва жаҳолатга ем бўлган эди. Ўз ҳою ҳавасларининг кули бўлмиш бу кимса инсонликка нафрат билан боқувчи мутаассиб жоҳиллар измида, Шамсиддин ва Мавлоно айтган ваъзлардан, уларнинг халойиққа таъсиридан кўрқиб-қалтираган амалдорлар кўлида бир қурол бўлиб қолган эди.

Қишнинг бошларида заргар Салоҳиддин ҳунармандларнинг ўзга оқсоқоли билан қўшилишиб, Мавлоно ва Шамсиддинни мажлиси самога таклиф қилди. Шоир рақс тушиб, бадиҳа айтиб, ҳаммани ўз жазавасига асир этди. Машшоқлар ҳолдан тойишиб, кетма-кет ўрин алмашадилар. Аммо шоир чарчамайди, тунни тонгга улайди. Руҳият базми сурункасига икки кечаю икки кундуз давом этади.

Ёлғиз қолган Кимё Кира-хотуннинг хонасида тунайти. Учтинчи кун эрталаб ўчоқда олов ёқмоқчи бўлиб, ҳужрасига кирганда, тўшак ёнида устига товоқ тўнкарилган патнис билан каттакон тарвузга кўзи тушади. Патнисда – хамирига асал, ёғ қориштириб пиширилган паҳлава. Ёш жувоннинг чеҳраси севинчдан ёришиб кетади. Унинг Шамси қайда бўлмасин, ёрини унутмайди: паҳлава – Кимёнинг жону дили эканини у яхши билади.

Эрининг қайтишини кута-кута, у паҳлавани еб битиради. Тарвуз Шамсга қолсин, самодан сўнг у тарвуз еб, чанқоғини босишни хуш кўради. Лекин паҳлава – ўта ширин, уни чанқагади.

У бир тилик тарвуз еса, Шамс хафа бўлмас. Тарвуз йирик, бунинг устига ҳаво ҳам совуқ, у айнамайди. Ҳадемай пешин, улар Салоҳиддиннинг уйидан энди қайтишса керак?!

У эри ҳамиша боши учига қўядиган чарм халтани очади. Қайиқ-қалпоқ, ҳассага қўндириладиган, Худонинг исми битилган алам йўқ. Шамс мажлиси самога борганда уларни ўзи билан бирга ола кетарди.

Кимё ямавий эгри пичоқни олади. Тарвузнинг икки четини арчади. Эри тарвузни ҳамиша шундоқ кесишини ўйлаб, табасум қилади-да, қип-қизил тиликни оғзига элтади.

Шамс тушдан сўнг уйига қайтади, Кимё унга пешвоз чиқмайди. Эри пардани нари суради, хотини ғужанак бўлиб тўшакда ётибди. Нима гап?

– Хотин! Хотин! Кабутарим!

У жавоб бермайди, қимирламайди ҳам. Кўзлари катта-катта очилган. Уларда азоб ва даҳшат акс этади. Нафас олиши оғир. Шамс унинг устига энгашиб кўрадики, Кимё бошини бурмоқчи бўлаётир. Унинг нигоҳи оққан томонга қараб, патнис ва унда кесилган тарвузга кўзи тушади. Балки сув ичмоқчидир?

Шамс сакраб оёққа туради. Кўлига тарвуз ва пичоқни олади.

Шунда Кимёнинг кўксидан даҳшатли бир хириллаш отилиб чиқади.

Шамснинг қўлидаги тарвуз тош саҳнга тушиб, лахта-лахта қондек, ҳар ёққа сочилиб кетади.

Мусулмон одатига кўра, марҳумани эртаси кунни эрталаб дафн этишади. Шамс ҳамдардлик билдирганларнинг сўзларини жим туриб, бошини эгиб, эшитади. У таъзияга ҳам, тасаллига ҳам муҳтож эмас. Йиғичиларнинг ноласи, ҳофизларнинг хониши остида тобутта унсиз эргашади. Ортдан нафрат билан боқишларни сезади, гўё бу ўлимга у сабабчидек. Адоватли ивир-шивирлар қулоғига етади: «Касофат... Бадбахтлик келтиради». Аллақандай темир ҳалқа юрагини исканжага олиб, сиқа бошлайди.

Мадраса мотам қўйнида. Шамсиддин ҳеч қаёққа чиқмайди, ҳеч кимсани кўришни ҳам истамайди. У чиндан ҳам бадбахтлик келтиради, ўзи меҳр қўйганларни нафрат ва ўлимга дучор этади. Худо асрасин, Мавлонога бир кор-қол бўла қолса, у ўзни асло кечирмайди.

Жалолиддин гаввосдек унинг руҳий уммонига шўнғиб, бебаҳо дурдоналар терди. Бу гавҳари дурдоналар унинг, Жалолиддиннинг ўз сўзлари. У ўша бойликни асраб-авайлаши, кўпайтириши лозим. Аммо бунинг учун Шамс ғойиб бўлиши шарт. Дарвеш – қалан-

дарлар уни яширишади ва дунёнинг нариги чеккасига олиб кетишади. Улар пайшанба куни келишга ваъда қилишган.

Пайшанба, 1247 йилнинг 5 декабрини Шамсиддин ўз ҳужрасида ўтказди. Кечкурун эшитди: уни чақирдишарди. У шошилмай эшикка томон юрди.

Бу – унинг ер юзидаги энг сўнги қадамлари эди.

Тонгтарда Жалолиддин Валаднинг хонасига отилиб кирди.

– Тур! Намунча ухлайсен? Шайхнингни изла! Унинг муаттар хиди тагин думоғимизга урмайтти!

Валад сапчиб ўрнидан турди. Анграйиб отасига тикилди. У даг-даг титрарди.

– Югур, изла! Шаҳарни оёққа турғиз! Бўл тезроқ! Валад шоша-пиша кийиниб, ҳужрадан отилиб чиқди. Шамсиддин ҳеч қайда кўринмасди. На мадрасада, на ахийлар ҳузурда, на масжиду хонақоларда, на карвонсаройларда. Шаҳар дарвозаларидаги на тунги, на тонги соқчилар шаҳардан шундоқ бир кишини чиққанини кўришмаган.

Қидириш давом этар экан, Мавлоно кўз юммади.

«У айрилиқдин эс-хушини йўқотди, – деб эслайди кейинчалик Валад. – Боши қайдаю оёғи қайда – билмасди. Фатво берувчи шайх муҳаббатдин маст бўлган шоирга, зоҳид майфурушга айланди. Лекин у узум майи ичиб, узум майи сотувчи эмасди. Унинг қалби нурдан бўлак нарсани нўш этмасди» деган эди.

Жалолиддин яна матом либоси – ҳиндуворий нопармон матодан тикилган яхтагию мисранг қалпоғини кийди, нопармон салласини остини кенг, устини ингичка қилиб, бошига чўлғадди. Кўйлак яқосини чок этди, оёғига юмшоқ махси кийди. Тўрт қиррали араб рубобини олти қиррали қилиб, қайта ясадди: Машриқ ва Мағриб, Шимол ва Жануб, фалак ва Жаҳаннам. Бу рубобдан таралган садо, Шамс қайда бўлмасин, унинг қулоғига етиши даркор.

Бу орада турли тусмолларга етакловчи, бир-биридан даҳшатли хабарлар Валаднинг қулоғига чалина бошлади. Гоҳ жуҳуд маҳалладаги майхонада майхўрлик қилиб ўтирган икки навқар Шамснинг номини эшитиб, истеҳзоли илжайишади: «Кўёш ер тагига кирди-кетди бошқа чиқмайди». Гоҳ Аълоиддиннинг улфатларидан бири сўраб-суриштиришларга: «Шамолни даладан, обиҳаётни қудуқдан изла», – деб жавоб беради.

Дарвоқе Аълоиддин қайда? Уни Қайсаридан топишди. Кундузлари тоат-ибодат қилар, тунлари май ичиб, нақ жинни бўлар, муздек сув, қонли ҳаммом ҳақида даҳшатли сўзлар айтиб қичқирарди.

Йўқ, йўқ! Фақат бу эмас. Валад бошини чулғаган қўрқинчли хаёлларни нари ҳайдади.

Мадраса сахнини сугурган фаррош хотин сув учун фавворага эмас, яқин ўртадаги, молларга сув тортиладиган қудуққа боради. Бораётиб, йўлда ювилган қон доғларига кўзи тушади.

Тунда Валад уйқусираб, бақриб йиғлайди. Кейин кўп йиллар давомида у кечалари кўрқувдан қичқириб уйғонади. Биз охиригача ўйламаган ёки ўйлашни истамаган фикрлар тушимизда зоҳир бўлади, зеро, мия ҳар турли ишорат, аломат, ғайришуурий сезгиларни бир жойга жамлаб, уйқуда ҳам ўз ишини давом эттиради.

Валад ва ўша даврнинг ўзга диндор кишилари учун туш – ғойибдан ишорат эди. Лекин бу гал то ўзи ҳақиқатни аниқламагунча, Валад тушга ҳам ишонмайди.

Иккинчи кун кечаси у учта энг ишончли одами билан мадрасадан чиқади. Чироқ ёқмай, худди ўғрилардек пўсиб, яқин ўртадаги қудуққа яқинлашишади. Ой шом еган, қишнинг совуқ, қорамтир осмонида юдузлар унсиз милтирайди.

Қудуқ қопқоғи тақ этиб очилиб, темир чангақлар тугилган арқон тубсиз ўпқонга тушиб бораётгандек туюлади. Сувнинг шалоқлаши эшитилади. Яна қудуққа уч қулоч чамаси арқон кетади. Арқон тутган киши уни нари-бери кескин силтайди. Сўнг тепага тортади. Арқон таранглашади, лекин тортилмайди.

Улар тўртовлашиб, қулочкашлаб торта бошлайдилар. Кафтлари шилиниб узоқ тортишади. Ҳар гал чангакка илинган юк қудуқ деворига «гуп» этиб уриларкан, Валад бир сесканиб тушади.

Ниҳоят, юкни қудуқ лабига чиқариб тортиб чиқаришади. Сувда шишиб кетган жасадни шу ондаёқ танишади: Шамсиддин. Чангақлар кийимини тешиб ўтиб, унинг ориқ бикинига санчилибди. Валад уларни тортиб олади. Қон йўқ.

Жасадни нима қилиш керак? Энг сўнгги дақиқагача Валад ишонмади. Шунинг учун ҳам бирор чорасини ўйлашга ҳам улгурмади. Лекин мурдани ҳеч кимса кўрмаслиги керак. Сир сақлашга қасам ичган шу тўртовидан бўлак.

Шунда “лоп” этиб, унинг бошига бир фикр келди. Шундоқ яқингинада ана шу мадрасани қурдирган амалдор – Бадриддин Гавҳартошнинг бўм-бўш даҳмаси турибди. У мадраса ёнида мақбара ҳам солдириб, ўзини унда дафн этишни васият қилган эди. Шамсиддин Табризийни шу ондаёқ шу ерда, фақат шу ерда тупроққа топшириш мумкин эди.

Ун йилдан сўнг Валаднинг ёш рафиқаси Фотима-хотун кечаси тўсатдан уйғониб, эрига қарадию кўрқиб кетди. Ҳеч қачон уни бу аҳволда кўрмаган эди. Эри шикаста ва нолон бир аҳволда, йиғлаб ўлтирарди. Нима бўлдийкин? Валад унинг ўктам ва жасурлигини билади. Лекин у бирор сўз ёки ишора билан бу сирни очмайман, деб қасамёд этиши керак...

Фотима-хотун ярим аср чурқ этмади. Фақат қариб-қартай-гач, Жалолиддин ҳам, Валад ҳам аллақачон оламдан ўтиб бўлиш-гандан сўнг, бу сирни қабрга олиб кетгиси келмай, ўғлига ай-тиб берди. Уша она қорнидаёқ увол бўлмай, Мавлоно шарофа-ти туфайли дунё юзини кўрган ўғлига. Ва Жалолиддин вафоти-дан эллик йил кейин набирасининг “қотибул асрори” шайх Аҳмад Афлокий бу ҳикояни қаламга олади.

Шамсни эшикка чақирган қаландарлар эмасди. Етти киши ярим доира олиб, уни кутиб туришарди. Улар орасида Аълоид-дин ҳам бор эди. Шамс остонада пайдо бўлиши билан етти узун қассоб пичоғи баробар унинг танига санчицди.

Қонни мешларда келтирилган сув билан ювиб, жасадни қудуққа ташлашди.

“Шамсиддин ташланган қудуқ Валадга тушида аён бўлган. У жасадни дўстлари билан яширинча олиб, тупроққа топширган”, — деб ҳикоя қилган эди Фотима-хотун.

Аммо Шамсиддиннинг қаерда дафн этилгани яна етти аср сир бўлиб қолди.

Етти асрдан зиёдроқ вақт кечди. Замонларнинг қалин девор-лари оша на оғриқ саси, на ҳасрат-алам овози эшитилади: бари бир ўтган шунча давр ичида у аллақачон дунёдан кўз юмиб, суяклари тупроққа айланарди.

Бу давр ичида не-не машҳур ва номашҳур кимсалар қабрга кирмади. Дунёда не-не қотилликлар, жиноятлар юз бермади.

Етти узун қассоб пичоғи. Қонни мешларда келтирилган сув билан ювиш. Қудуқ. Нақадалар жўн, одамнинг кўнглини айнита-диган даражада содда!

Ҳар бир можаро, унинг маънавий моҳияти тўла очилганда-гина, кишини ҳаяжонга солади.

Жалолиддин Румий 1247 йилнинг 5 декабрида Кўнёда рўй берган машъум можаронинг маънавий моҳиятини башариятга очиб берди. Шунинг учун ҳам бу можаро ўлмас ва абадий бўлиб қолди.

Мақтул ҳам, қотилнинг отаси ҳам бир-бирларида Инсонни Комилни кўришар, яъни, олам ва башариятни ўзида англаб, башариятга муҳаббат туфайли ўзлигини унутган Баркамол Ин-сонни. Аммо комил бўлиш имконияти ҳар бир инсонда мавжуд.

Аълоидин Шамсни ўлдириш билан жумла инсониятни қонга бўяди. Шу билан ўзини ҳам ҳалок этиб, номини тириклар ва ўликлар рўйхатидан абадий ўчирди.

Эсда тутинг: “Бир одамни ўлдирган ҳаммани ўлдирганга тенг. Бир одамни тирилтирган ҳаммани тирилтирганга баробардир”.

Жалолиддин ҳақиқатни билгач, иккинчи ўғлидан буткул юз ўттирди. Унинг дафн маросимига ҳам бормади. Қотилнинг насли ном-нишонсиз тупроққа кирди.

Ярим асрдан сўнг Аълоиддиннинг ўғли Валаднинг ўғли ҳузурига келди. “Биз ҳам Мавлоно наслданмиз, — деди у, — ота қилмиши учун ўғил нечук жавоб бергай?” Валаднинг ўғли унга: “Сиз аллақачонлар қирқиб ташланган бутуқсиз”, — деб жавоб қилди.

Бу фожиа асроридан биринчи бўлиб воқиф бўлган киши Валад эди. У нима ҳам қила оларди? Қотилларнинг бири — ўз иниси эди. Бироқ қотилнинг отаси унинг ҳам ўз отаси эди.

“Мавлононинг йиғи ва ноласи етти фалакка етди, — деб эслайдди Валад, — унинг фиғону фарёдини сағир ҳам, кабир ҳам эшитарди. У қўлига тушган симу зар, бор бисотини ҳофизу машшоқларга берарди. Ашъор айтиб, рақсга тушмаган кунни, бир лаҳза ороми — қарори йўқ эди. Кўшиқ айтавериб, овози хириллаб қолмаган, тили шишмаган битта ҳам ҳофиз қолмади. Пул-ақча, инъом-эҳсон дегани ҳамманинг меъдасига тегди. Ифрот майхўрлик қилгандек, ҳамма ҳорғин ва хаста эди. Майхўрлик касридин хаста бўлганлар хушёр тортиб, ўзларига келишарди. Уларнинг эса, бетиним хониш ва ноладан, уйқусизликдан тинкалари қуримишди. Чарчоқдин ўлар ҳолатга етиб, юраклари кўринмас ўтда куйиб, кул бўлди. Бугун шаҳар кўзғалди. Наинки шаҳар! Дунё оёққа турди. Ҳамма айтарди: “Шундоқ аркони ислом, шайхул оламайн жиннидек жазавага тушмиш. Унга эргашиб, халойиқ иймонидан айрилмиш, шариятни унутмиш. Ҳамма ўз жонини ишқу муҳаббатга тикмиш. Жумла ҳофизлар ашъор ўқиб, машшоқлар изидан югурмиш. Сағир ҳам, кабир ҳам, рақсга тушиб, севги суворийсига айланмиш. Шеър у гагал тоат-ибодат ўрнига ўтмиш. Намоз ҳам, ниёз ҳам қолмамиш. Ишқ — уларнинг дину диёнати, мастлик, беҳудлик — ягона машғулоти, Шамс Табризий эса шаҳаншоҳи эди”.

Жалолиддин чиндан ҳам ўзини унутган эди. Шу кунларда Валад бор кучи билан қотилликни яширишга, уни ҳаммадан ҳам аввал ўз отасидан сир тутишга уринарди. Ўзга чораси бормиди?

Дўстининг ҳалокати ҳақидаги миш-мишлар Жалолиддиннинг ҳам қулоғига чалинарди. Лекин у ишонмас, ишонини истамасди.

“Умри боқий ўлди, деб ким айтмиш? Шамсул уммид сўнди, деб ким айтмиш? Куёш душмани томга чиқмишу кўзларини чирт юмиб, куёш ботди, деб ўйламиш”.

Биров кўчада, Шамсиддинни кўрдим, деб айтган эди, шоир тўнини шартга ечиб, унинг елкасига ташлади. Унга бу ишни бекорга қилганини, ҳалити киши ёлгон гапирганини айтишганда, Жалолиддин алам-ўкинч билан деди:

— Мен унга ёлгон гапи учун тўнимни бердим. Чин деса, жонимни берардим!

Отаси Шамсни топиш учун Дамашққа отланганда ҳам Валад бир нима демади.

лайди Валад, – лекин дўстининг асрори ой бўлиб, унинг осмонини ёритди. У дердики, биз жисму жонимиз билан бир-биримиздан йироқмиз, лекин ягона нур, ягона талъатмиз. Истасанг – унга, истасанг – менга боқ. О, толиблар! Камина – ул демак, ул эса – мен...

Мавлоно Дамашққа қирғовул бўлиб бордию ёвқир қарчигаёй бўлиб қайтди”.

Дўстини моддий оламда йўқотган Жалолиддин уни ўз маънавий оламида қайта кашф этди.

Анъанага кўра, ғазал охиридаги сўнгги байтда ўз номларини дарж этишади. Жалолиддин эса Шамсиддин Табризий номидан ғазаллар битга бошлади. Ҳа, ғазалларни унинг қайта кашф этилмиш дўсти тўқиётгир, шоир эса – шунчаки бир котиб, шунчаки бир воситачи, холос. Ғазаллар унинг кўнгил дунёсида туғиладди, бас, улар – Шамсиддиннинг ҳам ғазаллари. “Камина – ул демак, ул эса – мен”.

Шоир Шамсни излаб, бир гуруҳ дўстлари билан иккинчи бор Дамашққа отланганда ҳам, Валад уни тўхтатмади. Жалолиддин бу гал дўстимни тўсатдан учратиб қоларман, деган умидда ҳар бир ўтқинчининг юзига термулиб, кўчаю бозорларни кезмади, шерикларига хонақаю мадрасалар, работу карвонсаройларни титқилашни буюрмади. Сурункасига бир неча ой кечани кеча, кундузни кундуз демай, кўшиқ айтиб, рақса тушди. Салқин ва тез оқар Барада дарёси соҳилларида ястанган Равзатул Ислом деб ном олган, ям-яшил чаманзорларга бурканган қадимий Дамашқ Кўнёга ўхшаб, ашъору таронага тўлди. Шамс шу атрофда бўлганда, бу муҳаббат чорловига муқаррар садо берар, балки келар эди. Лекин Шамс келмади.

У дўстини кучолмади, унинг табассумини кўришга яна бир қарра ноил бўлолмади, унинг овозини эшитолмади. Лекин бу – Ҳақиқат Куёши абадий сўнди, деган сўз эмишми? “Агар у – мен эсам, мен кимни излаймен? Унинг жамоли, унинг камоли – менда. Бир коса май янглиғ қайнаб жўшармен, ҳа мен ўз – ўзимни излаймен!”..

Лекин у яна Дамашққа отланди.

*Кўйиб тупроғи Румни, биз яна азми Дамашқдирмиз,  
Хумори зулфи сунбул, ташнаи базми Дамашқдирмиз.  
Магар Шамсул Ҳақиқат чехраси анда ниҳон эрса,  
Муқаррарки, ғуломдирмиз, мулозими Дамашқдирмиз...*

Балки Шамсиддин ўз юртига жўнаган, Табризда яшириниб ётгандир? У ўз дўстини хокий кўзлари билан яна бир бор кўриш

орзусида ўша ёққа ҳам отланишга тайёр. “Шамс васлини соғинган қалбим қулоғимга: – Табризга жўна! Табриз тупроғини тароқ билан тара! – деб шивирлайдир...”

Шунда қонли сирнинг залвари остида тинкаси қуриган Валад, ниҳоят, отасига дўстининг бу ёруғ оламда йўқлиги, уни излаш беҳудалиги ҳақида айтишга қарор қилади. У имо-ишоралар ила сўзлайди, бор гапни айтиб қўя қолиш – Жалололдинни мавҳ этиш демак эди.

*Нигоро, не қилай, бағримни сузон айладинг, кетдинг,  
Ялдиним, кетмагил, деб, банди ҳижрон айладинг кетдинг.  
Топиб ҳар ишга чора ҳам қилиб ҳар дардга бир дармон,  
Бу гал бечора қолдим, кўзни гирён айладинг, кетдинг.  
Юзинг ой эрди анвар ҳам кучоғинг гулшани дилбар,  
Қаро тупроқни кўзлаб, воҳ, хиромон айладинг, кетдинг.  
Зарофатли сузинг қайда, тафаксур юлдузинг қайда?  
Кўйиб дўстларни бунда, дилни вайрон айладинг, кетдинг.  
Нечун васлингга зор этдинг, фанони ихтиёр этдинг,  
Кўнгил доғ ичра қолди, доғи армон айладинг, кетдинг  
Ёқиб бағримни андоқ ҳам надомат ўтига ташлаб,  
Магар сен йўлларингни таҳ-батаҳ қон айладинг, кетдинг?!*

Замон жароҳатларни битиради, кўмирни кулга, тошни тупроққа айлантиради. Лекин Жалололдин қалбидаги яралар ҳеч қачон битмайди.

*Адо бўлди бари, соб бўлди, дўстим,  
Буни ким тинглагай? Афғон чекар?  
Жигарга ғам ўқи санчилди буткул,  
Сипар чилпора бўлди, ёш тўкар ул.  
Ётармен ғам чекиб тупроқ аро мен,  
Ўшал тупроқ каби ғамдин қаро мен.  
Қаён кетдинг, қаён, оҳ, Шамси Табриз,  
Муборак мақдамингдин борми бир из?  
Агар оламда ул фахрул башардир,  
Ва лекин олам аҳли кўру кардир.  
Қулоғи, кўзи бўлганда муқаррар.  
Башар йиғлар эрди. Йўқ, йиғламаслар.  
Тириклик даштида гулшан ўшалдир.  
Қулоғу дийдаи равшан ўшалдир...*

Орадан ўн йил ўтди. Унинг айтиши остида “Маснавий”нинг биринчи китобини қоғозга тушираётган “котибул асрор” Ҳусо-митдин неча йиллик қадрдонлигини ўртага солиб, шоирдан



Шамсиддин тарихини оламга ошкор этишни сўрайди. “Мени қийнама! – дейди шоир. – Бу қонли можарони ёдимга солма! Шамсиддин Табризийдан оғиз очма!”

Дўстлари шоирдан умрининг охиригача бу ҳақда сўрашга ботинишолмайди. Унинг ярасини тирнаб қўймаслик учун бу номни кўрқа-писа тилга олишади. Шу сабабга кўра Шамснинг Жалолиддин билан “Мулоқот” китоби қоралама ҳолича қолиб кетади, шоирнинг дўстлари ва издошлари унинг ҳалокати ҳақида чурқ этишмайди.

Шамсиддин Табризийнинг сирли йўсинда ғойиб бўлиши, уни Қуёшдек, Ҳақиқатдек боқий деб билган буюк шоирнинг шеърлари замонлар оша унинг барҳаётлигига ишонч-эътимод туғдиради. Гўё бир кун эмас, бир кун худди бир пайтлар Кўнёда пайдо бўлганидек, у яна мавлавийлар хонақоси эшигида пайдо бўлади. Янги минг йилликнинг Маҳдийи даврони бўлиб кириб келади.

Фақат асримизнинг ўрталарига келиб, кўҳна, кичик хонақони таъмир этиш пайтида Шамсиддин Табризийнинг қабри топилди.

Оёқ тагида – ёғоч қопқоқ. Унинг остида – пастга томон тушиб борувчи зинапоя. Шифти одам бўйига баробар мўъжаз хона. Чап девор ёнида усти ганж билан шувалган мурабба шаклдаги соғона.

Қуёшга чиқамиз.

Худди мақбара олдида – салжуқийлар давридан мерос, ҳозир қуриб-қурғаб қолган қудуқ қолдиқлари.

Ундан нарида минора. У анча кейин, усмонийлар салтанати даврида қурилган. Лекин минора деворидаги бир тош, ундаги ёзувнинг шаҳодатича, бир пайтлар Жалолиддин Румийнинг отасига тақдим этилган Гавҳартош мадрасаси деворида турган.

Ажиб, қизгин бир ҳаяжон томоққа келиб тикилади. Нафсиламрни айтганда, биз бундан етти юз йил мўлроқ муқаддам совуқ декабрь кечаси шу ерда ўлдирилиб, яширинча дафн этилган Шамсиддин отли кимсанинг барҳаётлигига ишонмаймиз.

Лекин биз башариятнинг камолот сари интилишига ва бу интилишнинг абадийлигига ишонамиз.



---

**ОЛТИНЧИ БОБ**

**ЎРИМ**

---

*Ҳар нарсаниким замон бузиб, хор айлар,  
Дунёйи хазинабон йиғиб, бор айлар.  
Майл этсаю боз аслига эврилса фалак,  
Ғайб пардасидин Ҳақ яна ошкор айлар.*

*Абу Али Ибн Сино*

## ДОЙРА САДОСИ

Жалолиддин хунарамандлар растаси бўйлаб аста, хомуш борарди. У салқинида савдогарлар чордона қуриб, чойхўрлик қилиб, харидорлар билан чақчақлашиб ўтирган усти берк тимлардан ўтиб, пойафзал растасига чиқди. Кўкламнинг илк жазирамаси тушдан сўнг пасайган, лекин қуёш елкани қиздирарди. Дўконларнинг соябонидан то ерга қадар – орқаси очиқ, тумшуғи тепага қайрилган, ярақ-юруқ безакли, сариқ ва қирмизи, яшил ва кўк чуваклар маржондек тизилиб ётади. Қандолатфурушлар болақайлар қуршовида бетиним қичқиришади. Бозордаги оломонни оралаб келаётган эшакка пўртахол ортишган. Унинг ортидан – бир хирмонча курсини орқалаб, икки букилиб, бир ҳаммол келаётди. У узоқдан худди кирпитиканга ўхшайди.

Одамлар Жалолиддинни кўриб, гап-сўздан тинишар, оёққа туриб, таъзим-тавозе ила салом беришарди. У эса, бошини қуйи солиб, ўй-хаёлга ғарқ бўлиб борарди.

Атрофида қанча одамлар! У ҳамиша шулар орасида, шуларнинг биттаси. Аммо нақадар ёлғиз!

У бурчакка етиб, қайриди. Дўконлар қўйнида ботаётган қуёшдек товланиб, деворга тизилган мис барқашлар, бўйинларини оққушдек чўзган нафис офтобалар. Мис ва темирнинг жаранг-журунги оломоннинг ғовур-ғувурига қўшилиб кетган эди.

У қирқдан ошди. У чўққига етиб, олам ва одамларни ўзига жо этгунча, умр ўтди. Мана, у яна ёлғиз, гўё жони-дили бўлган одамни топдим, дегунча, ундан айрилиб, яна излай бошлаш пешонасига битилгандек.

Ерда эса – яна баҳор. Чўлларни ўт-ўланлар қоплади. Тераклар япроқ ёзди. Атиргуллар илк гунчалар билан безанди. Унинг руҳи ҳам қуёшга монанд, ҳаммаёққа сингиб, ҳаммаёққа ҳаёт бағишлайди. Аммо қуёш ҳам ўз буржи ва юксаклигида нақадар таңҳо! Қим унга кўзлари қамашмай тикка боқа олади?

Хаттоки кўёш ҳам ўз-ўзини кўриш учун кўзгуга муҳтож. Атрофида эса қанча одамлар! Лекин уларнинг кўнгил кўзгуси худбинлик пардаси билан тўсилган! Улар ўзларини севишармиди? Йўқ, уларнинг севгани – еб-ичиш, бойлик-бисот орттириш, бойлик-бисот келтирувчи пул, одамларни молдек нари-бери суришга имкон берувчи ҳокимият. Уларнинг қалби айқаш-уйқаш буюмлар уюлган омбор, ўшалар орасида уларнинг ўзи ҳам жонсиз, ҳам маъносиз бир буюм. Хўш буюмлардан, эҳтиёжлардан воз кечиш керакми? Йўқ, албатта, лекин улар ўртасида робита ўрнатиш лозим. Омборни уйга айланттириш даркор, токи ҳар бир ашё ўз маъносига эга бўлсин, токи у инсоннинг ягона руҳи орқали ўзга ашёлар ила боғлансин.

Унда, руҳ дегани нима? У ақл ҳам, юрак ҳам эмас... Балки у бирликни ягоналикка қўшиш, ягоналикни бирликда кўриш иштиёқидир. Балки, у ўзни ва оламни англаб, ҳаммича теран ва олға бориш, янги-янги муҳитларни эгаллаб, бутун ташқи, зоҳирий оламни ўз ички оламига айланттириш, ўз ички, ботиний оламини эса ташқи олам билан кўшиб, бир бутун қилиш хоҳишидир!

Руҳиятдан маҳрум одам учун олам – маъносиз ва айқаш-уйқаш ашёлар тўла омбор. Фақат инсон маънавияти жумла коинотни унинг ўз уйига айлантира олур...

Ҳар қиёқ-майсада, ҳар бир самовий сайёрада, бошда уйғонган фикр, она қорнида қимирлаган чақалоқда умумий ягона моҳиятни кўриб, уни бор вужуд ила ҳис эга билиш даркор.

Инсон руҳиятининг чашмаси амиру амалдорлар орасида эмас, саройлару кўшки-айвонлар саҳнида эмас, манави ёқда – муҳтожликдан боши чиқмай, уйқу ва таомга қонмай, ҳар куни, ҳар соат ўзни бошқаларга бахшида этувчи, болғасининг ҳар бир зарбасиyo нинасининг ҳар бир йўрмаси билан жонсиз ашёларга жон бағишлаб, ўз руҳига либос кийгизувчи одамлар муҳитида, уларнинг меҳнатидадир.

Унинг қулоғига нафис, оҳангдор садо урилди. Болғачалар юрак зарбига монанд каби, гоҳ баланд, гоҳ паст тикиллаб, садо таратишар, уларнинг зарби тобора тезлашиб борарди. Гоҳ тўсатдан тиниб, яна қайтадан бошланарди. Мана шу майин, оҳангдор садо унинг кўнглидан ғамни аритди. Мунис бир сурур уйғониб, бутун танига ёйилди ва бор вужудини қамраб олди.

У тўхтаб, қулоқ солди. Бир қўли яхтаги барига узаниб, бошқаси ҳавога отилди. Бир қадам олға босди. Бошини ўнг елкасига солинттириб, аввалига секин, сўнг гир-гир айланиб, чанг-тўзонли, гавжум кўча ўртасида рақс туша кетди.

*Аё япроқ, нечук бундоқ қутулдинг банди зиндондин?  
Аён этгил, аён, биз ҳам қутулсак бир йўла ондин!*

*Аё сарв, сарбаланддирсан, сирингни сўйла инсонга  
Аён этгилки, биз ҳам бўй чўзайлик буржи осмонга!..*

Халойиқ кўча ўртасини чангитиб, ўйин тушаётган шоирга ҳадиксираб ва ҳайратланиб қараб турарди..

Эшикка энг яқин ўлтирган халфа қўлида болғачаси билан ханг-манг бўлиб қотиб қоларкан, заргар Салоҳиддин бошини кўтариб, рақс тушаётган Жалолиддинга кўзи тушди.

Ўзга шогирдлари ишга берилиб, ҳеч нарса сезишмасди. Уста пайқади: уларнинг болғачалари таратаётган садо шоирга завқ-шавқ бағишламиш...

Салоҳиддиннинг сокин юзига табассум ёйилди. У халфага ишорат этди-да, болғачасини қўлига олиб, зийнат учун тайёрланаётган юпқа тилла япроқларга бир текис ура кетди. Шогирди ҳам унга эргашиб, яна тикиллатишга тушди. Қаёқда! Унинг нигоҳи халойиқ ўртасида рақс тушиб, шеър айтаётган шоирга беихтиёр тортилар, болғача зарби ола-тасир тушарди. Аслини олганда уста ҳам болғасини дуч келган жойга урарди.

Устага бир кор-ҳол бўлди шекилли, деб шогирдлар ишни тўхтатишди.

– Уринглар! Қаттиқроқ уринглар! – деб қичқирди Салоҳиддин уларга.

Яна болғачалар тикиллай кетди, уларнинг оҳанги тезлашиб, тобора жарангдор тус олар, Жалолиддин дўкон олдида тобора жазавага тушиб, чарх урарди.

*Аё гунча, қизил қонлар аро сен ўзни тарк этдинг,  
Аён этгил, надир севги, надир ул ўзни тарк этмоқ!..*

Салоҳиддин беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Эшикка отиларкан, шогирдларига қараб қичқирди:

– Уринглар! Тўхтатманглар! Уринглар!

Улар икқовлашиб чарх уришди. Ягона оҳангда. Ягона сўз жўрлигида. Ўзни бирдек унутиб. Олам билан бирдек бирикиб.

Лекин Салоҳиддин кекса эди. У толиқиб тўхтади, таъзим ила шоирдан ўз заифлиги учун уэр сўради.

Шоир дўстини кучиб, ўпди-да, ўзи яна рақс туша кетди.

*Бор эрди бунда бир заргар дўкони.  
Кўз очди чашмай меҳри жаҳоний  
Ажаб маъноси юксак, чеҳраси пок,  
Боқиб мен комрон, сармаст, яқо чок...*

Ўша оқшом Салоҳиддин дўконини асбоб-ускунасию суду сармояси билан бировга инъом этиб, ўзи шоир ила кетди ва то ўлгунича ундан айрилмади.

*Яна ул ой само саҳнига балқиб, ярқираб келди,  
Агар шиддатда туркдир, кўрки – сувратда араб келди.  
Либоси турфада – ул ёр ва алвон кўзада – ул май,  
Яна бизга ўшал масту хумор, айшу тараб келди.  
Кетиб тун, келди тонг, қайлардасиз эй марди майдонлар,  
Яна ул шамчирок, ул шаъми асрор парпираб келди.  
Кўчиб юрмайди жонлар, буйла гапта мен ишонмасмен,  
Ҳама қатра оқар уммонга, шу сўздин шараф келди...*

Шу-шу бўлдию шоир заргар Салоҳиддин кўзгусида Шамс тимсоли ва ўз аксини кўрганини эълон қилди.

Пири Саид Сирдонга ўхшаб, Салоҳиддин тақводорликни адосига етказди. Бутун тариқат йўлини тўла ўтмагунча, ҳафталар, ойларни тоат-ибодат, рўзайи ниёз ила ёлғизлик-танҳоликда кечирди.

Лекин Саиддек жазавали, асабий эмас, табиатан сокин ва хотиржам эди.

«Салоҳиддинда Шамс фазилатини кўргач, – деб эслайди Валад, – отам дўстларига деди: «Мени кўйинлар. Шайхлик менинг ишим эмас. Минбаъд Салоҳиддиннинг азми-иродасини муқтадо тутиб, ўшанга эргашинглар». Мени хузурига чорлаб деди: «Салоҳиддиннинг чехрасига боқ. Унда ҳақиқат султонини кўришга саъй этгил. Руҳият подшоси, ўрни ва сарҳади белгисиз мулки – мамлакат ҳукмдори – мана, Салоҳиддиндирким... Минбаъд сен ҳам ўшанга мусаллам бўлгайсен».

Жалолиддин ортиқ ваъз айтишни истамасди. Аммо Салоҳиддиннинг ўтинчи билан бу охиригиси деб, яна бир бор масжид минбарига чиқди.

У Салоҳиддин хузурида Шамс номини тилга олмасликни илтимос қиларди. «Улар орасида тафовут йўқ, – дерди шоир. – Лекин орифлар қалби ҳам эзгу рашк ғуборидин холи бўлмагай».

Ҳақиқий руҳий улуғлик нималигини умрининг охиригача билолмаган муридлар ичини нечоғлик рашк-ҳасад тирнаганини тасаввур этиш қийин эмас. Улар Шамснинг ғойиб бўлганига севинишиб, эртами-кечми шоир тинчиб қолар ва ҳамма нарса аввалги изига тушар, деб умид қилишарди. Шоирнинг Салоҳиддин билан дўстлиги уларнинг сўнгги умидини ҳам пучга чиқазди.

Бунинг устига Салоҳиддин деҳқон ўғли, уларга ўхшаб оддий хунарманд эди. Бошқаларга ўхшаб овқат ейдиган, кечаси ухлаб, кундузи ишлайдиган, тирикчилиги ҳар кунни, ҳар соат халойиқнинг кўз ўнгида ўтадиган, оддий кишининг улуғлигини

англаш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Авом фақат улуғ инсонларда ўзига ўхшаш жиҳатларнигина кўради, ўхшаш бўлмаган жиҳатларни тан олишни истамайди. Тан ололмайди. Шунинг учун ҳам «Ўз юртингда пайғамбар йўқ» деб айтилмаганмикин? Шу сабабга кўра ҳам, улуғ бўлмай, улуғлик даъво қилувчилар ўзларини ўз эллатларидан дабдабали маросимлар, қоровулларнинг қиличларию сарой деворлари билан, тумтароқ нутқлару димоф-фироф тўла жиддият билан ажратишмасмикин?

Мурид ва дарвешлар орасида яна ғийбат-иғво бошланди. Биттасидан қутулиб, бошқасига тутилдик. Бизни яна лақиллатишди. Анави ҳар қалай шуъла эди, манави эса – учкун. У сўз ва қалам соҳиби эди. Олийҳиммат аллома эди, шайхимизга ўшанинг дўст бўлгани дуруст эди!

Гоҳида тирикларни пастга уриш учун ўликлар қанчалар мақталади!

«Ҳар нечук у назокатли табризлик эди, дейишарди улар, биз бир қаричлигидан биладиган дағал кўнелик эмасди, – деб эслайди Валад. – Бу на ўқий олади, на ёза олади, на икки сўзни бир-бирига улай олади. Увол не, савоб не – билмайди. Нега у бошимизга чиқиб олди? Эртадан кечгача дўқонида ўтириб, болғачасини тикчилларди. Кўшниларига тинчлик бермасди. Эплаб дуойи фотиҳа ўқиса ҳам, гўрга эди. Савол берсанг, хачирга ўхшаб таққа туриб қолади. Шундоқ олиму аъзам бўлмиш Мавлоно унга нечук кўнгил қўймиш?»

Салоҳиддин чиндан ҳам саводсиз эди. Ўқиш малакаси фикрлаш малакаси ўрнини босолмаганидек, сўз рационал-мантиқий тафаккур ҳақида эмас, ҳиссий-образли тафаккур, яъни «кўкракдан гулурган идрок» устида бораркан, саводсизлик-ақлсизлик, деган гап эмас.

Салоҳиддин халқ орасидан чиққан, халқнинг соғлом зеҳни, ўткир ҳақиқат сезгисини ўзида мужассам этган эди. Бошқалар йиллар бўйи машаққатли меҳнат эвазига ўлаштирган нарсани у бир зумда илғаб олар эди. Унга улуғ устозлар – Саид, Шамс ва ниҳоят, Жалолиддиннинг ўзи дарс беришган эди. «Ўзимдаги нур чашмасоридин ўзим беҳабар эдим, – деган эди заргар бир гал Жалолиддинга. – Сен уларнинг кўзини очдинг, пуфлаб, аланга олдирдинг».

Авом – бесавод уста Салоҳиддин эмас, унинг ўқимишли ганимлари авом эди.

Салоҳиддин ўз-ўзини чеклаш орқали ўзида шундоқ ирода кучини тарбияладики, у ҳатто устозларини ҳам тонг қолдирди ва ўз таъсирини салкам сеҳр даражасига кўтара олди. «Ўз истейдоди ила у ҳаммадан ошиб тушди, – деб ёзади Валад. –

Орифлар йиллар бўйи берадиган нарсани у бир нафасда инъом этарди. Лабсиз ва тилсиз асрор очар, бир ҳарф, ҳаттоки бир сўз ҳам ишлатмай, моҳият гавҳарининг мағзини чақарди. Унинг нутқи юракдан чиқиб, юракка сингар эди».

Ўз даврининг энг маълумотли кишиси бўлмиш Жалолиддин бор-йўқ кучи қувваи ҳофизадан иборат, тайёрга айёр илмхўрлардан ҳазар қилар эди. Салоҳиддин ҳақиқатни ўзгалар бисотидан изламас, ўлик тиллога жон бағишлаб, уни ўз қўли билан топар эди. Шоир ишонардик, ўзининг кичик, камтарин ҳақиқатини топа олган киши улўғ ҳақиқатларни ҳам топа олур. Деҳқон ўғли, заргар Салоҳиддин ғояларнинг сувратию ҳарфини эмас, руҳини англаб, Жалолиддиннинг янги эътиқоди бўлмиш инсонга муҳаббат, меҳнатга иззат-эҳтиромни дил-дилидан ҳис этарди. Жалолиддин эса, бир пайтлар Шамс кўзгусига боққандек, унинг кўнгил кўзгусига термулиб, ўн йил давомида ўзининг ҳар бир қадамини ҳақиқатга қиёс айларди.

Бир гал дўстлари билан суҳбатда шоир «хум» сўзини «хунб» деб ишлатди. Суҳбатдошларидан бири уни тузатмоқчи бўлди. «Мен буни сендан кам билмаймен, – деб жавоб берди шоир. – Лекин шайх Салоҳиддин шундоқ талаффуз этур, бас, унга эргашмоқ биз учун фарзи айнди. Унинг дегани чин».

Аксарий кишилар у ёки бу даражада ғофил бўлишади ва бу шароитга қараб, гоҳ иллат, гоҳ фазилат деб аталади. Аммо энг кўрқинчли иллат – ғофил бўла туриб, ўзни ҳамма нарсадан огоҳ деб билувчи ва шунга кўра, ўлдириш учун ўзига эрк берувчи ғофилликдир.

Бек ва амалдорлар учун Салоҳиддин, айтиш мумкинки, Шамсиддиндан ҳам хавfli эди. У давлатнинг қуйи табақаларига мансуб, бинобарин, Жалолиддиннинг ваъзлари ўшаларнинг фикрини банд этиб, уларни ҳаракатга келтириш мумкин эди. Амалдорларнинг қалбини қамраб олган нафрат ва кўрқув эса, ўзларини шоирга содиқ билувчи дарвеш ва муридларнинг ёниб турган «эзгу рашк» оловига мой қўярди.

Аммо равшан мушоҳадасиз ҳеч қандай муҳаббат ҳам бўлмайди. «Ҳақиқат, – дерди шоир Шамсиддинни қувватлаб, – яхшилик ва ёмонликдан баланд туради».

Тагин фитна уюштирилди. Қотиллик мақсадида. Бу гал заргар Салоҳиддинни ўлдиришмоқчи эди. Лекин олим – авомлар наздида иллат ва маломат бўлиб кўринган фуқаролиги – аслида Салоҳиддиннинг куч-қудрати эди. Бундоқ кучга Шамсиддин Табризий ҳам эга эмас эди.

Фитначилардан бирови тавба-тазарру қилиб, бор гапни Жалолиддинга етказди. Шоир кўрқиб кетиб, дўсти ҳузурига югурди.



Салоҳиддиннинг қатъият барқ урган, сокин чехрасига табассум ёйишди.

– Ташвиш чекманг! Менга ҳеч нарса қилишолмайди!

Ўша куни у мадрасага ҳаммани – дўстларни ҳам, душманларни ҳам тўплади. Ҳозир бўлганларни шошилмай кўздан кечириб, ҳар бирига узоқ тикилиб боққач, деди:

– Биламен, бировлар мени хуш кўрмаслар, зеро, Мавлоно назари менга тушмиш. Лекин маълумингиз бўлгайким, мен бор-йўғи бир кўзгумен, Мавлоно менга боқиб, ўз ҳақиқатини кўрур...

Ривоятга қараганда, бу сўзлар шундоқ қатъият билан айтилганки, фитначилар тавба қилишга мажбур бўлиб, гўё бўғма илон қаршисидаги қуёндек типирчилаб қолишган...

Аммо гап ёлғиз ирода ва таъсир кучида эмас, бундоқ сифатларга Шамсиддин Табризий ҳам эга эди. Лекин Шамс Кўнёда бегона эди. Унда сўз ва яланғоч гоё бор эди, холос. Салоҳиддин ортида эса Кўнё шаҳрининг, бинобарин, бутун салжуқийлар давлатининг ахийлар жамоасига уюшган хунармандлари туришарди.

Кўсатоғ яқинидаги жангда шармандали мағлубиятдан сўнг, султонлар ва уларнинг аркони давлати йил сайин иштаҳаси қарнай бўлиб бораётган мўғул ҳукмдорлари учун бож-хирож йиғувчиларга айланиб қолишганди. Аммо бож-хирож қайдан олинади?

Заминдорлар, амалдор ва беқлар абгор бўлишган, уларнинг мулклари уруш, очлик, талончилик ва деҳқонларнинг кўзғолонлари туфайли ҳувилаб ётар эди. Кўр-қут фақат хунармандларда эди. Уларсиз амалдорлар бож-хирож йиғиш нари турсин, лоқақ халқни итотада тутиш учун зарур бўлган кичик қўшин сақлашга ҳам қурблари етмасди.

Ахийлар уюшмаси ёлғиз хунармандлар жамоаси бўлмай, Европадаги ўрта аср рицарлик орденини эслатувчи диний – жанговар биродарлик ҳам эди. Унга аъзо бўлган халфалар қилч тақиб юришар, ҳақиқий жангчилар даражасида бўлмаса-да, ҳар нечук, қурол ишлатишни билишарди. Ёш ахийлардан иборат жанговар дасталар шаҳарлар мудофаасида иштирок этишарди. Вақт ўтиши билан улар мамлакат ичида салмоқдор ҳарбий кучга айланишганди.

Аянч фитначи дарвешларгина эмас, ёлланма навкарларга эга бўлган оқсуяк амалдорлар ҳам ахийлардан чўчишарди. Албатта, бу бежиз эмас эди. Араб сайёҳининг гувоҳлик беришича, мўғуллар ғалабасидан бир неча ўн йил ўтгач, султон ноиблари бўлмаган жойларда уларнинг вазифасини ахийлар бажаришган. Оқсоқоллар кенгаши қарори билан ахий-жангчилар номатлуб

заминдорлар, золим ва мустабидларни маҳрам, мулозимлари билан қўшиб, қилчидан ўтказишган

Вазири аъзам Парвонанинг ўзи ҳам ахийлар кучини тан олишга мажбур бўлди. Ҳунармандлар жамоаси биздан бож-хирожни ортиқча олишяпти, деб шикоят қилганда, шоир мактуб битган, шу билан Парвона буйруқни бекор қилган эди. Шоир унинг юзига тик боқиб, ҳақ гапни айтаркан, Парвона жим туриб тинглар, ундан кенгаш-маслаҳат сўрар, зеро, улуғ шоирга яқинлашиш ила у ахий биродарлар ва ҳунармандлар жамоасини ўз томонига тортмоқчи бўларди.

Заргар Салоҳиддин ва кейинчалик ахийлар оқсоқоли Ҳусомитдин билан дўстлашув шоирга чинакам таянч бўлди. Унинг ортида энди бутун бошлиқ халқ турарди.

Аркони давлат – вазиру вузаро, амалдор ва беклар шоирнинг зиёратига келиб, уни зиёфатларга таклиф этишарди. Энди унинг шогирд ва дўстлари ҳам турли тоифадан: савдогар Ҳожи Амир, ипакфуруш ахий Аҳмад, пахтачи Насриддин Катоний, деҳқон Али Муҳаммад.

Лекин ақсарий дўстлари ҳунармандлар: собиқ қул Сирянус, саргарош Чўпон Деллак, дурадгор Бадриддин, ҳофизлар Усмон Шарафиддин ва Камол Каввал, найчи Ҳамза, рубобчи Абу Бакр, рассом Бадриддин Яваш, мусаввир юнон Айн-уд-Давла, армани уста Калоян, меъмор Бадриддин Табризий, ҳаммомчи ахий Натур, пойтахт ахийлари оқсоқоли Аҳмадшоҳ, мусулмонлар, яҳудийлар, христианлар, юнонлар, эронийлар, араблар, турклар.

Шоир ўз мадрасасида улар билан мулоқотда бўлади. Ўшалар рафоқатида узоқ-узоқларга сайру саёҳат қилади. Силладаги православларнинг Донишманд Афлотун монастрида ҳафталаб туриб қолади, Кўнё боғлари, узумзорларида рақс тушиб, ашғор айтади. Ўшалар – ҳунарманд ва савдогарлар, деҳқонлар ва собиқ қуллар, ахий биродарлар ва ахий жангчилар унинг шеърларини ёзиб, ёд олиб эл орасига ёйишади. Ўшалар шоирни уламолар ҳасади, амалдор ва заминдорлар нафратидан муҳофаза этишади.

Бу нафрат умрининг охиригача унга ҳамроҳ бўлди. Орадан бир неча йил ўтиб, қудратли вазир, султон ноиби Соҳиб ота ўз маҳрамларига дейдики:

«Мавлоно улуғ зот. Лекин уни авом ўрамиш. Уни муридларидан ажратиб, ҳалигиларни битта қўймай қилчидан ўтказмоқ даркор».

Бу гап шоирнинг қулоғига етаркан, у ҳам Салоҳиддинга ўхшаб, пинагини бузмайди, кулиб қўя қолади:

– Майли, қўлларидан келса унаб кўришсин!

Оддий инсонларнинг ихлос ва муҳаббати, уларнинг заргар Салоҳиддин сиймосида акс этган маънавий юксаклиги аста-секин шоирнинг алам ва ҳасратига таскин бериб, жазавасини пасайтирди. Йиллар ўтиши билан у улуғвор соқинлик касб этди, зеро, энди руҳий уйғунликка эришган, ҳар бир аъмоли – фикрига, ҳар бир сўзи – юрак амрига мувофиқ тушар эди.

«Абадият сувидан ичиб, абадий уйқуга ботмадик, – дерди у. – Биз замоннинг наинки жони дили, балки байроғидирмиз».

Халқ уни ёлғиз ақли, ёлғиз идроки билинмас қалби билан ҳам қабул қилди. Бу нарса шоирнинг ҳақлигига, ўз эътиқодининг ҳаққонийлигига ишонч-эътимодини янада оширди.

## СЎЗ

Салоҳиддин билан дўстлик йиллари шоир умрининг энг бахтли палласи эди. У ҳали куч-ғайратга тўла, авжи камолга етган эди. Дўстлар, маслақдошлар ила атрофи тўла эди.

Ўлдириб, қудуққа ташланган Шамси беназир унинг ўзида, заргар Салоҳиддинда ва маслақдошларининг фикру аъмолида яшар эди.

Дунёдаги зиндонлар ичра энг даҳшатлиси – киши бошидаги зиндон. Жалолиддин ундан қутулди: қотиб қолган қонунқоидалар, расм-русумлардан халос бўлди.

Барча мусулмон анъаналарига зид ўлароқ, унинг издошлари орасида аёллар ҳам пайдо бўлди. Зеро, муҳаббат талқини, инсон қалбини улуғлаш ғоялари хотин-қизларни четлаб ўтолмасди.

Кейинги солномачилар тақводорлик ваҳждан уларнинг номларини тилга олишмайди. Аммо айримларининг таҳаллуслари бизгача етиб келган.

Улардан бири – созанда ва хонанда, мухлисларининг инъом-эҳсони туфайли бойиб, гўзаллиги туфайли Товус деб аталган аёл эди. У жамики жорияларини озод қўйиб, шоирнинг издошига айланади.

Жалолиддиннинг дўстлари тузган мажлисларда эркаклар билан баробар иштирок этадиган бошқа бир аёлни Фаҳринисо деб аташарди.

Шоирнинг шогирдларидан бўлмиш бир хотин Тоқат шаҳридаги дарвешлар хонақосининг мутаваллийси эди. Шоирнинг амиру амалдорларга хуши йўқ эди, лекин уларнинг хотинлари билан мулоқотда бўлишни хуш кўрар, зеро, уларнинг қалби эрларига ўхшаб, ҳокимият ва очкўзлик касридан тош бўлиб қотмаган эди. Амаддор Аминаддин Микоилнинг хотини оқшомлар аёлларни йиғиб, мажлиси нисвон тузар, шоирнинг шеърларини ўқишар, уни гулларга кўмиб, гулоб сепишарди.

Ўша аёллар орасида Султон Фиёсиддин билан Гуржистон маликаси Тамаранинг қизи, вазири аъзам Парвонанинг хотини Гумеж-хотин ҳам бўларди, уни Гуржи деб аташарди. Эрининг хузурига, давлатнинг иккинчи пойтахти Қайсарига кетаётиб Гуржи-хотин Жалолиддиннинг расмини чизишни буюрди: «Токи айрилиқ оташи бетоқат этаркан, унинг чеҳрасига назар солгаймен».

Малика бу ишни Константинополда таҳсил кўрган иқтидорли рассом Айн-ул-Давлага топширди.

Рассом узоқ мулоҳаза этгандан сўнг, – ахир, ислом инсон ва ҳайвонлар тасвирини чизишни ман этади-да – ишонса бўладиган бир неча содиқ ёрдамчилари билан тўғри мадрасага, Жалолиддин хузурига келди. У сўзга оғиз жуфтламасданоқ, шоир унинг ниятини пайқади:

– Майли, кўлингдан келса, хўп.

Парвонанинг хотини ҳар қалай ярим гуржи, Айн-ул-Давла эса исломни қабул қилган юнон, аммо Жалолиддин – Султонул Уламанинг ўғли, етти пуштига қадар мусулмон эди. Унинг ўз расмини солдиришининг ўзиёқ, тақводорлик нуқтаи назаридан, кофирликка тенг гуноҳи азим эди.

Айн-ул-Давла шу ондаёқ ишга киришди. Ёрдамчилари унга энг яхши қоҳира қоғози, мўйқалам ва бўёқлар етказиб туришди. Илк расмда шоир бўйи баробар акс этди. Рассом ҳаяжонланарди. Иш ниҳоясига етаркан, Айн-ул-Давла кўрдик, жонли тасвир эмас, шоирга пича ўхшаб кетадиган, нурсиз бир соя чизилибди. Бошқатдан бошлади. Бироқ қаршисида турган кишининг юз ифодаси, ички дунёсини илғаш мушкул эди. У тез-тез ўзгариб турар, гўё унинг қиёфасида турли-туман инсонлар яшарди. Айн-ул-Давла йигирма қоғозга мўйқалам сурди. Лекин бирортасидан ҳам кўнгли тўлмади. Шунда унинг кўзларидан алам ёшлари тирқираб отилди.

Жалолиддин унга шеър ила тасалли берди:

*Ўзимни кўрсам эрди! Бўлмагай, оҳ!  
Кўшилса турфаранг, маҳсули-байзо.  
Магар руҳимки оромин йўқотмиш,  
Вале жоним ажаб оромга ботмиш.  
Агарчи жо эмиш жонимга уммон,  
Ўзим ҳам баҳри – уммонмен тамоман...*

Гуржи-хотин Айн-ул-Давла ишлаган йигирма нусха расмининг ҳаммасини сандиққа жойлади-да, ўзи билан Қайсарига олиб жўнади.

Уларнинг тақдири маълум эмас. Лекин оралиқдаги етти аср

таъқиқ-қатағонга қарамай, шоир бўйи баробар тасвирланган расмдан кўчирилган нусха қарийб бизнинг кунларимизгача етиб келди. Уша ягона нусха 1906 йилда Истанбулда Еникапи хонақоси билан бирга ёниб кетди.

Халқ муҳаббати билан ўралган Жалолиддин энди султонларнинг ҳам юзига тик боқиб, кўнглида борини айта оларди. Мадрасага, унинг ҳузурига султон Иззатдин Кай Ковус II ўз маҳрамлари билан ташриф буюрганида, шоир меҳмонларга жой кўрсатиб, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, шогирдлари билан суҳбатни давом эттираверди.

У биларди: султон унинг насиҳатларига муҳтож эмас, уларни эшитиб амал қилмоқчи ҳам эмас. У оға-инилари билан тахт-тож талашларида Мавлоно нуфузига суянмоқчи, холос.

Султон дурадгорлар, саргарошлар, кўнчилар орасида бир қанча вақт ўлтиргач, хокисорлик билан бош эгиб, сўради:

– Мавлоно ҳазратилари мени ўз панди муборақларига мушарраф этсалар!

– Сенга нечук насиҳат айлай! – деди шоир. – Сен чўпон бўлиш ўрнига, бўри бўлдинг. Асраб-авайлаш ўрнига талон-торож этдинг. Аллоҳ сени султон қилди, сен эса иблиси лаин измини тутдинг!

Ривоятларга қараганда, султон бу сўзларни эшитиб, йиғлаб, чиқиб кетган эмиш.

Султон ўз маҳрамлари ва Жалолиддин шогирдлари ҳузурига чиндан ҳам йиғлаганмикин, йўқми, буни айтиш қийин. Лекин, йиғласа, арзир эди, негаким, шоирнинг жавоби бутун шаҳар, ахийлар жамоаси, жамики ҳунармандлар унга қарши эканини билдирарди. Уларнинг ёрдамисиз тож-тахт бўғишмаларида ғалаба қозониб бўлмасди.

Дарҳақиқат Иззатдиннинг қисмати тезда аён бўлди. Тахтга унинг оғаси ўлтирди. Иззатдин Кай Ковус II ғурбатда паноҳ излаб, аввал Константинополда, сўнг сарсонлик-саргардонлик ниҳоясида олис Қримда яшаб, умрини қувғинда басар этди.

Жалолиддиннинг сўзи аъмолга айланди. У дейдики: “Мен тупроқни гуҳар этгум, созандалар чидирмасини тиллога тўлдиргум, ташналарни шаробга, сувсоқ далаларни шарбатга қондиргум. Бутун ер юзини жаннатга буриб, султон тахтига посбонларни ўтқазиб, минглаб дорлардан минбарлар тиклагум”. У ўзини “хўжайинларга хати барот бергувчи қул, устозларга устоз бўлгувчи шогирд” деб атайди. “Дунёга кечагина қадам кўйдим, лекин дунё ободонлиги ила машғулмен”.

Балки, шоир ўзини мўъжизакор, маҳдий деб ўйлар? Йўқ, у мўъжизага ишонмайди.

– Менга мўъжиза ҳақида нақл этишади, – дейди у шоғирдларига. – Гўё фалончи бир кунда Каъбага етганмиш. Бундоқ мўъжизага самум ҳам қодир, учиб, бир нафасда истаган ерига ета олади. Зиддиятдан қутулиш, пасткашлиқдан халос бўлиш, жаҳолатдан ақл-идрокка, руҳсизликдан олами руҳиятга кўтарилиш – мана бу мўъжиза. Чунончи, сен хок эдинг, кўкатга айландинг. Наботот дунёсидан бир қатра қон бўлиб, ҳайвонот дунёсига ўтдинг, ниҳоят, ҳайвонот дунёсидин – олами инсониятга. Мана бу – асл мўъжиза!

Одам бутун оламини ўзига жо эта олади. Одабийликка хос ҳамма нарса унинг ўз оламига айланди. У шеърларида ўз мўъжизакорлиги тўғрисидамас, ер юзида инсон бўлиш мўъжизаси ҳақида, инсоннинг чексиз-чегарасиз имкониятлари хусусида сўзлар эди.

У элликка етди. Юзлаб, минглаб шеърлар битди. Вафотидан сўнг «котибул асрор»лар бисотини «Девони Кабир»га йиғишаркан, ундан икки минг етти юз уч ғазал, бир минг етти юз тўқсон рубоий ўрин олди, жами эллик минг мисрага яқин эди.

Уларнинг деярли барчаси маълум бир сабаб билан тўқилган эди. Мўғуллар билан жанг ёки мажнунтолнинг япроқ ёзиши, болалик ўйинлари ёки очиқиб ҳолдан тойган ит, тўсатдан бошига келган фикр, дўст ёки душманнинг сўзи – хуллас, ҳамма-ҳаммаси унга шеър учун дастак ва баҳона эди. Шамс келганидан кейин у қўлига қалам олмади. Ҳаяжони ошиб, жазавага тушар, сўзларкан, қичқирар, ҳаттоки, сўкинарди. Лекин унинг сўзи, қичқириви, ҳаттоки сўкиниши худди кимёгарнинг товасига тушган қалайидек, унинг оташида эриб, шеърият олтинига айланар, уларни «котибул асрор»лар шеърий девонлар хазинасига дарж этишарди. У шоғирдлари билан бир суҳбатда Балхда қолсам шоир эмас, воиз бўлардим, негаки, шеър айтиш у ерда уят саналур, бу ерда – Рум элида халқ мусиқий ва шеъриятни севгани учун ҳам шеър тўқийман, деган эди.

Ким билади, Жалолиддин Балхда қолса, ҳоли не кечарди. Аниқроғи, мўғуллар қўлида ҳалок бўларди.

Лекин бир нарса аён: ҳеч қачон шеър унга мақсад бўлган эмас. У донишманд ва яхлит бир сиймо эди, ўз санъатининг парда бўлиб, асосий нарса – инсон ва унинг қисматини, унинг оламдаги бурчини тўсиб қўйишини истамасди.

Жалолиддин шеърият ҳақида оз сўзлар, «Шеър не эмишки, у тўғрида сўз бўлмай? Менинг шоирлик маҳоратимдин кўра, муҳимроқ маҳоратим бор», – дерди.

Бироқ Жалолиддин учун шеърят нима, у қофия ва шеърӣй вазнлар ҳақида нима ўйлайди, буни унинг ўз шеърларидан, нодир қайдларидан билиш мумкин. «Мен қофия устида бош қотирсам, маҳбубим дерки, менинг юзимдин бўлак ҳеч нарсани ўйлама... Ҳарф надир? Боғ атрофидаги тўсин девор! Мен байту ғазаллардин ниҳоят халос бўлдим. Шоирлар бош қотирадиган бу нарсаларнинг ҳаммаси — бир чақа, бир чақа, бир чақа».

Унга замондош шоирлар янги қофия, янги ташбиҳ устида бош қотириб, сўз ва қофиянинг етишмаслигидан нолишарди. Ҳолбуки, фикр саъзлигидан нолишса, жоиз бўлур эди. Подшога мадҳия бу — подшога мадҳия, вассалом. Сарой шоири учун қолгани энди маҳорат эди: у нуқул мақтовни ярқироқ, мазамматни қуюқроқ, ташбиҳни янгироқ этиш устида ўйларди.

Жалолиддин бундоқ шеърятдан ердан осмон қадар йироқ эди. «Қалбнинг қайноқ қозонидин қонли кўпик сочгаймен, икки олам асрорини бир сўз ила очгаймен!» У яна дерди: «Қофия, сўз ва фунун — бўлсин бари кунпаякун. Биз тамом хилват этармиз, суҳбат айлармиз бутун!»

Жалолиддин ҳам гоҳо қофия ва шеърӣй вазнлардан нолирди. Аммо уларнинг озлигидан эмас, фикрни чандиб, занжирбанд этишидан. У дину мазҳаб бўғонларидан қутулиб, бидъату хурофот зиндонидан халос бўлиб, табиийки, қофия мезонлари қаршисида тек қотиб туролмасди.

Жалолиддиннинг новаторлигини тушунмаганлар, унинг қофиялари — аниқ қофиялар эмас, деб айбситишган эди, айримлар то ҳонуз шундоқ деб писанда этишади. Аммо унинг фикри, эҳтироси анъанавий сарой шеърӣяти ўлчовларига сиймаса, не қилсин. Унинг ўзи ҳам буни ҳис этарди.

«Бу дунё фоний ва боқийдир. Ҳар неки фонийдир — оз-оздин кетар, ҳар неки боқийдир — оз-оздин етар». У келажак шоири эди. «Эски-туски билан савдо қилувчи атторлар замони ўтди. Биз янги мато ила савдо қилурмиз. Бозор — бизники!»

Унинг шеърӣят ҳақидаги тасавури замондош ва издошлари учун шу қадар мураккаб эдики, улар уни тўла англаб етишолмасди, инчунин, «Девони Кабир»ни моҳиятига қараб эмас, шаклига суяниб, классик поэтика қонун-қоидалари асосида тузишди. Бир хил вазнда ёзилган шеърларини алоҳида бир жилдга йиғиб, алифбо тартибида беришди. Узгача тартиб бериш ҳеч кимнинг, ҳаттоки, буюк шоирнинг энг яқин «қотибул асрори» Ҳусомитдин Чалабийнинг ҳам хаёлига келмади.

Жалолиддин эллик ёшида, айтиш мумкинки, шоир ва мутафаккир эришиши мумкин бўлган ҳамма нарсага эришди. Кўнё боғлари, узумзорларида, Гавҳартош мадрасаси кўйнида туғилган шеърлар қўлдан-қўлга, оғиздан-оғизга кўчиб, минглаб

фарсаҳ масофаларни босиб ўтди. Унинг сўзи мусулмон дунёсининг энг олис бурчакларига ҳам бориб етди. Унинг ҳамма сарҳадларидан – Самарқанд ва Бухоро, Табриз ва Қоҳира, Яман ва Дамашқ, Кордова ва Малагидан одамлар мўғул истибдоди ва солибчилар бедоди ҳукм сурган тунда машғалга талпингандек, унга талпиниши.

Лекин шоир ҳеч қачон эришганига қаноат қилмади, умрининг охиригача олға ва яна олға интилди. Зеро, эришганга қаноат қилиш – маънавий ўлим, замон билан ҳамнафас бўлиб, қадам ташлаш эса – ҳаёт эди.

*Ўшал Аҳмадману аммо кечоги Аҳмад эрмасмен,  
Самандар қушману лекин кечоги донни ермасмен.  
Йшар бир подшоким, орзу айлар ўзга подшолар,  
Ўшал подшо – ўзим, лекин кеча сен билган эрмасмен.  
Унинг даврони кечди. Ҳақ бугун – мен, бир бани Одам,  
Татиб бир нуқтани андак, йиқилди неча донишманд.  
Ичармен коса-коса бу ҳақиқат шарбатин аммо,  
Турармен устивор, қаддим тутиб майдонда шеросо.  
Валийдирсан ва ё масту хумор – бу мен учун фарқсиз,  
Жума, якшанбадирми рўзгор – бу мен учун фарқсиз...*

Жума – мусулмонларнинг, якшанба – христианларнинг муқаддас куни. Лекин шоир учун барча дину мазҳаб баробар. У жумла дунёга, ирқи, дини, миллати, табақасидан қатъий назар, барча инсонларга баробар мурожаат қилади. «Менга ваҳдат майини тутгил, ўзгаларни ҳам андин баҳраманд этгил, токи жамоат жам бўлиб, фақат сувратда бўлмиш тафовутларни бартараф этайлик. Биз ҳаммамиз ягона оғочнинг бутоқлари, ягона кўшиннинг навқарларимиз».

Жалолиддиннинг башарият бирлиги ҳақида гапириши ўша давр учун мислсиз жасорат эди. Шоир ўз издошларидан ҳам туйғу, ҳам тафаккурда ана шундоқ жасорат талаб қиларди.

«Биз эшитдикким, файзу шукуҳ одамлар анжуманида эмиш, инчунин, жону дил била ҳалойиққа хизмат қилмоққа бел боғладик». У халқ шоири бўлди. Бинобарин, башарият шоирига айланди.

Ҳар бир улуғ санъаткор ўз баҳосини, ўз ижодининг қадри-қийматини яхши билади. Буни Жалолиддин Румий ҳам билар эди.

Бир куни у шогирдларидан бирининг ҳужрасига кирди. Шогирд унинг девони устига узала тушиб ётарди.

– Астафидуллоҳ! – деб нидо чекди шоир. – Бизнинг



сўзимизни ўз остига олмиш! Аммо, қасам тангригаким, унга жо бўлмиш руҳ Мағрибдин Машриққача жумла дунёни кезиб, жамики халқлар уни ўзларига зебу оройиш айлаб, истифода эттайлар...

Жалололдин башариятнинг боқийлигига ишонарди. Чунончи, ўз барҳаётлигига ҳам ишончи комил эди. «Биз сувдек оқиб ўтармиз, аммо майдек халойиқнинг қонида яшармиз. Бир кун оёқ чўзиб, тупроққа ётсак ҳам, кемага тушиб, елкан остида узоқларга интилган сайёҳдек ҳамиша аъмоли – ҳаракатда бўлармиз».

У янглишмаган эди. Етти асрдирким, унинг шеърларини масжиду хонақоларда, базмлару дорилфунунларда ўқишади. Олимлар ўрганишади, саводсиз деҳқонлар ёд олишади.

Ҳиндистондан – Шимолий Африкагача бирор бир шоир йўқким, Жалололдин Румий шеърятидан таълим олмаган, унинг таъсирига бир қадар тушмаган бўлсин.

Ўн тўққизинчи аср эрон халқ кўзғолони йўлбошчиси Сулаймонхон унинг шеърини айтиб туриб, кундага бош кўйган эди:

*Оч энди оразингни, равзатул анвони истармен,  
Лаб очким, қатра-қатра неъмату дарёни истармен.  
Булутлар пардасин йиртгил, юз очгил менга, эй хуршид,  
Саодат бергувчи ул шуълаи дунёни истармен.  
Қулоғимга етар ҳар лаҳза овозингни, уч, дерсан,  
Шаҳаншоҳ чорлаган лочин каби савдони истармен,  
Ўзингсан оби-раҳмат, ҳар нафасда мавжси бошиддат,  
Мен энди баҳри бесарҳад, ўшал улёни истармен.  
Гадодурмен, вале кўз солмагаймен майда тошларга,  
Қуёш бирлан мунаввар қуллаи анқони истармен...*

Жалололдин ўша даврнинг халқ тилида ижод этди. Ўрта асрлар Яқин ва ўрта Шарқда форсий тил Европадаги лотин тилига ўхшаб, миллатлараро адабий тил вазифасини ўтарди. Лекин Жалололдин бисотида Ҳалаб шеvasида ёзилган арабча шеърлар, юнон халқ тилида битилган сатрлар, туркий мисралар бор.

Унинг асарлари дунёнинг кўп тилларига таржима этилган. Уни мутолаа этиб, Гёте ва Гегель завқ-шавқ олишган. XX аср буюк ҳинд шоири Муҳаммад Иқбол уни ўз устози ва пири деб билган. Улуғ турк шоири Нозим Ҳикмат турмада рубоийлар битиб, биринчи байтда Жалололдин Румий мисраларини тизиб, иккинчи байтда ўзи унга жавоб қилган эди. У ўзининг сўнгги романида «Маснавий»нинг дебоча сатрларидан кўчирмалар келтирган.

Жалолиддин ўзи ва издошларини «ошиқлар» деб атарди. Биринчи турк ошиқларидан бири Қора денгиз бўйларидан Кўнёга илм истаб келган ёш деҳқон эди. Жалолиддин вафотидан бир оз олдин у шоир суҳбатида бўлиб, унинг шеърларини тинглашга муяссар бўлган эди.

Кариган чоғида ана шу ҳақда у турк тилида шеърини ҳикоя қилиб берди.

Бу даврга келиб дарвешлар сулукини тузган, турк тилида қалам тебратган Султон Валад эмас, феодалларга қарши қаратилган халқ ҳаракатига, Бобо Исҳоқ тарафдорларига қўшилган ана шу деҳқон Жалолиддин Румий шеърининг исёнкорона гуманистик руҳига ворис бўлди. У оддий деҳқондан чиққан буюк турк шоири Юнус Эмро эди.

Мана олти асрдирким, турк шеърини алоҳида-алоҳида икки ирмоқ бўлиб оқади. Бири – ўзига халқ ижоди анъаналарини сингдирган ошиқлар шеърини, бошқаси – султонлар, зодагонлар ва уларнинг хонадонига ором-фароғат бағишлаган анъанавий девон шеърини. Биринчи ирмоқ бошида – Юнус Имро, иккинчи ирмоқ бошида Султон Валад туради. Ҳар иккаласи ҳам Жалолиддин Румий деган уммондан бошланади.

У эллик ёшида ана шу уммонни – ўзининг бутун билим тажрибаси, ҳақ ва ҳақиқат йўлида топган бор бисотини инсонларга қолсин деб яхлит бир китобга жо этишга тайёр эди. Авлодлар «форсий Қуръон» деб атаган бу китобни у оддийгина «Маснавий» деб атай қолди.

Маснавий – қофияли кўш мисра дегани. Кўплаб шоирлар маснавийда китоб битишган. Лекин энди «Маснавий» дейишаркан, Жалолиддин асари кўзда тутилади.

Бу китобнинг қандай ёзилгани унинг ўзидан ҳам кўриниб турибди. Кўчада, шогирдлар билан мулоқот палласи, уйда, мажлиси самовъда ёки ҳаммомда шоир ҳаяжонга тушиб, шеър айта бошларди. Хусомитдин шу ондаёқ мунаққаш жуздондан – қоғоз, белбоғидан довот, найчадан қалам олар, бор дунёни унутиб, ёзишга тушарди.

«Маснавий»дан ёлғиз шоирнинг овози эмас, унинг мусоҳиблари овози ҳам таралиб туради. Улар савол беришади, гоҳо эътироз этишади. Савол туфайли шоир саёҳатларни эслайди, ундан шу куннинг воқеалари – уламолар билан баҳс, ҳосилнинг кам бўлиши, саройдаги низоларга ўтади. Халқнинг урф-одатлари, ўзи мутолаа этган китоблар, афсоналар, латифалар, Қуръон суралари, Муганнаб, Аттор ва Санойи шеърлари, отаси Султонун Уламо ривоятлари, Шамсиддин билан мулоқотлар, Саид Сирдон насиҳатлари қўйилиб келаверади, у ҳаммасини меъмор маҳорати, ижодкор салоҳияти билан ишга солади, зарур ўрнини топиб ишлатади.

Унинг мусоҳиблари орасида биринчи ўринни Ҳусомитдин эгаллайди. Илҳом бериб, ишга даъват этгани учун шоир унга ташаккурлар айтади. Куёш чиқди, дейди у ва тун бўйи ёзишга мажбур этганим учун мени маъзур тутгайсен... Сўнг: «Ҳусомитдинжон, менинг этагимдан тутиб, кўп йиллик қадрдонлик ҳақи, Шамс ҳақида ҳикоя қилишимни сўрайди» деб илова этади.

Жангу жадаллар, фалсафий ривоятлар, баҳсу мунозаралар, латифалар бари шеърга тушаверади. Шоир назм ила шундоқ эркин ва раvon сўзлайдики, кўпинча одатий насрда ҳам бунга эришиб бўлмайди. У керак сўзни шу ондаёқ топади. Ана шу эркинлик ва соддалик ҳамнафаслик сезгисини уйғотади – шоир қалбида ана шу сатрларни туғдирган воқеаларга ўқувчи гўё етти аср оша иштирок этаётгандек бўлади.

Бир гал тонга яқин кўздан бери туз тотмаган Жалолоиддин бир бурда нон ейди ва таассуф ила сезадики, емиш унинг фикрлар қайноғини босади. Шунда у Ҳусомитдиндан қаламни янаги галгача қўйиб туришни сўрайди: «Ҳосили мақсад ҳамиша сабр ила».

«Маснавийнинг биринчи жилди шу йўсинда ниҳоясига етади.

Лекин «Янаги гал» ҳадеганда келавермайди. У Ҳусомитдин билан бир бурдадан нон еб, қаламни қўйган ўша тонгдан то бу ўлмас китобнинг иккинчи жилди бошлангунга қадар орадан роса беш йил ўтади.

Бу орада Жалолоиддин толеида яна бир маҳрумият, бу – энг сўнггиси, заргар Салоҳиддин вафотини кўриш ҳам бор эди.

«Мавлоно ва Салоҳиддин икки танда бир жон каби эдилар, – деб ёзади Султон Валад. – Улар севинчу якдиллик ила бир-бирларига маст-мафтун бўлиб, ҳижрон захрини тотмай, ўн йил рафоқатда юришди. Дили пок мусаффо дўст-биродарлар уларни ўраб олишди. Улар кўш денгиз, бошқалар кўпик эди. Улар – кўшалок ой, ўзгалар юлдуз эди. Улар – икки шоҳ, бошқалар мулозим эди. Улардан ҳаммага мададу манфаат етарди».

Лекин Салоҳиддин жуда қартайиб қолган эди. Хасталик аста писиб келиб, кейин човут солган эди. У шамдек эриб борар, лекин иродаси мустаҳкам, чекаётган азоб-изтиробларини сездирмас эди. У машъум хасталик ила бор кучи билан олишарди.

Одатдагидек, Мавлоно уни ҳар куни кўргани келарди. У дўстининг азму иродаси бу фалокатни ҳам даф этади, деб ишонарди.

«Мавлоно унинг ўлишини истамасди, – деб ёзган эди Валад. – Шунинг учун ҳам Салоҳиддиннинг бетоблиги узокқа чўзилди. Ниҳоят у: «Ижозат эт, бу дунёни тарк айлаб, азоблардан қутулай», – деб ўгинишга мажбур бўлди».

Мавлоно Салоҳиддиннинг бирор тилагини ерда қолдирмаган эди. Нақадар оғир бўлмасин, у бу гал ҳам унинг тилагини ўрнига қўйишга мажбур эди. Дўстки, ҳижрон ихтиёр этмиш, демак, унинг машаққати ҳаддига етмиш...

У Салоҳиддин юзига узоқ термулиб, хайрлашди. Шу-шу бошқа кўрмади. Кетганича уч кун кўринмади. Хаста ўтинчи ижобат бўлганини пайқади. Ўлимга шайланиб, васият қилди: «Мени қайғу билан эмас, қувонч ила кўминглар. Созу тарона ила қабрга қўйинглар».

Шоир ва унинг дўстлари васиятга амал қилишди. 1258 йилнинг 29 декабрь куни дафн маросими бўлди, бунақасини ҳали муслмон дунёси кўрмаган эди. Дойра ва ноғоралар гумбурлар, сурнайлар наво чекар, ҳофизлар шеър ва тарона ўқишарди. Издиҳом олдида эса ялангбош Мавлоно рақс тушиб, ғазалхонлик қиларди.

*Узилдинг ўқ каби, ҳажрингда ул ёйи – камон йиғлар,  
Салоҳиддин, сенга ким одамийдир, бегумон йиғлар!..*

Уламою муллалар яна ғазабга минишди: бу телба, бу бандаи осий нима қиляпти ўзи?

Аммо Жалолиддинга бир нима демоққа ҳеч кимнинг ҳадди сифмасди.

Салоҳиддинга кўз ёши тўкиб бўлгач, шоир роса беш йил сукут сақлади. Шамсиддин Табризий унда ўт ёқиб, ўзи ўша алангада парвонадек куйиб кул бўлди, аммо Жалолиддинни у шоир қилиб кетди.

Шамс ёққан оташда Жалолиддиннинг ўзи ҳам куйиши тайин эди. Лекин уни Салоҳиддин сақлаб қолди: бу оловни у беклар нафратининг қора шамолидан асраб-авайлади, уни ўзининг қудратли иродасига бўйсундириб, йўлга солиб турди, Салоҳиддинга ёндашиб, шоир заковат ва улғуворлик касб этди, фазлу камолотнинг чўққисига кўтарилди.

Энди ҳамма нарса куйиб, адо бўлган, ҳамма гап айтилиб, ниҳоясига етган, агар «Маснавий» илҳомчиси, Ахий турк лақабли Ҳасан Ҳусомитдин бўлмаганда, у заргар ўлимидан сўнг устози Саид Бурҳониддинга ўхшаб, ўз ботинига жимгина чўмиб, ўлтира берарди.

Кўнёдаги бутун ахийлар жамоаси оқсоқолининг ўғли Ҳусомитдин отаси вафотидан сўнг жамоа бошлиғи вазифасини рад этиб, кичик бир хонақога мутаваллий, шоирга «котибул асрор» бўлди. У Шамсни манзур тутиб, унга тан берганларнинг бири эди, Салоҳиддин билан биргалашиб, шоирни бек ва уламолар хуружидан муҳофаза этди, ахийлар оқсоқоли сифатида

ўз муридларига касб-хунарни тарк этмай, шоирга, унинг шогирдларига қарашиб туришни буюрди.

Салоҳиддин дунёдан кўз юмгач, шоир ўз издошларига раҳнамо қилиб «котибул асрор»ни тайинлади. Ҳусомитдин уларга дарс ўқир, панд-насиҳат айлар, кенгаш-маслаҳат берар, мушқулларини осон этарди. Шоир мадрасага тушган бутун маблағи-ионани унга берар, Ҳусомитдин уни ўз билганича сарф-харажат этарди.

Бир гал олий амалдорлардан бири Тожиддин Муътоз Оқсарой шахридан қатта маблағ юбориб, ҳаққига дуо қилишни сўрайди. Мавлоно одатича ақчаларнинг ҳаммасини Ҳусомитдинга топширди.

– Уйимизда ҳеч вақо йўқ, – деди зорланиб Валад, – сиз эса ҳамма нарсани Ҳусомитдинга жўнатаверасиз, биз не қилайлик?!

– Уғлим, қасамёд этаменким, – деди шоир жаҳли чиқиб, – ўн минг сўфию зоҳид очликдан ўлсаю уйимизда бир дона нон бўлса, ўшани ҳам Ҳусомитдинга жўнатардим.

Дўстларидан бири шоирдан сўради:

– Учовидан қай бири баланд – Шамсми, Салоҳиддинми ёки Ҳусомитдин?

– Эй рафиқ! – деб нидо қилди шоир. – Шамс қуёш эрди. Салоҳиддин – ой. Шоҳ Ҳусомитдин эса – юлдуз... Қуёш ботса, тунни ой ёритур. Магар ойни булут қопласа, тунни юлдуздан бўлак не ёритур?!

Шоир ўзи севган ва ўзи йўқотганлари тимсолини Ҳусомитдинда кўрарди, шунинг учун боласига меҳр кўйгандек, унга кўнгили кўйган, унинг ҳамма тилакларини бажо этарди. Замондошларининг шаҳодатича, уларни илк бор бирга кўрганларга Мавлоно шогирд, Ҳусомитдин устоз бўлиб туюларди.

«Маснавий» устида иш юришган сари уларнинг ўзаро меҳр-оқибати ошиб борди. Бунга китобнинг ўзи далил, унда жилддан жилдга ўтган сайин Ҳусомитдин шаънига ҳамду санолар тобора баландроқ янграйди. Буюк достонини давом эттиришга ундаб, шоирни беш йил ташвиқот қилган ҳам шу Ҳусомитдин эди.

Мелодий 1264 йил, ҳижрий 662 йил ражаб ойининг ўн бешинчи куни Жалолиддин «Маснавий»нинг иккинчи жилди илк мисраларини айтиб туриб ёздирди.

*Маснавий назмида юз берди сукут,  
Вақт лозим қондин айрилгунча сут.*

*Ул ширин сут қондин айрилмайди, то  
Этмагунча толеинг фарзанд ато.*

*Ул Зиёулҳақ Ҳусомитдин бу он  
Маснавийни бурди кўкдин ер томон.*

*Ул ҳақойиқ кўкига кетмиш эди,  
Гулбахорсиз гунчалар хомуш эди.*

*Қайтди ул соҳилга, оғоз айлади,  
Маснавий чолғусини соз айлади...*

«Маснавий» – жаҳон адабиётида мисли йўқ китоб. Лоақал унинг шоир томонидан битилган эмас, бадиҳа йўсинида айтилгани шоёни эътибордир. Шерият ўқишга эмас, овоз чиқазиб айтишга, қироатга мўлжалланган. XX аср шоирларига нисбат бериладиган бу кашфиётни Жалолитдин XIII асрдаёқ амалга оширган эди.

«Маснавий»ни улуг сўз санъаткори яратди, лекин ўз устида ортиқ заҳмат-машаққат чекмай, яратди. Уни шерий шаклнинг дохий устаси дунёга келтирди, лекин бу ишни у шакл хусусида ўзини кўп уринтирмасдан амалга оширди.

«Маснавий» олдиндан ўйланган режага эга эмас, ҳеч қандай низомга бўйсунмайди. Унинг яккаю ягона низоми – эркинлик. Фикр, руҳ эркинлиги, ифода эркинлиги, ҳолат-кайфият эркинлиги.

Ўн беш йил давомида олти жилд. Йигирма беш минг етти юз ўттиз байт қаламга олинди. Аммо бу – услуби, дунёга нуқтаи назари эътибори билан, яхлит бир китоб.

Буюк шоир тимсолли тафаккурнинг қудратли соҳиби эди. Ана шу қудрат туфайли у қовуштириш мушкул бўлган нуқталарни қовуштириб, қиёслаш мушкул бўлган нарсаларни қиёслаб, воқеалар моҳиятини оча билди. Ҳолатлар занжирбандлиги – «Маснавий»ни олға етакловчи омили, у ҳамisha Жалолитдин диалектикасидан куч-қувват олди.

Шоир тафаккурга тушиб, фикрларини овоз чиқазиб айта бошлайди. Бир фикр иккинчи фикрни, иккинчиси эса учинчисини бошлаб келади. Фикрининг тасдиқи учун у халқ ҳикоятини эслайди, ҳикоятда одам ва ҳайвонлар иштирок этади. Иштирок этувчилар баҳонасида шоир тағин бир афсонани хотирга олади. Тўсатдан қахрамонлардан бирининг қиёфасига кириб, ўз дардини изҳор этишга тушиб, юксак лирик самоларга кўтарилади, ўқувчини дам кулдириб, дам йиғлатади. Сўнг яна ўзини ўнглаб, биринчи ҳикоятга қайтади. Тағин унинг ўртасига етганда, қахрамоннинг руҳий ҳолати таҳлили ёхуд фалсафий қарашлари баёнига тушади. Шогирдларининг саволларига жавоб беради. Яна

ҳикоятга ўғди, уни ниҳоясига етказиб, бошда кенг берилмай, ихчам баён этилган фикрни изоҳлашга тушади.

Эркин шеърӣй дoston ҳаётта монанд оқади. Гоҳо ёмғир томчиларининг бирдек шивалашидек, кун ва туннинг алмашинишию йилларнинг оқишидек ярканг. Гоҳо оташин, ҳассос. Гоҳо шўх-қувноқ, гоҳида эса бир оз бепарда, яланғоч.

Бу китоб нима ҳақида? Олам ва башариятнинг бирлиги ҳақида. Шу билан бирга, оламнинг ранг-баранглигию, одамнинг хилма-хиллиги хусусида. Инсоннинг улуғвор ишлари тўғрисида. Яна, инсоннинг заифликлари борасида. Муҳаббат ҳақида. Нафрат ҳақида.

«Маснавий» мазмунини баён этиш учун «Маснавий»га тенг китоб ёзиш керак.

Бундоқ эпик кўламга эга бўлган асар одатда халқлар томонидан асрлар давомида яратилади. «Маснавий»да кўплаб халқларнинг эртақ, ривоят, ҳикоят, афсона, мақол ва маталлари жамулжам этилган. Лекин уни бир киши яратган. Ана шу нарса тасаввурга сифмайди. Эҳтимолки, шу важдан ҳам уни ўрта асрларда «Форсий Қуръон» деб аташган.

Кейинчалик «Маснавий»ни «Тасаввуф қомуси» ва «Ўз даври халқ ижодининг қомуси» деб ҳам аташди. Ҳолбуки уни ҳақли равишда, илмӣй билимлар мажмуаси, ахлоқий-этик қондалар тўплами, психоанализ юзасидан қўлланма деб ҳам аташ мумкин.

Унда ҳамма нарса мавжуд. Ҳамма нарса хусусида бор гап айтилган. У бирлиги чексиз ранг-барангликда намоён бўлувчи оламга ўхшайди.

«Маснавий» денгизчи Синдбод саргузаштлари ҳақида, шоҳлар, салтанатлар тарихи хусусида сўзламайди.

«Маснавий» – оламни эгаллашга ва ўз-ўзини англашга интилган инсон руҳининг буюк таронасидир.

Бу фавқулodда китобни фавқулodда қисмат кутар эди. У ниҳоясига етиши билан одамлар уни ёд олишга киришдилар. «Маснавий»ни ёд билган кишилар маснавийхон номини олади.

Эронда, Ўрта Осиёда, Ҳиндистонда, кўпроқ Кичик Осиёда махсус мактаблар – «Даррул Маснавий» очилиб, Жалолиддин Румӣй дostonини ўрганиш, изоҳлашга киришилди. «Маснавий» асосида ўнлаб тўпламлар тузилиб, араб, турк ва форс тилларида юзлаб жилд таҳлил ва талқинлар битилди.

Ўрта аср христиан Европасининг диний мутаассиблиги, дунёнинг кўплаб маданий халқларини ёввойи деб билган буржуа Европасининг жоҳилона ва такаббурлиги туфайли то XIX асргача Европа бу китобдан беҳабар ва бебаҳра қолди.

## МАНГУЛИК

Кўнёда ҳокимият кун сайин заифлашиб борар, гоҳ унда, гоҳ бунда исён олови бурсиқиб ёнар эди. Бекларнинг ҳокимият таллашишлари, қозиларнинг гушналиги, бож-хирож йиғувчи амалдорлар бедоди алалоқибат мамлакатни хонавайрон этди. Қишлоқлар ҳувиллаб қолди. Карвон йўлларини чим босди. Йўлларда оч-ютоқ қароқчи тўдалари тенгираб юришарди. Бир пайтлар қудратли бўлган салжуклар давлатининг заволи яқинлашиб қолган эди.

Жалолиддин бунга шоҳид бўлишни истамасди. У Ҳусомитдинни ўзига халфа қилиб кўтарганидан буён ўн йил ўтди, «Маснавий»нинг олтинчи жилди ниҳоясига етган, одатича, Ҳусомитдин сўнги саҳифаларни қораламада ўқиб, шоир фармойиши билан сўнги бор таҳир-тузатиш киритган эди. Чала қолгани фақат – уч шаҳзода ҳақидаги ҳикоят. Лекин у Шамснинг мулоқотлар китобида бор, уни Валад ҳам охирига етказиши мўмкин эди.

Шоирнинг умр иши битган, соати етган эди.

Қарийб етмиш йилдирки, тиним нима, шафқат нима – билмаган, сарсон-саргардонликлар, машаққат чекиб, ҳақиқат излашлар иродани тобласа-да, соғлиқни совурган, зоҳидлик йиллари, айрилиқлар, ишқу изтироблар ила куйиб-қовжираган тани энди айтганига юрмасди.

Хатларининг бирида у Ҳусомитдинга шундоқ деб ёзган эди:

«Таним – беҳисоб яра-чақа босган бир от, гоҳ хасталаниб қолади, гоҳ йўлбарсга, гоҳ оқсоқ эшакка айланади, дил амрига бўйсунмайди, унинг айтганига кўнмайди. Гоҳ силкитади, гоҳ итқитади. Дам четта суриб қолади, дам таққа туриб қолади. Тузалмайди ҳам, ўлмайди ҳам».

Кира-хотун бир гал унинг бетоблигини кўриб, беихтиёр нидо чекди:

– Ҳўжамиз уч-тўрт юз йил яшаб, оламини маъно ва ҳақиқат нурига тўлдирса, не қиларди!

– Нималар деяпсан, хотин! – деди безовталаниб Жалолиддин.  
– Мен ахир Миср фиръавни эмасман-ку!

*Қайда дунёйи замин ул, қайда ул дури жаҳон?!  
Тез очинг зиндонниким, зулмат босибдур беомон!  
Ўзгаларга хайр истаб, банди зиндон ўлмишам,  
Мен бировнинг молига қўл чўзмаганмен ҳеч қачон!*

У кунларини кўпроқ сукут ичра, ўй-хаёлга гарқ бўлиб ўтказарди. Гоҳо ўлим ҳақида ғалати шеърлар айтарди.



*Қафасдан учган инсонлар! Кўрайлик юз очинг бир бор!  
Қайиғи сувга ботганлар! Балиқдек кўрсатинг дийдор.  
Магар дурдона янглиғ рўзгор сизни ғубор этмиш,  
Ғубормас, сурмадирким, тортилур кўзларга ул такрор,  
Туғилганлар! Ўлим эшик қоқаркан, нўши ноб айланг!  
Ўлим ошиққа бегона, туғилмоққа шитоб айланг!..*

1273 йилнинг кузи Кўнёга ғоятда совуқ келди, ёмғир кўз очирмас, суякка сингувчи изғирин шамоллар эсарди.

Бир жума куни шоир уйга қайтаётиб, жалада қолди. Эшикдан усти-боши жиққа ҳўл бўлиб, қалтираб кирди.

Эртасига тўшакдан туrolмади. Узунчоқ буғдойранг юзи иситмада куяр, кўзлари безовта ёнарди.

Кира-хотун табибларга киши юборди. Ҳаял ўтмай, тиб илмининг машхур алломалари Акмалиддин билан Ғазанфарий етиб келишди. Чўп-устихон бўлиб қолган Мавлонони узоқ кўздан кечиришди. Касалини безгак деб топишди.

Сурункасига бир неча кун дорилар ичириб, малҳам суриб, ҳатто қон олишди. Иситма пасая борди.

Янаги ҳафта чоршанба тонготарида шаҳарни бўғиқ гумбурлаш уйғотди. Уйлар силкиниб, бориб-келарди. Одамлар ваҳима ичра ҳовлилар, кўчаларга қочиб чиқишди.

Кундузи яна икки карра ер силкинди. Баъзи жойларда девор кулади. Камбағаллар маҳалласида том босиб, одамлар унинг остида қолди. Кўнё аҳолиси беклардан тортиб, то Парвонагача ҳамма чодир ва ўтовларга кўчиб ўтди.

Кечқурун Жалолиддиннинг соғлигини сўраб, хунармандлар бозоридан олтита ахий оқсоқол келишди.

Валад уларни хастанинг ҳузурига бошлаб кириб, кўрпачага ўтказди.

Шоир тўшакда бошини кўтариб, болишга суяниб ўтирди. Оёқларини совуқ сув тўла тосга солган, олдида ҳам сув тўлдирилган идиш бор эди. У дам-бадам кафтларини ҳўллаб, иситмани босиш учун кўксига юзларига сурарди.

Ахий оқсоқоллари – ишбилармон кишилар Мавлоно ҳузурига келишдан ўзга муддаолари ҳам бор эди. Улар кўкда ва ерда, ҳаттоки ер остида ҳар неки сиру синоат бор – шоирга аён, деб ишонишар, инчунин, зилзиланинг оқибати не бўлур, биз не қилайлик, кимга суянайлик, деб сўрашмоқчи эди. Лекин хастанни кўргач, савол беришга юраклари бетламади.

Жалолиддин буни пайқайди. Қадим соломоналардан унга маълум эди. Кўнёда зилзиланинг одатда дастлабки икки зарби хагарли бўларди, ўша ҳам ҳаммаша эмас. Шунга кўра, соғлигини сўрашгани учун ташаккур айтиб, аста сўзга киришди, нафаси бўғилиб, энтикиб гапирди:

– Зилзиладан чўчиманглар! Бизнинг бадбахт еримиз ёғли луқма сўрайди. – У кафтини чўккан, қоқ суяк кўксига босиб, табассум қилди. – Буни тупроққа топшириш керак. Шунда у тинчийди...

Эртаси куни муриддини эргаштириб, серҳашам тўн кийиб, бошига уч қулоч салла ўраб, шайх Садриддин Кўнавий пайдо бўлди. Ана шу қари тулкининг дастидан Жалолиддин кўп азият чеккан эди. Шоирнинг шеърлари, суюкли рубоби, рақси самоъсига шайх отган ёзгириқ ва тухмат тошлари, шубҳасиз унинг ўлимини яқинлаштирган эди, – шоирлар хасталиқдан эмас, ранж-аламдан ўлишади, деб бекорга айтишмайди. Бироқ шайх Садриддин ақлли эди, ҳар нечук ўз вақтида чекиниб, эси борида этагини йиғиб олишга ақли етарди. У сўнгги йилларда шоирга иззат-эҳтиром изҳор этиш билан чекланиб қолмай, ўзини унинг мухлиси деб эълон қилган эди.

Бугун у ўлим тўшагида ётган хастага ўз ҳамдардлигини билдиргани келиб, жисман заифлашган Мавлоно руҳан толиққан бўлса ажабмас, энди ўтган гапларни ўғли Валад, халфаси Ҳусомитдин ҳузурда эслаб ўтирмас, деб умид қиларди. Садриддин бундан манфаатдор эди, шу сўнгги учрашувни дастак қилиб, у ўзини шоирнинг вориси ва издоши деб эълон этмоқчи эди: ахир, ўлиқлар эътироз этишолмайди-ку.

Шайх ишорат айлади. Мурид таъзим ила олдинга чиқиб, бири анор, бири олча шарбатига тўлдирилган икки кўзачани хастанинг тўшаги ёнига келтириб қўйди. Бу шарбатлар иситмани босишга ёрдам беради, деб ўйлашарди.

Шайх ергача эгилиб, таъзим адо эттач, сўз қотди:

– Маҳбуби ҳабибимиз Аллоҳи карим ўзи шифо бергай, о, Султонул руҳ!

Жалолиддин тўшақда қаддини ростлаб, заррача истехзо зоҳир этмай, эҳтироси том ила жавоб берди:

– Маҳбуби ҳабибимиз Аллоҳ билан унинг бандаи ошиғи ўртасида юпқа бир қўйлак, яъни, бир баҳя масофа қолмиш! Сизнику билмайман, аммо, мен ошиқ-маъшуклар яланғоч бўлиб қовушса, яхши деб ўйлайман. Аллоҳ сизнинг ўзингизга шифо бергай, муҳтарам шайх!

У оёғи учида чордона қуриб ўтирган Ҳусомитдинга ўтирилди:

*Энгимдаги кўйлагим агар юпқа, майин,  
Ишиқ оғуши ичра ул қалин жуббадайин.  
Тан кўйлагини ечиб, яланғоч бўлиб,  
Мен олам ила энди ҳамоғуш бўлайин...*

Шоир тўхтаб нафасини ростлади. Сукунат қўйнида Хусомитдин қўлидаги қамиш қаламнинг қитирлагани эшитиларди. Йиллар бўйи қадрдон бўлиб қолган ана шу садо унга қайта нафас бағишлади. Шоир бошини эгиб ўлтирган шайх Садриддин, қўлида қалами билан жим қотиб турган Хусомитдин оша узоқларга боқиб, ўз-ўзига дегандек, деди:

*Кўнгиш ичра нечук олам, нечук султон билмассен,  
Танам саргайди, пойим устувор чандон, билмассен.  
Мунаввар бир қуёшмен, дур тўла тўлқинли уммонмен,  
Замин теграмдадир, дилда яшар осмон, билмассен.  
Жаҳон бўстонида бир боларидек учганим-учган,  
Асалдек сўзларим, лекин сенга пинҳон, билмассен.  
Калом янглиғ муборакдир улар, мен ошиён қурдим,  
Кабутарларга дерманки, келинг, эй жон, билмассен!  
Ақл бегона сенга, йўқ эмиш фаҳми-фаросат ҳам,  
Билармен, деб дам урма, урганинг ёлғон, билмассен!..*

Шайх Садриддин кўзини ердан кўтармай, ўй-хаёлга ботиб, халфасини эргаштирганча, ҳовлидан чиқди. Бу камтарин ҳовлида на чўрию жориялар, на хушсурат ўғлонлар, на ҳарам оғаси, на дарвозабон бор эди. Бу хонадонда у ўз уйидаги қимматбаҳо гиламлар, кенг юмшоқ курсилар, зарбоф пардаларни ҳам учратмади. Лекин бу ерда у шундоқ бир қудратга дуч келдики, унинг қаршисида салтанатнинг бу олий уламоси бор давлати ва шон-шухрати билан қуёш нурига дуч келган шиша мунчоқдай, ўз-ўзига аянч ва пучак бўлиб кўринди.

Пучаклиги энди ҳаммага аён бўладигандек, у чўчиб, ҳовлидан чиқиши биланоқ, кўзини бўшлиққа тикиб, буюк бир бахтга муяссар бўлгандек, фавқулодда виқор ила юриб кетди.

Шайх билан суҳбат шоирга қимматга тушди. У кун бўйи бир оғиз ҳам сўз айтишга мажоли етмай, ётиб қолди.

Минг икки юз етмиш учинчи йилнинг ўн олтинчи декабрь, шанба куни тиниқ ва қуёшли келди. Шоир ўзини анча енгил ҳис этди. Кун бўйи, то шомга қадар унинг соғлигини сўраб-суриштириб келганлар билан суҳбатлашди. Хусомитдин унинг ҳар бир сўзини ёзиб борди.

Кун бўйи Валад ва Кира-хотундан туғилган ўғли Алим Чалабий галма-галдан ўлтириб, унинг тўшаги ёнидан жишишмади.

Валад кўп кечаларни уйқусиз кечирди. Юзи қорайиб, ингичка тортиб қолган, ёноқларидаги қизилликдан асар ҳам қолмаган эди.

Тонготарга яқин отаси уни секин чақирди. Ўғлининг

уйқусизликдан қип-қизариб кетган кўзларига ачиниш ва меҳрибонлик билан тикилди.

– Мен пича дурустмен... Бориб, жиндек ором ол... Валад ўгирилиб, кўзешларини яширди ва ташқари чиқди. Жалолиддин унинг изидан боқиб, деди:

*Мени қўй энди, мен кўнглинг бузармен,  
Куйик жоним билан қалқиб сузармен –  
Муҳаббат баҳрида, ул шева, ҳайҳот,  
Мени қўймас тирик, фарқ айлагай бот.  
Мени маъзур тутгил, тутмагил – ҳўп,  
Мени қўйгил, ўзингни қийнама кўп.  
Алам водийсида кўзёши – дарё,  
Тегирмон қур неча, ул юргизар, оҳ!  
Ўшалким бағритош, кел, деб чекар ун,  
Ки, ундан ҳеч кимса сўрмагай хун.  
Садоқатдан менга сўз очма, ошиқ,  
Ҳақ эрмиш маҳбубинг, бўл унга содиқ...*

Ҳусомитдин қўллари қалтираб, устознинг бу сатрларини қоғозга сиёҳ билан эмас, юрак қони билан битди. Бу – шоирнинг оламга энг сўнгги ишқ иқрори, дарё-дарё тўкилган кўзёшлар бекорга кетмас, улар, ҳойна-ҳой, Ҳақиқат тегирмонини айлангирар, деган умиди эди. Бу яна, ўғлим Валад менга меросхўр бўлиб қолмай, ҳақиқий издош, балки ҳақиқатга доир исёнкор бўлар, деган эътимоди ҳам эди.

Якшанба оғир жимжитлик ила кечди. Хастанинг аҳволи оғирлашди.

Бу хабар ҳунармандлар бозорига, ундан дарвешлар хонақосига, масжиду мадраса, ҳовлию хонадонларга, бек ва амалдорларнинг кўрғонларига, султон саройига, камбағаллар маҳалласига, атроф-теварақдаги қишлоқларга ёйилди. Бутун Кўнё даҳшатли зарбани кутиб, нафасини ичига ютиб турарди. Кўёш ғарбга оғиб, Теккели тоғ чўққиларини шафаққа буяркан, шаҳар кўчаларида фарёд-фиғон кўтарилди.

Балх воизи Султонул Уламонинг ўғли, Валад ва Алим Чалабийнинг падари бузруквори, Шамсиддин Табризрийнинг дўсти-жонажони, заргар Салоҳиддин, Ҳусомитдин Чалабий, Аълоиддин Сирянусларнинг пири-устози, салжуқ султонларининг фуқароси, тасаввуф алломаси, мадраса мутаваллийси Мавлоно Муҳаммад Жалолиддин оламдан ўтди.

Лекин «Маснавий» ва «Девони Кабир»нинг муаллифи, инсоният тургунча туриб, ҳар бир янги авлод билан қайта

туғиладиган буюк шоир ва донишманд Жалолоддин Румий башарият билан абадий бирга қолди.

Унинг ўзи ҳам буни биларди: «Мен тахтдан тобутга сакрайдиган сулгонлардин эмасмен, менинг манглайимда абадият муҳри барқарор».

Шунинг учун васият этган эди:

*Мен ўлган кун дамо-дам чекмангиз ғам,  
Уни ҳижрон куни деб ўйламанг ҳам.  
Бу ҳижронмас сира, васли-висолдир.  
Висолда ғам чекиш – куфру уволдир.  
Қуёш ботса, тағин бўлгуси пайдо,  
Тўқилса ерга дон – бўлгай хувайдо!*

Ўғиллари, дўстлари ва шогирдлари дам шеър ўқиб, дам сукут сақлаб, тун бўйи шоирнинг бошида ўлтириб чиқишди.

Тонготарда, жарчиларнинг ҳайқириқ-сурони кўчаларни тўлдириди:

– Салоти жаноза!.. Салоти жаноза!.. Салоти жаноза!..

Кўнённинг кўплаб хонадонлари, карвонсаройлари, хонақою мадрасаларда ана шу сўнгги, видолашув хабарини кутиб, ухлашмаган эди. Жарчиларнинг овози янграши билан минглаб халойиқ кўчаларга отилди.

Эркаклар, аёллар, болалар, ахий биродарлар, оқсоқоллар, халфалар, бекзодалар, сарой мулозимлари, савдогарлар, атроф қишлоқлардан келган деҳқонлар, яланғоёқлар, яланғбошлар, хуллас, катта-кичик ҳамма қирқ йилдан зиёдроқ шаҳар халқига таниш ўша нопармон яқтак ёпилган тобутга ўз елкасини тутиб беришни истарди. Одатга кўра, қабр бошига сўйиб, бева-бечораларга тарқатиш учун саккиз ҳўкизни тобут олдига солиб, ҳайдаб боришарди.

Мотам издиҳоми сарой ва жаноза ўқиладиган масжиди жоме жойлашган Аълоиддин тепалигига элтувчи бош гузарга чиқиши билан халойиқ уни ҳар томондан сиқиб, ўраб олди. Турклар ва хуросонийлар, юнонлар ва арманлар, православлар ва яҳудийлар – ҳамма шоир билан видолашишга келган, ҳар ким ўз русумида алвидо айтарди. Ҳофизлар Қуръон ўқишар, раввинлар – Таврот, православ руҳонийлари Инжил оятларини хониш қилар, ошиқлар рубоб чалиб, чилдирма қоқиб, рақс тушишар, ишқ муҳаббат ҳақида ёниб-куйиб қўшиқлар куйлашарди. Халойиқ ўраб олган издиҳом таққа туриб қолди. Шунда Парвонанинг қўл ишорати билан – у сарой дарвозаси олдидаги тепалиқда турарди – соқчилар қўлич яланғочлаб, одамларни уриб-суриб, четга ҳайдай бошладилар. Ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб

кетди: тиловату йиғи-сигилар, қироату қичқирқиқлар, мусиқий ва ғазаб ҳайқирқиқлари...

Бу шоир ўлимидан сўнг уни халқдан ажратмоқчи бўлган илк уриниш эди. Ким билади, тобут тўсатдан ерга тушиб кетмаганда, оломоннинг сиқуви остида соқчилар, тобут атрофидаги уламою фақиҳлар, шоир дўсти-ёронларининг ҳоли не кечарди. Қарсиллаб синган тобут ва ерда ётган оқ кафанни кўрганда, оломон даҳшатдан ҳанг-манг бўлиб, туриб қолди. Дўстлари шоирни кўлларида кўтаришди, тобут тузатувчи усталарнинг тақ-туқини босиб, Куръон оятлари яна оқа кетди.

Узун қалпоқлари устидан қалин дастор ўраган уламолар тўдасидан ориқ, нимжон бир гавда суғрилиб чиқиб, Муиниддин Парвона турган тепалик томон пилдираб югурди. Бу – ўша нимжон қария, бир пайтлар Жалололиддинга жоҳилларнинг саволларини етказган югурдак фақиҳ эди, у тепалик бошига етгач, уч букилиб, сийрак соқолчасини тупроққа суйкаб, таъзим қилиб, бидирлади:

– О, олампаноҳи бомурувват, амирул умаро! Дину иймон пешволари тараддуд ичра қолмишлар: ўз шайхини дафн этаётган мўминлар ичра насроний ва яҳудийлар не қилур? Подшоҳи ислом маъракасига келишга алар нечук журъат этмишлар? Аларни ҳайдашга фармони олий берингким, токи бандаи мўмин Жалололиддин Муҳаммадга салоти жаноза ўқилғай!..

– Рост айтасен, фақиҳ! – деб унга бош ирғади Парвона. Ва яҳудий, христиан руҳонийларини чорлаб, уларга ўз қавмларини олиб чиқиб кетишини буюрди.

– О, марҳаматли ҳукмдор! – деди православ соборининг мутаваллийси Ота Стефаний. – Қуёш ер юзини ёритганидек, Мавлоно ҳақиқат нури ила бутун башариятни мунаввар этмиш. Қуёш – ҳамманинг мулки. Зеро, Мавлоно айтмишким: «Етмиш икки халқ мендин асрор ўрганур. Мен – найдирменки, ҳар пардаи созимда юзлаб садолар ниҳондир!» Магар қавмларимизга буюрсак ҳам, улар қулоқ осишмайди...

– Мавлоно – нон кабидирлар, – деб уни қувватлаб тушди яҳудийлар жамоасининг раввини Ҳайаффа. – Нон ҳаммага зарур. Амирим, очларнинг нондан юз ўгириб кетганини қайда кўргансиз?..

Муиниддин Парвона иложсиз қолди. У нима ҳам қила оларди? Бирор куч бу маъракада мўминларни ғайридинлардан ажрата олмасди. Жалололиддин учун уларнинг ҳаммаси баробар эди.

*Майлига, ким бўлмагил, кел бари бир,  
Дахрю оташпарастсен – бари бир.  
Неча бор паймонишкастсен – бари бир.*

*Ноумид қўймас сени остонамиз  
Майлига, ким бўлмагил, кел бари бир...*

Тобутни елкага олишди. Яна ашғор, дуою тиловат, созу садо, фарёду фиғон кўкка юксалди. Яна оломоннинг сиқуви остида издиҳом тўхтади. Яна қилич ва қалтақлар ишга солинди. Яна Жалолиддиннинг тобути ерга тушди. Одамларнинг елкасида ўтиши жоиз бўлган бу йўлни у тириклигида йигирма дақиқада босиб ўтарди. Бу йўлда тобут тўрт қарра синди. Соқчилар одамларни тўрт қарра қалтақлашди. Шоирнинг қўл қаноти бўлмиш усталар тўрт қарра унинг сўнгги маскани – тобутини тузатишди.

Эрта тонгда йўлга чиққан издиҳом фақат кечга яқин масжидга етиб борди.

Тобутни тош супага қўйишди. Олдинга шайх Садриддин Кўнавий чиқиб енгидан тасбиҳини олди. Шоир ўз тобути устида жаноза ўқишни гўё унга васият этган эмиш.

– Марҳамат қилинг, о подшоҳул машойих! – қичқирди жарчи шайх Садриддинга. Садриддин тобутга яқинлашмоқчи эди, шоирнинг кўзларини бекитган табиб Акмалиддин чидаб туролмади:

– Жим бўл, жарчи, – деди у. – Подшоҳул машойих ёлғиз Мавлоно эдилар!

Садриддин қўлида тасбиҳи билан тош қотди. Бутун шаҳар олдида риёкорлиги фош бўлгандек, бошига қон урди. Томоғи қақраб, гурс этиб ерга йиқилди.

Уни кўтариб олиб чиқишгач, қози Сирожиддин жаноза ўқиди.

– Ҳалойиқ марҳумни билармидингиз?

– Билардик! – гуриллаб овоз берди ҳамма.

– Марҳум нечук одам эди?

– Яхши одам эди!.. Жойлари жаннатда бўлсин!..

Бу даҳшатли кун ҳам ниҳоясига етди. Султонул Уламоий Балхий ва заргар Салоҳиддин Кўнавий соғоналари ёнида яна бир қабр дўшпайди. Курбонликка сўйилган молларнинг гўшгидан гадоларга бир бўлақдан улуш тегди. Халойиқ тарқала бошлади.

Ҳаммадан сўнг шафақ алангасига чулғанган шаҳарга томон йўл олган киши – Ҳусомитдин эди. Йўқ, унинг дўсти, орқатоғи, унинг пири устози Мавлоно Жалолиддин қора тупроққа эмас, унинг қалбига дафн этилмишди. У гира-шира шом қоронғусида уйлари томон тарқалиб бораётган ана шу инсонлар қалбида яшарди.

Устоз рост айтган эди:

*Агар ўлсам, биродарлар, мени тупроқдин ахтарманг,  
Яшармен аҳли ориф кўнглини мангу макон айлаб...*

Ўша кундан буён қарийб етти юз йил кечди. Биз Кўнёдаги

Аълоиддин тепалиги устида турибмиз. Шаҳарни ўраган қалъа деворларидан асар ҳам қолмаган. Шамол дарахтларнинг япроқларини шитирлатади. Фақат ярим вайрона ҳолда қаққайиб турган минора бу ерда бир пайтлар мусулмон дунёси қудратли султоннинг саройи бўлганидан дарак беради.

Тепалик устидан шаҳарнинг бош гузари охиридаги масжид миноралари кўзга чалинади. Масжид гумбази яшилга монанд. Бир боқсанг денгиз тўлқинларига, бир боқсанг, Кўнённинг қишқи осмонига ўхшайди. Бундан етти юз йил муқаддам ана шу гузардан Жалолоиддин Румийни кўтариб ўтишган, яшил гумбаз – Қуббаи Ҳазра унинг қabri устида икки ярим аср кейин тикланган.

Масжидда ҳозир музей жойлашган. Унда шоирнинг қавилган пахталик тўни, учта кулранг жун тақяси, шеърларининг илк рўйхати, замондошларининг қўлёзма китоблари сақланади. Қудуққа ташланган Шамсиддин Табризийдан алам ва каштали қайиқ-қалпоқ ҳам шу ерда.

Кенг ичкари саҳнида бетиним сув шилдирайди. Тонгдан шомгача зиёратчиларнинг кети узилмайди. Атроф қишлоқлардан келган, қош-кўзини қора рўмол билан ўраб олган деҳқон аёллар. Қора кўзойнак тақиб мини ёки макси юбка кийган, бўйинларига фотоаппарат осиб олган европалик туристлар. Анқара ва Истанбулдан келган йўловчилар. Афғонистон ва Ҳиндистондан келган сайёҳлар, ҳунармандлар, амалдорлар, талабалар.

Музейга пойафзални ечиб киришади. Магнитофонда босиқ пардаларда қадимий оҳанг – шоир севган рубоб ва най садолари янграйди. Витринада оппоқ либос кийиб, рақс тушаётган ошиқларнинг ҳайкалчалари. Кимдир ёнимизда пичирлаб, Жалолоиддиннинг қалин қоғозга туширилган сатрларини ўқийди:

– Ҳар нечаки монандсен, ўшанча бор бўл, ҳар нечаки борсен, ўшанча монанд бўл...

Масжиднинг деворларига ўн олтинчи асрнинг машҳур хатотлари тугаш хатти насталиқ чекишган. Ажиб шеър гулшани. Кимдир яна ёнимизда ўқийди:

*Қошимда лим тўла бир коса айрон,  
Жаҳон шарбатлари менга не даркор?  
Агарчи очмену заҳмат чекармен,  
Алишмам ҳурлигим қулликка зинҳор...*

Аллоқачон султону салотин, вазиру вузаронинг излари оламдан ўчган. Уларнинг фармону фармойишлари қани? Салжуқийлар салтанати подшолари ва уларнинг малайлари номларини бутун ким эслайди?



Етти юз йил кечди. Жалолиддин зиёратига келувчиларнинг охири ҳамон кўринмайди. Ҳар куни – ўн олти мингга яқин зиёратчи. Нега келишади?

Кўчага чиқамиз. Ўша бағоят олис кундагидек, Кўнё устида шафақ қирмиз аланга ёйган. Самода реактив самолёт солган из аста таралиб боради. Етти юз йил.

Лекин, нафсиларни айтганда, Жалолиддин Румий бугун инсон оёғи ойга етганини эшитиб, унчаям ҳайрон қолмасди. У ўз ақлий ва руҳий қудратларини жиловлаб олган башарият оламни ўзига бўйсундиради, деб ишонарди.

Уни воситалар эмас, мақсад банд этарди. Унинг учун мақсад – Инсони Комил эди.

## НАШРИЁТДАН

Биз ушбу китобнинг ўзбек китобхоналарига тақдим этилишидан бениҳоя хурсандмиз. Бунинг сабаблари бор. Жалолиддин Румий номи узоқ замонлардан бери Туркистон халқлари орасида ҳам маълум ва машҳур. Мавлононинг мухлислари, унинг ижодини севиб ўрганган, унга иқтидо этган адиблар бу тупроқда озмунча ўтмаган. Абдураҳмон Жомий «Маснавийи маънавий»ни китоби беназир, деб атайди ва унинг муаллифига ўз ихлос-эҳтиромини юксак пардаларда ифода этади. Алишер Навоий ўзининг «Насоимул муҳаббат» асарида Жалолиддин Румий хусусида ҳам қалам тебратди, уни буюк файласуф шоирлар, устози комиллар қаторида тилга олиб, таъриф-тавсиф этади. Навоий талқинида Жалолиддин Румий мунаввар бир сиймо бўлиб гавдаланади. Унинг Балх шаҳрида дунёга келиши, болалик йиллари, ўн бир ёшида Фаридиддин Аттор билан учрашиши, ўшанда Аттор совға қилган «Асрорнома» китобини умр бўйи мутолаа этиши, асраб-ардоқлаши ҳақидаги маълумотлар Навоий томонидан ажиб бир меҳр ва ҳассослик ила қаламга олинади. Сўнгра Жалолиддиннинг улуғ инсоний сифатлари, теран панду ҳикматлари устида сўз юритилади. Чунончи:

«...Алар дебтурларки, озод улдирки биров ранжида қилгондин ранжида бўлмағай ва жувонмард улдирки, ранжида қилурга муставжиб бўлгонни ранжида қилмағай».

Шундан сўнг Жалолиддин Румийнинг маънавий дунёсини характерловчи бир ривоят келтирилади: мавлоно бир кун, мен етмиш уч мазҳаб билан биргамен, дебди. Бу гап унинг рақиби қози Сирожиддин Қазвинийнинг қулоғига етибди. Қози бир муриддини чақириб, шу гапни кўпчилик ичида Жалолиддиндан сўра, айтганига иқрор бўлса, аяма, ҳақорат қил, деб буюрибди. Мурид шундай қилибди, Мавлонони офизга олиб бўлмас сўзлар билан ҳақоратлабди. Шунда Жалолиддин табассум қилиб: «Биз ўшалар билан ҳам биргамиз» – дея ҳақоратловчинини мулзам этган экан...

Алишер Навоий мазкур асарида Шайх Нажмиддин Кубро ҳақида гапириб, яна Жалолиддин Румийга мурожаат этади... Чингизхон Урганчни қамал қилганда Нажмиддин Кубро

мункиллаб қолган чол бўлишига қарамай, халқ лашкарини йиғиб, душманга қарши жанг қилиб, шу жангда мардларча ҳалок бўлган. Лекин ўлганда ҳам байроқ дастасини қўлдан чиқармаган... Навойнинг шаҳодатига, кейинчалик Жалолиддин Румий ана шу ҳақда рубоий битиб, биз ўлганда ҳам ўз эътиқодида собит қоладиганлар наслиданмиз, деб фахрланган экан.

Хуллас, Жалолиддин Румий ўзбек мумтоз шоирлари ҳам «устоз» деб таъ олган доҳий санъаткорлардан бири. Ўзбек шеърятининг ҳаётий ақидаларида Румийнинг ҳам буюк руҳи, ўлмас анъаналари яшайди ва асрдан асрга, наслдан наслга ўтиб, яшнаб-яшариб келади.

Улкан ижодий мероси, бой маънавий дунёси билан Марказий Осиё халқлари тарихи ва маданиятига чамбарчас боғланган улуг сиймо – Жалолиддин Румий ҳақидаги бу китоб ўзбек китобхонларига ҳам манзур бўлади, деган умиддамиз.

## Авлиёлар халқнинг ҳужжатиدير

«Кўнгиллар султони» деб улуғланган ўрта аср шарқининг йирик алломаларидан Жалолиддин Румий (1207–1273) ҳижрий 604 раббиул аввал ойининг 6-сида (30 сентябрь), Хуросоннинг Балх шаҳрида туғилган (асл исми Муҳаммаддир. Жалолиддин Румий тахаллусини олиши, турклар кичик Осиёни Рум эли деб ҳам аташган. Мавлоно – калимаси арабчадан бўлиб – дўст, кўшни, яқин маъноларини билдиради ва Шарқда улуғ алломалар исмига қўшиладиган сифатдир). Унинг отаси Баҳоуддин Валад ўз даврининг йирик уламоларидан бири эди. Муҳаммад Хоразмшоҳ билан ихтилоф туфайли замонасининг «султонун уламо»си бўлган Баҳоуддин Валад ўз оиласини олиб Балхдан чиқиб кетади. Яна бир маълумотга кўра Баҳоуддин Валад мўғул истилоси туфайли, олдиндан Балх тақдирини сезганлигидан шаҳарни ташлаб кетган деган фикрлар бор. Дарҳақиқат, мўғуллар Балхни босиб олгач қатли ом қилади, тўрт юздан ортиқ машхур алломаларнинг боши кесилади.

Балхдан чиққанларида Жалолиддин беш ёшда эди. Уларнинг оиласи Нишопурда, Бағдодда, Маккада, Мадинада, Дамашқда, Халабда, Оқшаҳарда, Ларенда (ҳозир Қараман)да яшайдилар. Ёш Жалолиддин Нишопурда Фаридиддин Аттор билан кўришади. Жалолиддиннинг ниҳоятда зеҳнлиликига қойил бўлган шайх, унга «Асрорнома» китобини туҳфа қилган. Бу шаҳарларнинг қайси бирига бормасин Баҳоуддин Валад иззат-ҳурмат билан кутиб олинади, сиёсат аҳли ҳам, илм аҳли ҳам бирдек эъзозлашади. Охири турк султони Кайқубод I (1219–1236)нинг таклифи билан 1228 йилда Кўнё шаҳрига келиб ўрнашадилар. Жалолиддиннинг онаси Балх амири Руқлиддиннинг қизи Мўмина-хотун Ларенда шаҳрида вафот этганди. Отаси Баҳоуддин Валад 1231 йил 23 февралда Кўнёда дорул бақога риҳлат қилади.

Бу вақтда Жалолиддин балоғатга етган бўлиб, отасининг муридларидан, асли самарқандлик бўлган Саид Бурҳониддиннинг Гавҳар исмли қизига уйланган (1225) эди. Гавҳар-хотундан Жалолиддин икки ўғил кўради. Каттаси Султон Валад келажакда шоир бўлиб етишади. Гавҳар-хотун вафотидан сўнг, кўнелик тул, Кира-хотунга уйланади. Бу оиласидан Музаффариддин Олим Чалабий ва Малика исмли фарзандларини кўради.

Аввало отасидан ва даврининг улуғ алломаларидан таълим олган Жалолиддин йирик мутафаккир, файласуф, шоир бўлиб етишади. Унинг иқтидори жуда ёшлигиданоқ сезилган. Машҳур мутасаввуф олим Муҳиддин Арабий ҳали бола Жалолиддинни отасининг орқасидан кетаётганини кўриб, «Аллоҳ, Аллоҳ бир дарё орқасидан уммон кетаётир» деган экан. (Мавлоно ҳаёти ва асарлари. Тайёрловчи Ҳилми Южебаш. Истанбул. 1986., 6-бет.) Дарҳақиқат 1231 йил отасининг ўлимидан сўнг ўрнига шайх бўлган Жалолиддин Румий кейинчалик отасидан ҳам машҳур шахс бўлиб етишди. Унинг адабий-фалсафий мероси ниҳоятда бойдир. «Маснавий маънавий» асари олти дафтардан иборат бўлиб, 52000 дан ортиқ мисрани ўз ичига олади. Бу асарни Жалолиддин Румий умрининг сўнгги 10 йилида яратган. «Девони Кабир» («Девони Шамсул Ҳақойиқ», яъни «Ҳақиқат қуёшининг китоби» деб ҳам аталади) 44000 мисрадан иборат бўлиб, 2073 ғазал жамланган. Рубоий ва тўртликлари 1791 дан ортиқ. «Фиҳи мо фиҳи», яъни «Нимаки ундадир – ундандир» (ўзбек тилида «Ичингдаги – ичингдадир» номида 1997 йил нашр қилинган. Таржимон Улуғбек Абдуваҳоб) фалсафий асари, «Мажолисис сабъо» диний насиҳат ва ўғитлари, 147 мактубдан иборат «Мактубот» тўплами бор. Бу асарлар асосан форс тилида бўлиб, уларнинг жуда оз қисмини (18 байт) шоирнинг ўзи ёзган. Жалолиддин Румийнинг деярли барча адабий мероси котиблари (асосан Ҳусомитдин Чалабий) томонидан Румий айтиб турганда ёзиб олинган. Бу нарса улуғ мутафаккир меросини заррача камситмайди.

Форс тилидаги Куръон деб улуғланган *«Маснавий»*:

*«Маснавиш маънавий мавлавий,  
Хаст Куръон дар забони пайлавий».*

(Каранг: Н.Одилов «Мировоззрение Джалалиддина Румий». Ирфон. Душанбе, 1974) «Най таронаси»ла —

*Тингла, най андоқ ҳикоятлар қилур  
Айриликлардан шикоятлар қилур*

мисралари билан бошланади. Чунки най тасаввуфда ошиқ, яъни илоҳий ишқ ошиғининг рамзий образидир. Ориф ва оқил инсоннинг, ўзини илоҳий ишқ йўлига бағишлаган инсони комилнинг лутфи ниҳоятда ошиқона ва лазиз бўлиши керак. Ўзини тоза ҳаётдан айрилган найнинг «жудоликдан шикоятлар қилиши» ориф инсоннинг руҳи каби ҳамиша боқий руҳоният аламига интилиши кабидир. «Маснавий маънавий»да Жалололдин Румий ўзининг таълимотини, дунёқарашини баён қилган. Ҳадис ва оятлар, халқ оғзаки ижодидан олинган масаллар, нақллар, лағифалар, ибратли воқеалар ва ҳикоятларга ўралган фалсафий фикрлар асарнинг моҳиятини ташкил этади.

Инсонларга тушунарлироқ ва тезроқ етиб бориши учун у ўз таълимий фикрларини шеърят тили билан сўзлади. Румий мутафаккир шоир сифатида мураккаб сўфиёна фикрларни, рамз билан ишора қилинган мулоҳазаларни оддий ҳаётий тафсилотлар билан тушунтириб беради. «Сўз либос. Маъно унда яширин асрор», деганди Румий. Равон тилда, тушуниши осон усулда, теран маъно бериш Жалололдин Румий шеърятининг ўзига хос хусусиятларидандир.

«Румий минг йиллар давомида тўпланиб келган Шарқ фалсафаси ва ҳикмати, исломий ҳақиқатларни омухта этаолган, тасаввуф ва фалсафани қўшиб, инсон руҳи диалектикасини очган улғу мутафаккирдир. Унинг қарашларида бирон-бир мутаассиблик, кўр-кўрона ақидапарастлик намунасини кўрмайсиз. У тийрак ва ҳушёр кўз билан дунёга назар солади, инсонни қандай бўлса, шундай олиб ўрганади, инсон қалби тўридаги энг нозик, энг инжа, энг яширин сирларни ошкор этади, руҳимиз иқлимларидаги ўзимиз сезмаган қонуниятлар, заруриятларни кўрсатиб беради» (Н.Комилов. «Тафаккур ҳазинаси». «Ичингдаги ичингдадир»га сўзбоши. Т., 1997 йил, 6-бет).

«Маснавий»да инсоннинг бутунлиги, улуғлиги, мусаффолиги ҳам, нуқсонлари — худбинлик оқибатидан келиб чиқадиган иллатлар ҳам таҳлил этилади. Бу иллатлардан, нуқсонлардан

қутилиш, покланиш фазилатлари баён қилинади. Инсонлар динидан, ирқидан, миллатидан қатъий назар бирдир. Муҳими у инсон бўлганлиги учун қадрлидир. Тасаввуфнинг асосий ғояси инсон кўнглидир, кишилар турли тилларда сўзлашиши, халқларга бўлинишидан қатъий назар улар бир-бирини тушуниши, англаши керак. «Маснавий»нинг бош ғоясини сўфий тилни, яъни «тилсиз тилни» билишга ундашдир. Румий мана шундай умумбашарий ғояларни тарғиб қилиб ёзади:

Яна кел, яна  
Ким бўлсанг – ўша бўл,  
Хоҳи кофир, хоҳи мажусий, хоҳи будпараст,  
Майли юз қарра тавба қилган бўл,  
Майли юз қарра бузган бўл тавбани  
Умидсизлик даргоҳи эмас бу даргоҳ  
Қандоқ бўлсанг – шундоқ кел...  
*(Миртемир таржимаси)*

Инсонни улуғлаш Шарқ шеърлятида ҳаминша *биринчи мақсад бўлган*. Бу ғоя Румий шеърлятида ҳам, фалсафий асарларида, ваъзларида ҳам бирдек ўз ифодасини топгандир. Румий ўз даврнинг буюк нотиғи ҳам эди. Унинг ваъзларини эшитиш учун жуда узоқлардан мухлислари келишар ва бу ваъзларидан олам-олам маъно, завқ олиб қайтишарди. Машҳур турк шоири Юнус Юмро ҳам Жалолиддин Румийни тинглаш учун Кўнёга келган, «унинг назари кўнглимиз оинасидир» деб мавлоно нутқидан масрур бўлганди. Жалолиддин Румий нутқини эшитиш учун Табриздан Муҳаммад Шамс Табризий деган дарвеш келади. 1244 йил 26 ноябрда даврнинг икки буюк инсони учрашадилар. Ҳозир ҳам Туркияда Жалолиддин Румий ва Шамс Табризий учрашган жой «икки наҳр учрашган» жой сифатида зиёрат қилинади. Тасаввуф илмини яхши ўрганган сўфий Шамс Табризий ва Жалолиддин Румий учрашувидан Шамс шундай савол беради:

– Эй, у дунёю бу дунё маънию моҳиятларнинг саррофи! Айтгин, ким устун – Муҳаммад пайғамбарми ёки Боязид Бистомий?

....

– Бу не сафсата? Албатта Муҳаммад устун! (Р.Фиш. «Жалолиддин Румий», 185-бет).

Мана шу савол-жавобдан икки аллома бир-бирини тушуниб бўлганди. Кейинчалик Шамсиддин шундоқ деган экан: «У менинг сўзларимдаги балоғатни дарров пайқади, мен эсам у сўзини тугатмаёқ, унинг юрак мусаффолигидан маст бўлдим». Шамс Табризий билан суҳбатлар Румийга янада илҳом берди. Бу икки дўст соатлаб суҳбатлашар, зоҳирий ва ботиний белгилар ҳақида бир-бирининг фикрини тўлдирарди. Жалолиддин Шамс Табризийга шу қадар кўнгил қўйганидан, асраб олган қизи Кимёни бериб ўзига куёв қилиб олади. Аммо бу яқинликка ғайрлик кўзи билан қараганлар, кейинчалик Шамс Табризийни йўқотиб юбордилар. Яқин дилдошидан айрилиқ Румийга жуда қаттиқ таъсир қилади. Шамс билан бошқа учраша олмаслигини сезган Румий ғазалларида Шамс тахаллусини ҳам қўллаган. «Девони Кабир»ни «Девони Шамсул ҳақойиқ» деб номланганининг сабаби ҳам Жалолиддиннинг Шамсга бўлган ҳурматидандир. Жалолиддин Румий умрининг охиригача Шамс Табризий хотирасини эъзозлаб ўтди.

Румий олам билан уйғун бўлишга интилди. Бир умр эзгуликни, покликни тарғиб қилди ва ўзи комилликнинг намунаси бўлди. Мана ҳазратнинг шу руҳдаги рубойиси:

Яхшилик қил, замон яхшилик олсин,  
Яхшилар бошига яхшилик солсин.  
Мол-дунё барчадин, сендин ҳам қолур,  
Яхшиси мол эмас, яхшилик қолсин.

*(Шоислом Шомуҳаммедов таржимаси)*

Румий одамларни илм олишга ундади, тўғрилиқка, софликка йўналтирди. Ҳар бир инсонни «тожи олам» бўлишига интилиши даркорлигини сўзда ҳам, амалда ҳам исбот қилди.

Бўлай десанг доимо сен шоду хуррам,  
Қайга борсанг ҳамки азиз мукаррам,  
Илм ўргану покиза ва тўғри юр,  
Шунда бўлажаксан сен тожи олам.

*(Жамол Камол таржимаси)*



Асарлари фикрлашга, инсон ўзлигини танишга бошловчи Жалолиддин Румий умр бўйи одамлар онгини руҳоний билгилар билан чароғон этди. У тушунчаларини шеърият, мусиқа орқали англашни ўргатди. Мавлавийлар ижро этадиган самоъ рақси бугун ҳам Туркияда кенг тарқалган бўлиб, Тангрига ибодат усули, коинот ва инсон уйғунлашувига ишора тарзда қаралади. Румий ижоди ўздан кейинги авлодларга бир мактаб бўлди, маънавиятнинг юксак чўққиларини эгаллашга чорлади. Румийдан сўнг яшаб ўтган деярли барча Шарқнинг буюк шоирлари уни ўзига устоз деб билдилар. Абдурахмон Жомий «Маснавий ва маънавий»ни беназир китоб, форсийдаги Куръон деб улуғласа, ҳазрати Алишер Навоий ўзининг «Насойимул муҳаббат» асарида Румийни юксак ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олди. Исёнкор шоир Бобораҳим Машраб «Маснавий»дан илҳомланган ҳолда «Мабдаи нур» достонини яратди.

Машҳур шарқшунос Е.Э.Бертельс: «Жалолиддин лирикаси бу соҳада башарият эришган энг буюк ютуқлардан биридир. Агар у Фарбда кенгроқ маълум бўлганида, унинг номи жаҳон адабиётининг Шекспир, Гёте, Пушкин каби гигантлари қаторига ўтиши шубҳасиз эди», – деб Румий ижодини юксак баҳолаган эди. Атоқли фаранг муҳаррири М.Боррес эса: «Мавлоно Жалолиддин шеърияти билан танишгандан сўнг, Данте, Шекспер, Гёте, Гюголарнинг камчиликларини кашф этдим», дея ёзган (Мавлоно ҳаёти ва асарлари. Ҳилми Южабаш нашрга тайёрлаган. Истанбул. 1986 йил, 8-бет). Жалолиддин Румий ижодига бу қадар юксак баҳо берилиши бежиз эмас. Фарбда уни «Шарқдан чиққан иккинчи қуёш» деб ҳам улуғлашган. Шоирнинг катта ўғли Султон Валад Жалолиддин Румий қарашлари асосида «Мавлавийлик» сулукини тузди. «Валаднома» достонида Румий таълимотини тарғиб қилди. У «Салжуқий шеърлар» деб ном олган туркумини Мавлоно таърифи билан бошлайди.

Мавлонодир авлиё кутби, билинг,  
У нимаки буюрса, шуни қилинг,  
Тангридан раҳматдир унинг сўзлари,  
Кўрлар ўқиса очилгай кўзлари.

Шу тариқа асрлар ўтган сари Жалолиддин Румий асарларининг қадрни оша борди. Чунки Румий шеърининг асосида инсон ўзлигини англаш моҳияти ётади. Ўзлигини таниган одамгина илоҳийлик билан уйғунлашуви мумкин. Шоир ғазалларидан бирида:

Аё сиз жон чекиб ҳар лаҳза изларсиз Илоҳийни,  
Ани излашга ҳожат йўқ, илоҳийсиз, илоҳий-сиз!

Бу шаккоклик эмас, инсон улуғланишининг энг олий намунаси. Илоҳ инсон қалбида бўлишининг, инсон комилликка эришгачгина борлиқ билан сингишиб кетишининг теран ифодасидир.

Жалолиддин Румий ўрта аср талотумлари – мўғул босқини, салб юришлари, диний мазҳаб низолари авж олган бир пайтда, у барча инсонларни дўст, биродар бўлишга чорлади. Ирқи, миллати, дини, насли, мартабасидан қатъий назар барчани бир инсон кўзи билан кўришга ундади.

Сўрадим: сен қаердансан?  
Табассумла дер: Эй жон,  
Ярмим Туркистондандир,  
Ярмим эса Фарғона,  
Ярмим суви тупроқдан,  
Ярмим эса жону дил,  
Ярмим дарё соҳили,  
Ярмим бари дурдона.  
Дедимки: дўст бўлайлик,  
Ахир мен қариндошинг,  
Дедими: менга тенгдир,  
Қариндошу бегона.

Барчага баробар қараган Мавлоно Жалолиддин Румий вафот этганда, унинг тобути ёнида мусулмон Куръонини, насроний Инжилни, яҳудий Тавротини ўқиган, дафн маросимида Кўнёдаги ҳамма миллат вакиллари иштирок этган экан. Румий ва унинг қариндошлари маслақдошлари дафн этилган турба (қабристон) бугун зиёратгоҳ, бир томони музей. Бутун дунёдан

ихлосмандлар оқиб келади (Одамларнинг соатлаб Румий қабри ёнида соме туриб, кўзларида ёш билан дуо ўқишларига мен ўзим гувоҳ бўлганман). Жалолиддин Румийнинг ушбу рубойиси бани башарга қаратилган шоир васиятидек:

Эй дўсти азизларим, жудолик этманг,  
Кўп ҳою-ҳавас бирла хатолик этманг.  
Бир жумлада сўзлар каби мардона туринг,  
Амр ўлди вафоки, бевафолик этманг...

*(Жамол Камол таржимаси)*

Румий 17 декабрь 1273 йили (ҳижрий 672) якшанба кунини вафот этди.

Икки оғиз Радий Фишнинг «Жалолиддин Румий» тарихий-биографик романи хусусида. Шарқ адабиёти билан қизиқиб юрган Р.Фиш Нозим Ҳикмат билан суҳбатлардан бирида Жалолиддин Румий ҳақида эшитиб қолади. Шоир ижоди ва шахсиятига ниҳоятда мафтун бўлган Р.Фиш Туркияга бориб Жалолиддин Румий адабий мероси ва румийшунослар билан суҳбатлашиб, кўплаб илмий манбаларни ўрганadi. 20 йиллик меҳнат натижасида юзага келган ҳужжатли романини 1972 йили «Молодая гвардия» нашриётида чоп этиради. Кейинчалик қайта ишлаб, тўлдириб, 1985 йилда «Наука» нашриёти томонидан нашр қилдиради. Бу маънавият оламида воқеа бўлди десак адашмаймиз. Чунки ўша вақт сиёсатида кўра, ўзбек адиблари мустақил бу ишни амалга ошира олмасдилар. Ҳатто Жалолиддин Румий ижоди ва ҳаёти ҳақида ўзбек зиёлилари собиқ шўролар тузуми даврида бирор сўз айтиши мумкин эмасди. 1986 йилда Наум Гребнев ўз таржимасида «Маснавий»дан парчаларни «Поэма скритом смысле» номи билан эълон қилади. Худди шу йили ҳассос шоиримиз Жамол Камол Радий Фишнинг «Жалолиддин Румий» романини ўзбек тилига таржима қилиб, нашр эттирди. Бу адабий муҳитда жуда илиқ қарши олинди.

Асар Жалолиддин Румийнинг болалигидан умрининг охиригача бўлган воқеаларни қамраб олиб, ширали тилда ҳикоя қилинади. Ўша давр ижтимоий, сиёсий муҳит романда теран тасвирланган. Ёзувчи кўпгина ҳолларда жуда ўринли равишда Жалолиддин Румий асарларидан парчалар келтириб

фойдаланадики, бу бош қаҳрамон маънавий ички дунёсини тўлиқ очиб беришда қўл келган. Сўфийлар, ахийлар ҳақидаги фикрлар китобхонни маънавий жиҳатдан янада бойитади. Ўзаро бир-бирини тушуниб муомала қилишга ўргатади. Муаллиф вақти-вақти билан «лирик чекинишлар» қилиб илмий-назарий мушоҳадаларини ҳам берадики, бу Румий фалсафасининг мағзини китобхон тўлиқ англашига ёрдам беради. Масалан, Гегель диалектикасининг юзага келишида Жалолиддин Румий таъсири фанда маълум. Бир ўринда Радий Фиш буни ўқувчига тушунарли, содда тилда англади:

«Жалолиддин диалектика системасини яратди, бу ишни унинг салафлари, жумладан, Юнонистон, Рим, Арабистон, Ҳиндистон ва Хитой мутафаккирлари бошлаб берган эдилар.

Гегелнинг эътирофича, Жалолиддин Румий унга диалектик метод яратишга ёрдам берди ва бу метод қайта ишланиб, давримизнинг энг илғор дунёқараши таркибий қисмини ташкил этди.

Бироқ, Жалолиддин Гегелдан фарқли ўлароқ ўз даврининг фарзанди сифатида, фикрини мавҳум мантиқий категорияларда эмас, балки оташин шоирона тимсоллар воситасида талқин этарди» (46-бет).

Р.Фишнинг ушбу романи ўқувчига Жалолиддин Румий ҳаёти ва ижоди ҳақида анча тўлиқ маълумот бера олади ҳамда китобхонни Румий яшаган давр муҳитига ошно қилади. Тарихий асар ёзишнинг қийинчиликлари бор, албатта. Қолаверса, тоталитар даврнинг ғоявий таъсиридан холи эмас бу роман. Лекин зукко ўқувчи, Румий айтганидек, моҳиятини англаб олади.

Бу китоб ўқувчини маънавий жиҳатдан бойитиши шубҳасиз. Ўқинг, Жалолиддин Румий оламига озгина бўлса-да сайр қилинг.

Хулосамиз Румий асарларини ўрганиш хусусида. Ҳозирда Жалолиддин Румий асарлари Ўзбекистонда қайта-қайта нашр этиляпти. Кўплаб олиму шоирлар мавлоно ижодидан таржималар қилмоқдалар. Жамол Камол «Маснавий»дан икки китоб (1994, 2003), Асқар Маҳкам «Маънавий маснавий» таржимаси шарҳи билан («Шарқ». Т., 1999) биринчи китобини эълон қилди. Улуғбек Абдуваҳоб ўзбекчалаштирган «Ичингдаги ичингдадир» (икки марта нашр қилинди (1997, 2003й). «Учмоққа қанот йўқ, вале учгаймен» (Ж.Камол таржимаси, Тошкент, 1994) китоби

«Боқий сатрлар» туркумида, Тоҳир Қаҳҳорнинг мазмунли сўнгсўзи билан дунё юзини кўрди. Шунингдек, тўтлам маҳаллий журнал ва газеталарда Алибек Рустамий, Шоислом Шомухамедов, Жамол Камол, Миразиз Аъзам, Ориф Усмон, Олим Бўри, Эргаш Очил, Абдуллатиф Муҳаммад таржимасида Жалолиддин Румий ижодидан таржималар берилди. Нажмиддин Комилов «Маснавий»дан насрий таржима ва талқинларидан («Ўз АС». 2000 й, 11 август) парчалар тақдим этди. Жалолиддин Румий шеърляти, фалсафий қарашлари ҳақида илмий мақолалар эълон қилиниб, тадқиқот ишлари олиб бориляпти. Буларнинг барчасининг сабаби Мавлоно Жалолиддин Румий ижодининг инсонларга яшашдан мақсад нималигини англашда ҳамшиалик йўлчи юлдузлигидир.

Адҳамбек Алимбеков,  
*филология фанлари номзоди, доцент*

## МУНДАРИЖА

### Биринчи боб

<i>Ғажот</i> .....	3
омдаги бола .....	4
оразмшоҳ, уламолар ва сўфийлар .....	7
ашорат .....	14
акраш .....	17
арвон .....	20

### Иккинчи боб

<i>Ўнтиҳо ва ибтидо</i> .....	23
қшомги суҳбат .....	24
срорнома .....	30
иринчи шам .....	37
оруссалом .....	43
убоб .....	48
иринчи шамнинг охири .....	56
ойим бўлмаган жазо .....	57

### Учинчи боб

<i>Звҳар</i> .....	60
ўшин .....	61
улханлар .....	66
звҳар .....	70
ккинчи шам .....	72
«ё демак хотин?» .....	81
ақимчилик .....	89

### Тўртинчи боб

<i>Ўрғон</i> .....	93
аҳс .....	94
Ўжиза .....	98
сворлар .....	105

Ларза .....	116
Билиш ва яшаш .....	121
Синов .....	126
Қайғу садоси .....	133

### Бешинчи боб

<i>Қуёш билан учрашув</i> .....	146
Йўловчи .....	147
Маржа-аль-бахрайн .....	154
Инсони комил .....	161
Ҳижрон ва висол .....	169
Қотиллик .....	182

### Олтинчи боб

<i>Урим</i> .....	194
Дойра садоси .....	195
Сўз .....	203
Мангулик .....	216
Нашриётдан .....	226
Авлиёлар халқнинг ҳужжатиدير .....	228
Мундарижа .....	238

*Адабий-бадиий нашр*

**Фиш Радий Геннадиевич**

**Жалолиддин Румий**

**Тарихий-биографик роман «Молодая гвардия»  
нашриёти нашридав таржима қилинди.  
Москва, 1972 й.**

<i>Сўнгсўз муаллифи:</i>	доц. А.Алимбеков
<i>Муҳаррирлар:</i>	И.Зойир, У.Жўракул
<i>Мусаввир:</i>	О.Исмоилов
<i>Техник муҳаррир:</i>	Т.Смирнова
<i>Мусахҳиҳ:</i>	А.Мурод

ИБ №4284

Босишга 25.03.05 йилда рухсат этилди.  
Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub> Times гарнитураси. Офсет босма  
13,02 шартли босма табоқ. 15,0 нашр табоғи. Жами  
1000 нуска. 14-2005 рақамли шартнома. 20-рақамли буюртма.  
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг  
Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
700129, Тошкент ш., Навоий кўчаси 30

«Сано-Стандарт»  
МЧЖ босмахонасида  
чоп этилди.